

МАТЁҚУБ ҚЎШЖОНОВ

ДАГИШ

Тарихий-биографик бадиа
(1923—1941 йиллар)

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ
НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ — 1997

Қўшжошов М.

Дағиш: Тарихий-биографик бадиа (1923—1941 йиллар). — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1997.— 240б.

Эсдаликлар йўналишида ёзилган ушбу биографик асар 20—30-йиллардаги ўзбек халқининг руҳий ва маънавий дунёси, шу руҳий ва маънавий дунёдаги тўлқинлар, оҳанглар билан йўрилган. Халқимизнинг буюк қадриятлари: ота-бола муносабатлари, оиладаги ўзига хос тарбия, уй қуриш, меҳмон кутиш, тўй ўтказиш, ариқ қазиш, ерни экишга тайёрлаш каби удумларни муаллиф бир ўзбек оиласи мисолида тараннум этган. куйлаган ва сувратини чизиб берган. Асар Сиз азиз китобхонларни ўтмишимизга бўлган тасаввурингизни янада бойитади деган умиддамиз.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Ўз2

Тақризчилар: Худойберди ТЎХТАБОЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Омон МУХТОР, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.

Қ 4702620101—138 —97
М 361 (04)—97

ISBN 5—86484—048—3

© А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997 йил.

МУАЛЛИФ ДАН

Дагиш. Кўн сир бор бу сўзда.

Амударё беқарор оқадиган дарёлардан бири. У вақти-вақти билан ўзанини ўзгартириб туради. Гоҳ у томон, гоҳ бу томон. Ҳар бурилишда қанчадан-қанча экин майдонларини, қишлоқларни ямлаб ютади. Ҳатто бутун шаҳарларни ўз қаърига тортгани маълум. Шу маънода бутун воҳага ҳаёт бағишлайдиган, у ердаги аҳолини едириб-ичириб, кийинтириб, обод қиладиган дарё вақти-вақти билан одамларнинг бошига мусибат ҳам келтириб турган. Буни дагиш оқибати деб тушунади халқ.

20—30-йиллар воқеаларига бағишлаб, ёшлигим ҳақида эсдаликлар битар эканман, ҳаёт оқимини мана шу дагишга ўхшатдим. Воҳа аҳолисининг ҳаёти баъзан тинч-тотув, ўз ўзанида оққан бўлса, баъзан дагиш ясаб ўзанидан чиқиб кетар, халқ бошига мусибатлар тушарди. Ҳурматли китобхонларим ҳаётнинг шу хилдаги тинч-тотув оқимию мусибатли кунлари билан танишади.

Октябрь инқилоби Хоразм воҳасида бошқа ерларга нисбатан бир неча йил кейин рўй берди. Хоразм хонлигининг узоқ бурчаги ҳисобланган Тошҳовузда, хусусан, мен туғилиб ўсган қишлоқларда бу «бурилиш» таъсири 20-йилларнинг охирига борибгина сезила бошлаган эди. Шу сабабдан китобда инқилобга тегишли маълумотлар кам. Бу жойларда ҳали ҳаёт асрлар давомида қай тарзда давом этган бўлса, шу йўсинда давом этарди. Турмуш сокин эди. Гарчи бу даврда ички зиддиятлар, драматик-фожиавий воқеалар учраб турса ҳам. Хусусий мулкчилик тартиботи — ўз-ўзини таъмин қилиш асос эди бу давр ҳаётида. Еб-ичиш маҳсулотлари-ю, кийим-кечак анжомларини ҳам, ишлаб чиқариш

қуролларини ҳам меҳнаткаш халқ ўзи яратарди. Шу маънода шаҳар ва қишлоқларда деҳқон ва ҳунармандлар бир-бирлари билан ёндош бўлиб, бамисоли эт билан суяк эди. Уларни бир-биридан ажратиб тасаввур қилиш қийин эди.

Йигирманчи йилларнинг охирларига келиб Хоразм воҳасига Октябрь тўнтарилишининг шабадаси етиб келди. Ҳаёт оқимининг ўзани тебрана бошлади. «Двойна», «муштумзўр», «халқ душмани», «ёт унсур» деган атамалар пайдо бўлди. Шу йўсинда ҳаётда пайдо бўлган бу бурилиш — «Дағиш», асосан деҳқончилигу ҳунармандчиликдан иборат бўлган аҳолининг бир қисмини ямлаб-ютди. Манман деган ҳунар эгалари ва деҳқонлар хонавайрон қилинди. «Эл бузилди», «халқ хўрланди», «меҳр-оқибат йўқолди» деган иборалар қулоғимга кўп чалинарди ўша пайтларда.

Ниҳоят, 30-йиллар. Ҳаёт оқими бутунлай бошқа ўзанга ўтди. Косиб ўз ҳунаридан воз кечишга мажбур бўлди, деҳқон ер-сувидан ажралди, иш қуроллари эгасиз қолди. Ушанда халқ бамисоли муаллақ турган кимсанинг аҳволига тушиб қолган эди. «Бирлашиш», «мажбурий хизмат» йиллари бошланди. Шу йиллари «ҳаммага бир даричадан овқат тарқатилармиш, ҳамма бир кўрпада ётармиш, аскарлардек саф тортиб ишга борармиш, ишдан қайтармиш», деган сўзларни кўп эшитганман.

Қарийб бутун аср давомида «биз омимиз, саводсизмиз, қулмиз, гўлмиз» деб, ўзимизни ўзимиз ерга уриб келдик. Бу ҳам ҳаёт оқимининг ўзига хос ўзандан чиқиб кетиши эди. Дунёга машҳур сиймоларни етказиб берган воҳа маънавияти оёқости қилиниб, ўзига ўзини қул сифатида тан олдиришдан иборат бўлди. Ҳолбуки, Хоразм хонлигининг ўша узоқ бурчакларида инсоний урф-одатлар, маданий анъаналар, маънавият ва маърифат ўзига хос эди. Китобхону саводхонлар, масжиду мактаблар бор эди бу жойларда. Йиғилиб ибодат қилиш, гуруҳ-гуруҳ бўлиб китоб мутолаа қилиш, ҳар хил мавзуларда мусоҳаба юритишларнинг гувоҳи бўлганман болалик чоғларимда. «Рустами дoston», «Қиссасил анбиё» ва Сўфи Оллоёр, Аҳмад Яссавий, Машраб китобларини ҳар бир хонадонда кўриш мумкин эди.

Дағиш — ҳаёт оқимининг ўзанидан чиқиб кетиши маънавиятнинг бу жиҳатларига ҳам катта зарба берди. Одамлар ибодатдан узоқлашди. Китоблар ёқилди, сув-

га оқизилди, кўмилди. Ҳақиқий омилик даври бошланди.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, серқуёш ўзбек элида ҳақиқий ҳуррият шабадаси эсиб, истиқлол неъматидан баҳраманд бўлди. Ўзбекистон мустақилликнинг олтинчи йилига қадам қўйди. Унинг ҳар бир қадами қутлуғ. Ушбу китобнинг дунёга келишини ҳам шу истиқлол шарофатидан деб биламан.

Кейинги йилларда кўзларим нури хиралашиб, ёзиш-чизишда бир оз қийналиб қолдим. Шу боис бу эсдаликларни ёзиб, сиз азиз китобхонларга манзур қилишда жияним Аминбой Давлатовнинг хизмати катта бўлди. Мен унга чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

I. «БИКА ТҮН ТУҚИР...»

Айтишларига қараганда бола онани туғилганидан икки-уч ҳафтадан кейин таний бошлармиш. Бунга чақалоқ ҳис қилган она ҳиди, қўлга олиш, йўргакларга солишдаги она ҳаракатлари ва бу ишлардаги ўзига хосликлар асос бўлса керак. Икки-уч ёшларга борганда эса у фақат онани эмас, балки атрофдагиларни ҳам англай бошлаши табиийдир.

Аксарият ҳолларда опам уй ишлари билан банд бўлгани учун мен ёши анчага бориб қолган энам (бувим) тарбиясида бўлганман. У менинг ғамхўрим, қўриқчим ҳисобланарди. Шу сабабдан дунёни таний бошлаган биринчи воқеаларим ҳам кўпроқ энам билан боғлиқдир.

Мен икки-уч ёшларимда бўлса керак, ўйнаб юрган пайтларимда ҳар зумда чопиб келиб энамдан ширинлик талаб қилаверардим. Бир гал энам ҳийла ишлатди. Буни мен кейинчалик билиб олдим. Чўнтагида сақлаб юрган конфетни катта ва кенг айвон бурчагидаги қўл тегирмон тагида тухум қилиш учун жойлашиб олган товуқнинг олдига бориб:

— Мана, бошқа сўрама, буни товуқ туғибди, энди бошқа туғмайди, — деди.

Шу-шу тегирмон тагига келиб бирор товуқ ётиб олса, мен хурсанд бўлардим. Бир кун воқақ-воқақ қилиб жойидан отилиб чиқиб кетган товуқнинг ўрнида конфет эмас, балки тухум кўриб кўп хафа бўлганман. Энам эса мени тинчлантирмоқчи бўлиб:

— Бу гал тухум қилибди, эндиги гал конфет туғади, деганларида бу гапга ишониб, ўйнашга чопиб кетганим эсимда.

Бундан кейин товуқнинг конфет «туғиши»ни кутар эдим. Бордию товуқ тегирмон тагида ётган бўлса, энамни унинг тагидан конфет олиб беришга қисталанг қилар эдим. Бугун ўйласам, энамни биринчи гал онгли

равишда танишим товуқ «туғиб» берадиган ўша конфетга боғлиқ кўринади.

Энамни биринчи гал англашимда бошқа бир воқеанинг ҳиссаси бор: қариндошлардан бири босқинчилик кучайган пайтлари шаҳарга — Тошҳовузга бориб туриб қолган экан. Ундан бир қиз қолиб, уни биз Турсун амма дердик. Ҳар хил сабаблар билан энам Турсун аммамларникига бориб турар эди. У ерга бориб туриш менга ҳам ёқар эди. Шаҳарнинг доим супурилиб-сидирилиб тоза сақланган тор кўчалари, унда одамларнинг у ёқ-бу ёққа ўтишлари, уйларнинг бир-бирига туташ қурилганлиги менга қизиқ кўринарди. Ундан ҳам кўпроқ ёқадигани Турсун амманинг ҳар гал «айлангайман шу боламдан», деб суюниб қарши олишлари, қандқурс бериб эркалаб бағрига босишлари эди.

Бир гал борганимиз ёзнинг жазирама иссиқ кунлари эди. Энам билан иккаламиз шаҳарга йўл олдик. Қишлоғимиздан шаҳаргача тахминан саккиз чақиримча йўл. Энам мени гоҳ опичлаб орқасига олар, гоҳ етаклаб, менинг ижирғанишларимга чидаб қадам ташлашимга мажбур қилар эди. Шаҳар билан қишлоқ орасидаги йўл Қирқ ёп деган эски ариқ қолдиқларини кесиб ўтарди. Элакчилар деган жойга келганда энам «чарчадим, ўзинг юрсанг бўлмайдими», деб койина-койина орқасидан туширди. Бироқ мен ўзим юришга кўнавермадим. Мен кўнмаганимдан Ҳалланг ёп деган ариқ бўйида ўтириб дам олишга қарор қилди. Аччиқланишсифат кўзларини менга тикиб:

— Бурмак! — деб қўйди.

Болаларга нисбатан эркалаш оҳангидаги бу танбеҳ ҳануз эсимда.

Кўл ўртасидаги йўл билан шаҳарга кириб бордик. Аслида бу кўл эмас эди. Тошҳовузнинг бир томони Шоввот ёп, қолган уч томони қалъа қурилиши учун лой олинган хандақлардан иборат бўлиб, улар кўл шаклига келиб қолган эди. Бунини мен кейинчалик билиб олдим.

У пайтларда бутун шаҳар девор билан ўралган бўларди. Уни Хакра деб аташарди. Хакра тахминан икки қават уйнинг баландлигича бўлиб, қалин, усти кенг, арава юраверса ҳам бўлгулик эди. Хакранинг ташқи қирғоғи кесик-кесиклардан иборат бўлиб, атрофдан келадиган душманни кузатишга ва ўқ отишга мўлжалланган эди.

Қалъа тўртбурчак шаклида, ҳар томони тахминан

бир чақирим келади. Тўрт томонда тўрт дарвоза. Тошҳовуз қалъаси ҳақида ҳар хил ривоятлар ҳам юрарди эл орасида.

У вақтларда «шаҳар» атамаси ишлатилмас, кенг ишлатиладиган сўз «қалъа» эди. Ҳатто Тошҳовуз сўзи ҳам кам ишлатиларди. Катталар тилида «қалъага кўчиб борган йилимиз», «қалъада қамалда турган пайтларимиз» деган гапларни кўп эшитганман. Демак, эл орасида босқинчилик, талончилик кўп бўлган. Бундай воқеалар авжига чиққан пайтда одамлар қалъага йиғилиб, унинг ичида жон сақлаганлар.

Биз энам билан ғарб, яъни қишлоғимиз томондаги дарвозадан кириб бордик.

Турсун аммамларниқига бу гал келганимизда яйраб-ёзилиб ўинадим. Гоҳ кўчага чопиб чиқиб, ўтган-кетганларни, гоҳ ичкарига кириб, бизнинг уйдан фарқ қиладиган ашёларни томоша қилардим. Аммамларнинг уйлари тоза супуриб-сидирилгани, саранжом ва саришталиги ёқарди менга.

Энам Турсун аммам ва бир неча қўшни хотинлар билан қўшилишиб суҳбатлашар ва биргаликда нималарнидир тикишарди. Одатда тўй олдидан шу хилдаги ишлар қилинарди. Эҳтимол, Турсун аммамларниқида ҳам бирор маросимга тайёргарлик кўрилаётгандир. Хотинларнинг бу хилдаги биргалашиб кўрпа-тўшак тикишларини «имма» деб аташарди.

Улар ҳар томонга эшиклар қўйилган айвон деб аталмиш катта уйда ўтириб имма қилишарди. Айвон томининг бир бурчагида катта туйнук бўлиб, у жойда доим қумрилар бир хил оҳангда сайраб тургувчи эди. Энамнинг олдига келиб, «улар нима деяпти» деб сўраган бўлсам керак, у:

Бика тўн тўқир,
Мирза қўй кетир,

деб ашула айтишяпти дерди.

Энди ўйлаб кўрсам ҳақиқатан оҳанг шу сўзларнинг ифодасини эслатар эди. Бу сўзларда маъно ҳам бор экан. Биканинг вазифаси у вақтларда кўпроқ тўн, кийим-кечак тикиш, кўрпа-ёстиқ қавиш, бола тарбиялаш, мирза, яъни эркакларнинг вазифаси онлани моддий жиҳатдан таъмин қилиш экан. Ҳанузгача мусичанинг сайрашини эшитсам, энам айтган ўша маънодор байт

бейхтиёр эсимга тушади ва беташвиш бахтли болалигимдан дарак бериб туради.

Шаҳарга бу галги боришимиз энамни аниқроқ англаб олишимга асос бўлган эди.

* * *

Хоразм воҳасида ойи деган сўз йўқ. Кўп жойларда опа дейишади. Оплада бир онадан туғилган қиз бўлса, унинг отини айтиб, фалончи опа деб чақирадилар. Мен ҳам ойимни опа дер эдим.

Опамга тегишли илк бир воқеа эсимда.

Бир гал эшик олдида кимлар биландир ўйнаб юрган бўлсам керак, оч қолганимни ҳис қилиб чопиб ичкарига кирдим. Опам ҳеч қандай қаршиликсиз кўкрагини тутди. Мен интиқлик билан кўкракни оғзимга олдим. Олдим, аччиқ нарса оғзимни оловлантирганганини сездим. Йиғлаган бўлсам ҳам ажаб эмас. Шундан кейин мен опамдан кўкрак сўрашни йиғиштирдим. Укам Отамурод катта бўлиб, эмизикдан ажратиш пайти келганда сир нимада экани маълум бўлди. Опам укамни эмизикдан айириш учун кўкрагига қалампир суртиб олганди. Демак, опам мени ҳам худди шу йўл билан эмизикдан ажратган экан. Бу воқеани опамни англаш йўлидаги биринчи муҳим ҳодиса ҳисоблайман.

Тахминан тўрт-беш ёшларимда рўй берган бошқа бир воқеа ҳам борки, опамни англашда муҳим сабаблардан бири бўлди. Бу ҳам худди ўша пайтларда рўй берган бўлиши керак. Бир кун опам кечга қараб, товук сўйдириб, қайнатма шўрва пиширди. Қозон-ўчоқ бурчакдаги қўл тегирмон олдида жойлашган бўлиб, айвоннинг иккинчи томонида акам, яна қандайдир меҳмонлар отам бошчилигида давра қуриб овқатнинг келишини кутиб ўтиришарди. Одатда овқат ёғочдан ясалган карсанга сузилар, шўрва бўлса унга нон ёки патир тўғрашар эди. Гўшт эса алоҳида бир идишга солиниб ўртага қўйиларди. Отам гўштни гашт билан нонли шўрва устига тўғрарди. У бу вазифани адо этгач, «бисмиллаҳир роҳманир роҳим-м» деб карсанга қўл чўзарди. Биз ҳам бу муқаддас калимани такрорлаб, овқатнинг ҳурматини бажо келтирган бўлардик-да, карсанга қўл чўзардик.

Одатдагидек овқат сузаётган опамга тошчиरोқ тутиб ёрдамлашиб турдим. У қозондан товук гўштини олиб, кичкина товоқчага солаётган эди. Нимагадир чалғидим.

шекилли, қўлимдаги тошчироқни гўшт солинган товоққа ағдариб юбордим. Гўшт чироқнинг пилик қурумлари ва мойи билан булғанди. Қўрқиб, нима қиларимни билмадим. Қаловланиб бир опамга, бир отам ўтирган даврага қарардим. Қаттиқ танбеҳ кутардим. Не ажабки, опам:

— Вой, боломай, нишетиб қўйдинг? — деди-да, гўштли товоқни бир чеккага суриб қўйди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек шўрвага нонни тўғраб отамларнинг олдига обориб қўйди. Бу воқеани кўриб турган отам ҳам менга бирор танбеҳ бермади. Фақат шуни сездимки, унинг юз-кўзлари хиёл жиддийлашди ва одатдагидек «бисмиллаҳир роҳманир роҳим-м», деб овқатга қўл узатди.

Бу воқеадан шу қадар изза бўлдимки, опамнинг «вой, боломай»идан ва отамнинг жиддийлашувидан кўра бирор қаттиқроқ танбеҳ олганим афзал кўринди ўшанда.

Опамнинг иш буюриб бошқаларни безовта қилавермасдан кўпроқ ўзи елиб-югуришлари, томдан ўтти — оқбошми, янтоқми тушириб ўчоққа ўт ёқишлари; оёқларини тик букиб ўтирган ҳолда идиш-товоқларни ишга солишлари, овқат ейилгандан кейин ўчоққа яна ўт ёқиб, сув иситиб, идиш-товоқларни дастмоллаб ювишлари; бирпас ҳам дам олмасдан сигир соғиб, унга ўт, сув, ем беришлари доим кўз олдимда. Уша пайтларда бу ишларни бошқа одам эмас, фақат опам бажариши шартдек кўринган, менинг кўзимга.

Болани ҳам иш пайтида туққан она эди у. Ҳали шу бугунгача қариндош-уруғлар орасида менинг туғилганим ҳақида гап кетса, сайнхонада туғилгансан, деб кулишади. Олдинлари ҳазил деб юрсам бу рост гап экан. Опам тонгда туриб ярим чақиримлик масофадаги еримиздан беда ўриб келиб, от охурига ағдараётган пайтда туғилган эканман. Кейинчалик бу гапларга ишондим. Шу кунларда ҳам менинг таваллудим ҳақида гап кетганда «отхонада туғилгансан» деб қўйишади ёши катта қариндошларим.

Отам билан бирга бошдан кечирган баъзи воқеалар борки, улар падарим ҳақидаги илк таассуротлар сифатида ҳанузгача эсимда юради.

Икки ўрқачли туямиз бўларди. Отаназар деган жойда яримчи (ижарачи) сифатида экиб, тенг ярим ҳосилни ўзимизга, қолган ярмини ер эгасига бериш шартки билан эгалик қиладиган беш танобча еримиз бор эди.

Ёр уйнимиздан тўрт-беш чақирим масофада бўлиб, унга баъзан аравада, баъзан от ёки туяда қатнар эдик. Баҳайбат туянинг устида баландликда ўтиришдан ташқари ҳар қадам ташлаганда олға сирпаниб, иккинчи қадамида орқага қайтишлар нимагадир менга ёқар эди.

Бир гал отамнинг орқасига ёпишиб туяда дала еришга йўл олдик. Йўлда далага кетаётган қорамоллар подасини оралаб ўтишга тўғри келди. Чамамда, туя бурилиб кетган бўлса керак, шу пайтда нимагадир чалғиб, туядан сирғаниб ерга тушибман. Молларнинг тўс-тўполонида отам менинг тушиб қолганимни сезмабди. Бақириб-чақирган, ёхуд йиғлаган бўлсам ҳам ола-говурда овозимни эшитмаган бўлса керак. Бир маҳал менинг йўқлигимни сезиб туянинг устидан дарров сирғалиб тушиб чопиб олдимга келди. Мен эса ҳеч нарса бўлмагандек моллар орасида юрган эканман. Отамнинг чопиб келиб менинг қўлимдан тутиб олгани, бирор кор-ҳол бўлмади деб уст-бошимни қоққан бўлиб, қўл-оёқларимни бир-бир ушлаб кўргани эсимда. Ўшанда отамнинг соғомонлигимни билиб хурсанд бўлганидан шундай деганини эслайман:

— Туя эгамни жунимдан юмшоқ жойга, эшак эса туёғимдан қаттиқ ерга йиқаман деркан, эшакдан йиқилсанг кўрардим, — деб отам мени туя томон етаклади.

Дарҳақиқат, болалик ва тажрибасизликдан эшакдан йиқилиб, азобланган, баъзан обдан нафасим ичимга тушиб кетган пайтларим кўп бўлган. Шу сабабдан отамнинг бу гаплари туяга нисбатан қандайдир муҳаббат уйғотди ва туя билан эшак орасидаги фарққа тегишли бу гап ҳанузгача миямда ўчмас тамга бўлиб юради.

Отамни англашимдаги воқеалар кейинчалик яна ҳам аниқроқ эсимда қоладиган бўлди. Мен ҳали гўдак вақтимда оиламиз бошига бир мусибат тушган экан. Отамнинг оғзидан бирор марта эшитмаган бўлсам ҳам, опам бу мусибатни умрининг охиригача эслаган эди.

Биз бир ота-онадан уч ўғил бўлиб, шукрлар бўлсинки, ҳанузгача учаламиз ҳам омон-эсонмиз. Каттамиз — Бекжон, кичигимиз — Отамурод.

Акам Бекжон билан менинг оралиғимизда ўғил кўришган эканлар. Унинг исми Отабой бўлиб, етти-саккиз ёшларга борганда хўразак касалига чалиниб нобуд бўлган экан. Опам уни таърифлаб:

— Бирам бўлғир бола эди, бирам бўлғир бола эди-

ки, юрганда гурс-гурс қадам ташлар, катталарнинг салобати бор эди унда, ақл-ҳуши ҳам шунга яраша, худо ёрлиқолган бола эди, уни ҳеч ким ёш бола демасди. Кўзикди. Ёмон кўз отди уни, — деб куйинар эди ҳар гал эслаганда. У ҳақда гап борганда хўрсинар ва «худо умр бермади, кўп кўрди», деб нолирди. — Отабойим ўлгач, отанг юрагини олдириб қўйди, шу сабабдан сен эрка ўсдинг, отанг кўпроқ сени дейдиган бўлди, сени ардоқлади, урмади, сўкмади. Ёшлигингдан бирга олиб юрадиган бўлди.

Бу пайтларда Бекжон акам йигитликка қадам қўйиб, отамга ёрдамчи бўлиб қолган эди. Ер ҳайдар, тўкин тўкар, ўтин-чўпга қарашарди. Хусусан от-аравага ишқибоз эди у. Укам Отамурод эса ҳали хийла ёш эди. Демак, отам Бекжон акамни етилган ҳисоблаб, мени ҳам тез орада ўзига ёрдамчи бўлади, деб катта умид билан қараган бўлса керак.

Шу сабабларга кўра мен оилада кўп ҳам дакки емасдан ўсдим, анча эркин эдим. Нима сўрасам, нима талаб қилсам муҳайё, бирор ишга қўл урсам қаршиликка учрайвермасдим.

II. ҲАЙИТ САЙЛИ

Отам, опам ва акаларим билан ўрам-ўрам хўжаликларни бир-бирларига боғлайдиган ўрта йўлдан қишлоғимизнинг адоғидаги масжид томон кетяпмиз. Бутун қишлоқ аҳли йўлда... Ҳаммада байрамона кайфият, ясаниб-тусанишган, қизлар ўзларига алоҳида зеб беришган, бисотларидаги бор янги кийимларини кийишган. Устларида дўнда мунсақлар, бошларида ҳилпираган матри рўмоллар, оёқларида ихчам маҳси ва шунга лойиқ чарм калишлар. Келинлар эса гулдор рўмолларини бошларига ташлаб олишган, қўлларида Хоразм заргарларининг маҳорати билан яратилган ёқут кўзли билакузук, кўкраклари узра тахминан бола кафтидек келадиган нақшиндор кумуш парча, унинг атрофига бир хил кўринишдаги майда тилларанг тақинчоқлар терилган, олд тепасига нафис укки пари тож қилиб қадалган доирасифат тахиялари атрофига ҳам шу хилдаги безаклар тақилган. Бу безаклар Хоразмда «тузув» деб аталарди. Тузув келинчакларнинг чиройларига чирой қўшар, ҳаракатларига сирли мусиқий оҳанг бағишларди. Баъзи келинчакларнинг бурунларида ҳалқаси-

фат нафис тилла тақинчоқ кўзга ташланарди. Уни «аварак» деб аташарди. Бу ҳам келинчақларнинг ҳуснига ҳусн қўшарди.

Отам ва опамлар ҳам бисотида бор янги кийимларини кийиб ясаниб олишган. Отамнинг эғнида янги тикилган дўнма тўн, оҳори тўкилмаган белбоғ, бошида силкима телпак; опамнинг устида ҳам сандиқ тахтидан олинган ипак мунсак, бошида майин ипак рўмол.

Ҳамманинг чеҳраси очиқ, енгил ҳазил-мутойибалар...

Мен ҳам байрамона кийиниб олганман. Оёғимда яқиндагина отам олиб берган оқ-сарик жажжи жўкки этик. Унинг пошнаси баланд. Отам уста Рўзматга олиб бориб, пошнасига нағал ҳам қоқтириб келган. Шу сабабдан юриш қийин, тумшуғи қирғийнинг чундугига ўхшаб юқори қайрилган ва ўша жойдан янги чиққан барғни эслатадиган чарм бурамаси чўнқайиб турибди.

Бу хилдаги этикни биринчи марта кийганим учун йўл боса туриб, гоҳ олдин кетиб, гоҳ орқада қолиб ўйинқароқлик қилсам ҳам икки кўзим этигимда. Этигимга қараётганмикин деб бошқаларга ҳам ўғринча қараб қўяман. Баъзи тенгдошларимнинг эътибор бермаганини сезиб, кўнглим чўкади.

Бошимда янги тикилган бахмал тахия. Тўнни яқиндагина опам тикиб берган. Тахияни эса бозордан обкелишган.

Биз ҳайитга боряпмиз. Ҳайит бўлишини уйда, қўни-қўшнилар билан бўлган гап-сўзлардан ва унга кўрилатган тараддудлардан билиб олганман. Отам арқонларни бақувват эшиб долоннинг баланд болорига боғлаб ҳанкирчак — арғимчоқ ҳам қуриб берган. Отам қурбонлиққа деб махсус қўй ҳам боқиб қўйган.

Табиий, йўл мол-ҳол ва аравалар қатнайверганидан тўбиққа келадиган тўпир бўларди. Бироқ бугун ҳамма ўзига тегишли қисмга сув сепиб, атрофларни супуриб-сидирган. Шу сабабдан йўлларда ҳам байрамона зийнат сезилиб турарди.

Қишлоқ йўлининг яримларига келганимизда масжид учагидан туриб ҳайит намозига чақирик эшитилди:

— Мўмин-ла-ар ва-ақти-и намо-о-оз! ..

Масжидга етиб борганимизда у ерда тумонат одам йиғилган эди.

Масжиднинг олд томони одатдагидек баланд ёпилган айвон—намоз ўқиладиган жой ҳисобланарди. Қатталар, жумладан, отам ҳам саф тортиб намозга турдилар.

— Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар!..

Намоздан кейин ўтганларни зиёрат қилиш маросими бошланди. Масжиднинг ён томонидаги қабристонга ўтиб, ҳар ким ўз аجدодларини топиб қуръон тиловат қилишди. Отам Уроз бобомнинг қабри олдида чўккалаб узундан-узоқ қуръон тиловат қилди. Отам билан баробар мен ҳам юзимга фотиҳа тортдим. Кейин отам қабрининг бирор жойи бузилиб-тешилмаганмикан деган маънода унинг атрофини айланиб кўрди.

Кўп ўтмасдан сайил бошланди. Ҳайит намози ўқилган ердан узоқ бўлмаган жойда сайил майдончаси бор. Одатда ўтган аجدодларининг зиёратидан кейин одамлар шу сайилга йиғилишарди. Бу гап ҳам шундай бўлди. Биз болалар учун ҳайитнинг энг қизиқ жойи ҳам шу эди. Ёш-яланглар, аёлу қизлар уюм-уюм бўлиб, сайилни жонлантираётган ўз қишлоғимиздан чиққан ва бошқа жойлардан келган ўйинчилар, қизиқчилар, масхарабозларнинг ҳунарларини томоша қилардик.

Бир маҳал «Холли ака, Холли ака, чиқинг, чиқинг» дейишиб, элотларимиздан бирини даврага тортишди.

Созандалар Хива лазгисини бошлаб юборишди. Холли сартарош ўйинга тушди. У шундай ўйнар эдики, гўё ўттиз икки мучаси баробарига ҳаракатга келгандек бўларди.

Холли сартарошдан кейин яна бировни даврага тортишди. Бу ўзимизнинг қўшнимиз Эшим сариқ эди. У бирпасда бош кийимларини — тўн ва кўйлаklarини ечиб ташлаб, соз янграшини кутди. «Епсинбой, епсинбой» деган овозлар эшитилди давра атрофидан. Эшим сариқ бир қўлини иккинчи қўлтиғига солиб, кулги уйготадиган ҳаракатга келтирарди. Тиззаларини хийлбукиб, юзини ҳар хил номада ўзгартириб, ер тепиб ўйинга тушди.

Епсинбой, епсинбой,
Епсинбойнинг қаноти бор,
Қанотининг тагида қуввати бор.

Арава ва аравачаларда келган ширинлик сотувчилар саф тортиб турардилар. Савдо ҳам қизғин эди. Табний, у вақтларда ширинлик кам бўлганидан қиммат турарди. Ушанда отам чўнтаklarини ковлай-ковлай қанчаям шойими (беш тийинлик) тангами чиқариб бўёқдор попуклари ўздан ўн баробар катта, бармоқ

ҳажмидаги иккита конфетни олиб менга чўзди ва хиёл жилмайиб:

— Бирини бугун, иккинчисини эртага ейсан, — деди.

Менинг тасаввуримда сайил қай даражада қизиқарли бўлмасин, чўзилиб кетгандек кўринарди. Чунки билар эдимки, бундан кейин ҳам яна қизиқарлироқ маросимлар турарди олдимизда. Одамлар саф-саф бўлиб қариндош-уруғлариникига кириб чиқишарди. Одатда қурбон ҳайити кунларида ҳар бир оилада қурбон ҳайит қормаси — сергўшт ва серёғ қилиб пиширилган шовла тайёрланарди. Бир лаҳза бўлса ҳам қариндошлариникига кириб, ўша қормадан татиб, қуръон тиловат қилиб ўтиш лозим ҳисобланарди.

Мен сайилдан кейин опамларга қўшилдим. Улар ҳам яқин қариндошлариникига бир-бир кириб, ҳайит билан қутлаб ўтишарди. Ҳар бир уйга кирганда мени кўпроқ ҳанкирчаклар қизиқтирарди. Бироқ ўзимдан катта болалар унга мени яқинлаштиравермаганидан хафа бўлардим.

Ниҳоят қишлоғимизнинг бош баққоли бўлмиш Дўсчон бобомлариникига, яъни мени жуда яхши кўрадиган Ойим аммамлариникига етиб келдик.

Ойим аммам мени минг айланиб, ўргилиб кутиб олди. Юмшоқ ва ҳароратли бағрига босди. «Ҳайитинг қутлуғ бўлсин, умринг узоқ бўлсин, кўп-кўп ҳайитларни кўр», деб олқишлади.

Дўсчон бобом ўрта бўйли, тим қора чўққисоқол ва чиройли мўйлов қўйган нуроний одам эди. У хушмуомалаликда бошқалардан кескин ажралиб турарди. Унинг ўғли бўлмаганиданми ё аммамга кўрсатган ҳурматиданми мени жуда ёқтирар эди. Шу сабабдан бўлса керак мен бу ерга ийманмасдан кириб боравардим.

Дўсчон бобомларнинг эшик олди бостирмаси жуда кенг бўлиб, бу ерда қўни-қўшниларни жалб қиладиган воқеалар кўп бўлиб турарди.

Бугун ҳам шундай бўлди. Қўни-қўшнилар йиғилган кенг давра. Унда ихчам кийинган, ўрта бўйли бир йигит уч-тўрт ойлик чақалоқча келадиган серҳаракат маймунни елкасига ўтқазиб қўйибди. Мўлжалдаги одамлар йиғилгандан кейин у маймунчани ўртага қўйиб юборди. Маймунча унинг ҳамма буйруқларини бажо келтириб ҳаракатга тушди. У кўпроқ болалардан иборат бўлган томошабинлар томон интиларди. Кузатув-

чилар дув этиб орқага сарпилар, маймунча орқага қайтгач, яна ўринларини эгаллардилар.

Маймунчанинг иккита ҳунари ҳали ҳам яхши эсимда. Бозингар йигит хуржундан кичкина телпакчани олиб маймунчага кийгизди:

— Қаний, оғаларингга бир бува бўлиб гўрсат, — деган эди ҳамки, маймунча белларини букчайтириб лапанглаб даврани бир айланди. Бутун давра хахолаб кулиб юборди. Ундан кейин хуржундан кичкина ҳасачани олиб қўлига тутқазди, бошига лачак кийдирди:

— Энди оғаларингга кампир бўлиб бар, — деди. Маймунча бир қўлини орқасига олиб, бир қўлида ҳасача, даврани яна бир айланди.

Ўйин тамом бўлгач, бозингарга ким бир танга, кимдир икки танга, яна биров бир ёки ярим зоғома дондун чиқариб беришди. У ҳадяларни йиғиб олиб, файтунига ўтириб жўнаб кетди.

Дўсчон бобомларникида бу гал ҳам одам гавжум эди. Одамлар унинг олдига кўпроқ қанд-қурс ва чой олишга келишарди. Дўсчон бобом митти тарозисининг бир палласига тош қўйиб, иккинчи палласига олувчи сўраган нарсасини солиб ўлчарди ва шилдироқ қоғозга эпчиллик билан ўраб қўлига тутқазарди.

Бобом ҳар галгидек бугун ҳам мени ҳайитликдан қуруқ қолдирмади. У олдинига битта-иккита конфет билан мени мукофотлади. Кетадиган пайтимизда эса ялтироқ қоғозларга ўралган оғиргина бир нарсани қўлимга тутқазди ва очиқ чеҳра билан:

— Ма, буни энангга берасан, уйга боргунча очма, очсанг учиб кетади, — деди.

Мен бу гапларга ишониб, қўлимдаги ўрамни маҳкам ушлаб, энамга етказдим. Энам кўзимнинг олдида ўрамни шитирлатиб оча бошлади. Ўрамдаги нарсани учиб кетишидан хавфсираб турардим. Очдим. Энамнинг қўлида нотекис бўлакчаларнинг бирикмасидан иборат тилларанг бир нарса пайдо бўлди. Энам хурсандчилигини ичига сиғдира олмасдан:

— Болагинам шунча новвот бериб юборибди, — деди.

Новвот ширинликнинг энг яхши хилларидан бири эканлиги ҳақида менда тушунча бор эди. Новвотга қараб кўзларим мўлтираган бўлса керак, энам озгин, ноziқ бармоқлари билан ундан бир бўлак синдириб менга берди. Бу мен учун отам ва Дўсчон бобом ҳадя қилган конфетлардан кейин, навбатдаги ҳайитлик эди.

Кўп ўтмасдан менинг болалик кечинмаларимни ларзага солган бир воқеа рўй берди. Кунларнинг бирида опам Дўсчон буванг қаттиқ ётиб қолибди, деган хабарни билдирди. Опамга эргашиб Дўсчон бобомларникига бордим. Катта айвоннинг ўртасида Дўсчон бобом кўрпа-ёстиқ қилиб чўзилиб ётар, тўхтамасдан инграр, аҳён-аҳёнда баланд овоз чиқарарди. Юзларидан тирқираб тер чиқар, баъзан «сув-сув» деб инграрди. Атрофда ўтирганлар унга дарров тарвуз сувини беришарди. Тарвуз шарбатини ичиб хиёл тинчир эди-да, яна қаттиқ безовталанар, оҳ-уҳлари кучаяр ва нотабийий овоз ҳам чиқарарди.

Дўсчон бобомнинг касали узоққа бормади. Чамамда икки кундан кейин унинг дафн маросими бўлди. Унинг менга хуш ёқадиган сўзларни айтиб эркалашлари, ҳар борганимда катта сандиғини очиб ширинлик берганлари, узоқ вақтлар эсимда юрди.

Кечқурунга қараб отам уйга кириб келди. Энамга ҳисобот бергандай бўлиб:

— Отамни зиёрат қилдим. Ҳамма қариндош-уруғларни кўриб чиқдим, — деди.

Кеч кирди. Мен ҳайитнинг эртанги кунини қандай ўтказишни ўйлаб, ётиб уйқуга кетдим.

III. ОТАМНИНГ КЎЗ ҚИРИ

Бора-бора одамлар ҳақидаги менинг тасаввурим кенгая борди. Фақат ўз оиламиз, яқин қариндош-уруғларнигина эмас, балки отамнинг узоқ-яқин тенгдошлари, у муомалада бўладиган яқинларини ҳам танийдиган, англайдиган бўлдим. Дунё бир оз кенгайгандек бўлди, менинг тасаввуримда.

Қишлоғимиз жанубида Мийрли (меҳрли сўзидан олинган бўлса керак) деб аталадиган туркман қишлоғи бор эди. Бу қишлоқда отамнинг яқин дўсти бўларди. Унинг оти Ота бўлиб, ақсарият пайтларда Отака дердилар. Эҳтимол унинг тўла исми Отажондир, ё Отабекдир. Бироқ бизнинг оиламизда уни шунчаки Отака, ўзи йўқ пайтларда Отакал деб ҳам аташарди. У бизникига тез-тез келиб турар, баъзан у отамнинг ишчи кучи кўпроқ зарур бўлган ишларига кўмаклашар, отам ҳам назаримда бу жиҳатдан қарздор бўлиб қолмасди.

Суҳбатда отам туркманча, Отака ўзбекча гаплашишга ҳаракат қилишар, уларнинг бу суҳбатлари менга

Ўта қизиқарли эди. Бундан ташқари Отака менга жуда илиқ муносабат билдирар, эркалатарди. Энди эсимни таний бошлаган пайтларимда унинг муносабати яна бошқачароқ эди. Баъзан қўлтиғимдан тутиб, юқорига отиб илиб оларди. Бундай ҳолларда ўзимни осмонда учиб юргандек ҳис қилардим. Назаримда Отакага ҳам кикирлаб кулиб ҳавода парвоз қилишларим ёқиб тушарди. Ўзим ота бўлиб, болаларимни юқорига отиб илиб олган пайтларимда ўша меҳрибон Отака эсимга тушарди.

Бир гал Отака бир неча ўртоқлари билан меҳмон бўлиб келишди. Меҳмондорчилик қуюқ бўлди. Опам Хоразм воҳасининг энг тансиқ овқати — юмурта барак пишириш билан банд эди.

Меҳмонлар энг файзли жой -- тортма ва чигир ўқ деб аталадиган ёп бўйдаги дарахтлар тагидаги баланд супада давра қуриб узоқ суҳбатлашишди, чой ичишди. Отамнинг ёнидан силжимадим. Меҳмонларнинг баъзан англаб бўлмадиган гапларини тингладим.

Меҳмонлар орасида «Ленин», «Большевой» деган сўзлар такрор-такрор тилга олинди. Гапчилроқ бир меҳмоннинг «Ленин ўз одамлари билан Амударёдан қайиқларда ўтибди ва Хива хонини йиқитибди, у бойларни ёмон кўрармиш, бойларнинг мол-мулкларини камбағалларга берармиш», деган гаплари қулоғимга чалинарди. Табиий, мен бу гапларга тушуниб етавермасдим. Хусусан, қариялар тилида доим зикр қилинадиган ва номига сиғинадиган Хива хонининг йиқилиши мен учун тушуниб бўлмайдиган бир ҳодиса эди. У қандай йиқилади, нега йиқилиши керак, мен буни ҳеч ҳам тасаввур қилолмасдим. Бой ким, камбағал ким, булар ҳам мен учун қоронғи эди. Бу хилдаги мураккаб гаплар мени зериктирарди.

Анча вақтдан кейин қўлларга сув қуйилди, бир оз ўтиб юмурта барак келди. Барак одатдагидек қирғоқлари ичкари томон қайрилган катта ёғоч товоқ — карсанда эди. Карсан атрофида беш-олтита одам бемалол жойлашаверарди. Отам менинг катталар олдидан туриб кетишимга бирор ишора қилмади. Карсандан овқат олиб ейдиганлардан бири бўлиб қолдим.

Хоразм воҳасида меҳмон олдига овқат келганда, «олинг-олинг» деган манзиратлар бўлмайди, дейишади. Бу ерда фақат «олинг-олинг»ни бўлар-бўлмасга айтишавермайди. Аниқ эсимда, ўшанда олинг-олинглар айтилиб, карсанга баробарига қўл чўзишарди. Менинг

болалик тасаввурим ҳар олинг-олинг деганда, албатта, битта барак олиш керак бўлган, чамамда. Ҳамма қўл чўзганда мен ҳам қўл чўзардим. Табиий, катталар бола кафтидан каттароқ келадиган баракни икки тишлаб, бир ямлаб ютиб юборишади. Мен эса еб улгурмасдим. Бир «олинг» дейишганда битта баракни еб улгурмасдан туриб, иккинчи марта «олинг» бўлиб қолди шекилли, қўлимдаги ярим баракни чап қўлимга олиб карсанга яна ҳамма қатори қўл чўздим. Янги олган барагимни чап қўлимдаги билан алмаштириб, ўша ярминни сярдим. Шу тобда яна «олинг-олинг» бўлди. Мен ҳали биринчи барагимни еб улгурганимча йўқ эди. Энди нима қилиш керак? Бир қарорга келган бўлсам керак, қўлимдаги бутун баракни чап қўлимга олиб, кейингисини карсан лабига чиқариб қўйдим...

Меҳмонлар бу ҳолни кўриб кўрмаганга солишдим, ё мени уялтирмаслик учунми уларнинг бу ҳаракатимга эътиборини сезмадим. Фақат отам кўз қири билан қўлимдаги баракка бир назар ташлаб қўйди. Англадимки, менинг бу ҳаракатимда нимадир бор. Секин қўлимни чўздим-да, чеккага чиқариб қўйган барагимни карсан ичига тушириб юбордим. Отамнинг юз-кўзларида бу ишимни маъқуллаш аломатларини сездим.

Кейинчалик отам бу воқеани гапириб берган бўлса керак, опам ва акамлар устимдан обдан кулишди, изза қилишди. Бу воқеани мендан катталар ҳозир ҳам эслаб туришади. Табиий, бу воқеа отамни ва ўзимни англашимда янги босқич бўлди.

Овқатдан кейин анча вақт чойхўрлик бўлди. Суҳбат мавзуи ўзгарди. Отамнинг янги уй қуриш ҳақидаги сўзларидан кейин фикр алмашувлар бошланди. Жой қуриш, лой ағдариш, жой ўрнини танлаш, жойни қай шаклда қуриш ҳақида ҳар ким ўз фикрини айта бошлади. Тирноққа (ўша давр иморатларига хос пойдевор) қанча ёғоч кераклиги, катта сайисхона учун қанча газлик қош—бош тўсин, ҳоказо ва ҳоказолар ҳақида узуқ-юлуқ гаплар бўлди.

Кейин англадимки, отам бу меҳмонларни янги ҳовли қуриш учун маслаҳатга таклиф қилган ва уларнинг бу ишда катта ёрдамлари кераклигини ҳисобга олган.

Бир неча кундан кейин отамнинг яқин-йироқ дўстлари йиғилишдилар. Бир нечталари эски иморатларни буза бошлашди. Баъзилари хандақ ағдариш билан банд бўлишди. Айримлари ёўлаларни тахминан бир газлик ўлчовда арралашди. Иш қизиди. Тахминан ярим пахса

келадиган лой тирноқ тортилди. Унинг устига ғўла бўлакларини кесасига териб, устига қалин қамиш босилди. Унинг устига пахса қўйилди. Мен учун бу ишларнинг ҳаммаси қизиқарли эди. Гоҳ чопиб бориб тирноқ тутувчиларни кузатаман, гоҳ отамнинг аравасига чиқиб хандақ томон бораман, гоҳ овқат тайёрлаётган опамнинг олдига чопиб келаман.

Шу орада рўй берган бир воқеани ҳанузгача эслайман.

Баъзан кўмакчилар ўтирадиган бостирма томон чопиб келиб қоламан. У ерда баъзан чой ичиб, баъзан айрон симириб ўтирган бир одамга кўзим тушади. Кўрқиб орқага тисарилиб қочаман. Бир оздан кейин ҳовлининг бошқа томонидан чопиб бу ерга келиб қолсам, яна ўша одамга дуч келаман. Мени кўрқув босади. Орқага тисариламан.

Кўзга кўринавермайдиган ажойибот ва ғаройиботлар ҳақида эшитиб юрардим: «Фалон жойда фалончини жин қоқиб кетибдимиш», «фалон ерга бормаган тузук, у ерни жинлар эгаллаб олган эмиш», «фалончининг сайисхонасида алвасти пайдо бўлганмиш, у кечаси билан отни миниб ҳовли ичида чопармиш, эгаси эрталаб туриб отини шаллоба тер босган ҳолда кўрганмиш», «алвасти отнинг ёлини ва думини қирқ ўрим қилиб кетармиш...»

Бир неча бор парихонларнинг ўйинларини ҳам кўрганман. Уларнинг доира қоқиб жунбишга тушиб, жин ва пари чақиришларини ҳам эшитганман.

Мени кўрқувга солган ўша одамнинг бошида туклари патта бўлиб кетган эски телпак, кўзлари ола-була, қовоқлари юқори томон ағдарилган бўлиб қонталаш кўринарди. Устида серямоқ эски гуппи, жундор кўраклари очиқ... Бу қиёфада у менга ўша алвастилардан бири бўлиб кўринди.

Унга боғлиқ воқеаларни кейин англаб олдим: у Отаканинг яқин одами бўлиб, исми Қоқабой экан. У чарчашни билмайдиган ишчан одам бўлиб, отам уни хандақ қазишга ёллаган.

Уйимиз битгандан кейин ҳам Қоқабой Отакага қўшилиб бир неча бор меҳмондорчиликка келди. У ҳақдаги маълумотлардан хабардор бўлганимдан кейин мен ундан кўрқмайдиган бўлдим.

Кейинчалик оиламиз доирасида Қоқабой ҳақида кўп илиқ гаплар эшитганман.

IV. ҲРИН ПОДАЧИ

Қунлар, ойлар ўтарди. Атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурим оила доирасидан чиқиб кенгая борди, қишлоғимизнинг айрим одамлари ва қиёфалари ҳақида тушунчаларим ўсаётганини ўзим ҳам ҳис қила бошладим.

Қишлоғимизда Ҳрин подачи деган бир йиғит бўларди. Уни Ҳрин дадак деб ҳам аташарди. Худо унга бўй берган, жусса ундан ҳам ошиб тушарди. Эртақлардаги девларни эслатадиган гавдасида номутаносиблик кўзга ташланарди. Унинг бир елкаси паст, иккинчи елкаси баланд эди. Уни букур деб аташ мумкин бўлмаса ҳам, яғрини бир оз қабарганиданми бўйни олд томон эгилгандек кўринарди. Кўзлари ҳам шунга муносиб, қийтар — бир кўзи тўла очиқ, иккинчи кўзи хиёл қисик эди.

Мол ҳайдаб келаётган ёки кетаётган пайтларида узоқ-узоқлардан подадан бурун унинг ўзи кўринарди.

Элти момо деган ёлғиз кампирнинг ягона ўғли эди у. Одатда воҳада мулла ёки эшоннинг оиласига «элти» сўзи қўшиб айтиларди. Бироқ бу Элти момонинг одами ким бўлганини эслай олмайман.

Ҳрин подачини ташқи кўринишида бирор кимсага ўхшатиш қийин эди. У тангрининг амри билан алоҳида андозада яратилган одам бўлиб кўринарди. Унинг оёқлари кичикроқ омовни эслатарди. Унга на этик тўғри келар, на ботинка! Узун бўйига нисбатан узун қўллари ҳам паншаҳанинг ўзи эди. Ёзи билан ялангоёқ мол боқарди. Ут-ўланларни босиб юрганидан бўлса керак, оёқлари қорайган, унинг устига тилим-тилим ёрилиб кетган эди. Кеч кузга бориб оёғига чориқ киярди. Баъзан чориқ топилмаганда оддий чармни тўрт жойидан тасма ўтказиб оёғига боғлаб қўя қоларди. Баъзан қиш кунлари ҳам уни шу ҳолда кўриш мумкин бўларди. Бунга ҳеч ким ажабланмас эди. Овоз ҳам гавдага мос эди.

Эрта тонгда «Молингни ҳайдо-о-о!..», кечқурун «Молингни о-о-ол!..» — деб бақирганда унинг овози росмана карнайдан чиққандек янграрди. Қилиқлари ҳам айрича эди. У тўй-маъракаларда ўзидан кичик болаларга қўшилиб оларди. Унинг ёқимсиз бир қилиғи аниқ эсимда.

Ўзига тўқ оилалар тўй ёки маърака берадиган бўлса, сузма палов тортиш учун махсус ихчам сопол идишлар сотиб олардилар. Бу идишлар «лакки» деб аталарди.

Болаларнинг беш-олтитасига битта лакки қўйиб кетишар, унда бир капкирча палов бўларди, холос. Борди-ю, бу лаккига Урин тўғри келиб қолса, тамом, капкирга икки баробар келадиган панжасини бир уриб, паловнинг ҳаммасини оларди-да, бир чеккага чиқиб ейиш билан банд бўларди. Қолганларнинг эса товоқ юқини ялашдан бошқа иложи қолмасди. Баъзан палов тортадиганлар бу ҳолни англаб олардилар-да, Урин подачига ошни алоҳида сузиб беришарди. У одатда лаккини кўтариб бир чеккага чиқиб шошилмасдан ошни еяверарди.

Палов тарқатишга тегишли бошқа бир ўзига хос характердаги одамнинг хислатлари эсимда қолган.

Қишлоғимизда Хўжиёз бува деган ошпаз бўларди. Тўй-маъракаларга таклиф қилинадими, таклиф қилинмайдими шангилини (палов солишга мўлжалланиб, сув қовоқдан ясалган идиш), капкирини кўтариб пайдо бўлиб қоларди. Одатда сузма паловни шу одам пиширарди. Катта дошқозонда пишириладиган паловнинг увитилган оппоқ гуручларини бўйра устига ёзиб, суви сирқилгандан кейин қозонга жойлашдаги ҳунарларини кўп кўрганман. Табиатан унда қизиқ одатлар бор эди. Тўйдан кейин ўзи учун шангилга палов солиб оларди. Қилган хизмати учун оладиган ҳақининг бор-йўғи шу эди. Кейин ҳар икки сўзининг бирида «шу-шу» сўзини ишлатарди. Бордию жаҳли чиқса, унинг бор гаплари «шу-шу»лардан иборат бўлиб қоларди.

Биз болалар Урин подачидан панд еган пайтларимизда лаккини кўтариб Хўжиёз буванинг олдида бориб арз-додимизни билдирардик. У ош сузишда тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилса ҳам бир оз ижирғаниб лаккига яна бир капкир палов ташлаб берарди-ю:

— Шу-шу, ҳар сафар шундайслар, тўй-тўй... тўймийслар, бур-бур... бурмаклар, — деб қўярди.

* * *

Урушдан қайтиб келдим. Қариндош-уруғларимнинг уйларига бир-бир кириб чиқдим. Ким бор, ким йўқлиги билан қизиқдим. Элотларимни суриштирдим. Шу муносабат билан Урин подачининг қисмати билан ҳам қизиқдим. Билдимки, у мендан кейин урушга сафарбар қилинибди. Унинг жангчилар сафига сафарбар қилинишидан ҳам ажабландим. Ҳатто ўлчови унинг гав-

тасига тўғри келадиган кийим-кечакларни қаерлардан топиб беришган экан, деб таажжубландим ҳам.

Бугун Урин подачи ҳақида ўйласам, унинг айрим хислатларини гавдасидаги номуносибликлардан қатъий назар ёшлигидан бошлаб элининг молини боқиб хайрли ва савоб иш қилганини эслайман. Фақат мен эмас, ҳамқишлоқларим ҳам буни эслайдилар. Унинг қисмати хаёлимга келганда бесўнақайлиги кўз олдимга келади-да, албатта душманнинг биринчи ўқи унга тўғри келган бўлса керак, деб ич-ичимдан ачинаман.

Урин подачининг ҳарбийга олиниш тафсилотини ҳам билиб олдим. Қишлоғимизда башанг юрадиган зоқроқ қариндошимиз бўларди. У доим ясаниб-тусаниб юрар, ҳатто дала ишига ҳам янги кийимларда боришни яхши кўрар, кийимлари эса ўзига ярашиб тушадиган, хушбичим кўринарди. Бошида силкима чўғирма — жунлари бурама-бурама бўлиб ўсган кўзи терисидан тикилган телпак. Устида малла чакмон ёки дўнма тўн. Гавда тузилишида у полвонсифат одам эди. Бироқ одамлар билан муносабатда ҳар хил йўсиндаги қаллоблик ва айёрликни ишлатишдан қайтмас эди.

Эшитишимга қараганда урушга одам сафарбар қилинаётган йиллари раҳбар органларда у кўп ошна-оғайни орттирган ва улар орқали жангга ёки ишчилар батальонига хоҳлаган кишини, хоҳлаган пайтда жўнатишга қодир бўлган. Урушнинг яримларига борганда унинг эсига Урин подачи ҳам тушиб қолади. Қишлоқдаги бир неча одамлар қаторида Урин подачини ҳам қўшиб юборади ва унга уқтиради:

— Сенинг отинг Урин эмас...

Башанг қариндош сафарбарчиларга қўшилиб ўзи ҳам ҳарбий кўмитага борганда Урин подачининг ёнида туриб:

— Бунинг оти... — деб сафарбарликдан қолиши керак бўлган ўзига яқин одамнинг исм-фамилиясини айтади. Гапнинг моҳиятига тушуниб етавермаган Урин подачи тасдиқловчи маънода бошини ирғитади. Чақирув хатда кўрсатилган исм ва фамилия рўйхатдан ўчирилади. Навбатдаги босқинчада Урин подачининг исм-фамилияси тикланади.

Шу йўсинда Урин подачи бошқа одам ўрнида ҳаркатдаги армия сафига жўнаб кетади.

Урин подачининг урушга сафарбар қилинишидаги бу қаллоблик унинг қисматига нисбатан мендаги ачинишни яна ҳам кучайтирди.

V. МУСИБАТГА ШЕРИК ГУЖУМ

Зийли қишлоғининг аксарияти ё ота томонидан, ё она томонидан бир-бирига қариндош ҳисобланади. Эндиликда бизнинг ҳовлимиз бу кичик қишлоқнинг бош томонида жойлашган. Болалик кунларимда бизнинг ҳовлимиз бош томондан иккинчи ҳисобланарди. Биринчи ҳовли эгаси бизга амаки бўлиб, уни Элтизор бобо, орқасидан Элтизор хўкки дейишарди.

Унинг қизиқ одатлари бўларди. Қариндошлари билан эл бўлавермас, бошқалардан ёрдам олса олар, бироқ ўзининг бировга хайри тегавермасди. Буғдой янчишда ундан от сўраб олиб бўлмасди. Қўшнилар бир-бирларига овқат чиқаришарди, ё овқатга таклиф қилишарди. Элтизор бобом оиласида бу анъанага риоя қилинмасди. Аксарият пайтларда овқат пиширишлари ҳам сифатсиз бўлар, қозони қусиб, овқати қорайиб кетар эди. Қампири — хиёл оқсоқланиб юрадиган Новбор опа ҳам унинг ўзига мос — эпсиз, уйлари бесаранжом. Нон ёпса, нонларининг бир томони куйган ё оқиб тушарди. Умуман, файз етишмас эди бу оилага. Салом берсангиз, нега салом беряпти дегандек, алик олмас, алик олган чоғларида ҳам қандайдир зарда сезилиб турарди унинг овозида. Юрган йўлида муттасил равишда туф-туфлаб юрарди.

Мен учун бир нафи бор эди бу оиланинг. Бизнинг ва Элтизор бобомнинг уйлари орасида эртапишар нуқули ўриги бўлар эди уларнинг. Баҳор ойларидан бошлаб мен ўша ўрик тепасида бўлар эдим. Ҳайдашса, бир оздан кейин яна чиқиб олардим, улар ҳам ҳайдайверишдан зада бўлишиб, кўриб-кўрмаганга солиб қўя қолган пайтлари ҳам бўлган. У ўрик шундай ширин эдики, бизнинг ҳовли томонда эмас, улар томонда кўкарганига ажабланардим. Бу ҳақда энамга нолиган бўлсам керак, у:

— Бекназар бобонг ҳаётлигида ҳаммамиз бир катта оила бўлганмиз, бу ўрик ҳам ҳаммамизники бўлган, кейинчалик ўрик Элтизор бобонгларга ўтиб кетган, — дерди.

Эҳтимол энамнинг бу сўзлари мени бу ўрикдан ўз ҳиссамни олишга ҳақлидек қилиб қўйгандир.

Эшиги эшигимизга яқин бўлгани учун Элтизор бобом хуш кўрмаса ҳам уларнинг эшиги олдига бориб турардим. У ерда мени жалб қиладиган бир нарса бор эди. Бу — Хоразм телпагидек думалоқ шаклда чирой-

и ўсаётган гужум эди. Айрим ҳолларда тахминан бодирдек келадиган бу гужум атрофида айланганим-чиланган эди. Бундай пайтларда Элтизор бобом келиб қолса, ҳайдар, айрим пайтларда новда топиб, кетимдан топиб аяброқ урарди ҳам. Бир гал новда қаттиқроқ тегди, шекилли, йиғлаб уйга келдим. Келсам, уйда энам тор экан. Энам Элтизор бобомнинг бу қилиғига жавобан менга қараб:

— Нечун у ерга борасан, қуриб кетсин шу гужум?! Мусибатга шерик у қурғур! — деди куйиниб.

Табний, бу гапларнинг маъносига мен ҳали тушуниб етавермасдим. Аммо Элтизор бобомнинг эшиги олдида кўпчилик йиғилиб, ғала-ғовур, нималарнидир эйтида тортишиб, бақириқ-чақириқ бўлгани ғира-шира эдимда. Кейин энамнинг ва бошқа ўзимдан катталарнинг узук-юлуқ гапларидан қуйидаги воқеа рўй берганини билиб олдим:

Элтизор бобомнинг Биби исмли хотини бўлган экан. У ҳусндор, назокатда тенгдошлари орасида ажралиб турадиган аёл ҳисобланган экан. Биби бошқа кимгадир қўйил қўйибди. Уни бу ишда қўлга тушган ҳисоблашибди-да, қариндош-уруғлар йиғилишиб, Бибига қандай жазо беришни муҳокама қилишибди. Катта тортишувлар, асабий мунозаралар бўлибди. Кимдир уни қаттиқ калтаклаш керак деса, яна бировлар учталоқ қилиш керак, дейишибди. Энг ашаддийлари айбдорнинг жазоси фақат ўлим деб таклиф қилишибди. Бу таклифларни киритганлар ва бу сўзда қатъий турганлар ҳам бу оилага энг яқинлар бўлганлиги учун охириги таклиф қабул қилинибди.

У йилларда эллар ва миллатлараро зиддиятларнинг кучайган пайти бўлганидан қурби етган ҳар бир оила милтиқ олиш учун ҳаракат қилишар экан. Элтизор бобомда ҳам милтиқ, назаримда, инглиз карабини бўлган. Биби матонатли аёл бўлган кўринади. Йиғилган оломон олдига чиқиб, эшикнинг баланд бўсағасига ўтириб олган-да, мана отсаларинг, деб кўйлак ёқаларини шартта йиртиб, кўкрагини кериб ўтириб берганмиш. Бу ҳол, назаримда, оломоннинг нафсониятига ҳам теккан.

— Отилсин, отилсин! — деган овозлар янграган.

Отиладиган бўлса албатта Элтизор бобом отиши керак. Бироқ у милтиқ отишни билмайдн. Угина эмас, ҳатто милтиқ тутнишдан ҳам қўрққан. Оломон таъсирида у милтиқни назарга олишга мажбур эди. Шу пайт

ҳам бор эди. Отамнинг иш қуруллари: ўроқ, белкурак ва кетмонлари бошқаларникига ўхшамасди. У иш қурулларини асрар, бошқа бировга ишонмас, бошқа бир кимса уларни ишлатишга қодир ҳам эмасди. Унинг ҳикматли бир сўзи бўларди:

— Устанинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, ёлта ва тешасига қара, деҳқоннинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, белу кетмонига қара!

Баъзан иш излаб келган устанинг тешасини қўлига олиб, бош бармоғини унинг дамига солиб кўрарди. Шу билан у устанинг қўлидан нима иш келишини осонгина англаб оларди. Баъзи ҳолларда усталарга «иш йўқ» деб қайтариб юборган пайтлари ҳам бўлган. Билардим, отам ўзи шу тузгунга риоя қиларди. У иш қурулларини ўзи уста бўлган дўқонида ўтириб маҳсус ясатарди.

Ўзбекистоннинг кўп вилоятларида деҳқоннинг асосий меҳнат қуроли кетмон бўлса, Хоразм воҳасида белкуракдир. Бу ҳол воҳа тупроғининг юмшоқлиги билан боғлиқ бўлса керак. Воҳада «бел» атамасига «курак» сўзи қўшиб ҳам айтилмайди. Кетмон кўпроқ ғўза ораларини, полиз экинларининг пуштасини чопиш учун ишлатилади, холос. Шу боисдан воҳада бел деҳқон меҳнатининг рамзидир.

Уйимиздан юқори томонда Саккиз деб аталган қишлоқнинг бошланаверадиган жойида, Форравёп бўйида, яъни икки қишлоқча орасида уста бор эди. (Хоразмда «йўқори» ва «тўман» (тубан) деган тушунчалар бор. Амударё оқиб келадиган томон «йўқори», оқиб кетадиган Орол томон эса «тўман» деб юритилади. У товуши «ўзбек» атамасининг биринчи товушига тўғри келади). Уни уста Рўзмат, халқ орасида уста Чўтир деб ҳам аташарди. Чамамда, уста Рўзмат ёшлигида чечак касалига дучор бўлиб, шунинг натижасида чўтир бўлиб қолган. Уста Рўзмат кўринишда қадди-қомати келишган одам эди. Кийинишда ҳам ўзига зеб бериб юрарди. У тўннинг сарасини, телпагу пўстинларининг қимматбаҳосини киярди. Устачиликда тенги йўқ ҳисоблашарди уни. Уста отамга тенгдош дўст, шу сабабдан отамга ясаб берадиган деҳқончилик қурулларининг қандай бўлишини яхши билар эди. Отамга у катта ҳурмат билан қарар ва унинг буюртмаларини алоҳида муҳаббат билан бажарарди. Менга ҳам яхши муомала қилиб, ўрик ёғочидан даста қилинган чоққи (пакки) ясаб берган. Шу боисдан мен унинг дўқонига бориб ҳунарини томоша қилишни ёқтирар эдим. Кўп марта отамга

оғаниб устаникига борганман, отам билан унинг суҳбатларини тинглаганман.

Уста Рўздат темирни ўтхонада пишираётди ёки болта билан унга шакл бературиб, қишлоқда, ўлкада рўй бериётган янгиликлар ҳақида гапирар, отам юқори суҳбат туриб ўтхонага дам бериб турадиган икки қанотли капалаксимон мослама — кўрикни босарди. Отам билан одам бўлганидан устанинг гапларини эйтибор билан эшитар, баъзан қисқа қилиб ўзи ҳам деҳқончиликка тегишли нималарнидир гапирарди. Маълум бир вадат ичида уста Рўздат ўроқми, болтами ё белми биттириб, очиқ чехра ва ғурур билан отамнинг қўлига туттирарди.

Отам қай даражада қудратли ва баҳодир кўринса, шунча меҳр билан сара пўлатдан иш қуроли ясаб бераётгани билан уста Рўздат яна ҳам қудратлироқ, баҳодирона, устанинг устига қаттиқ темирга жило бера оладиган сеҳрли одам бўлиб кўринар эди кўзимга. Шу сабабдан бемасла керак, қандайдир ички мантиқ талаби билан мен устани унинг ўрнига қўйиб кўрардим. Чўғдек темирга жилога уриб, қишлоғимиз деҳқонларига ҳар хил қуроллар ясаб бериб турган устадек ҳис қилардим ўзимни беажақда.

Отам энди туғилган ярим ой шаклидаги, қарийб ярим қулоч келадиган ўроқнинг тишлари узра бош бартоғини секин юритарди-да, майин жилмайиш билан устани ишидан мамнун эканлигини билдирарди. Бундай вазитларда отам устанинг ишига баҳо бера оладиган ўта тилгир одам бўлиб кўринарди менга. Ясалган буюм бел бўлса, уни олиб салмоқлаб кўрар, қўлига ёпишиб тушганини англагач, устага яна бир майин жилмайиш ҳадя қиларди. Баъзан уста Рўздат мен томон ишора қилиб:

— Манавингни белга ўтирғизиб, отиб юварсанг Форбунинг орёғина бемалол ўткизасан, — деб ҳазиллашарди. Мен отам ҳақиқатан шундай қилиб қўймасин деб шивотирланардим ва ўзимни четга олардим.

Икки-уч соат уста дўконида ўтириб, унинг ишларини кузатишим бўлса керак, мени устачилик иши ром қилиб олар эди. Уйга келиб, қаерлардандир эгов топиб, иккундий тунука тасмасидан арра ясаб, жўхори пояларини, қимшоқроқ тол дарахтининг шохчаларини арралашга киришардим. Отам билан бозорга борганда эски-туски боллар сотиб ўтирганлар қаторидан арзонгина сотиб олган темир дастакли болғамни ишга солиб, тунукадан

нималардир яшашга уриниб қолардим. Одатда, бу ишларни мен отамдан яширин ҳолда қилар эдим. Бордию бирор эҳтиётсизлик натижасида бу ишларим отам кўзига ташланиб қолса, у менга бирор нарса демас, аксинча, майин жилмайиб қўя қоларди. Бу жилмайишни мен қилаётган ишларимни маъқуллаяпти, деб тушунардим. Эҳтимол, «ўғилларимдан бири уста бўлса, ёмон бўлмайди, элнинг ҳожатини чиқаради, элнинг ҳурматига сазовор бўлади», деган орзулар хаёлидан ўтгандир ўша пайтларда.

VII. УСТА ЯНГИБОЙ

Йиғим-теримлар охирига етай деб қолган кузнинг баҳаво кунларидан бири эди. Отам дарвоза томонга чиқиб, йўлга назар ташлар ва хиёл дилгир бўлиб кимнидир кутаётгандек кўринарди. Бир оздан кейин хурсанд бўлиб:

— Киётир! — деди.

Кўп ўтмай кутилган одам етиб келди. Отам пешвоз чиқиб, қуюқ саломлашди. Меҳмон эшакдан тушгач, туркман гилами шаклида тўқилган гулдор хуржунини эшакдан туширишди. Меҳмон дарвоза томон йўл олар экан, менга кўзи тушиб:

— Мана, ёрдамчи ҳам бор экан, — деди.

Жиловхонага олиб кирилгандан кейин хуржун ичида дурадгорлик асбоблари бор эканлигини англадим. Келган одам қишлоғимизда ўз ҳунари билан машҳур уста Янгибой эди.

Бунгача отам долон, жиловхонани тозалаб, супуриб-сидиртирган эди. Жиловхона орқали кириб борадиган меҳмонхонани ҳам янги кигизлар тўшатиб тартибга солдириб қўйган эди. Отам уста Янгибойни тўғри меҳмонхонага бошлади. Кўп ўтмасдан уста бир неча йиллардан бери тайёрланиб қўйилган ёғоч ашёларни кўздан кечирди-да:

— Бўлади, яхши қуритибсан, — деди отамга қараб.

Булардан маълум бўлдики, отам кўчиб ўтган янги қурилган уйимизга муносиб янги арава ясатмоқчи.

Хоразм аравалари ўзига хос бўлиши маълум. Филдирақларнинг доира ўлчови тахминан икки метр келар, йўл босадиган қисмига бола муштитек келадиган махсус ясама темир қадоқлар қоқилган, араванинг олд томонида эса икки киши бемалол сиғадиган, дид билан ясалган баланд ўтирғичи бўларди. Уни олд занги деб атардилар.

От-арава катта бойлик эди. Унга эга бўлган одамлар унга тўқ ҳисобланарди. Соз ва чиройли арава тутишнинг ишқибозлари ҳам бўларди. Ҳатто шундай бўлардики, бу хилдаги ишқибозлар бирор иши бўлмаса ҳам аравасини чиқариб, шаҳаргами ёки бошқа бир қишлоқдаги қариндошлариникигами бориб келишни ўзларига мартаба деб билишарди. Мақсад от ва аравасини кўзиш қилиш эди. Арава яшаш ҳам ҳамма усталарнинг билидан келвермас, бу ишнинг махсус усталари бўларди.

Уста Янгибой ўрта бўйли, тўладан келган, бироқ ишлаб чарчамайдиган, чайир ва хушчақчақ, гапчил одам эди. Бир оз хириллаб чиқадиган овозда ҳаётдаги ингиликлар, ҳамқишлоқларимиз орасидаги турли-туман мазлумотларни гапирар, гапирганда ҳам ёғочга нақш сингандай лўнда ва образли гапирар эди. Мен уста гапларининг ишқибози эдим. Унинг шогирди уста Аманат шайх эди бўйли, чайир йигит бўлиб, ишнинг дағал ва оғир ишнинг зиммасида бўларди. Хаёлимда унинг бўйи пойтахтга дастасидан калтароқ сезилар ва унинг пойтахтни чайирлик билан ишлатишига ҳайрон бўлар эдим. Уста Аманат кўлида пойтахтнинг керак жойга бориб тегиши учун қўйил қолдирарди. Гупчак яшашлари ҳаммангизни қизиқтирарди. Қаттиқ қарамон ёғоч гўлалардан силлиқ, ташқи томони ингичкаланиб, ичкари томони йўғонлашиб кетадиган гупчак ясаб, унинг ўртасидан кўчар атайдиган дарича очишар, унинг нақд белидан гир атрофга тараладиган кегайлар ўрнатишарди. Энди билсам бесўнақай ва қаттиқ ёғочлардан аравага тегишли қисмларнинг бирин-кетин қўлдан чиқиб, ўрнига қўйишлари натижасида қўғирчоқдек араванинг яратилиши унга хос санъат экан.

Усталар бир ой чамаси меҳмонхона томонда ишлашди. Бу вақт давомида ўйинларга камроқ вақт ажратиб, катталар буюрадиган майда-чуйда ишлардан ҳам вақт орттириб, усталарнинг ишларини кузатдим. «Орроқ тур», «Кет бу ердан», «Ўралашаверма» сингари танбеҳларга қарамасдан гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ўтиб, уларнинг устачилик мўъжизаларини кузатардим. Менинг бу хилда ўралашиб юришимдан усталар ижирғанса ҳам негадир оғам бир нима демас, уларнинг ишларини берилиб кузатган пайтларимда сезилар-сезилмас менга ёқимли назар ташлаб қўяр эди.

Гупчаклари қорага бўялган, катта филдирагига темир қадоқлар қоқилган нақшинкор ўтирғичли арава

битгач, отам ёки Бекжон акам билан бирор жойга бо-риш ё бирор иш битказиш менга завқ бағишларди. Бундай пайтларда мен ўзимни уста Янгибой, уста Ама-ўрнига қўйиб кўрардим, қулочкашлаб пойтешани кўта-риб ёғочга ураётган алпозда ҳис қилардим. Бироқ те-мирчи уста бўлишга ўзимни чоғлаганларим аста-секин совиган бўлса, ёғоч устаси бўлиш йўлидаги орзуларим ҳам сусая бошлади.

VIII. ЭШАМАТ ТОҒАМ

Кечқурунга қараб тараддуд бошланди. Опам кели-сопни гурсиллатиб уриб, шоли туярди. Демак, палов бўлади. Меҳмонхона супуриб-сидирилди. Учоққа ўт ёқилди.

Тараддуднинг сабаби ҳам менга маълум. Кечқурун Эшамат дойим — тоғам келиб, отамга пўстин тикиб бе-ради. Фақат ўзи эмас, рафиқаси, бизни ҳар кўрганда «айланай» сўзини оғзидан қўймайдиган Робия аммам ҳам келади. Уларсиз ҳам доим гавжум уйимиз яна ҳам гавжумлашади. Мен бундан бениҳоя хурсанд эдим.

Бундан олдин, ҳанузгача оғиздан оғизга ўтиб юр-ган бир воқеа рўй берган эди. Отам ер-сув тилини ях-ши билар эди-ю, бозор-ўчар сирларини яхши билавер-масди. Утган бозор куни битта қўчқорни сотиб келди. Мақсад пўстин бўладиган ўнтачага яқин териларни бўяш учун норпўс олиш эди. У вақтларда норпўс деган сўзнинг маъносини фақат мен эмас, мендан катталар ҳам ту-шунавермас экан, чамамда. Отам бир қўчқорнинг пули-га бир килоча келадиган норпўс олибди. Керак нарса-нинг топилганига хурсанд бўлиб, бозордан қайтибди. Қариндошлардан кимдир бундан хабар топиб:

— Бир қўчқорнинг пулига бир эмас, икки пўстин олса бўлади-ку! — дебди.

Кўпчилик ҳайрон. Кейин билсам, норпўс дегани эн-дилликда уч яшар бола ҳам биладиган анор пўсти экан. Уни қуриган ҳолда майда қилиб янчилар экан-да, уви-тиб терига суртиларкан. Патижада тери сарғиш ранг олиб пўстинбоп ҳолга келаркан. Уша вақтлардаёқ эшит-ган гапимга қараганда бир қўчқорнинг пулига бир ки-логина анор пўсти эмас, балки анорнинг ўзидан бир қоп олиш мумкин экан. Бу ҳақда бирор жойда гап-сўз очил-либ қолса, отам ҳеч нима демас, ажаб қилибман де-гандек мийиғида кулимсираб қўя қоларди.

Мана энди Эшамат дойим келиб териларни бўййди, тенгиш бичади ва тикади.

Эшамат дойим ўзига хос одам бўлиб, саводхон эди, ҳатто имомчилик ҳам қилар эди. Қўшни «Саккиз» қишлоғининг юқорисида масжид бўлиб, унинг имоми Эшамат дойим ҳисобланарди.

Робия аммам ўрта бўйли, тўладан келган аёл эди. Улар бефарзанд эдилар. Биз ҳаммамиз уни яхши кўрар эдик. Бизга нисбатан эса меҳрининг чеки йўқ эди. Унинг. Ака-укалар бир-биримиз билан хафалашиб қолган, бизни фақат Робия аммамларникидан топиш мумкин бўларди. Шу меҳр туфайли бўлса керак, улар келишда уйимиз тўлиб-тошиб кетаётгандек кўринар эди. Шунга.

Эшамат дойим новча, бўй-басти келишган, тоза кинешар, ўзини озода тутар, бўлар-бўлмас ишларга қўл қарвермасди. Аксарият ҳолларда нимадир текилгандек лабларини жуфтлаб, тишлари орасидан ҳаво тортар, чўнтагидан махсус йўнилган чўп олиб, ҳар овқатдан кейин тишини анча вақтгача ковлаб ўтирарди. Бирор марта овозини кўтариб биров билан уришиб-ойишганини кўрмасдик. Жаҳли чиққан пайтда унинг бирдан-бир сўкинчи бўларди:

— Ҳа, кўзинг оқарсин!

Бирор ножўя иш қилиб қўйганимизни кўриб қолса ҳам унинг айтадиган сўзлари тайёр эди.

— Жуда яхши қилибсан-да, буни сендан бошқа одам қила олмайди.

Уйда ҳам, у озода ва осуда кун ўтказарди. У йўқ, бу йўқ деган нолишларини ҳеч ҳам эшитган эмасман. Ёз ойларида ёз эшиги олдида наमतда, қиш кунлари ичкарини хонада бордош қуриб бир хилда ўтирар. Мён учун азнам ўқиган китоблардаги фариштанинг ўзи эди. Қиш кунлари олдида доим оташкурак билан пуфлагич турарди. Оташкурак билан ўтинни дид билан қалар, кейин чрим газча келадиган қаттиқ ёғочдан чиройли ясалган найсифат пуфлагични ишлатиб ўтни олиштирарди. Бу сокинлик, тартиб-тузгунлар алоҳида файз бағишлар эди бу уйга.

Эшамат дойимларнинг келиши билан уйимизга янги-ча файз қўшилгандек бўларди.

Қандай вазият бўлмасин, бирор марта унинг шошилганини, бирор иш тезроқ бита қолсин деб куйиб-ишганини эслай олмайман. Ҳатто от ёки эшакка миниб бозор-ўчарга борадиган бўлса ҳам тезроқ етиб

олай деб, уловини йўрғалатавермас эди. Пўстинни ҳам «мана мунча кунда битказиб бераман», деб ваъда бермас. Териларни бир неча бор айлантириб кўрар, на-мат устига қўйиб жойлаб мўлжаллар, тикувда ҳам бирикки жойидан илиб, бир неча бор назар ташлаб, кейин тикарди. Баъзан ҳамма йиғилгач, ишни тўхтатиб қўлига китоб оларди. Кўпроқ «Рустами дoston»ни ўқир эди. Унинг китоб ўқиб бериши биз учун пўстин тикишидан кўра муҳимроқ туюларди. Шу тарзда икки-уч кунда битадиган иш бир ҳафта, ўн кунларга чўзилар ва бу ҳол уйда ҳеч кимни ранжитмас, аксинча, уйнимизга оромбахш ҳолат киритгандек бўларди.

Иш битиб, отам пўстинни елкасига олгандан кейин ҳам аммам ва Эшамат дойим уйларига шошилавермас, улар кетгандан кейин эса уларсиз ҳам гавжум уйимиз ҳувиллаб қолгандек бўларди. Ёшлигимдан бу одам билан мулоқотда бўлишим мен учун катта мактаб эди. Феъли кенгликдан бўлса керак, Эшамат дойим узоқ яшади. У эллигинчи йилларнинг охирларида, 105 ёшида вафот этди.

IX. АМАТ ЯМОҚЧИ

Ҳаво анча илиқ эди. Уйимиз олдидан ўтадиган йўлдан биз томонга эшакда келаётган бир одамга кўзим тушди. Эшакли яқинлашавергач, эшик олдидаги чўпчор устида ястаниб ётган Олапар итимиз ёқар-ёқмас тишларини кўрсатиб, эшитилар-эшитилмас ириллади-да, бошини яна оёқлари узра жойлади. Ёт одам эканлигини билдирар эди Олапар бу ҳаракати билан. Эшакли бу ерда ит ётганига парво ҳам қилмасди. Эшик олдига яқинлашганда мен ҳам уни танидим. Уни Аамат калта дердилар.

Ҳақиқатан ҳам у пакана эди. Эшак устида ўтирганда унинг оёқлари эшак ён томонларининг ярмига ҳам етмасди. Балки эшакда кўп юрганлигиданми калта оёқлари ташқи томони қабариб қийшайган эди. Юз-кўзлари ҳам шунга монанд. Эллик ёшларга бориб қолганига қарамай, бет суяклари майда, юз этлари нотабий равишда тиришиб суякларига ёпишиб кетган кўри-нарди.

Бу маҳал ҳамма иш билан банд бўлса керак, унга ҳеч ким пешвоз чиқмади. Қийнала-қийнала эшак эгари қошига осилиб, оёғини ерга етказиб олди. Унинг бўйи

шакдан ҳам анча паст кўринди менга. Ўзини ҳар ён ташлаб, лапанглаб, эшагини девор тубидаги қозиқлардан бирига боғлади-да, менга қараб:

Эшакка ўт сол, — деди буйруқ оҳангида. Йўқ демасин маъносида бўлса керак: — Уллоийб қобсан-эй, — деб кулимсиради.

Бу пайтда унинг юзидаги ажинлар яна ҳам қалинлашиб, менда қандайдир нохуш кайфият туғдирди.

Уйда бировнинг бор-йўғини сўраб ҳам ўтирмади-да, эшакнинг эгар қошидан ечиб олган тугунни қўлтиқлаб, анча лапанглаб кириб кетди. Бу одамнинг бетакаллифлиги мени ажаблантирди. шекилли, бир неча дақиқадан кейин ҳовли долонидан меҳмонхона эшиги томон кўраладим. Ама т калта худди ўз уйига киргандек меҳмонхонанинг ўчоққа яқин, чап томонидаги фахрли меҳмонлар ўтирадиган жойни эгаллаб, бемалол бордош сариб ўтирибди. Бир оз кутдим. У қисқа-қисқа хиргойи билан қилиб кўярди.

Кўп ўтмасдан отиз томондан отам келиб қолди. Шу орада опам ҳам юмушларини қўйиб кириб келди. Мен овлига кириб-чиқиб, бўлаётган воқеани кузатардим. Отам, опам меҳмон билан қалин сўрашдилар, унинг келганидан хурсандчилигини билдирдилар. Опам дарров тунча мис идишга ўт ёқди. Тунча қайнайдиган вақтгача опам уйдан нималарнидир меҳмонхонага ташиди. Бир маҳал қарасам, меҳмоннинг ён томонида кўҳна ширтиқ-жўлтиқ этик, чориқ, маҳси-калишлар уйилиб турибди. У нонни оташкурак устига қўйиб, ўртага ёқилган от чўғи устида тутиб қиздириб, дам-бадам бир бурда сиңдириб оғзига солади ва чой ҳўплайди.

Мен ўрганишдим шекилли, меҳмонхонага кириб, бир чеккароқда ўтириб олдим. Чойдан кейин меҳмон ишга тушди. Аввало оёқ кийимларни бир-бир кўздан ўтказди. Ҳар бирини қўлда айлантириб пайпаслади. Уларни қандайдир хилларга ажратди. Шулар орасида ўзимнинг оёқ кийимларимга ҳам кўзим тушди. Ама т калта уни қўлга олиб бир менга, бир оёқ кийимга қараб жиддий, бироқ ҳазиломуз оҳангда:

— Оёғингни тўғри босиб юрсанг бўмиймо, ноймит, этикни қийшайтириб ташабсан, — деди. Мени изза бўлмасин деди шекилли, — эшакка ўт солдингмо?! — деб қўшиб қўйди.

— Ҳовва! — дедим мен ҳам меҳмоннинг яна бирор нарса деб қўйишидан кўрққандек, — чингирик солдим.

Мен учун бу одамнинг бўй-бастидан кўра, қиладиган

ишлари қизиқ эди. Шу сабабдан чиқиб кетгим келармасди. Бироқ англадимки, у ямоқчи. Уни мен илгарилар ҳам кўрганман, бироқ бу галги учрашув яққолроқ эсимда қолган.

Ямоқчи оёқ кийимларнинг йиртиқ жойларига бир қатор сув пуркаб чиқди ва иш орасида ўзича узуқ-юлуқ гап ҳам қилди.

— Ҳайронман булорға, оёгиннан узилиб тушганча киядилар, таги тушиб, усти узилиб тушганча киявираддилар. Кейин ямаб бер дейишади. Ямаб бўладими буларни?!

Хиёл вақт ўтказиб, гапларини эшитувчи одам борлигига шукр қилгандек:

— Сен нувви дийсан бунга? — деб мен томон бир назар ташлаб қўяр ва жавоб кутмасдан «сен нима ҳам дердинг» маъносида яна ўз ишига уннарди.

Унинг навбатдаги иши ип эшиш бўлди. Бигизни ўчоқнинг бир бурчагига қадарди-да, ҳар гал қўллари калталик қилганидан бутун гавдаси билан чўзилиб ипни бигизга илар, мўлжалга етгач бир томонини кесиб, лабларига қисиб иккинчи томонини эшар, иплар бирлигининг тоби тобига етгач, лабидагини олиб эшар ва икки томонини бирлаштириб, оҳиста бураб қўя қоларди. Кейин уни мўмларди ва бигиздан ечиб бир чеккага қўярди. Бу ишларни у шундай эпчиллик билан қилардики, ҳар ким ҳам ҳайратланиши мумкин эди.

Иплари мўлжалдаги ишига етадиган бўлди. шекилли, ўчоқ четида турган чойдан бир-икки хўплади-да, менга қараб:

— Чингирик солдим де эшакка. Қулта (беда) йўқми ахир, — деди ва юзлари бир зум жиддийлашди, кейин хиёл хушҳоллик белгилари пайдо бўлди.

Мен индамадим.

У ишга тушди. Бирор оёқ кийимни қўлга оларди-да, бир кўз югуртиб олиб ўткир пичоғини ишга солар, кейин бигиз урар, бигизни тортиб олар-олмас иккита сўзанни икки томонга тортар, яна бигиз урар, сўзанларни тортар... Эндиликда, унинг ўша вақтдаги ҳаракатларини тасаввур этиб: «Тирик машина экан-да», дегим келади. Қўл қўлга тегмас, ҳеч ҳам хато қилмас, бирор жойини бузиб, қайта тикмас. Ҳар бир оёқ кийим битгач, ўз ишидан хурсанд бўлиб, бир чеккага тахларди. Унинг юз-кўзларида ўз ишидан қаноат ҳисси ўйнади. Ундаги хушҳоллик меннинг кайфиятимга таъсир қилар, унинг ишига қизиқишим ҳам ошиб борарди.

Мен кириб-чиқиб юрдим. Опам ҳам бир неча бор ишга чой дамлаб берди. Тандирда ёпилган иссиқ нон кириб келиб, унинг келганидан мамнуулигини билдирди. Бу ҳол уни ишга рағбатлантирарди.

Ташқарида ўйинқароқлик қай даражада қизиқарли бўлмасин, яна меҳмонхонага кириб ямоқчи ишини кунингим келаверарди. Кечга томон бир кириб кўрсам, иртиқ-тиртиқ оёқ кийимлари уюми тугаб, ямоқдан чиққан оёқ кийимлар уюми пайдо бўлиб қолибди. Энди ишларнинг кўриниши бошқача, баъзилари янгилангандек эди. Ўзимча қойил қолдим ямоқчи меҳмоннинг бу ишларига.

Кечқурун унинг иззати деб опам палов пиширди. Опам эса чойхўрлик қилиб, у билан узоқ суҳбатлашиб юрди. Кейин у йўлга отланди. Бекжон акам унинг ишлаганини қозикдан бўшатиб, минишга қулайроқ жойга кириб келди. Опам, опам, акамлар:

— Тангриёрли қолсин, тангриёрли! — деб кузатиб юрди.

Воҳада илгари «рахмат» сўзи ўрнига «тангриёрли қолсин» ёки «олло ёрли қолсин» сўзлари ишлатиларди. Ҳозир ҳам аксарият ҳолларда шундай.

Шундан кейин бирор одамнинг оёғида йиртиқ пой-фазалга кўзим тушиб қолса, «нега у Аамат ямоқчига мурожаат қилмас экан», деган ўй хаёлимдан ўтадиган бўлди. Ёки «ҳар кимникига ҳам боравермаса керак», деб ўйлардим ўзимча.

Ўшандан кейин узоқ вақтлар бошқа бир таассурот ҳам хаёлимдан кетмади. Демак, ёғоч устаси, темир усталари бўлганидек оёқ кийими усталари ҳам бор. Аммо пой-фазал ямоқчиси Аамат ямоқчига ўхшаган бўйи калта, бошқа ишга яроқсиз, юз-кўзлари ҳам, қадди-қомати ҳам кўримсиз одам бўлар экан-да, деган тасаввурда бўлдим.

Аамат ямоқчи Зийли қишлоғининг этакроғида жойлашган «Шоғоллар» деб аталган қишлоқда истиқомат қиларди. Кейин билсам у бола-чақасиз, ёлғиз ўтган экан.

Хусусий мулкчилик тугаб, жамоа ҳўжалиги тузилгандан кейин Аамат ямоқчининг ҳаётдаги ўрни ҳам ўзгарди. У ярим умрини бағишлаган ямоқчиликни ташлаб, колхоз фаолига айланди. Унинг вазифаси қишлоқ шўросининг идорасига маълумот ташишдан иборат бўлди. Ҳар куни тонг саҳарлаб у эшакда юқори — шўро маҳкамаси томон борар ва қош қорайгач, қайтиб ўтар-

ди. Унинг шахсиятида ҳам ўзгаришлар рўй берган эди. У энди эшакда уйма-уй юриб, ямоқчилик қилиб, одамларнинг ҳожатини чиқарадиган, ҳар ким билан чақ-чақлашиб кетаверадиган оддий Амаг ямоқчи эмас, балки раҳбарларнинг муҳим вазифаларидан бирини ўзиммасига олган масъул шахс эди.

Х. ХОЛЛИ САРТАРОШ

Шоғоллардан чиққан яна бир ҳунарлик одам менинг яхши эсимда қолган. У ҳар йиғирма-ўттиз кунда уйимиз атрофида пайдо бўлиб қоларди. Унинг исми Холли бўлиб, ўрта бўйли, кўринишдан чайир, буғдойранг одам эди. Бурнининг юқори қисми ясси, икки кўзи орасида бурун тепалиги йўқдек кўринарди. Шу сабабдан уни эл орасида Холли пучуқ ҳам дейишарди. У табиатан гапчил, ҳатто хушчақчақ ҳам эди. Ёз ойларида ҳам белида камар, камарга пасти сочиқ бўлиб кесилган чарм попуклар тиззасигача тушиб турар, унинг уст томони бўлинма-бўлинма киссачалардан иборат эди. Бир неча бўлинмада қатор қилиб паккилар, битта-иккитасида қайчилар жойланган бўларди. Бундай қараганда ибтидоий одамлар белига тақиб олган безакларни эслатарди камардаги бу осилмалар.

Табиатан хушчақчақ ва ҳазилкаш бўлишига қарамасдан болалар ундан қўрқишарди. Чунки у ҳар доим болаларга қараб:

— Ҳа, сени, қани салом, қолганини ҳам кесиб ташайми ё, — деб пўписа қилар. Бу гапни болалар яхши тушунганидан унинг кўзидан узоқроққа кетишга шошилардилар. Болаларга ёмон кўринавермаслик учун бўлса керак, хаҳолаб кулиб, уларга ёқадиган сўз топарди. — Отанга ўхшийсан, тирмизак, ҳадемай улди йигит бўб қоласан! — деб хушомад қилиб қўярди. Айрим ҳолларда чўнтаklarини ковлаштириб, қанд-қурс бўлакчаларини топарди-да, болаларга тақсим қиларди. Шу бонсдан болалар ҳайиқса ҳам, унга тез ўрганишарди.

Бугунги тушунча билан айтганда, у кўчма сартарош уста эди. Одатда ўзи белгилаб қўйган тартибот асосида пайдо бўлиб қолар, келганида ёз бўлса эшк олдидаги соя-салқин супада, ё қиш бўлса дарвоза олдидаги офтобрўяда қўни-қўшнилар йиғилишарди. Сартарош паккиларини олдиниға тош қайроқ, кейин чарм қайроқ

стида юритиб, қайраб олар ва ишга тушарди. Ёши катта боларнинг бошларини олдин сув билан обдан эзиб қаларди-да, кейин сочларини олар, бирпасда тарвуздек силлиқ қилиб қўярди. Кимларнингдир соқол-мўйинини, болаларнинг сочини тўғрилаб қўярди. Шу тобнинг ўзида оғзи гапдан тинмас, бир неча соат ичида отам-жаҳон хабарларни тўкиб соларди. Унинг, бир иштигишида маълум сана — байрам ёки ҳайит муносафати билан отиладиган Хива замбарагининг овози чиқиб кетди, Хивада, Тошҳовузда кимлардир тутилиб ямоққа олингани, қандайдир катта-катта йиғилишлар вақтида гапиргани ҳамон эсимда:

— Юрт бузилвотир, одамлар бир-бирларига душман бўб қолётир, охирзамон киётир, эртанг нувви бўлади, ҳеч ким билмийди... — дер эди.

Холли сартарош бир неча соатда ишларини биткалиб, жўнаб кетарди. Бироқ унинг гапириб кетган гаплари кейин ҳам бир неча кунлар давомида одамлар оралида оғиздан оғизга ўтиб юрарди.

Холли сартарош ҳафсала билан ҳунарини ишга солар, «мана бу ишини ўринлата олмадинг», деган кимса ҳам бўлмасди. Бироқ унга ҳеч ким бир чақа ҳам бермасди. «Тангриёрли қолсин» олқишидан кўнгли тўлиб, жўнаб кетарди. Фақат отам хирмон кўтарганда: бу — имомнинг ҳаққи, бу — ямоқчининг ҳаққи, бу — сартарошниқи, деб дон-дун ажратиб қўйганларини эслаймаман.

Ҳайитларда, тўй-томошаларда Холли сартарош тенги пўқ ўйинчи ҳам эди. Панжаларида қайроқларини шақиллатиб ўйинга тушганида олқиш устига олқиш оларди. Хусусан, унинг «чағаллоқ» деб аталадиган ўйини болаларни ҳайратга соларди. У болалардан бирортасининг дўпписини олиб ерга қўяр, икки қўлини ён томонларга чўзиб чағаллоқнинг қанотига ўхшатиб, ҳавода ҳаракатлантирар ва дўппи атрофини айланиб-айланиб эгилар, ниҳоят ердаги дўппини тиши билан илиб, масининг бошига кийдириб қўярди.

XI. «ИТ ТИЛИНИ БИЛАДИГАН ДЕВОНА»

Бир гал отамга эргашиб бозорга бордим. Тошҳовузнинг бозори гавжум эди. Воқеа унинг серқатнов жойларидан бирида рўй берди.

Бозор қилиб бўлганимиздан кейин отам билан ара-

вамиз турган қозикча томон йўл олдик. Кетаётиб бир одамга дуч келдик. У чаққонлик билан отам томон қўл чўзди-да, бармоқларини бигиз қилиб:

— Дурр! (тўхта маъносида) — деди. Қўзларини ола-кула қилганча отамга тикилди. Отам тўхтади.

— Савдоларинг битибди, кўриб турибман, киссаларинг пулга тўлибди, уч сўм садақа бер! Садақа — радди бало! — деди.

Қатъий буйруқ оҳангида эди унинг сўзлари.

Отам иккиланмасдан киссасига қўл солиб уч сўм пулни узатди. Қўлини бигиз қилган одам нималардир деб дуо қилди. Биз йўлимизни давом қилдириб, бир неча қадам босган эдик, яна унинг кимгадир «дурр» дегани эшитилди.

Бозордан чиқиб кетиш учун аравамиз томон қадам ташлар эканмиз, у одамнинг қиёфаси кўз олдимдан кетмасди. Устидан туя жунидан тўқиб тикилган янги малла чакмон, чакмон устидан тортиб боғланган белбоғ, бошида бойваччалар киядиган сидкима чўғирма. Кўкрагидан ёқаларига ипак жияк илинган доира ёқали оппоқ кўйлакнинг юқори қисми кўриниб турарди. Дастасига чарм тасма ўралган қимматбаҳо қамчи белбоғига илиб қўйилган. Соқол-мўйловлари бинойидек тартибга солинган. Гавда салобати ҳам шунга монанд, келишган, барча мичалари бир-бирига мутаносиб.

Бу одамни илгари ҳам кўриб юрган бўлсам-да, бу тарзда биринчи кўришим эди. Отам менинг ажабланганимни сизди-да, аравамизга яқинлашгач, менга «билиб қўй» дегандек:

— Ўзимизнинг Худойшукур девона,— деди. Шу билан гўё «ҳамма нарса тушунарли», дегандек отам изоҳни давом эттирмади.

Девоналарни кўп кўрганман. Одатда улар жулдур кийимда, бошида эски телпак, қўлида ҳасса, уйма-уй юриб тиланчилик қилишарди. Баъзи ҳолларда одамга таъсир қиладиган байтлар ҳам ўқирдилар. Девона деганда, менинг тасаввуримда кўпроқ шулар гавдаланарди. Худойшукур девона қабилдаги одамни кўрмаган эдим. Унинг кейинги бир кўриниши ҳам мени ҳайратлантирди.

Қишлоғимизга жўнадик. Бозорда қанча тумонат одам бўлса, кечқурун бозордан қайтувчилар ҳам шунча эди. Бировлар иккита-учта бўлиб аравага ўтириб олган, яна бировлар от ё эшакда, аксарияти пиёда. От, эшак ва пиёдалар бир маромда қадам ташлайдилар.

Габий, чанг кўтарилган. Шундай бир маҳалда яна Худойшукур девонага кўзим тушиб қолди.

У эшак устида тик ва дадил ўтирарди. Қўлидаги симишни ишга солавермаса ҳам эшак текис йўрғалар, бирин-кетин йўловчилардан ўзиб кетарди. Эшак ҳам биринишда чоғроқ отча келар, бошида у ер-бу ерига адафлар ва ялтироқ металл безаклар осилган нўхта. Нўхтанинг бош томонида эшакнинг кўзига чивин қўнмасин деган мақсадда учига мунчоқлар тақилган, қўнмасинчи тизма ҳам осилган. Устида нақшли теллик, эгарининг орқа сағринида гилам хуржун. Хуржуннинг икки тили ҳам тўла нарса.

Йўл нотекис, арава гоҳ у томон оғади, гоҳ бу томон. Шундай ҳолда ҳам мурғак хаёлларим ҳар томон юрарди. Худойшукур девона ҳақида кўрган, билган ва эшитганларим эсимга тушади.

Ёз ойлари эди. Балиқ тутиш баҳонасида катталарнинг эргашиб Шоғоллар томон бориб қолдик. У пайтларда Шоғолларда ҳам худди Зийлидагидек, тубига қучоқ тимас шохлари билан бир олам жойни тутиб турадиган гужумлар бўларди. Ёп бўйидаги йўлдан кетаётиб бир гужумга кўзимиз тушди. Унинг ўрта белида, шохлар орасида тахтиравон қурилган, унинг усти дид билан сартибланган, «тахт» атрофидаги пашшахона тепага қуриб қўйилган. «Тахт»нинг бир чеккасида бўйи ярим оғиз келадиган безакдор чилим ҳам турибди. Ҳозир у ерда ҳеч ким йўқ эди. Орамиздагилардан кимдир «билганлар билиб қўйсин» маъносида бўлса керак:

— Худойшукур девона ёзнинг иссиқ кунларида шу ерда бўлади, жонининг роҳатини билади у, — деб қўйди.

Ҳамма баробарига гужум бошига қарашди. Бировлар жилмайди, яна бировлар маълум-ку, деган маънода эътибор ҳам қилишмади.

Йўловчилар сийраклашди. Биз ҳам қишлоғимизга қайтай деб қолдик. Худойшукур девона эса бирин-кетин йўловчилардан ўзиб, аллақачон кўздан ғойиб бўлганди. Маълум Худойшукур девона ҳақидаги эшитган латифанамо гап-сўзларга кетди.

Воҳада қиш кунлари ўтиришмалар бўлиб турарди. Бўйи «гурунглашма» деб аташарди. Белгиланган кунлари ёшлар, катталар, яъни тенг тенги билан бировинингига йиғилишар, ўйин-кулги, соз-суҳбатлар қуриб, маънавият қилишарди. Аксарият ҳолларда бу ўтиришлар ирим кечагача чўзиларди. Шу ўтиришлардан бирида Худойшукур девона ҳожат юзасидан ташқарига чиқиб-

ди. Девона уй эгасининг итига дуч келибди. Ит хирил-
лабди, Худойшукур девона тўхтаб:

— Ҳэйт хароб, ёт! — дебди. Ит яна кучлироқ хи-
риллабди. Бир-икки марта секин вовуллабди ҳам.

— Итсан-да, ҳароми, мен Худойшукур девонаман,
билмийсама, — дебди у. Ит энди кучлироқ хириллабди.
Девонанинг бир қадам ҳам силжишига имконият бер-
мабди. Шу алпозда Худойшукур девона ташқарида қо-
либ кетибди. Анча вақтдан кейин уй эгаси чиқиб қо-
либ, бўлаётган воқеадан воқиф бўлиб, Худойшукур де-
вонани уйга олиб кирибди.

Шу-шу Худойшукур девона ҳақида гап-гурунг кетса,
«у итнинг тилини биледи», деган гап орага тушарди.

Кейин ҳам отам билан бозорга бориб қолсам, Ху-
дойшукур девонага бир назар ташлаб ўтиш, мен учун
қизиқарли бўлди.

ХИ. ОТАМНИНГ ТАБАССУМИ

От-аравада отам билан яримчиликка олинган Ота-
назар майдонидаги еримизга қатнайдиган пайтлармиз-
да эрталаб бирор зарур нарсани у ёққа олиб бориб,
у-ёқдан эса молларга беда ва хашак олиб қайтардик.
Ез ойларида экин-тикинларнинг ҳосилини ҳам шу ара-
вада обкелардик. Хусусан далада етилган ширин қо-
вунларни обкелиш мен учун мароқли эди.

Отаназарга қатнайдиганлар фақат биз эмас, у ерда
зийлиликларнинг ҳаммасининг ҳам яримчиликка олин-
ган ерлари бўларди. Шу боисдан йўлда бировлар от
ё эшакда, араваликлар аравада, улови йўқлар яёв бо-
риб-келарди.

Ҳар гал отам у ёқ-бу ёқдан дуч келган одамлар
билан сўрашиб ўтарди. Бир гал:

— Ассалому алайкум, Қўчқор ака, — деди-да, у
билан енгил сўрашди. У одам ҳам отамга салом жаво-
бини қилди. Унинг жавобида қандайдир бепарволик
бор эди.

Отам ўзига ўзи гапиргандай бўлиб:

— Қўчқор, шоир, — деди.

Мен у одамни кўриб юрардим. Жуссаси кичик, оз-
гин, бўйи ўртадан пастроқ одам эди. Қийинишлари па-
ла-партиш. Бошидаги телпагининг орқа-олди сезила-
вермасди. Одамлар билан салиҳаси — муомаласи ҳам
камроқ эди. Бирор жойда, тўй ёки маъракаларда тенг-

тошлари билан хушчақчақлик қилиб ёки қалин суҳбат турганини кўрган эмасман.

Отамнинг табассум сирларини ўша пайтларда эмас, анча кейин англаб олдим. Кўчқор акани шоир деб танашларининг сабабини ҳам билавермасдим. Умуман, анча сўзнинг маъносини ҳам у пайтларда тушунмаган бўлишим мумкин. Буни ҳам кейин англаб олдим.

Кўчқор бобода кейин ҳам ҳеч қандай шоирлик алоқалари сезмадим. Фақат юрган-турганида билинар-тинмас лаблари қимирлаганига кўзим тушарди. Шоир» лақабини олишга эҳтимол шу ҳам сабаб бўлгандир. Хийлагина хаёлпаршонлик бор эди унда. Балки табиатидаги шу хусусият туфайли унинг феъл-атворида айрим ғалатиликлар рўй берган бўлши мумкин. Шу ваздан бўлса керак, қизик латифаю ривоятлар юрар эди эл орасида унинг номга боғлиқ. Ҳозир ҳам улар оғиздан оғизга ўтиб юради.

Кунларнинг бирида Кўчқор шоир дала ерида қўш олишиб, ер ҳайдабди. Анчагина иш битказиб, кечқурун уйига қайтиб ҳўкизларининг бўйинларидан омову бўйинтуруқларни ечиб, сўнг ҳўкизларни молхонага боғлабди. Қараса позза йўқмиш. Хоразм воҳасида темирдан ясалган омов тишини «позза» деб аташади. Одатда у ерда поззани чўяндан қўйишгани сабабли, унинг темирлиги камида 3—4 кило келади. Позза анча қимбатбаҳо буюмлардан ҳисобланарди.

Кўчқор шоир чопачарс қидришга тушади. Бироқ поззадан дарак йўқ. Воқеани хотинига маълум қилиб, ер ҳайдагани далага кетади. Йўл-изда ҳам поззадан дарак йўқ. Шудгор қилинган ерни кўздан кечиради, аммо позза жойларини қўли билан қовлаб ҳам кўради. Аммо позза топилавермайди. Ҳафсаласи пир бўлиб уйига қайтади. Усиз ҳам кайфияти чоғликда ажралиб туравер-майидиган Кўчқор шоир хийла хафаҳол эди. Воқеадан тибардор хотини шу заҳотиёқ поззанинг топилган-топилмаганини сўрайди. «Шоир» жавоб қилади:

— Йўқ! Йўлда ҳам йўқ! Қўлтиғимга солганим эсимни, қурғур позза пўт этмасдан тушиб қолаверибди.

— Топилиб қолар, устингизни ечинг, чойингизни ечинг, — дебди бу хилдаги воқеаларга ўрганиб қолган хотини.

Кўчқор шоир тортиб боғланган белбоғини ечибди. Белбоғидан бўшалган позза орқа томонидан тушаётиб шоир»нинг оёғига шикаст ҳам етказибди.

«Шоир»нинг хотини, ўғиллари ҳам бу воқеадан ажабланмабдилар. . .

Ушандан бери қишлоқда биров «фалон нарса йўқолибди» деса, иккинчиси «пўт этмай тушиб қолаверибди-ми», деб ҳазиллашиб қўйишади.

ХШ. ДУНЁНИНГ ХУДО ЁРЛАҚАГАН БУРЧАГИ

Ҳаёт ҳақидаги тасаввурим кенгая борди. Энди фақат кўрган-билган одамларим хусусида эмас, униб-ўсаётган ерим — қишлоғим ва унинг атрофидаги кенгликлар ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қила бошладим. Энди ўйлаб кўрсам, мен туғилиб ўсган қишлоқ — Зийли дунёнинг худо ёрлақаган бурчакларидан бири экан. Бу жойнинг ўзига хос табиати, фақат шу ерга хос муҳити бор эди. Шарқидан Хоразм воҳасининг қарийб ярмини сув билан таъмин қиладиган Шоввот оқиб ўтади. Тахминан икки асрлик тарихга эга бўлган бу анҳор ҳажм жиҳатдан кичикроқ дарёдир. Зийлининг шимолида Шоввотдан сув олиб туман, элатларга етказиб берадиган Фарров оқиб ўтади. Жанубида қўшни туркман қишлоқларига сув элтиб берадиган — «Янгиёрғон». Хуллас, бу кичкина қишлоқ уч томондан сув билан ўралган. Бундан ташқари қишлоқ атрофи гиёҳу ўтин-чўплар кони бўлмиш—тўқайлардан иборат эди. Унда тўронғил, юлғун, оқбош, янтоқ, бўян, қоравароқлар ўсарди. Қишин-ёзин қўй ва моллар шу тўқайларда боқиларди. Жону-жониворларга ҳам бой бўларди, бу тўқайлар. Отиз-челлардаёқ қуёнлар болалаб, суйлун (қирғовул)лар экинзорлар оралаб юришар, баъзан уйлардан чиқиб дон-дун териб юрадиган товуқларга ҳам аралашиб қолар эди. Баҳор ва куз ойларида шимолдан жанубга, жанубдан шимолга учиб ўтадиган паррандаларнинг ҳисоби бўлмасди. Баҳор вақтлироқ келиб қолса ўрдак, фоз, қашғалдоқлар ёпирилиб келарди. Бу ҳам халқ насибасига қўшилган насба эди.

Бу жойнинг экинзорлари ҳам ўзгача эди. Ҳосилдорлигидан ташқари унга ишлов бериш қийин бўлмасди. Тупроқлари худди элакдан ўтказиб қўйилгандек майин, юмшоқ, ҳайдалганда ҳўкизлар ортиқча куч сарф қилмас, чопиқда кетмон юзига зўр келмасди.

Меннинг мурғак хаёлларим бу жойнинг ўтмишига ҳам кетиб қоларди. Бироқ бу ҳақда бирор нарса англаб олишим қийин эди. Энди ўйласам, ўша пайтлардаёқ

бу жойларнинг ўтмиши ҳақида ибтидоий тасаввурларга эга бўлган эканман.

Еримизнинг бир бурчаги эски қабристон эди. Уни «Мискинбува» деб атардилар. Бу эски қабристонга тегишли баъзи афсонасифат ҳикояларни ўша пайтлардаёқ эшитганман. Афсоналарни кўпроқ энам гапириб берар-

Бобом Урозниёз еримизнинг бир чеккасига ўт-ўлан олиб, шўрлаб ётган жойига чиғир (чархпалак) қурмоқчи бўлибди. Чиғирнинг пастдан сув олиб чиқадиган оғзи та доираси айланадиган чуқур — карз қазишаётган одамнинг калла суяклари чиқибди. Шунга қарабдан бобом чиғирни шу ерга қуришни зарур ҳисоблабди. Уни битказиб, бир-икки кун сув чиқаришибди. Аммо кунларнинг бирида эрта тонгда чиғир қўшиш ва ё боришса, унинг қисмлари бўлак-бўлак бўлиб, ўрмондан ташқарида ётганмиш. Бобом ажабланибди. Кўрбондан сураларни тиловат қилибди-да, чиғирни яна жойига ўрнатибди. Эртасига борса яна шу аҳвол: чиғирнинг оғир, бесўнақай ўқ ва кўмачлари ҳар жой-жер жойда ётганмиш. Энди худонинг ишига шак келтириб бўлмайди, деб чиғирни у ердан олиб кетишган эканлар. Ўша чиғир карзи ҳозиргача ўйдим жой бўлиб турибди. Демак, бу ерда қадим-қадим замонлардан бери қили яшаган. Бироқ кимлар яшаган, қандай воқеалар бўй берган, буни билиб бўлмас эди. Ҳар ҳолда қанчалик қанча қисмату воқеаларга гувоҳ бўлса керак бу ишлоқ тупроғи.

«Бу ерларда эшик туруми айланмаган ер бўлмаган», деган энамнинг гаплари ҳақиқат эканини бора-бора анга олишундим.

Унинг ҳикояларига қараганда, қишлоғимизнинг узоқ вақт атрофлари ўт-ўлан, жону жониворларга бой бўлган экан. Ҳатто жумлаи жаҳон жониворларининг сулоласи — йўлбарслар ҳам макон қилишган экан бу ерларда. Бу хусусда энамдан эшитган бир ҳикоя ҳанузгача эсимда.

Қишлоқ одамлари бирлашиб, атрофдаги тўқайларга қишлоқ иши ўришга чиқишибди. Бу иш хатарли экани илгиридан маълум экан. Шу сабабдан улар бир-бирларини яқин, қатор туриб бу ишни бажараётган эканлар. Бир маҳал ҳамқишлоқларидан бири йўқлигини пайқаб қилишибди. Излашибди, топиша олмабдилар. Йўлбарс олиб кетибди, деган хулосага келишибди. Бир неча кундан кейин яна бир одам йўлбарсга ем бўлибди. Йўл-

барс доим ҳам одамга ўч бўлавермас экан. Бу галги йўлбарсни одамга алоҳида ўч ҳисоблашибди-да, ундан қутулиш йўлини излашибди. Хўп ўйлашиб, бир қарорга келишибди. Чуқур қазишибди. Унинг устига эски араванинг ғилдирагини ётқизиб, маҳкамлашибди. Ғилдирак устига чўп-чор ташлаб, сезилмайдиган ҳолга келтиришибди. Чуқурга яқинроқ жойга битта қўйни боғлашибди. Ботирроқ бир одам оғзидан ўқланадиган қора милтиқни олиб чуқур ичига кириб, йўлбарсни пойлабди. Йўлбарс — ўта сезгир ҳайвон, ўзининг шу атрофда юрганини билдирса ҳам, ҳадеганда ўлжага интилавермабди. Оқибат бир неча кундан кейин, оч қолган бўлса керак, қўйга ташланибди. Ботир йигит йўлбарсни мўлжалга олиб, тепкини босибди. Йўлбарс чуқур томон интилибди. Аммо қозиқ ва арқонлар билан ерга маҳкамланган арава ғилдирагини бузолмабди. Ўқ жароҳати бора-бора ҳолдан толдирибди ва қамишзор томон базўр кетаётиб қулабди.

Ўт-ўланнинг кўплигидан мол-ҳол тутиш, ҳатто сурув-сурув қўйларни боқишга имконият берарди бу ер. Шу сабабдан бўлса керак, қишлоқ хонадонларида мол-ҳол мўл эди. Камида ҳар бир хўжаликда от-улов, қўш хўкиз, бир неча қорамол, ўнлаб қўйлар бўларди.

Куз пайтлари эди, чамамда. Отам бир сурув қўйни ҳайдаб келгани ғира-шира эсимда қолган. Биз болалар учун катта қувонч бўлган бу воқеа. Бу сурув тафсилотини катта бўлганимдан кейин эшитдим.

Отам ҳар йили ернинг бир қисмига пахта экар эди. Ҳосил мўл ва эл обод йиллардан бирида у пахтанинг илк ҳосилини йиғиб, қанорларга тиқибди ва аравага жойлаб, устидан арқон тортиб боғлабди-да, Тошҳовуздаги пахта заводига олиб кетибди. Бозор куни экан чамамда (у пайтларда бозор жума кунлари бўларди), пахтани топшириб, нақд пулни олибди-да, тўғри бозорга йўл олибди. Бозордан пахтанинг пулига йигирмата қўй олибди. Отам ҳайдаб келган сурув ўша қўйлар экан.

Ўша кезлари экиладиган пахталар ҳам эсимда. У вақтларда нимагадир ғўзага нисбатан «амрикони» деган ном ишлатиларди. Амрикони бугунги ғўзаларга ўхшамасди. Бўйи баланд, шохдор бўларди. Чаноқлари ҳам катта, ҳар бири одам панжасидек келарди. Экилганда ҳам қатор қилиб эмас, қўл билан сепиб экиларди. У ер-бу ерда уруғи тушиб қоладиган бўлса, амрикони ичида хандалак, қовун кўкариб, пишиб ётган бўлар-

ни. Биз болалар кўпроқ хандалак ёки қовунларни қиририб ёўза оралардик. Ёўза ичида бир-биримизни йўқотиб қўйган пайтларимиз ҳам бўларди.

Маълумки, қўй тез кўпаядиган жонивор. Кўп ўтасдан бир арава пахта пулига олинган қўй ўттиз-қирқка етиб қолди. Мен тенгдошларим билан қўй боқишга чиқардим. Баҳор пайтлари қўй боқиб юриб, тўрончил новдаларидан чўлпи, сават тўқиб уйга олиб келардим. Бу билан опам ва энамларни хурсанд қилардим. Ёш, қиш пайтлари бўлса қўй боқиб юратуриб, озишна ўтин обкелардим.

Қўй боқиб юрган пайтларимда йўлбарс ҳақидаги энам гапириб берган ҳикоя даҳшат солиб юрарди мени. Қўрқишларимни энамга гапириб берсам, у мени бошқа бир ҳодисани айтиб тинчитарди. «Йўлбарснинг келишидан бошқа жонзодларни хабардор қилиб юратилган «қорақулоқ» деган йўлдоши бўлади. У йўлбарс келиётганидан хабар бериб, овоз чиқаради. Нотаниш овоз эшитиб қоладиган бўлсанг, шу заҳоти уйга чопиб кетмасан, йўлбарс сени ҳеч нарса қила олмайди», дерди у.

Энди ўйлаб кўрсам, энам ўта сезгир аёллардан бўлган экан. Менинг қўрқишимни ҳисобга олиб, йўлбарс ҳақидаги бошқа бир ривоятни ҳам гапириб берган эди:

— Бир вақтлар тўқайда шундай ҳодиса бўй берган экан, — деб гап бошлади энам, — йўлбарс тўқайнинг одам кўпроқ ўтадиган жойида оёғини чўзиб ётиб олибди. Ваҳимадан одамлар унинг олдига боролмабдилар. Бир неча кун шу ҳолда ётганини кўрган бир деҳқон таваккал қилиб, йўлбарсга яқинлашибди. Йўлбарснинг оёғида катта яра борлигини пайқабди ва жониворнинг оёғидаги чўкирни оҳиста олиб ташлабди-да, белбоғидан бир парча йиртиб олиб боғлаб қўйибди. Йўлбарс қилт этмабди. Деҳқон ўз ишига кетибди. Бир неча кун олгандан кейин йўлбарс битта ҳўкизни етаклаб, деҳқон ишигида найдо бўлибди. Ўша пайт деҳқон уйига қайтиб келиб воқеадан воқиф бўлибди. Деҳқон ҳўкизни ўз кўли билан кўргач, йўлбарс секин ўрнидан туриб, тўқай ёмон йўл олибди.

IV. УРОЗ БОБОМНИНГ ҚОНИ ТУҚИЛГАН ЖОИ

Ҳали анча ёш бўлсам ҳам, бу ерларда ҳаёт доим ич-тотувликда ўтавермагани ҳақида маълумотлар ёлғимга чалинарди.

Пахта териб юрган отам ва опамларга ўралашиб, отизнинг ўрталарига бориб қолдим. Отизнинг ўртасида ўт-ўлан, жигилдак (жнийданинг майда хи́ли бўлиб, кўпроқ Хоразм воҳасида учрайди) кўкарган дахлсиз жой бор эди. У ерни илгарни ҳам кўриб, бу ҳақда узук-юлуқ гаплар эшитиб юрган бўлсам ҳам, бир англаб, бир англамасдан юраверганман. «Шаҳидлик» деб аташарди бу жойни. Шаҳид сўзининг маъносини ҳам энам ўқиган китоблар орқали биламан.

Отам бу гал ҳам одатдагидек жигилдак тагига чўккалаб ўтирди-да, узундан-узун қуръон тиловат қилди. Алоҳида эътиқод билан қўлини юзига тортиб фотиҳа қилди. Кейин ўрнидан туриб, қўлига кетмон олиб, атрофдаги бегона чўп-чорларни йиғиб, бир чеккага қўйди. Тупроқ тортиб жигилдак тагини баландроқ кўтариб, супача ясади. Отам бу ишларни ҳафсала билан амалга оширгани сезилиб турарди.

Отамнинг саъй-ҳаракатлари бу ерда бўлиб ўтган воқеага менинг қизиқишимни кучайтирди. Кечқурун энамдан сўраб воқеанинг тафсилотини яна бир бор эшитиб олдим.

— Бу ерга Уроз бувангнинг қони тўкилган, — деб бошлади энам ўз ҳикоясини. . .

Эрта куз пайтлари бўлса керак, Уроз бобом пашшахона қуриб, қовун сақлаб ётган экан. Унинг ёнида Хидир исмли деҳқони ҳам бўлган экан.

У пайтларда одам ёллаш, деҳқон сақлаш айб ҳисобланмаган. Аксинча, айрим ўзига тўқ катта бой одамлар ҳам мусофирликни, қаттиқчиликни кўрсин, одамлар билан муомалани ўргансин, меҳнатга кўниксин, маъносида ўғилларини бошқа хонадонларга деҳқон сифатида, яъни ёлланган хизматчи қилиб топширар эканлар. Хидир шу тарзда ёлланган деҳқон йигит экан. У йигитнинг одамийлик фазилатлари ҳақида отам, энам ва қариндош-уруғлардан кўп эшитганман.

Уроз бобом Хидир билан қовун сақлаб ётган эканлар. Айтишларича у пайтларда ён тўқайларда тўнғиз ва тўрсиклар кўп бўлиб, энди пишаётган қовунларга ўч бўларкан. Назаримда қовун сақлашнинг маъноси ҳам шу бўлса керак.

Воқеа тонгга яқин рўй берибди. Хонадонимиздаги катталар бир неча бор отилган милтиқ овозидан уйғонишади. Айтишларича, бу кутилган ҳодиса бўлиб, дарров ўринларидан туришади. Жон сақлаш мақсадида энам ва опам ёш Норжон опам ва Бекжон акамларни кўта-

риб тўқай томон қочишади. Отам эса қовун полизга — бобом ётган пашшахона томон чопади. Уроз бобом отамнинг шарпасини сезиб:

— Қоч болам, Хидирни отдилар, мени ҳам... — деди экан мадорсиз овоз билан.

Отам бирор тadbир қўлидан келмаслигини билиб бон бераётган бобомни тақдир ихтиёрида қолдириб, нам ва опамлар яширинган тўқай томон чопади. Узоқдан бўлса ҳам босқинчилар хонадонларга кириб, молга қўйларни, уйда қўлга илинган анжомларни ўлжа олиб кетаётганини англайдилар.

Бу воқеа фақат оиламизни эмас, балки бутун қишлоқни ларзага солгани табиий эди. Унинг тафсилотлари ҳақида эл орасида гап-сўзлар кўп бўлган албатта.

Бу ҳодисадан бир кун олдин қўйи қишлоқлардан келган беш-ўн отлиқ хонадонимизда меҳмон бўлиб, еб-ичиб, маишат қуришибди. Уйда яроғ ва яхши от борлиги, ҳовли тўла мол-ҳоллигини билиб кетишган экан.

Улар учун ўлжанинг энг муҳими яроқ — милтиқ бўлган, албатта.

Босқинчилар биринчи галда бобомни ва Хидирни олиб, яроқни қўлга киритганлар. Маълум қаршиликлар бўлган чамамда. Бобомни ва Хидирни шу ернинг ўзи чаёқ олиб ташлаганлар ва шундан кейин мол-ҳол учун малари қочиб улгурган ҳовлига кириб келганлар.

Отамнинг гапларига қараганда, улар тўқайда туриб отларнинг ҳуриши, қўйларнинг безовта маъраши, отнинг ташвишли кишнашидан отлиқларнинг босқинчи эканлиги маълум бўлиб турган ва овозлари узоқлашиб, жимлик чўккандан кейин билишганки, улар ўз ишларини бажариб, уйдан узоқлашганлар. Шундан кейингина отам, энам, опамлар ҳовлига қайтиб келишади ва босқинчиликнинг қурбонлари Уроз бобом ва Хидирни жойлаш ташвиши билан банд бўладилар.

Шундан бери отизнинг ўртасидаги бу дахлсиз жой «шаҳидлик» деб аталадиган бўлган. Фақат отам эмас, балки бошқа қариндошлар ҳам бу ерни зиёрат қилдиган бўлишади. Ҳанузгача бу жой қўни-қўшнилари қадимжойи ҳисобланиб, бошига иш тушган ва бетоб бўлганларида бу жойни айланадилар, жигилдак шохларига оқ мато парчасини иладилар. Иззат ва сифиниш маъносидан қуръон тиловат қиладилар. . .

Оғир ва мусибатли бўлган ўша вақтлар. Бирор санини эслашмоқчи бўлишса, «кўча-кўч», «фалончининг ўйи таланган, палончини олиб кетишган йили» сингари

ибораларни кўп ишлатишарди. Ҳатто бутун қишлоқ Эшонбобо уйи атрофида, ёхуд Тошҳовуз қалъасида жон сақлаб қолганлиги ҳақида хилма-хил ривоятлар эшитганим бор.

Бир оз катта бўлганимдан кейин бу кўнгилсиз воқеалар сабаби билан қизиқдим. Ушанда бу зиддиятларнинг сир-асрорини биладиган, бор тафсилоти билан гапириб берадиган одамлар ҳам бор эди. Умумлаштирган ҳолда айтадиган бўлсам, бу мотамсароликнинг сирини қуйидагича бўлган экан:

Қуйи қишлоқдаги аҳолини тўлароқ қарам қилиш мақсадида амалдорлар сувни камайтирар, бирор низо чиқиб қолса, Шоввот ва унинг тармоқларини беркитиб ҳам қўйишар эканлар. Бу ҳол аҳолининг тирикчилигига катта зиён келтирар, бунинг аламига улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб босқинчилик билан шуғулланишаркан. Шу тарзда эл тинчлиги бузилар, кўп оилалар сарсон-саргардон бўлишар, баъзилар ҳеч қандай айбисиз равишда қурбон бўлиб кетишар экан. Бобом билан Хидир ҳам шундай низоларнинг қурбонлари бўлишган.

Ўроз бобомнинг қисмати менга таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди. Уша тарихий вазиятни кейин тушундим. Бироқ, босқинчилик, мол-ҳол учун беғуноҳ одамларнинг бемалол отилавериши менинг тасаввуримга сиғавермасди. Шу сабабдан бўлса керак, мен Ўроз бобомнинг қандай одам бўлгани билан қизиқар эдим. Одатда кўпчилик у ҳақда яхши гаплар айтишар ва гапларини умумлаштириб «авлиёсифат одам эди», деб қўйишар эди. Мана эл таърифлайдиган баъзи хислатлар:

«Бениҳоя тоза одам эди, бировнинг ҳақиға нинача хиёнат қилмас, хонадон тирикчилигини фақат меҳнат билан таъмин қиларди. Муомалада ўта хушфезъл одам эди. Бирор кимсага қаттиқ гапирмас, атрофдагиларни ранжитишни ўзига эп кўрмасди. Ёз ойлари дўнғалак ёқасига ипак жияк тутилган, ҳар доим ювиб тозаланган оппоқ кўйлақда юрар, қиш ойлари эса тоза тўнларни кийиб, белини қалин белбоғ билан маҳкам боғлаб ташқари чиқарди. Узининг бу хислатлари билан фариштанинг ўзи эди у».

Бу маълумотлар Ўроз бобом ҳақида менинг тасаввуримни тўлдирар ва «шаҳидлик» олдиға бориб қолгудек бўлсам, оппоқ соқолли, оппоқ кўйлақ кийган бобом жигилдак тагидан чиқиб олдимға пешвоз чиқаётгандек бўларди. Бундай пайтларда ачиниш ва қўрқинч, шу билан баробар фахр ҳисси уйғонарди, менда.

Бир неча йилдан кейин бу хилдаги фожеа яна бир
та такрорланиб, отам, энам учун илгаригидан шаф-
қатензроқ, хонадонимиз учун чидаш қийин бўлган оғир
лард ва алам келтирган, албатта. Воқеа тахминимга
қараганда, йигирманчи йилларнинг бошларида рўй
олади.

Худо берган ёруғ кунлардан бирида, чап томондаги
қўшнимизнинг уйида қарсиллаган милтиқ овози ян-
райди. Милтиқ овозидан зада бўлган энам чопиб таш-
қарига чиқади. Не кўз билан кўрсинки, отамнинг акаси
Рўзибой амаким қўшнимиз Бўрон бобонинг уйидан чи-
қиб, хиёл букилиб, қорнини чангаллаганича базўр қа-
дам ташлаб келаётган бўлади.

Рўй берган воқеани дарров ҳис қилган она — энам
од-фарёд кўтаради. Қўни-қўшнилар йиғила бошлай-
ди. Дарвоза томондан жувозхонада жувоз ҳайдаётган
отам енглари шимарилган ҳолда чиқади. Амакимга ўқ
ушган Тўйли деган қўйи қишлоқлик йигит милтигини
окасига илиб, отизлар орасидаги йўлакдан ҳеч нарса
бўлмаган, ҳеч нарса кўрмагандек қишлоқ жанубидаги
текай сари кетаётган бўлади. Отам энди юз-юз эллик
қадамларча узоқлашган безорига қараб:

— Нега отасан, томингни тешдими у сенинг, зан-
гир! — дея олади, холос. Энам отамга ҳам ўқ узилиши-
дан хавфсираб, чопганча у томонга интилади. Тортқи-
лаб ичкари томон олиб кетади.

Қорнидан ўқ еган амаким бир неча кунга етар-етмас
вақт ичида оғир азоб-уқубатлар билан вафот этади.
Отамнинг дарду алами яна янгиланади.

Оилада отам билан Рўзибой амаким асосий ишчи
кучи ҳисобланарди. Отам кўпроқ деҳқончилик, мол бо-
қиш билан банд бўлса, амаким хонадонга тегишли ол-
ди-сотти, қўни-қўшниларга муомала қилиш билан банд
бўлар эди. Шу сабабдан бўлса керак, у Бўрон бобо-
ларникига келган меҳмон билан суҳбатда бўлган. Эҳ-
тимол улар орасида қандайдир гап-сўз ўтган ва бос-
қинчиликни ўзига касб қилиб олган қўйи қишлоқлик
ушга қараб ўқ узган.

Айтишларига қараганда, бу мусибатларнинг бошқа
бир сабаблари ҳам бўлган кўринади. Одам боласининг
данф томонларидан бири ҳасаддир. Назаримда отам
ўта меҳнаткаш бўлиб, ҳар бир босқинчиликдан кейин
моддий жиҳатдан ўзини тез ўнглаб олишга қобил одам
экан. Ундаги бу хусусиятни англаган баъзи ҳасадгўй-
лар: «майли ўзини ўнглайверсин, эрта-индин яна бели

букилади», дейишиб, босқинчиларни хонадонимизга қарши гиж-гижлатар эканлар.

XV. «ОЛА ТАЁГИМ ОТ БЎЛУР...»

Бола ўз аждодларининг ўтмишига қизиқувчан бўлади. Мен ҳам бундан истисно эмас эдим. Кичик бобом ҳақида муайян тасаввурга эга бўлганимдан кейин, катта бобом, яъни Уроз бобомнинг отаси ким, унинг отаси ким, деб энамни сўроқ қилаверган бўлсам керак. Бундан ташқари ҳар бир хонадонда бўлганидек оилада ўзларининг ўтмишларига тегишли ҳар хил воқеаларни эслашган, гапиришган, албатта. Бу хил гаплар ҳанузгача давом этади. Шулардан ёрқин эсимда қолган воқеалардан бир нечтаси катта бобом — Бекназарга тегишлидир. Уни эл орасида «Бегалак» деб ҳам аташган эканлар.

Айтишларига қараганда, катта бобом кичик бобомга нисбатан жуссаси майдароқ, чайир ва чаққон одам бўлган экан. Шахс сифатида у ғалатироқ бўлган дейишади. Бу ғалатиликни ҳам ҳар хил нарсага йўйишган. Унинг хислатлари, қилмишлари ҳақида эл орасида афсонасифат гаплар ҳам юради.

Бекназар бобомнинг олтига ўғли бўлган. Назаримда бизнинг қишлоқ хонлик марказидан узоқда бўлганлиги учун ерга эгалик қилиш унча чекланмаган бўлса керак. Ер-сув мўл бўлгани туфайли олтига забардаст ўғли бор одам қисқа муддат ичида бой хонадонга айланиши турган гап. Бугун чамалаб кўрсам, ўша хонадон, яъни олтига ўғил эгалик қилган ер камида эллик таноб келади. Олти ўғилнинг ҳар бирида кичикроқ қалъани эслатадиган тўрт-олти кунгурали иморатлар бўлгани эсимда. Демак, бир отадан тарқалган олтига ўғил — ўзига тўқ олтига хонадонга бош. Одамлар катта бобомнинг шу хилда қанот ёзишини ҳисобга олиб, ўша давлати туфайли унинг феълида ғалати хусусиятлар пайдо бўлган, деган хулосага келган бўлишлари мумкин.

Бошқа бир ривоятни ҳам кўп эшитганман. У «орқалик» одам бўлган дейишади. Бу хусусда турли-туман ҳикоялар ҳам тўқилган. У бир кунда ўлканинг икки-уч шаҳрида кўриниши мумкин экан. Хаёлига келган пайт уйдан чиқиб кетаверар ва йўлга чиқатуриб унинг айтадиган сўзлари ҳанузгача эл оғзида юради:

Ола таёгим от бўлур,
Жонимга қувват бўлур,

Юрувдан хабар келди,
Ҳийй, чув, жониворим, чувв ! .

Қўлида пасти ўйилиб, ола-була шаклига келтирилган таёқ унга доимий йўлдош экан. У йўлга на озиқ-овқат олади, на чўнтагига пул солади. Қўлида таёқдан бошқа нарса йўқ! Шу кетишда у бир куннинг ўзида қилларда бўлади, кимлар билан суҳбат қуради, ҳеч ниси билмас экан. Бир кунни кимдир Бекназар бобони Баҳна-Урганчда кўрдим деса, бошқа биров Тошҳовуз ободорида кўрдим, деб келишар экан. Бу икки шаҳар орасидаги юз чақиримдан кўпроқ масофани у қандай ўтатиши, билиб бўлмас экан. Қайтишда эса бир хуржун гўшт, бу билан кириб келар экан. Бу харажатларни у қаердан ва кимдан олади, буни ҳеч ким суриштирмас экан. Табиий, бобом—олтита бой ўғиллар отаси бу харажатларга зор ҳам бўлмаган.

Бобом билан боғлиқ бир ривоят янада қизиқарлидир.

Ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудида Амударёнинг шимол томони, тоғ тепасида Султон Увайс бобонинг мақбараси бор. Уша вақтларда бу зиёратгоҳ ривожда бўлган. Шу кунларда ҳам хоразмликлар бу ерга зиёратга бориб туришни бурч деб билишади, ўзларига. Бекназар бобом бир гал Султон Увайс бобони зиёрат қилиш учун йўлга чиқибди. У ерга бориш учун Амударёдан ўтиш керак. У пайтларда на кўприк бор, на ўтмазгич. Фақат 15—20 одам сизадиган қайиқча бўлган. Уни бир одам бошқариб, қирғоқдан қирғоққа зиёратчиларни ўтказиб турган. Бекназар бобом бошқалар қаторида қайиқча тушишга интилибди. Бироқ усти эски ва абгор, ўзи девонасифат бўлганидан қайиқчи уни қабул қилмабди. Бекназар бобом бирор муносабат билдирмабди-да, қайиқ суза бошлаганда худди ерда юргандек қайиқнинг ёнида кетаверибди. Тўлиқ оқиб турганларё суви унинг тиззасидан ҳам келмасмиш.

Катта бобомнинг бу ишини қайиқдагилар каромат билиб, шов-шув кўтарибди ва унга таъзим қилиб, қайиқча чиқишни таклиф қилишибди. Бироқ Бекназар бобом кўнмабди. У ҳамон дарё юзидан бораётганмиш, қайиқ билан баробар қирғоққа етибди. Шу заҳоти зиёратчилар бобомни ўраб олиб тавоб қилишибди ва унга ҳар хил емишлар ва пуллар узатишибди. Аммо бобом бу садақаларни олмабди ва Султон Увайс бобо мақбараси томон йўлга тушибди. Оломон унга эргашибди...

Катта ва кичик боболарим ҳақида тасаввурим юқоридоғилардан иборат. Уз-ўзидан савол туғилади. Улардан катта боболарим ким бўлган?

Юқорида қайд қилинганидек бизнинг қишлоқни Зийли деб атайдилар. Тошҳовуз қарамоғидан бошқа жойларда ҳам Зийли деб аталган қишлоқчалар учрайди. Атама сифатида «зий» сўзи Хоразмда «зах» маъносини билдиради. Бироқ бу атаманинг захга алоқаси борми, йўқми, билмайман. Хоразмнинг ҳозирги Қўшқўпир туманида Зийли деган қишлоқ бор. Бу жойни Уйғур деб ҳам аташади. Ҳар хил жойларда учрайдиган Зийли атамасининг бир-бирига алоқаси бўлса керак, деб тахмин қиламан. Қулоғимга чалиниб юрган қуйидаги ривоят бу тахминга аниқлик киритади.

Хоразм хонлиги ерида «Катта уйғур» қишлоғи бўлган экан. Қишлоқдоғилар бир-бирлари билан ўта аҳил, оғзи бир, эркесвар ва жасоратсифат одамлар бўлган эканлар. Улардаги бу хислатлар хон тахтига таҳлика солибди. Хон барча зийлиликларни қўлга олиб, катта ёшдагиларни аёвсиз қиллчдан ўтказибди. Ёшларини эса бутун ўлка бўйлаб сочиб юборибди. Ҳар ёп бўйига битта-иккитадан оила тўғри келибди. Шу сабабдан бўлса керак, зийлиликларнинг қариндош-уруғлари бутун воҳа бўйлаб тарқалган ва ҳанузгача улар маълум даражада бир-бирлари билан боғлиқдирлар. Бу ҳолдан Бекназар бобом ёшлигида ўша хон амри билан бу ерга тушиб қолган зийлиликлардан бўлиши мумкин деб ўйлайман. Еримизнинг ён-веридоғи эски қабристонни «катта» бобомлардан олдин бу ерда яшаган, муайян сабаб билан бирор томонга силжиб кетган аҳолига тегишли бўлса керак», деган тахминлар ҳам бор.

Тарихи қандай бўлмасин, кимлар бу ердан ўтган бўлмасин, бобокалонларим макон қилган бу ер худо ёрлақаган ерлардан экани, шубҳасиз.

Хонадонимиз ҳаётини таъмин қилиб турган бу ернинг жозибали манзараси доим кўз олдидан намоен бўлиб туради. Катта, тўрт кунгурали қалъасифат ҳовли. Ҳовлининг жанубида қиш эшигига тақаладиган «тахта ер» деб номланган икки танобча, орқа, яъни ёз эшик олдида бир танобча ер. Шарқда, Шоввот томонда Элтитор бобомнинг ери билан аралаш, ҳар хил номлардаги «катта отиз», «учмуёш» сингари номлар билан аталадиган уч танобча ер... Ҳаммаси бўлиб олти-етти таноб келадиган ҳосилдор экинзорлар! Бу ерларнинг ҳаммаси ҳовлининг атрофига жойлашган бўлиб, ҳовлидан

шоқда ҳисоблангани ярим чақирим масофа эди, холос. Ховлидан чиқилса, экинзорга қадам қўйилар, экинзордан чиқилса, ҳовлига кириларди. Бугунги тушунча билан айтилганда хон томонидан хусусий мулк сифатида қилиб берилган бу ер катта ҳажмдаги томорқанинг эри эди. Уйдан чиқиб ерга бориш, ердан чиқиб, уйга бориш учун ҳеч қандай вақт сарфланмасди. Шунингдек, зарур ҳисобланган иш қуролилари ҳам ишланиши керак бўлган ернинг бир бурчагида тураверарди. Болаларимда мен билган Зийли қишлоғидаги 30—35 хонадон ҳаммаси ҳам шу тарзда, яъни ўзи эгалик қилган ер устида жойлашган эди. Бу қишлоқчада ерга тегишли қишлоқ мулкларини муаммолар бўлса бўлгандир. Аммо бирор хонадон ернинг сотиб кетибди ё камбағал бўлиб қолгани, бирор хонадон бошқаларнинг ернинг тортиб олибди, берган гапларни эшитган эмасман. Ҳар бир хонадоннинг ери, ўз иш қуролилари бўларди. Ула хусусий мулк ҳисобланиб, қатъий равишда хон маҳкамалари томонидан ҳимоя қилиб турилар эди.

Ҳа, Зийли қишлоғини ҳамон болалик пайтларимдан манзарада кўришни истар эдим. Фақат ота-боболаримнинг бошига тушган оғир мусибатлар, зўрлик ва тасқинчиликлар бўлмаса эди, дейман!

XVI. БАҲОР ШАБАДАСИ

Эрта баҳор, ғарби-шимолдан баҳор шамоли эсади. Баъзан у куч билан бош кийимларни учирар, баъзан қиши билан димиққан бошларни силагандек бўлади. Болаларга хос бефарқлик билан кийиб олинган тўнанинг этакларини титкилаб кўтарарди. Этнинг жимирланиб, баданга нафас етказиб бераётгандек бўлади. Шамол одамда хушхоллик уйғотади. Болалар кўпроқ ташқарида юришни, унга бети ва кўксини тутиб қониқа-қониқа чопиб ўйнашни хуш кўради. Биз болалар билар-билмас варрақлар ясаб, унинг тебраниб, баъзан исаларисифат гувиллаб овоз чиқариб учишига берилиб, варрак ипини қўлдан чиқармасдан югураемиз. Варрак (Хоразмда уни падпарак дейишади) ясашда ҳунарим у даражада баланд бўлмаса-да, устимда эски тўн, бошимда кичкина телпак, тенгдошларим орасида ўралашиб юраман. Қани эди бу чопа-чоп, югура-югурларнинг лаззатини бугун ҳавас қилишимча англаган бўлсам, ўша вақтларда!

Варрак учиршидан зериккан пайтларимизда тўп-тўп

бўлиб «қочарман» деб аталган тўп ўйини билан банд бўламиз. Қечга қараб болалар уюм-уюм бўлиб, ошиқ ўйнашлар бошланади. Шамол аччиқлашади. Юз-кўзларни ачитади, кийимлардан ўтиб, баданни чимчилангандек бўлади-да, болаларни уй-уйига ҳайдайди. Эртасига яна шундай, биз болалар учун бетакрор кун бошланади. Яна илк баҳор шамолда чолиб варрак учирешлар, тўп ва ошиқ ўйнашлар... Тўп яшашнинг ҳам ўзига хос сирлари бор. Энди туллай бошлаган мол жунлари йиғилади-да, мижжа қўллар орасига олиб ийланади. Товуқ тухумидан хиёл каттароқ ҳолга келганда бир неча қат ип билан тўр тортилади. Қарабсизки, «қочарман» ўйини пайтларида шеригингиз орқангиздан урса, бутун баданингиз зирқирайдиган қаттиқ тўп пайдо бўлади.

Ғарби-шимолдан эсадиган баҳор шамолнинг таъсири ҳаммадан бурун қизларни уйғотади. Улар тол куртаклари — муттукларининг ниш беришини сабрсизлик билан кутадилар. Муттук учларида барг бурчаклари кўринди дегунча новдани синдириб оладилар-да, пўстини шилиб, ундан чамбарак ясайдилар ва рўмол устидан бошларига ўрнатиб оладилар. Қарабсизки, қиши билан уйларида ивирсиб юрган қизлар ярқ этиб кўзга ташланадилар. Ўғил ва қизларнинг бир-бирларига сирли назар ташлашлари ўша пайтданоқ бошланади.

Бора-бора ғарби-шимолдан эсадиган шамолнинг аччиқ дами пасайиб, жанубдан Қорақум саҳролари томонидан илтиқ шабада эса бошлайди. Хоразм воҳасида мамлакатимизнинг бошқа жойларига нисбатан ёмғир кам ёғади. Бироқ ҳамма жойларда бўлганидек, баҳорда «гулдурмома» — момақалдироқ овози болаларга ҳам қўрқинч, ҳам завқ бағишлайди. Китобларни кўп ўқиб, баъзи ривоятларни ўзича тўқиб айта оладиган энамнинг гулдурмома хусусидаги ҳикоялари ҳамон эсимда.

— Гулдурмома, — дерди энам, — чопқир отини катта аравасига қўшиб олиб булутлар устида чоптиради. Гулдурослар ўша арава тақир-туқури. Булутлар ёмғирни ердан қизганган пайтлари гулдурмома узун, кескир қамчи билан булутларни «ёғдир» деб савалайди. Қамчи ғазаб билан урган пайтларда булутлар орасида чақмоқ бўлиб, ўт чиқади. Буни «йилдирим» дейдилар.

Баҳор ҳодисалари ҳақида энамнинг бошқа бир ҳикояси ҳам ҳанузгача эсимдан чиққан эмас.

Узоқ ўтмиш боболаримдан бирининг номини тилга оларди-да, унинг ҳажга бориб келгани ва баланд тоғ-

лар ошиб йўл босгани ҳақида ҳикоя қиларди. Айтар-
шим, қайси бир тоғни ошиб келаётган пайт булутнинг
шашотдек парчасига кўзи тушиб қолибди. Уни олиб
сўржунга солибди. Обкелиб, булут парчасини сувга
қўндирилган карсанга ташлабди. Булут сувни симириб,
водорига кўтарилибди. Хонанинг шифтига тегибди-да,
қовчиллатиб сувни ёғдирибди.

Булутлар ёмғирни шуйтиб ёғдиради — дерди
ошам.

Биринчи қарашда эртакка ўхшаш бу гапларнинг аҳа-
миги йўқдек кўринади. Энам аҳтимол, бу сўзларга
эни ҳам ишонмас. Бироқ бола тасаввурини бойитиш
эни бу хилдаги ҳикояларнинг аҳамияти борлигини ке-
чинчалик тушундим.

Баҳорнинг илиқ шабадаси, отам ва акаларимнинг
бирвариши натижасида экин-тикинлар тез униб чиқиб,
еримиз тезликда кўкаламзорга айланарди. Одатда бир
кундан охирига охирига келадиган ерга экилган буғдой ба-
ҳор ўрталарига бориб тизза бўйи ўсар, шабада турган
кунларда денгиз сувидек тўлқинланарди. Бирини ик-
кинчиси қувиб чопадиган бу тўлқинларни кузатишнинг
эни одамга катта завқ бағишларди. Ҳадемай беда ўроқ-
га келар. Энди чигир ҳайдаганда отга култа — қуриган
беда эмас, балки эрта билан ўриб келтирилган барра
бедадан тутилар, от ҳам роҳат қилиб еярди. Янги беда
сатишлаган қувват туфайли қадамларини дадилроқ
босарди от.

Экин-тикин мавсуми бир оз сусайиб, тўқайлар ҳам
кўкаламзорга айланган пайтларида, акаларимнинг би-
рортаси билан узоқ-узоқларга қўй боқишга кетардик.
Билъзан этак-этак қўзиқоринлар топардик. Қишдан омон
қолган қўйлар ердан энди униб чиқаётган кўкатларни
қартишлаш билан банд бўлишар. Шу боисдан улар
узоққа кетишмасди. Биз тенгқурлар бирлашиб олов
қардик. Терилган қўзиқоринларни чўпга тизиб, олов
ёғни устига териб кабоб қилардик. Бу ишнинг болаликка
нос расм-русумларидан ташқари қўзиқориндан бўлган
бўлли кабобнинг мазаси шу даражада ўткир бўларди-
ки, ҳанузгача унинг таъми оғзимда қолган.

Умрда келадиган баҳорларнинг ҳаммаси гўзал. Би-
роқ болалик чоғлардаги баҳорлар гўзалдан-да гўзал.
Шу боисдан унинг барча тафсилотлари донм хотирада
муҳрланиб қолади.

XVII. НАВРЎЗ КУНЛАРИ

Бекжон акам билан Тошҳовузга кириб келганимизда чошгоҳ маҳали эди. Арава хакра биқинидаги майдончалардан бирида тўхтади. Бу ер Дўсчон гуржиннинг қозикҳонаси деб аталарди. Одатда Тошҳовузга келганлар ўз уловларини шу хилдаги атрофи ўралган қозикҳоналарга киритар ва қозикларга маҳкам боғлар эдилар. Шаҳарда ишлари битгач, қозик ҳақини тўлаб, уловларни олиб кетишарди. Бекжон акам Дўсчон қозикчи билан қуюқ саломлашиб, аравасини қозикҳонанинг бир бурчагига қўйди. Отнинг иппини калта қилиб арава гилдирагининг кегайларига ўтказиб боғлади. Шундан кейин биз шаҳарга кирдик.

Қалъанинг ғарби-шимол бурчаги катта майдон эди. Тошҳовузнинг майда-чуйда ва мол бозори шу ерда бўларди. Бугун бозор куни бўлмаса ҳам майдон одам билан лиқ тўла. Майдоннинг бир томонига бир неча қатор қилиб, кўчма «қора уй» — ўтовлар ўрнатилганди. Ҳар ўтовнинг олдида қозон ва чой ўчоқлар қурилган бўлиб, уларнинг атрофида кимлардир ивирсиб юришарди. Чамамда улар овқат пишириш билан банд эдилар.

— Бугун наврўзнинг биринчи куни. Ўн кун шу ерда наврўз сайли бўлади, — деб менга маълумот берган бўлди Бекжон акам. Атрофни бир сандра назардан ўтказиб, ўзи ўзига гапираётгандек давом қилди: — Муновви ўтоеларнинг ҳар бирини бир оқсоқол қурғон. Ҳар биринда шу ўбадан — қишлоқдан ўн йигит туради. Ўн кун давомида сайил қиладилар, ўйнаб-қуладилар, еб-ичадилар.

Ҳақиқатан ҳам байрам манзараси бор эди. Бу ердагиларнинг аксарияти ёш йигитлар. Уларнинг баъзилари полвонсифат, елкалари кенг, билакларидан куч томиб тургандек кўринарди.

Улар байрамона ясан-тусан қилишган. Устларида ялтироқ дўнма тўн, «турма» деб аталадиган йўғон қизил матодан белбоғ, олд томонида тугун қилиб боғланган жойида чиройли попуклари осиглиқ турарди. Оёқларида жўкки этик, бошларида силкима чўғирма. Қисқаси уларнинг ҳар бири бамисоли куёв тўра эди. Қайфиятлари ҳам ўзгача, байрамона очиқ чеҳра, муомалада ҳазил-хузуллар... Гуруҳ-гуруҳ бўлиб сайр қилишарди.

Бекжон акам «адашиб кетиб қолмасин» деган маънода бўлса керак, қўлимдан тутиб олган эди. Бу ерда

бояётган сайилни менга тўлароқ кўрсатиш нияти бор-
нишни мен ҳис қилиб борардим. Шунга монанд унга
дор хил саволлар берардим:

Бу одамлар нердан? Бу қозон-ўчоқлар қаердан?
Ушбуларни ким қурган? . .

Бекжон акам менинг қизиқишларимни табиий деб би-
ра, саволларимга эринмасдан батафсил жавоб берар-
ди. «Билиб олсин, бу ҳам бир кун келиб шу хилдаги
овитлар сафига қўшилади» деган фикрлар унинг хаё-
лини ўтган бўлса, ажаб эмас.

Бир маҳал баланд ёғочларнинг тепасини бир-бирига
қараб турган қурилманинг олдига келиб қолдик.

— Ҳозир дорбозчиларни кўрасан, — деди Бекжон
акам.

Менинг ҳайратимнинг чеки йўқ эди. Юқорида арқон
орқисида худди сўқмоқда чопиб бораётган болалардек
дорбозчи гоҳ олд томон ўтар, гоҳ ортга қайтар, қўли-
ни кичикроқ ёғоч бўйи келадиган лангар. «Арқон усти-
да чопгани-чопган, лекин қўлидаги таёғи нима экан»,
деди ўйлардим мен. Кейин билсам арқон устида тал —
тавил юришни мана шу лангар таёқ таъмин қилар
эди.

Настда сурнайчи, у лунжларини шишириб куйи ча-
тади. Куйи узлуксиз бўларди. Ўзим ҳам қўй боқиб юр-
гани пайтларда қамишдан дудук — най ясаб қандайдир
овитларни чалган бўлардим. Бироқ куйи орасида нафас
чишини ҳам унутмасдим. Сурнайчининг нафасини, тўх-
масдан куйи чалишини кўриб ҳайратланганман, ўшан-
дан.

Дорбозчи арқон устида ўз ўйинларини шу куйиға мо-
монид намоён қиларди.

Менинг хаёлим тўла равишда дорбозчи ҳунарини
кўрсатиш билан банд эди. Ҳатто шундай сезилардики,
мен у парча-парча бўлиб келаётган булутлар орасида
сўраётгандек кўринарди.

— Собир дорбозчи. Уни ҳамма билади. У уста, ҳам-
ма сийлийдди уни, — деди Бекжон акам менга қараб.

Ҳақиқатан ҳам Собир дорбозчи ва унинг дорбоз-
чилик ҳунари ҳақида катталар суҳбатда кўп ривоят-
лар эшитганман. Бекжон акам яна бир гал бу ривоят-
ларни тасдиқлади.

Бир оздан кейин Бекжон акам мени бошқа жойга
оқлади. У ернинг бир чеккасида созандалар хушнома
инчулаларни хониш қилишар, яна бир чеккада жулдур
инчимли, бошига читдан тикилган узун дўппи ёки йиртиқ

телпак кийган масхарабозлар ўз ҳунарларини кўрсатдилар.

Уларнинг ўйинлари шу даражада қизиқ эдики, Бекжон акамнинг бир неча бор «кетдик» дейишига қарамасдан бу ердан силжигим келмасди.

Майдоннинг бошқа бир ерида паҳлавонлар куч си-нашардилар. Яна бошқа бир жойида қўчқор уриштириш авжида эди.

Бу манзаралар мен учун шу даражада қизиқ эдики пайтини пойлаб Бекжон акамдан сўрадим:

— Ҳар кун бўладими бу томошалар?

Кечга қараб Бекжон акам мени майдоннинг бошқа бир бурчагига етаклади.

Мени бир супага ўтқазиб, ўзи олов ёқиглиқ, жағ-жуғ қилаётган қозон бошига кетди ва кўп ўтмасда катта нон устига терилган қовурма балиқ олиб келди.

Кеч кирди. Ўйин-кулги, томошалар ҳамон авжида. Шундай бир пайтда ҳаммани ўзига тортадиган овоз чиқди. Кейин билдимки, бу жарчи экан. Бекжон акам:

— Бугун Наврўзнинг охири кун, эртаги—буй-гун мана шу ўтовларда еб-ичиб куч тўплаган йигитлар қазувго жўнаб кетадилар, — деди.

Бу маҳалга келиб жарчи ҳам бизга яқинлашиб келди. У от устида телпагини босиб кийган, жиккак одам кўринди кўзимга. Бироқ бўлиш-туришига қараганда овози баланд эди:

— Мусулмонлар! Элнинг баҳодир йигитлари! Икки кундан кейин Шоввот соғасига қозувго-о! Қозув ўн кун бўлади. Йигилиш инашу ерда!

Ўйин-кулги, томоша ҳамон давом этарди. Гўё жарчининг буйруқлари аввалдан ҳаммага маълум ва одатда қутилган овоз.

Жарчи бизнинг ёнимиздан ўтиб кетгандан кейин, Бекжон акам «билиб қўй» дегандек изоҳ берди:

— Юқори ёқда Хонқа деган жой бор. Уннан орроқда Тошсоқа. Ҳар йил баҳор ойинда, наврўз сайлинан кейин шу ерда йиғналишгон йигитлар Тошсоқага қозувго борадилар.

Мен у маҳалларда Хонқа, Тошсоқа ҳақида тасаввурим йўқ эди, албатта. Фақат қазув ҳақида тушунчам бор эди. Шу боисдан, «ҳа» деб қўяқолдим.

Бекжон акам ўз гапларини яна ҳам мустаҳкамламоқчи бўлиб:

— Уллаясан, сенам сайилга келасан, қозувго борасан, — деди.

Бешқурун Дўсчон қозикчига тегинли ҳақини бериб, арвага чиқдик ва қишлоғимиз томон йўл олдик. Арвага кетаётиб, бир кунлик кўрган ва эшитганларим шу ердада тасаввуримни бойитдики, гўё улар кутилмагани нотаниш бир воқеалару, мен шу воқеалар ичида қўли юрардим.

XVIII. «СУВ КЕЛДИ — СУВ...»

Кўбек эли ўзининг яхши бир одати билан дунёга чиққур. Бу — «ҳашар» деб аталади. Ҳашар хусусан ерда кенг тарқалган. Воҳада буни «кўмак» деб аташдилар. У ерда бирор йирик иш йўқки, кўмаксиз бўлмайди. Ер ҳайдашми, буғдой ўроғи ё янчишми, уй-жой қилишми — булар ҳаммаси ҳашар билан битади. Ҳашарнинг беминнатлилиги, ўта ихтиёрлиги ҳам ўзига хос хислатлардандир.

Кўмак Хоразм воҳасида, хусусан қазув ишларида кўпроқ кўзга ташланади. Ўртаҳол деҳқон дон-дунини ўриб, ўзи янчиб олиши мумкин. Бироқ ўз кучи билан уй-жой қураолмайди, ерига сув чиқараолмайди. Ўртаҳол Амударёнинг хислатига ҳам боғлиқ. У воҳага кўп саноксиз тоғ ва адирлардан ўтиб, лойқа сув олиб келади. Лойқа эса охир-оқибат қаердадир чўқади: кўпроқ ариқларда. Шу сабабли ариқлар камида йилига бир марта обдон қазилиб, тартибга солинади. Буни ерда «қазув» деб атайдилар. Қазувнинг энг катта ва юқорида айтганимиздек Тошсоқада бўлади. Кичик-кичиклари — қишлоқларда.

Бу қазувлар болалар учун шовқин-суронларга сазовор бўладиган воқеа. Ёп (анҳор) бўйига ишга яратилган ҳамма эркаклар чиқади. Бола назарида булар тушунат одамлар. Улар орасидаги ғала-ғовур, ҳазил-муҳаббат уни ол, буни бер сингари буйруқомуз гап-сўзлар, қандайдир каромат кучи билан чуқурдан юқори томонга отилиб чиқиб турган лойлар болалар учун томошанинг энг қизиғи бўлар эди.

Асосий сув ўзани бўлган ёп узунлиги тахминан икки-уч чақиримча бўлиб, тўп-тўп ҳолда жойлашган хўжа-қўшқонлар ёнидан ўтади. Сувнинг қолдиғи қишлоқнинг юқори томонида махсус қазиб қўйилган сунъий кўлга тушади. Хоразм воҳасида кўлларнинг қайдаражада аҳамияти бор эканлигини кейинчалик тушундим. У ёғи билан бу ёғи, тахминан уч-тўрт чақирим келадиган Хал-

ланг қишлоғининг ўзида беш-олтита катта ва кичик кўллар бўларди: Қора кўл, Чунгул кўл, Қизилбош кўл ва ҳоказолар... Бордию ёп кўлга уланмайдиган бўлса, эл аҳолиси йиғилиб, сунъий равишда кўл яратарди. Зийли чиғир ўқининг охирида кўл бўлмаганидан қишлоқ аҳолиси йиғилиб, сунъий кўл яратган эдилар. Энди англасам, кўллар ҳосилдор ерларни захдан сақлайдиган қудратли восита экан. Бунинг устига ҳар бир кўл қишлоқ аҳолиси учун балиқ кони эди. Бутун куз ва қиш ёшу қари балиқ овлаб, бу ноёб емиш билан оилаларини таъминлардилар.

Ёп кўп жиҳатлари билан ўзига хос бўларди. Бошқа ўлкаларда бу хилдаги сув иншооти учрамайди. Унинг ўзига хослиги ҳам воҳанинг табиий муҳити билан боғлиқ экани маълум.

Қазув одатда соғадан — сув бошидан бошланади. Ёп ҳар йили қазилавергач, ундан чиққан лойқа чиқиндисини ён томонларга отилавериб, икки томонидан чўзиқ тупроқ уюми пайдо бўлади. Буни «рош» деб атайдилар, эл орасида.

Қазув воҳа деҳқонлари учун энг машаққатли иш. Шу сабабдан бўлса керак, бирор кимса бирор иш юзасидан ижирғанадиган бўлса, «мен сени қазувга юбораятганим йўқ-ку» ёки «қазувга бор деяётганим йўқ-ку», деб танбеҳ берганларини эшитганим бор. Қазув эрта баҳордан бошланганидан ҳаво анча совуқ бўлади. Бироқ менман деган полвонсифат йигитларнинг ҳеч ижирғанмасдан юзи яхлаган лойга оёқ яланг тушиб лой отганларини, ҳатто у ерда йиғилиб қолган кўлмак сувнинг яхлари оёқларини тилиб юборганда ҳам парво қилмай лой отишларини кўриш мумкин эди.

Лой иши учун «капча» деб аталадиган махсус қуро л ясатиларди. У белкуракнинг кичик нусхаси бўлиб уст томонига ярим доира шаклида темир тасма тортиларди. Шунинг ҳисобига қулай ва енгил иш қуроли эди. Паҳлавон йигитлар ҳам икки томондаги баланд тупроқ уюмидан ошириб лой отаолмасди. Ярмигача етказарди, холос. Бош ярмидан лой келиб тушадиган ўйдим жой ясаларди, уни «охира» деб атардилар. Иккинчи қазувчи охирадан олиб юқорига отарди. Шундай қилиб лой отиш икки босқичли жараёндан иборат бўларди.

Қайдаражада қийин бўлмасин, қазув эл учун, хусусан, ёш-яланглар учун ўзига хос байрам эди. Қазув туфайли бутун қишлоқ йигитлари жамланар, ҳамма

бир иш, бир мақсад билан банд бўлиб, ола-ғовурда иш билганини билмай қолишарди. Иш орасида ўзаро суҳбат қуришиб, ҳазил-мутойиба айтишиб, бир-бирларига ҳам ҳам яқинроқ сезардилар, ўзларини. Катта синовлар ҳисобланар эди қазув. Қим нимага қодир, куч-қиратда бошқалардан қандай фарқ қилади, булар — оғовурда маълум бўлар эди.

Бу оғир ишда болаларнинг ҳам ўзига яраша ҳиссини бўлар эди. Улар қазувчиларнинг ғала-ғовурида олжараётган ишларини томоша қилишар, чой-нон ташиб, қазувчиларнинг «баракалла, баракалла!» деган сўзларини эшитишга ишқибоз юришар, бир-бирларига лой отиб ўйнашар, лой орасидан чиқиб қолган пўрриқларини — қамшининг оқ илдизларини териб шимардилар.

Бир гал қазув уйимизнинг олдига келиб қолган эди. Чой дамланган чойнакни кўтариб қазувчилар томон юрдим. Оёғимни нимадир чаққандек бўлди, юрагимга ташиб кетди. Чопишим секинлашди. Беихтиёр оқсамим. Манзилга етиб қарасам, анча жойда оёғимнинг иши қонга беланибди. Қазувчи менинг аҳволимга ачинди. Ҳамқишлоғимиздан бирининг исмини тилга олиб:

— Манглайи қора бефаҳм, капчасини доим ҳар ерга ташлаб юради, — деб сўкиниб-сўкиниб белбоғини бир парча йиртиб олди-да, оёғимни маҳкам боғлади ва:

— Бор, чоп, ҳеч нарса бўмийди, опаларингга айт, кигиз куйдириб боссинлар! Кигизнинг кули узилгани ҳам бир-бири билан боғлайди, — деди-да, менинг олдимни айбдордек жилмайиб қўйди.

Уша пайтларда эътиборни ўзига тортавермаган ҳониса бугун қизиқарлидир. Ёп қишлоқда хўжаликларларо сув йўлининг умумноми бўлиб, аксарият ҳолларда уни яна иккита атама билан номлашарди. Бирини — чигирўқ, яъни қишлоқ чигирларига сув етказиб берадиган ўқариқ ҳисобида. Бу жиҳатдан қишлоқ ариғининг номи ўз вазифасига мувофиқ эди. У чигирдан чигирга ўтиб оқарди. Иккинчи номи — тортма. Бу ном ҳам ёпнинг вазифасига мос эди.

Воҳанинг сизот сувлари ер юзига яқин бўлиб, меъридан озгина бўлса ҳам ортиқча берилган сув зах бўлиб юзага чиқар, экин-тикинларга катта зарар берарди. Шу сабабдан ҳам экин-тикинлар ердан униб, бир қисми пишиб улгургунча Шоввот суви ҳам пастда, қарийб тубида оқар, чигирўқнинг суви ҳам ерга нис-

батан камида уч-тўрт газ пастдан ўтиб, чиғирларга сув берарди. Чиғир воситаси билан ерлар суғорилар экан, бирор жойда сув кўпроқ берилиб, зах пайдо бўлиб қоладиган бўлса, қишлоқ ўртасидан ўтадиган чиғирўқнинг ўзи, яъни тортма сўриб олиб пастга кетарди. Бу тузум асрлар давомида синовлардан ўтиб, қаттиқ тартиб сифатида деҳқонлар энгига синган. Ёзиб муҳрланган қонун сингари деҳқонларнинг ота-боболаридан мерос бўлиб, қондан-қонга ўтиб келарди бу ҳол. . .

Эрта баҳор шабадаси ўзининг уйғотиш вазифасини адо этаётган пайтларда чиғирўқ — тортма ва чиғирга тегишли бошқа қатор ишлар ҳам қилинарди. Қазув билан баробар бир неча одам ёл соғасига тегишли ишлар билан банд бўларди. Соға (қулоқбоши) воҳада кенг тарқалган сўзлардан биридир. Воҳанинг тупроғи майин бўлганидан ариқ бошини тўғридан-тўғри очиб қўйиш мумкин ҳисобланмасди. Шундай қилинса, бирзумда юмшоқ тупроқ ўпирилиб, ариқбоши катталашар ва соғанинг кўмилиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Шу сабабдан ариқбошига албатта қувур ташланарди. Йўғонлиги камида одам белидек келадиган махсус танланган толни нақ ўртасидан айириб, теша ва болталар билан мағзи олинарди-да, икки томон қайта бирлаштирилиб, тол новдалари билан маҳкам боғланарди. Қарабсизки, тахминан, одам боши сиғадиган қувур пайдо бўларди. Ерли тилда уни «тўнғиртқа» деб аташарди. Тўнғиртқа Шовотдан бошланадиган ариқ бошига кўмиларди. Ёз давомида сувнинг етар-етмаслигига қараб чўп-чор ёки махсус тиқинлар воситасида шу тўнғиртқа орқали сув ўтиши тартибга солиниб турарди. Худди шу хилдаги ҳажм жиҳатдан бир оз кичикроқ тўнғиртқалар махсус ясалиб, чиғирўқдан ҳар бир чиғир чуқури — қарзга ҳам ётқизиларди. Бордию чиғир таъмир талаб бўлиб қолса, тўнғиртқа бекитиларди-да, уста ўз ишини битказаверарди. Бу ҳам асрлар оша деҳқоннинг ўзи ижод қилган сув иншооти қурилмалари бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келгани шубҳасиз.

Баҳор кунлари чиғирни таъмирлаш воҳа деҳқонлари учун биринчи даражали ишлардан ҳисобланарди. Отам, акаларимнинг шу иш билан шуғулланганларини ҳар йил кузатардим. Чиғирнинг асосий қисмлари бир-бирлари билан тиш олишиб, бош ўқни айлантирадиган кўмачлар, сув ўқи айланмаси, диаметри, тўрт-беш газча келадиган дўнгалак қасноқ ва ҳоказолар. . .

Чиғир ҳар йил, баъзан енгил, баъзан жиддий таъмир-

ишларди. Ёғоч ишларини дурадгор усталар амалга оширарди. Отам ва акамларнинг қўлларидан келадиган ва ҳар йил қилиниши зарур ишлари ҳам бўларди. Сувни пастдан олиб чиқиб, тарнов — новага тўкиб ўташган идиш бўларди. Уни «дигир» деб атардилар.

Дигир сопол идиш бўлиб, шаклан кўзани эслатарди. Кўзадан фарқи шундаки, унинг оғзи катта ва тутқичсиз бўларди. Туби ташқи томондан ясси бўлмай, боланинг муштича келадиган дўнги ҳам бўларди. Шу маъносиятлари билан уни ерда тик қўйиб бўлмас, қўйиш кирурати бўлса, ерни бир оз ўйиб махсус жой қилиш керак бўларди. Дигир аслида чиғир қасноғи (доираси) га боғлаш учун мўлжалланган идиш ҳисобланарди. У бошқа мақсадларда ҳам ишлатиларди. Унда сув яхши ишларди. Бошқа сувларга нисбатан муздек ҳам бўларди. Айрим ҳолларда қоқ ўрик — туршак увитиб қўйилар, ёзнинг жазирама иссиқ кунларида отиздан чарчаб олиб, дигирни кўтариб ғўлт-ғўлт ичишнинг роҳати берилс эди. Бошқа ишлар қатори эрта баҳорда дигир боғлаш ёзга тайёргарлик ишларининг муҳимларидан бири ҳисобланарди.

Отам, акамлар куздаёқ боғлагичлар тайёрлаб, нам дойга кўмиб қўярди. Бу оқ толнинг ўрта бармоқ йўнлигича келадиган текис дол — новдалари бўларди. Отам уларнинг ҳар бирини оёғи билан босиб, иккинчи томонини чайир қўллари билан бурарди. Бураш натижасида долнинг ўзаги парчаланиб боғлагич даражасига юмшарди. Шундан кейин отам кулолдан сотиб олиб келган дигирларни қасноққа — юпқа тахта устига хиёл қия, юқорига чиққанда сувни тўла тўкиладиган тарзда усталик билан боғлаб чиқарди. Бундай пайтларда мен отамни билағон, уста сифатида кўрардим. Назаримда унинг дигир боғлаш ҳунари — уста Рўзматнинг чўғдек темирга болға уриши-ю, уста Янгибойнинг теша билан ёғоч йўнишларидан кам кўринмас эди. Дигир боғлангач, чиғир ишга тайёр ҳисобланар эди.

Чиғирлар тайёр ҳисоблангандан кейин ёп соғасини очиб маросими бўларди. Одатда бу ишни қишлоқ ми-робни бошқарарди. У бу ишга тантанавор маъно бериш мақсадида қишлоқнинг фахрли кексаларидан иккита-учта одам олиб, бош тўнғиртқани очиб келарди. Ариқдан сувнинг оқиб келиши ҳам байрам кайфиятини берарди элга.

— Сув келди, сув келди, — деган ола-ғовур овозлар ишитиларди. Ёшу-қарилар ёп бўйинга чиқиб, сувнинг

пастга қараб ўрмалашини ва аста-секин тўлиб оқишини кузатишар эдилар. Миробларга эса кимнингдир уйда зиёфат ҳозирланарди.

Баҳор авжга минган кунларда чиғирга кўлик — от ёки туя қўшилларди. Чиғирга ўргатилган от ёки туя учун бу одатдаги иш бўлар, кўзлари боғланиб, боғлагичлар орасига тушганини сезган пайт «чув» ёки «ҳайт» дейилса бас, узоқ йўлни мўлжаллаб қадам босаётган жониворлар сингари бир маромда кўмачларни ҳаракатга келтирарди. Чиғирнинг катта дўнгалагидаги дигирлар бири иккинчисини қувлагандек сувларини новага шопириб тўкар, яна сув тўлиши учун пастга — қарз томон шошилларди. . .

Баҳор кунлари чиғирнинг ишга тушиши ҳам ўзига хос байрам ҳисобланарди. Янги ҳосил чиғирнинг биринчи айланиши билан бошланади. Кўзлари боғлиқ жониворларнинг бир маромда чиғир кўмачларини айлантириши, дигир сувларининг шовиллаб новага қуйилишлари деҳқон учун бамисоли мусиқа эди. Солма — отизлар орасидан ўтадиган кичик ариқчаларда сувнинг биринчи оқиб боришларини айтмайсизми! Ҳафсала билан қириб тозаланган солмадан қолган-қутган хас-чўпларни қалқитиб юзага чиқаради-да, лойқаланиб, янгидан жонланган жониворлар сингари тўлғониб, буралиб мўлжалга — отиз томон тезкор ўрмалайди. Кўп маъно ва завқ бор эди бу сувнинг ўрмалашади! Шу сабабдан бўлса керак, тенгдошларим, укаларим билан вағир-вуғур қилиб бу оқимни отизгача кузатиб борардик. Қувончларимиз ичимизга сиғмасди. Кўп ўтмай ариқ лиммо-лим тўлиб оқа бошлар, сув эса отиз кўлларига аста-секин сингиб, онда-сонда кўринган кесакларни ивйтиб чўктирар, бир зумда қаерлардандир қурт ва ҳашоратлар кушандалари — қушлар пайдо бўларди. Чағалдоқ қанотларини ёзиб сув устида айланар, бирор ҳашаротни кўриб қолгудек бўлса, кифтини қисиб пастга шўнғир, ниманидир тумшуғи билан илиб олиб овини ҳазм қилиш учун доирани кенгроқ олиб учар, хиёл вақт ўтгач, яна келарди. Баъзан қанотларини пирпиратиб бир жойда сақланар, яна олдингидек пастга шўнғиб ниманидир олиб кетарди. Қушларнинг энг майдаси — читтак думини ликиллатиб енгиллик билан, ҳатто қанот ёзмасдан кесакдан-кесакка сакрайди, сувдан уйғонган ҳашоратларни чўплайди. Қаерлардандир ғағ-ғағ овоз бериб, қарғалар пайдо бўлади. Хуллас, ерга сув қуйилиши билан қушлар ҳам яйраб-ёзилади, базм қуриша-

Бу базм қушлардан кўра бизга кўпроқ завқ ба-
шиларди. Уларни кўриб кўзларимиз қувонар, яйраб
шардик. Қувонч устига қувонч, завқ устига завқ! Бо-
слик ҳаяжони ила бир сўзни айтганча, ариқ бўйлаб
шурардик: «Сув келди, сув...».

ХІХ. БИЛГАНИ БИЛГАН, ДЕГАНИ ДЕГАН!

Отам деганимда менинг кўз олдимда асл деҳқон
шаймоси гавдаланади. Деҳқончиликда унинг бирор мар-
та «билмайман» ёки «ўйлаб кўрай, балки шундайдир»,
деган сўзларини эшитганимни эслай олмайман. Унинг
билгани билган, дегани деган эди. Баъзи қўни-қўшни-
лар маслаҳатга қелганда ҳам қиладиган ишини аниқ
режалаштириб берарди. Қўшни кетгандан кейин жил-
майиб қўярди: «Барибир мен айтгандай қилолмайсан»,
деган маъно бўларди унинг бу жилмайишида.

Отам бўйи ўртадан баландроқ, елкаси кенг, басав-
нат одам эди. Пешонаси ўрта кенгликда бўлиб, юз-кўз-
лари бир-бирларига мутаносиб келарди. Фақат икки
кунжи хиёл ўйилган бўлиб, шунинг ҳисобига бўлса ке-
рак, чакка суяклари сезилар-сезилмас қабаргандек кў-
ринарди. Қўллари серпай бўлиб, уларни кўрганимда
отамнинг куч-қудрати шу қўлларида бўлса керак деб
ўйлардим. Кўча-кўйда у оҳиста қадам ташлаб юра-
ди. Бироқ отизда юрганида қадамлари расо ва қатъий
бўларди. Шундай таассурот туғилар эдики, гўё у оёқ-
лари билан ерни ўйиб юбораётгандек.

Баҳор айни авжида. Отам, акамлар суғорилиши ке-
рак бўлган ерларни тайёрлаш билан банд. Бирови ҳар
жой-ҳар жойга уюм-уюм қилиб тўкилган гўнгни ёйиш
билан банд, иккинчи бирови қўлида бел, сув йиқиб кет-
ган челларни тўғрилайди, гоҳ солма ёқалаб бориб чи-
тирдан хабар олиб келади. Бирини иккинчисига иш буюр-
майди, танбеҳ бериб бақириб-чақиринмайди. Гўё худди
саҳнада актёрлар ўйинидек, ҳар ким ўз вазифасини
адо этаверади. Ишлар ҳам тўхтовсиз бораверади...
Ишнинг энг оғирини отам ўзи қилади. Бекжон, Эрка
ва Ражаббой акаларим назаримда отамдан орқада қол-
маслик учун ҳаракат қилишиб, қандайдир ички завқ
билан ўз вазифаларини адо этишга уринадилар. Отам
бу ҳолни табиий билиб, уларга «ҳа, баракалла» деб
ҳам қўймайди. Фақат аҳён-аҳёнда акаларим иймана-
иймана отамдан ниманидир сўраб олади. Отамнинг
жавоблари ҳам аниқ, қисқа ва лўнда.

Қаерга нима экилиши ҳам олдиндан маълум. Отамнинг акаларимни йиғиб, машварат қуриб, ерлардан қандай фойдаланиш масаласини муҳокама қилганини эслай олмайман. Ҳар йил қайси ерга нима экилганига, қандай ҳосил берганига қараб акаларим ҳам отам ишларидан ўрнак олиб, ўзларича маълум хулосага келиб қўйишганки, улар отамнинг раўйига тўғри келадиган бўлиб қолган. Қандайдир ички қонуният бор эди, бу ишларда. Юқорида айтганимиздек, ерларнинг номлари уларнинг шакли, ўрни билан боғлиқ бўлиб, ёшу-қарининг ҳаёти ўша ерлар билан боғлиқ бўлганидан, улар бамисоли шу оиланинг аъзолари эди. Қайси ер нима ҳосил бериши ҳам маълум эди. Шу сабабли оралиқ ерга кўпроқ йўнғичқа — беда, катта отизга бугдой, Учмуюшга қовун экилганини, Тахта ерга амиркони пахта экилганини эслайман. Ўша пайтлардаги ерларнинг ҳар бири бугун менинг назаримда бамисоли қўғирчоқ эди: уларнинг атрофлари бегона ўт-ўланлардан тозаланган, ҳар бир ерга борадиган арава йўллари текис, сув йўллари қириб тозаланган, мевали дарахтлар фақат экинзорга зарари кам жойларга экилиб, алоҳида парвариш қилинарди. Хуллас, отамнинг сўзлари билан айтганда, ер яхши устанинг қуроли сингари доим аъло даражада қаровли бўларди.

Баҳорнинг аччиқ шамоли бора-бора одамга роҳат бағишлайдиган илиқ шабада билан алмашарди. Энди униб чиқаётган бедадан пиширилган «кўк» деб аталмиш овқатдан пайғамбар оши ҳисоблаб тўйиб-тўйиб ердик. Энам, опам бу емишни алоҳида ҳафсала билан янги йилнинг илк емишларидан бири сифатида пиширишарди. Бу емишнинг шунчаки, овқат эмас, балки тирик жон талаб қиладиган дори — витаминлар эканини кейин англайдиган бўлдик.

Баҳорда ҳам болаларнинг ўзларига яраша бурч ва вазифалари бўларди. Улардан энг болабоп иш чиғир ҳайдаш эди. Кўзлари боғланган от бир маромда чиғир кўмочлари атрофини айланиб, уни ҳаракатга келтирар, бунинг натижасида ўттиз икки дигир сувни новага шопирарди. Чиғир кўмочини айлантираётган отга тиним бўлмасди. Жонивор ўтни ҳам юраётиб ерди. Ҳар бир айланиб келишига қараб ярим қисмча букланган бедани тайёрлаб туриш керак бўларди. От ҳам беда ҳидини сезибми, ё унинг шитирлашини эшитибми, одам ўтирган жойга келганда бўйинини хиёл бурар, шу пайт унинг оғзига беда тутиларди. У юриш маромини бузмасликка

ҳаракат қилиб, тезлик билан бедани илиб олар ва кў-
н атрофида бир айланиб келгунча еб ютарди-да, яна
яна тугиладиган жойга келганда бўйинини бурарди.
Биттаги ҳиссасини олиб, айланишни давом эттирарди.
Битталарнинг бу ишга вақт сарф қилиши ҳайф ҳисоб-
ланганидан у кўпроқ болалар зиммасига тушарди.

Тўғриси айтганда чигир ҳайдаш, унинг устига
кўн билан кўмоч айлантирадиган от оғзига беда тутиб
суриш, далаю ҳовли атрофида тенгдошлари билан ўйин
суриб юрадиган бола учун диққинафасликдан бошқа
норса эмас эди. Бу ишни билиш ҳам керак эди. Кўмоч-
ни бир айланиб келган от оғзига кўпроқ беда тутиб
қўйсангиз, айланиб келгунча еб улгурмас, ҳали оғзи-
данги беданинг тамом бўлганини билдираолмаган от яна
қўн чўзар, натижада тиқилиб, беданинг бир қисмини
отидан ташлаб юборарди. Бедани шундай меъёрда ту-
тиш керак бўлардики, токи от кўмочни бир айланиб
келгунча уни еб тугатсин. Демак, фаҳми ҳам ишла-
ниш керак бўларди. Бу ҳол ҳам зеркиш устига зери-
ни туғдирар ва диққинафасликини оширарди.

Отам ва акаларимнинг ер суғориш санъатига ўша
кўн айтилари оддий ҳодиса деб қараган бўлсам ҳам, кейин-
килик бу ишнинг улуғ санъат эканини англай бошла-
дим. Сув қўйишдан олдин отам қўлида бел, кўлчалар-
дан бўлинган отиз ичидан бир сидра ўтар, баъзи жой-
ларига диққат берар эди-да, тупроқни бир ердан ик-
кинчи жойга отар ё чаққонлик билан суриб қўяр. На-
тижада сув ҳамма жойга текис тарқалиб, катта ойна-
сифат шаклни ҳосил қиларди.

Бир неча кундан кейин сув сингиб у ер-бу ерда хиёл
кўнланд қолган кесаклар оқара бошларди. Шундай пайт-
ларда отам доим қўлида юрадиган белни ерга санчиб,
кўндоғига бир тепарди-да, нам тупроқни ағдариб таш-
тар ва ундан бир қисмини олиб кафтида эзғиларди.
Эзилган тупроққа худди чигал хатни ўқишга уринган
сиводхонлар назари билан қарар, гўё нималарнидир
аниглаб ололмагандек бурнига олиб бориб ҳидлаб ҳам
кўрарди. Тупроқни олган жойига ташлаб акаларимга
қараб буйруқ оҳангида:

— Хўкизларни тайёрланглар, кунда (омоч) бўйин-
гирикларни созланглар! — дерди. Айрим ҳолларда:—
Ҳали бир оз бор, тобга келмабди, — деб бошқа ерга
ўтарди. Бундай ҳолларда акаларим отамга эргашиб
навбатдаги ер томон йўл олардилар...

Кечқурунлар овқат олдида, ёхуд ундан кейин ҳар

хил масалалар юзасидан иш режалари хусусида гап бўларди. Отам маълум бир ернинг отини атаб қовун уруғини тайёрлаш керак дер, янаги галда бошқа бир ернинг номини айтиб, кунжут тайёрлаш ёки шולי уруғини тайёрлаб қўйиш ўртага қўйиларди. Шунда қайси ерга нима экилиши маълум бўлар ва бунинг учун зарур нарсалар тайёр бўлиши тушунилар эди. Оилавий машварат ниҳоятда оҳиста, табиий бир ҳолда ўтар эдики, унда айтилган отамнинг гаплари оиламиз аъзоларининг бирортасида эътироз уйғотмас, балки қонун сифатида қабул қилинарди.

Отам ҳеч кимга зуғум ҳам қилмас, шу билан баробар «сен нима дейсан», маъносида ҳеч кимга мурожаат ҳам қилмасди. Унинг маслаҳату буйруқлари алоҳида бировга қаратилмасди. Гап-сўзларидан ҳар ким ўзига тегишлисини олар ва бажариши шарт ҳисобланарди.

Отам уруғ сепарди. Уруғ солинган зоғома (дон елпигич идиш)ни қўлга оларкан, тантанавор ва илтижели оҳангда «бисмиллоҳ»ни қайд қилар, лабини қимирлатиб ичида нималарнидир ўқирди. Унинг қадам босишлари бир меъёрда бўларди. Уша кезлари мен учун бу оддий воқеа бўлиб кўринарди. Кейинчалик уруғнинг худди ҳисоблаш машинасидан ўтиб, ерга қадалганидек шу тарзда текис униб чиқиб, ҳосил берганини кўриб, отам қўлида қандайдир каромат бўлса керак деб ўйлаб қолардим.

Ҳар бир экиннинг ўз вақтида экиладигани маълум. Бу ишда хато қилиш қийин эмас. Аммо отамни мен бу ишда ҳам хатосиз ҳисоблардим. Бу жиҳатдан унинг ишлари ҳар кун, ҳар соат қандайдир илоҳий куч томонидан эслатиб тургандек кўринарди, менга. Баъзан бирор экин кечикиб экиладиган бўлса, у кечикиш фурсатини, кунини айтар ва ўғит бериш, ишловини бериш билан кечиктирилган фурсатни етказиб олаоларди.

Бир-икки ой ичида экин-тикинлар ниҳоясига етар, бундан буёғи парвариш ишлари бошланарди. Чиғир ҳайдаб вақтида сув бериш, экинларни бегона ўтлардан тозалаш, қовун, жўхори сингари кетмон талаб экинларни вақтида кетмонлаш...

Бу ишларнинг ҳам гўё отамнинг миясига ёзилгану, аста-секин бизга ҳам ўтаверган қатъий жадвали бор эди. Бирор муддатга кечикиши ёки олдинлаб кетиши мактаб дарсларидаги тартиботнинг бузилишидек бўлар

ш. Қовун гулга кира бошлаганда бир қатор кетмон-
ли ўтказилар, кейин суғорилиб, чопишга келгач, жў-
ндаги қониқ тупроқ қириб олиб яғналанган қовун
салаги тубига ётқизилар, шундан кейин қовун қийғос
қийнаклай (сапча) бошлайди. Бу жиҳатдан отамнинг
бир ҳаракати ўша кезлари мени кўп ўйлантирмаган
болса ҳам, кейин ҳайратга солган эди.

Бир-бир ярим таноб ерга оқ қўқон жўхориси эки-
ларди. У ҳам отга ем, ҳам ўзимизга озуқа эди. Сабзи
қовоқ солиб ёпилган зогора, жўхори унидан куртук,
қийғос қайнатмаси деҳқон белига қувват бағишларди.
Афсуски илгари кўп пишириладиган бу емишлар ҳо-
бир тансиқ овқатга айланиб қолди. Эндиликда маълум
қиладики, жўхори унидан пишириладиган емишлар
шиқозон ва ичак касалларининг давоси экан.

Жўхорини отам ўзига хос равишда парваришлар
қилди. Аввало аёвсиз яганаларди. Баъзан отамнинг бу
ишини кўрганлар «бу ерда жўхори қолмабди-ку», де-
дик бўларди. Иккинчи кетмонга келганда ҳар бир
жўхори томоғига тупроқ тортиб ўйдим қилар ва уни
«дўмбиқ» деб аташарди. Кейин билсам сийраклашти-
рилган жўхорининг боши бир яшар боланинг калла-
сидек бўлиб, донга кирган пайтда суғориш керак бўл-
ди, ўша дўмбиқ жўхорини шамолдан ёхуд ўз оғирлиги
талаббаб йиқилишидан сақлаб қолар экан. Шу сабабдан
отам эринмасдан ҳар бир жўхори тубига тупроқ уйиб
чиқаркан.

Булар деҳқончилик мавсумининг биринчи босқичи
эди...

XX. БОЛАЛИК — БЕБОШЛИК

Тутнинг оқариши алоҳида қувонч бағишлар эди биз
болаларга. Тутнинг етилиб пишишини кутиб ҳам ўтир-
масдик. Унинг тепасида битта-иккитаси оқариб кўрин-
ган бас—дорбозлар сингари дарахтга тирмашиб шох-
дан-шоҳга ўтиб тут излай бошлардик.

Ёз эшик томондан қараганда чап томонимиздаги
довли Бўрон акаларники бўларди. Уларнинг ҳовлиси-
дан сал ўтгандан кейин уч туп оқ тут — балх тути сав-
ват тўкиб тургувчи эди. Биз болаларнинг тут ейишимиз
мана шу уч туп тутга боғлиқ эди.

Одатда ер этаги, йўл ёқаси, сув бўйидаги мева-чева-
лар қандайдир ақидаларга асосан умумий ҳисобланар-

ди. Улар аслида кимгадир тегишли бўлса ҳам, болалар, ҳатто катталар ҳам бемалол фойдаланавериши мумкин эди. Шу ақидага асосан бўлса керак, Бўрон аканинг бу тутлари пишиб тугагунча устидан тушмасдик. Баъзан қизиқ воқеалар рўй берарди.

Бўрон аканинг Қодир бобо деган отаси бор эди. Уни Қодир сариқ ҳам дердилар. Соч-соқоллари оппоқ, бўйи ўртача, ҳасса суяниб юрарди. Қаричилик бўлса керак, кўзи унча яхши кўрмас, қулоғи ҳам бироз оғир эди. Баъзан тутни қоқиб шинни қилиш мақсадида болалардан қўриқламоқчи бўларди. Бундай пайтларда биз тутнинг тепасидаги қалин шохлари орасида жим ўтириб олардик. Баъзан кимдир бизнинг найрангимизни унга билдириб қоладиган бўлса, тут шохларининг биридан иккинчисига ўтиб ўзимизга қулай жойидан тушиб кетаверардик. У ҳассани дукилллатиб кетди дегунча биз яна тутнинг бошида бўлардик.

Баъзан Қодир бобо бизга, биз эса Қодир бобога эрмак бўлардик. Бўрон ака тажрибали ва меҳнаткаш деҳқон эдилар. Қовун экса бошқаларнинг қовунига нисбатан ширин кўринарди бизга. Қовун пишиқда уни сақлаш Қодир бобонинг иши эди. Айрим ҳолларда қовун сўраб борсак йўқ демас, бериб юборар. Бироқ бизга бу ишнинг бошқа бир қизиқ томони бўларди. Битта-иккита бўлиб, полизнинг бир томонида ола-ғовур, шатир-шитир қилардик. Қодир бобо ҳасса билан қадам ташлаб ўша томон кетар. Бошқа бирларимиз қовунлардан саралаб битта-иккитасини олардик. Бундай ҳолларда Қодир бобо воқеадан огоҳ бўлиб қолса, кўп ҳам қийналмас, эркалагандек «ноймитларей» (ноумидларей) деб ўз муносабатини билдириб қўяқоларди. Хуллас, болалар ўз ёши ва табиатига хос шўхликларни қилар, Қодир бобо эса шу шўхликни кўтарар, айрим ҳолларда биз билан бир чеккада ўтириб қовун ер, ҳазил-ҳузул гаплар ҳам қиларди.

Тутдан кейин эртаги ўриклар пишади. Қаерда эртаги ўрик бор, уни болалар яхши билишарди. Ўрик қишлоғимизда яхши унарди. Қодир боболарнинг узунлиги ярим чақирим келадиган икки қатор ўриклари бўларди. Бизнинг ҳовлимизнинг тўғрисида худди шу хилдаги бир қатор ўрик бўлиб, унинг ярми, яъни ариқнинг шарқ томони Элтизор бобомларга, ғарб томони бизга тегишли бўларди. Танасига қучоқ етмайдиган ўрикларнинг шохларидан шохларига ўтиб, тузукроқ пишганини танлаб истеъмол қилишнинг ҳам гашти

ушгача бўлар эди. Тут пишиғида бўлганидек ўрик те-
риб ейишга тегишли воқеалар кўп бўлган. Шулардан
бири ҳанузгача эсимда.

Элтизор бобом ерининг этакроғидаги эрта пишар
ўрик тепасига чиқиб, ўрикдан обдон тўйибман. Пастга
чишиб данакларини чақиб ебман. Тупроқнинг энди или-
н пайтлари бўлса керак, роҳат қилиб ухлабман. Бун-
дай ширин уйқуни кейин бошимдан кечирмаган бўлсам
керак, бир маҳал уйғониб қарасам, Элтизор бобом
қатдагидек «бра-бра»лаб, «туф-туф»лаб устимда ту-
рибди. Ҳовлисининг олдидаги ўриққа довча олиш учун
чиққанимда Элтизор бобомнинг сўкиб бергани эсимга
тушди-да, ҳойнаҳой қаттиқ уришса керак, деб апил-та-
шил ўрнимдан туриб, унга қараб нима деяримни билмай
қолдим.

— Бу ерда ётма ноймит, уйингга бориб ёт, касал
бўласан бу ерда, жин қоқади, — деди-да, ўтиб кетди.
Аббатан қизганчиқ, хасис Элтизор бобомнинг бу сўз-
лари мен учун катта марҳамат бўлиб сезилди, шекил-
ми, ўрнимдан туриб уй томон кетишга шошилаверма-
дим. Илик тупроққа ёнбошлаб яна бироз ухлагим кел-
ди...

Ёзнинг иссиқ кунларига келиб оёқ сувни — адоқ, яъни
ер этаги томонидан ўз оқими билан келадиган сув очи-
тарди. Бунинг сабаби бор эди. Саратонда сувнинг кў-
найиши бехатар эди. Бу пайтларда жазирама иссиқ,
ёмғирсиз кунлар бошланар, бинобарин буғланиш жа-
раёни ошиб, ерларнинг захлаб кетиш хавфи бўлмасди.
Бунда катта илм ва тажриба оқибати бор эди.

Болалик даврларимда энг завқли кунлар ўша сара-
тонда, оёқ сувининг келиши билан бошланарди. Оёқ
сувининг сокин оқадиган офтобрўя жойлари бўларди.
Иссиқда ўша жойларда чўмилиш билан кунимиз ўтар-
ди. Чўмилавергач, сув лойқаланиб кетар, ҳатто лойқа
исоратлари оғиз-бурунларга ўрнашиб қолар, биз эса
бунга парво қилавермасдик. «Амударёдан келган сув
маданга дармон деган», сўзларни кўп эшитганман.

Оёқ сувининг бошқа бир хислати ҳам бор эди. У деҳ-
қонга балиқ олиб келарди. Одатда оёқ сувлар қишлоқ
ераларидаги кўлларни кўлга, катта-кичик сувларни
бир-бирларига боғларди. Натижада балиқлар кўллар-
дан чиқиб катта сувга ўтар, катта сув орқали деҳқон
ерларига тарқаладиган оёқ солмаларига чиқарди. Оёқ
солмалардан сават-сават балиқларни тутиб олганимиз
ҳанузгача эсимда. Болалар учун солма-ю, кўл этакла-

ридан балиқ тутишнинг завқ ва шавқи беқиёс бўларди. Отам экин суғораётганда бўлиб ўтган бир воқеа ҳанузгача мени ҳайратлантиради.

Отам оёқ сувидан келадиган солмадан шоли экилган ерга сув қўйиб, ёп бўйидаги баланд супада чой ичиб ўтирган экан. Табиий, у вақти-вақти билан солма томон назар ташлаб, ҳордиқ чиқараркан. Бир қараса, солманинг суви тошиб, қирғоқларидан ошиб кетаётганмиш. Отам ҳайрон. Бирпасдан кейин қараса, сув яна ўз меъёрида оқа бошлабди. Бир неча дақиқадан кейин воқеа яна такрорланибди. Сув тошиб, қирғоғиданшибди. Отам сувни ёқалаб шоли томон борибди. Кўрса, чақалоқдек келадиган зогора балиқ шоли томон очилган қулоққа тикилиб, у томон ўтиш учун уринармиш-у, ўтолмасмиш. Шу пайт қулоқ балиқ гавдаси билан бекилар экан-да, сув тошиб кетаркан. Балиқ ўтолмай орқасига қайтганда сув шоли томон оқиб, саёзланиб қоларкан. Балиқ яна орқасига қайтиб шоли қулоғига ураркан ўзини. Сув яна тошиб қирғоқларидан ошиб кетавераркан. Отам балиқни тутиб олибди ва томоғидан айри шахобча ўтказиб уйга олиб келибди. Эртактарни эслатадиган бу хилдаги воқеалар оёқ солмага сув келадиган жойларда ажабланарли ҳодиса эмас эди.

XXI. ХИРМОН ШАВҚИ

— Матёқуб, ҳо-о, Матёқуб! Тур!

Отамнинг ҳар бир гапи бамисоли командирнинг солдатга берган буйруғи билан баробар эди. Секин пашшахонамнинг чеккасини кўтариб қарасам, отам ўчоқ бошида чой ичиб ўтирибди. Ҳали кунчиқардан офтоб бошини кўрсатгани ҳам йўқ эди.

— Бугун туяк (буғдой янчиш) қўшамиз. Сен бўсанг ухлаб ётибсан, — деди.

Мен апил-тапил ўрнимдан турдим.

— Бекжон аканг қўшнилардан ёрдамчи от сўрашга кетди.

Қуёш ўз нурини бошқа жойларга қараганда Хоразм воҳасига кўпроқ тўкади. Шундай ҳам бўладики, одамзотга кўп ҳам хайри тегавермайдиган Қорақум жазираси воҳа дов-дарахти-ю, ўт-ўланига бағишлангандек. Ёз кунлари саҳродан эсан ҳовур экинларни тез етилтади. Шиддатли офтоб нури унинг мева-чеваси, полизмаҳсулотларига маза бағишлайди, дон-дунини тўқ қи-

...ди. Хоразм қовунининг дунёга машҳурлиги ҳам шун-
дан бўлса керак! Бу ернинг узум-у анжирларидаги ши-
р-ишарбатни айтмайсизми?! Тут, ўриклар-чи? Улар оф-
тоб нуруни эмиб ўзларига шира тўплайдилар.

Туяк... Бу илгари Хоразм воҳасида кўп истеъмолда
қолладиган тушунча эди. Бўйларидан арқон билан бир-
бирига боғланган уч-тўртта от бир маромда похол уюми
сирофини айланади. Шу йўсинда похол янчилик, ундан
сон ажралади. Бу ишда қарийб ҳамма баробарига қат-
тишарди. Эркаклар дам-бадам похол ағдаради, аёллар
ва хирмонга чой-нон ташийди. Болаларнинг ҳам бу
ишда ўз ўрни бор...

Хирмон жойга келганимизда қуёш кўтарилиб, ҳаво
сояни бошлади. Хирмонжой ёнидаги чайлани тартибга
сўлиб, отларни бир-бирига қўшиб, доира қилиб буғдой
поясини ёзиб, текислагунча ҳаво анчайин қизиди. От-
лар тайёр бўлгач, отам менга қараб:

— Қани, отга мин! — деди.

Похол уюми томондан биринчи, яъни етакчи от усти-
га эгарда ўтираман. Бошимда ёстиқнинг ярмича кела-
нган эски телпак. Бола учун от минишнинг ўзига хос
ишқи бўлса ҳам жазирама иссиқда сурункасига, соат-
таб чайқалиб ўтириш жонга тегади. Офтоб иссиғидан
суя қайнайди, бадан қизийди, беҳол-бемажол ҳолатга
кетлади одам. Эгарда ўтираверишдан сонлар яра бўлиб
кетлади. Бошимдаги телпак паналик қилса ҳам кун пе-
чинин палласига борганда чидаш қийин бўлиб қолади.
Бироқ шикоят билдиришга ҳаққим йўқдек сезаман,
қимни. Отам аҳволимни сизди-да, эгарнинг устига
қомшоқ ёстиқ қўйиб берди:

— Ина энди, ҳазэтиб ўтирасан, — деди.

Отам ва акамларнинг отлар туёғи остидаги буғдой
поясини айри — паншахалар билан тез-тез ағдариб тур-
ганидан кўтарилган чанг-чунглар димоққа уриларкан,
сафас олиш қийинлашади.

От минишга ишқибоз тенгдошларимдан бири келиб
қолди. Отам менинг толиққанганимни сезганидан қўшни
болага мурожаат қилиб, хушомад ила:

— Сен от минишни яхши кўрасан-а? Қани, отга ўтир-
чи, жўранг озроқ дам осин, — деди.

Мен чайлага кириб озгина чўзилдим. Кейин эрталаб
қуёш олиб, салқинда сақланган гурвакни нон билан еб,
қўйиб олдим. Гурвак менга шу даражада роҳат бағиш-
тадики, мен яна отга минишга тайёр эдим.

Солдатлар тизмасидагидек бир хил қадам ташлаб,

похол босаётган отлар чарчашни билмайдигандай кўринарди менга.

Похолни араваларга юклаб хирмон уйган пайтларда «хирмонимиз бошқаларникидан кўп», деб ғурурландим. Бироқ жазирама иссиқда отдан тушмай ўтириб азобланганимда, «бундай катта хирмон отамга нимага керак экан?»—деган хаёлга ҳам бордим. Туяқ роса икки кун давом этди. Энг охирги похол уюми паншаха билан тортиб, доирага ёзилганда, «энди отдан тушар эканман-да», деб ич-ичимдан қувондим.

Икки кун давомида отда ўтириб, отамнинг хатти-ҳаракатларини кузатдим. Отам тиниб-тинчимади. Похолнинг эзилиши натижасида юзи ва бўйинларига ёпишган чанг-чунглар, қош-қовоғию соқолларига илинган сомон гардлари афт-ангорини ажабтовур қилиб қўйгандики, унинг бу кўриниши бир қараганда одамга қаттиқ изтиробда юрган кишидек таассурот қолдирарди.

Похол туйилиб бўлгач, отамнинг кайфияти ҳийла ўзгарди. У дигирда сақланган сувга юз-кўзларини ювиб, белбоғини ечди-да, обдон артинди. Энди янчилган похолни совуриш—сомонини сомонга, буғдойини буғдойга ажратиш керак.

— Совуришни эртанг этамиз,—деди отам ва ишларни бир сидра тамом қилган ҳисоблаб уйга қайтдик.

Эртасига мен отам билан яна хирмонжойга келдим. У ёғочдан ясалган беш тишли паншаха билан янчилган буғдойни бир чеккадан юқорига отиб, совура бошлади. Буғдой йирик сомон-чўплардан ажралгандан кейин махсус ясалган ёғоч курак билан донни яна бир қатор совуришдан ўтказди.

Мен эса чайлада ўтириб, отамнинг ҳаракатларини кузатардим ва бирор кун бу ишлар менинг ҳам бошимга тушишини ўйлардим.

Энди отамнинг кайфияти тамом бошқача эди. Унинг юзлари ҳам дондек тоза, кўзларидан янгича нур таралиб, бетида қувонч белгилари ўйнарди. Хирмон уюми ҳам анча салобатли эди. Отамда хирмон уюмидан кейин пайдо бўлган завқ-шавқ ҳаммамизга ўтди. Одатда доим жиддий юрадиган отам тез-тез жилмаяр, ора-сира ҳазил-ҳузул қилиб ҳам қўярди.

— Туягини улум туйган бу хирмоннинг, — дерди.

Отам ёғоч курак билан хирмоннинг гир-атрофидан бир хилда рахт юритиб чиқиб:

— Бу чизиқ ёмон кўздан асрайди, инс-жинсни яқинлаштирмийди, — деди.

«Бисмиллоҳ»ни жиддий ва тантанавор қайд қилиб, тобларини қимирлатиб, нималарнидир ўқиди. Ғалвирни бирмонга тираб икки қўли билан донни тортди, тўлгач, бир чеккага тўкди.

— Бу кавсан, — деди, — имомнинг ҳаққи.

Яна бир ғалвирни иккинчи жойга тўкди:

— Бу сартарош ҳақи, — деди. Худди шу хилда ямоқни ҳақини ҳам ажратди. Кейин қолган буғдойни ғалвир билан акаларим тутиб турган қопларга сола бошлади. Ҳар ўн ғалвирдан кейин бир ғалвирни ушрзакот деб ноҳида бир жойга ажратиб тўкиб қўйди:

— Бу етим-есирнинг ҳақи.

Қопланган донлар араваларга юкланиб, болахона дарзида қурилган талак аталмиш омборга олиб бориб, он учун ясаб қўйилган махсус охурларга жойланди.

Отам ўзида йўқ хурсанд эди. Отамнинг хурсандлиги — биз учун байрам.

Умуман, туяк, ўрим-йиғимлар қай даражада машаққатли бўлмасин, ўзига хос завқ-шавқи бўлардики, бутун инланинг кайфияти ҳам шу завқ-шавққа боғлиқ эди.

XXII. БИР КЕЧА ҲИКОЯСИ

Кечқурун. Овқатни еб бўлгач, отам билан қовун сақнашга Уч муюш* отизга келдик. Қовун қишки эди. У буғдой ўрнига экилган бўлиб, тез етилди ва кузнинг овуқ кунлари бошланмасданоқ пиша бошлади. Отам қовун отизнинг ўртасига чортак (чайла) қурган эди. Пашша кўплигидан пашшахона ҳам тутилган эди.

Уч муюш отиз еримизнинг бир чеккасида жойлашган бўлиб, икки томони чигир ўқининг эгилиб ўтган жойига чигир келарди. Бошқа бир томонни эса тўқайга бориб кўчаларди. Пишиқ пайтларида тўқайдан чиқиб келадиган тўнғиз, тўрсиқлар қовунга ўч бўларди. Кечалари қовундан сақлаш зарур бўларди.

Одатда кўпроқ иш билан банд бўлиб, қулфи дили билан вермайдиган отам бирпас жим ётди-да:

— Матёқуб, ухламаётирмисан, — деди.

Мен отамнинг гапга мойиллигини сездим-да:

— Йўқ! — дедим. Суҳбат бошланди.

— Қовун, — деди у, — вақтини топиб есанг, ҳам нон, ҳам гўшт. Нони-гўшт деган қовунам бор, биласам?

* «Уч муюш» — учбурчак.

Чўзиқроқ, гурвакка нисбатан тўрлари йирик-йирик, мағизи ярим қаричча келадиган хуштаъм қовун кўз олдимга келди. Одатда қовун узган пайтларда мен уни кўтараолмасдим. Бирор жойга оборадиган бўлсам, думалатардим.

— Биладан,—дедим хаёлимдаги гапларни йиғиб олиб, — бир марта кўтаришга уриниб, қўлимдан тушириб юборган эдим. Қовун ёрилувди, ўзиям дим мазали экан,—дедим.

Отамнинг суҳбатига доим зор юрардим. Шу боисдан ўзимни уйқудан сақлашга уриндим.

— Нони-гўшт ёзнинг қовуни, гурвак, оқновот, тўрновот, шакарпоралар ҳам ёзги қовун, улар қишга турмийди, — деди.

Гапнинг давоми борлигини англадим.

— Биладан,—дедим суҳбатнинг тўхтаб қолишидан хавотирлангандек.

— Қовун жониворнинг хиллари дим кўп. Ёзда у деҳқоннинг емиши. Қишда турадиган қовунлар бошқа. «Бишак»ни биласан-а?! У қовун ёзгиси минан қишкисининг орасидаги бир хили.

Дарров куз пайтлари кечки овқатдан кейин сўйиладиган сертўр, қизғиш, хиёл чўзиқ, чиройли қовун кўз олдимга келди.

— Шу отиздаям бор, бишак, кўргандирсан, ариқларда юрасан-ғў.

— Ҳа-ҳа, кўрувдим.

Отам бир оз жим қолди. Хиёл вақт ўтгач, яна у гап бошлади.

— Қовуннинг хони — гулоби билан қорақош, биласан-ғў, пўчоғи қалин бўлади, қиши минанам турувурди. Кўрдингма отизда?

— Кўрдим.

— Хива хони ҳам кўпроқ шуннан еганмиш. Меҳмон кеганда ҳам шуннан чиқоргонмиш. Бирор жойго совғасалом юборжоқ бўсо, алватта қорақош, гулобо юборганмиш.

Кўзим уйқуға кетай деб қолди. Бироқ отамнинг яна гапни давом қилдиришни истаганини сездим.

— Бу уч муюш отиз қовунни яхши кўради. Ҳар йили қовун экамиз шу ерга—ёзги ё қишқи. Ҳар йил яхши битади.

Отам овоз чиқариб кулмаса ҳам секин эшитилар-эшитилмас «ҳи-ҳи»лаб қўйди. Демак, у яна ниманидир гапирмоқчи.

— Замча (хандалак)ни яхши кўраман, — дедим. Бу мени мен даб-дурустан айтдим. Сабаби отамнинг яна нималарнидир гапиришини истардим. У давом қилди.

— Шу уч муюшда бир нарса бўғон, сенга энанг айта олиб берган бўлса керак?

Мен қизиқдим. Энамнинг гапириб берган бир воқеани эсимга тушди. Отам ҳам худди шу воқеани гапирди.

— Отам, фақир, бизарга ўхшоб қовун сақлаб ётқон экан. Бир кун эрта тонгда намозга туриб, отизнинг ҳамма ёғига бир қарабди. Қараса, отизнинг ўртасида бир кумпак—дўнг нарса турибди. Аввал «тўрсиқ бўлса кесак» деб ўйлабди. Кейин «ҳойнаҳой бу тўнгиз» деган сўзга борибди. Хавфсиранибди. Таваккал қилиб «Хуйт» деб овоз чиқарибди. Дўнг қилт этмасмиш.

Энамдан бу гапларни эшитган бўлсам ҳам, отамдан сўям эшитиш қизиқарли эди.

— Кейин-чи? — қизиқсиндим мен.

Отам мени ҳали уйқу тортмаганини англади-да, яна гаплар-сезилмас «ҳи-ҳи»лади.

— Буёғи қизиқ, отам муштдой кесакни олибди-да, кумпакни назарлаб отса, кесак бориб унга тегибди, кумпак қўзғалмабди. Пўкиллаган овоз чиқибди. Бориб қараса, қовунмиш.

— Ёдимда, қовун узугида шу қовунни ўзим кўтариб туравага соғонман.

Уйқум келса ҳам шу хилдаги эртаксимон гапларни эшитгим келарди. Анча сергак эканлигимни билдириш учун:

— Ҳозирам борми отизда шундай қовун? — дедим.

— Ундой қовун йўғ-у, шунга яқинлашадиганлари бор, — деди.

Отамнинг баҳоргача қовунни сақлаши мумкинлигининг хаёлимни бир-икки йил олдин рўй берган бошқа бир воқеага олиб кетди.

Қовун экиладиган ер қарийб тайёр эди. Қориқлар тортилган, пушталар текисланган. Экиш маросими қолган, холос.

Отам акаларимдан бирига ишора қилди. Акам мақсадни дарров пайқаб олди. Кўп ўтмасдан уй томонга бориб, худди эндигина балдоқдан қирқилгандек бўлиб турган қорақош гулоби қовунни олиб келди. Алоҳида жой ҳам тайёрланмасдан ким мола, ким бўйинтириқ эстидан ўрин олди. Отам белига осиглиқ учи ўткир, сўяк даста пичоғини суғуриб, белбоғининг учига обдон қиртди ва завқ билан қовунни сўйди. Чиройли қилиб ко-

салади. Ҳамманинг қўли етадиган тарзда мола устига қўйди. Баҳорнинг ёқимли шабадасида қовунни иштаҳа билан еб олди. Қовун косалари бўшагач, одатдагидек фотиҳа тортилди. Бекжон акам ейилган қовун уруғини экишга тайёрлади. Отам елвагай тўнининг икки этагини қайириб, белбоғининг орқа қисмига илиб, қовун экишга мўлжалланган ихчамгина белни қўлига олди. Биринчи жўякнинг бош томонидан юпқароқ қилиб тупроқни ағдарди. Белнинг орқаси билан бир-икки уриб кесакларни эзди. Майинлашган тупроқни бел билан кўтарди. Бекжон акам ейилган қовуннинг уруғидан бир чимдим ташлади. Отам уни белда тутиб турган тупроғи билан кўмди-да, бир-икки марта оҳишта бел орқаси билан силаб урди. Бир зумда ҳаммага бир қатор назарини юритиб чиқди-да, менга қараб жилмайиб:

— Буни ҳаббанг дейдилар, — деди. Отамнинг бу гапи менга тааллуқли эканидан хушнуд эдим.

Уруғ ташлаш яна бир гал такрорланди. Кейин акаларимдан бири бир неча кундан буён ивитиб қўйилган уруғни олиб, отам эзгилаган тупроқ орасига ташларди. Отам эса ўша ҳаракатларини давом эттирарди...

Ушанда англаган эдимки, қовун сўйиб, уруғини даров экиб кетиш бобомдан қолган анъана экан...

— Шунақа гаплар, — деди отам.

Мен унинг бу сўзини гира-шира эшитдим. Менни уйқу элитган эди.

Қаттиқ уйқу орасида отамнинг «ҳайт-ҳуйт» лагани ва иккита таёқни бир-бирига шарақлатиб ургани элас-элас қулоғимга чалинарди.

XXIII. ДУНМА ТУН

Куз кунларидан бири. Опам қаергадир боришга тараддуд кўраяпти. Эл орасида кийиб юрадиган мунсагини кийиб, бошига рўмолини ташлади ва қўлига қандайдир тугунни олди. У ёқ-бу ёғига қараб, уйни ҳам саранжом қилган бўлди. Шу орада менинг ўйин билан банд бўлиб юрганимни кўрди-да, зерикиб қолмасин, дедими ё йўлига йўлдош керак бўлдими:

— Юр, сенам Урозвой бувангни кўриб қайтасан, Мўрачи дойингни ҳам кўрасан, — деди. Мен хурсанд бўлиб опамга эргашдим.

Опам ўрта бўйли, қомати келишган, кўзлари отамни-кига нисбатан хиёл қисик ва қорага мойилроқ эди. Бурни хиёл босиқ, юз тузилишлари қоматига мутаносиб ке-

ладиган ўттиз ёшлардаги аёл эди, ўшанда. Унинг чеҳрасидан доим меҳр томиб турар, муомалада беҳад юмшоқ ва малоҳатли, кийинишлари ҳам оддий, ўзига унчалик зеб бераверишни ҳам ёқтирмас, феъл-атвори ўта камтар эди.

Биз қатор ўрикзор, тутзор, жийдазорлар оралаб мўрачилар томон йўл олдик. Баҳор ойларида у ерда бири олиб, бири қўйиб сайрайдиган булбуллар овози қулоқни қоматга келтирарди. Энди куз келиб, дарахтлар тилла либосларини тўкапти. У ёқ-бу ёққа аланглаб мева-чевага кўз ташлашнинг ҳожати йўқ. Бу кунларда мевадан фақат жийда қолган. Йўл бўйи опамдан олдинлаб кетиб, бирор чеккадаги жийданинг устига енгил тирмашаманда, жийда оламан. Бир сўлқими (шодаси) ни опамга ҳам бераман. У менга оналик меҳрини ҳадя қилади-да, «айлангайман» деб қўяди. Биз экинзор, дарахтзорлар оралаб мўрачи томон йўлни давом эттираемиз. Яқиндагина экин-тикинлари йиғиб олинган далада қора моллар кўп бўлиб, улар кузнинг ширага тўла ўт-ўланларини, дондун қолдиқларини терадилар. Бўлиғ васемиз моллар, ҳар жой-ҳар жойда қўй сурувлари ёйилиб юрибди.

Тахминан октябрь ойининг охириларига келиб ҳосил йиғиб олинади-да, илгари тўқайларда боқиладиган, ёхуд боғлаб қўйиладиган моллар бўшатиб юборилади. Эрталабдан (кечгача ўз насибаларини терадилар улар. Бунини Хоразм воҳасида «бўшлов» деб аташади. Бутун мол-ҳол овоз юришади. Опам билан мўрачи томон йўл олган кунимиз ўша бўшлов кунларидан бири эди.

Мўрачилар аслида Зийли қишлоғининг бир қисми бўлиб, бизга нисбатан шимолда, Фарров бўйида жойлашган беш-ўн хонадонлик бир ўрам эди. Бу ернинг номини «Қорачалар» деб атардилар. Ўрозмат мўрачи шу қишлоқчанинг ғарб бурчагида турарди.

Мен учун опам билан бирор жойга бориш мароқли эди. Мўрачиларникига бориш эса менга жуذا хуш ёқарди. Чунки уларнинг катта боғи бўлиб, бизда йўқ мева-чевалар уларда бўларди. Илгарилари ҳам шу тарзда опамга қўшилиб борганимда Мўрачи бобо усти чангал қадалган деворлар билан ўралган боғига кириб, уч-тўртта нок олиб чиқиб бергани эсимда. Бугун ҳам шундай бўлиши мумкинлиги хаёлимдан ўтди.

Опам билан тўғри бориб Мўрачи бобонинг ишхонасига кирдик. Бобонинг ўзи кўринмади. Унинг ўғли Эр-назар ака иш билан банд экан. Опам ҳол-аҳвол сўрашатириб тугундаги нарсаларини очиб, Эрназар аканинг

олдига қўйди. У ишини давом қилдирган ҳолда матоларга бир-бир назар ташлади-да, «маъқул» деган маънода бошини қимирлатиб қўйди. Отам ва энамнинг соғлигини сўраб-суриштирди. Яқинда отам бериб юборган қовунни маза қилиб еганларини эслади:

— Ҳайронман, Қўшжон ака қовун экса ичига шакар солиб қўядими, есангиз шираси новвотнинг ўзи.

Опам одоб юзасидан Эрназар аканинг гапларига жавоб беравермас, лекин мақтовнинг унга ёқиб тушгани юз-кўзларидан маълум эди. Мен эса бу гаплар билан фахрландим. Баланд девор билан ўралган боғ ичидан битта-иккита нок чиқиб қолишига ишонч пайдо бўлган эди, менда.

Эрназар аканинг дўқонидаги жиҳозлар оддий, икки-уч метрлик, одам болдирича келадиган, силлиқ йўни-либ, рандаланган тик ҳолда ўрнатилган ёғоч, унинг юқори томони шифтга ҳоли равишда беркитилган, белидан пастроғида босим учун анча оғирликдаги юк маҳкамланган, ёғочнинг пастки учига одам бошидек келадиган кўк-яшил, шишасимон тиниқ ва силлиқ тош ўрнатилган. Мослама пастдаги қаттиқ ёғочдан ясалган тахтага бошини тираб тургандек. Ёғочнинг, ўгирган одамнинг қўли етадиган жойидан иккита тутқич чиқарилган. Эрназар ака мўйловлари энди сабза ураётган ёш йигит, тўлалигидан унча чайир кўринмаса-да, мосламани енгиллик билан бошқарар, элотликлар олиб келган маътоларни бир қат қилиб мослама тагига олар эди-да, мато устидан уни у ёқ-бу ёққа юритарди. Зилол тош босиб ўтган жой силлиқланиб, ялтироқ ҳосил қиларди. Опам олиб борган мато воҳа лаҳчасида «олача» деб аталиб, уни опам ўзи дўқонда тўқиган, Кўриниш жиҳатидан у туркман гиламини эслатади-ю, нақшлари эгри-бугри эмас, балки тўғри чизиқлардан иборат эди. Нақшлар ҳар хил рангдаги ипак толаларининг жойланиши билан боғлиқ эди. Маълум даражада Фарғонанинг машҳур беқасамини эслатарди.

Опам ҳар баҳор пилла қурти боқарди. Қурт уруғини ҳам ўзи чиқарар эди. Пилла етилиб, тайёр бўлгач, уни қозонга солиб қайнатарди, кейин махсус юлғун чўплар билан ипини тортиб олар, кимдир уни бирор ёғоч айри-сига ўраб оларди. Натижада калава ҳосил бўларди. Калавани ҳар хил рангларга бўяб дўқонга тортар ва ерни қазиб ясалган ўтирғичига ўрнашиб оларди-да, кўз илғамас тезлик билан бир текисда юқорига тортиб қўйилган ҳар хил рангдаги ипак толалари орасидан мокини юр-

назар ва ҳар гал дўкон созини тортиб, моки ташлаб ўтадиган ипни жойлаб қўярди. Кузнинг бошларида, кечқурунлари ичкариги уйдан бир маромда дўконнинг «шарқ-шурқ, қарс-қурс» овози эшитилиб турарди. Тўрпаги уйдан чиқиб турган бу бўғиқ овоз биз учун алланинги ўзи эди. Уларни эшита-эшита уйқуга кетардик...

— Шарқ-шурқ, қарс-қурс!..

Мендан катта опам ва акаларим «бирор иш бўлса ўзимиз қилайлик, опам мато тўқиб ўтирибди» деган гапларини эшитардим.

Бугун мўрачига олиб келинган олача опам тўқиган иш дўконнинг маҳсулоти эди. Эрназар ака опамнинг туғунидаги олачани қўлига олиб бир сидра кўздан ўтказди. «Қойилман, яхши тўқибсиз», деган маъно пайдо бўлди, унинг юз-кўзларида. Ўзига ўзи гапиргандек секин мингиллаган ҳолда:

Яхши матога мўра босишнинг ҳам завқи бор, — деб менга тушди.

Матонинг ҳар бир қатини алоҳида ажратиб олиб тахта устига текис жойлади-да, мосламанинг икки қулоғидан ушлаб мато устида юрита кетди. Уни юритиш ҳам осон кўринмади менга. Эрназар ака ўзига қулай жой қилиб олган бўлса ҳам мўра юритаётган чоғда оғир-оғир нафас олар, вақти-вақти билан ўрнидан хиёл кўтарилиб, бор кучини сарф қилаётган алфозга кирар эди. Иш орасида қўлларини мослама қулоғидан олиб ҳавода силкиб қўяр, у ёқ-бу ёққа қараган бўлиб, бирпас дам ҳам оларди.

Бу хилдаги хунармандлар қўли ишда бўлса ҳам оғзи гапда бўлади. Эрназар ака ишлаётиб яна отам, унинг деҳқончиликлари, ака-укаларим, опа-сингилларим ҳақида сўраб қоларди. Опам эса қисқа-қисқа жавоб берарди. Тузукроқ дам олгиси келди, шекилли, ўтирган жойида керишиб, белини тўғрилаб олган бўлди-да, мен томон боқиб гапира кетди:

— Бу, жиян яхши бола, бироқ санғироқми, дейман, унинг қишлоқда бормаган жойи йўқ. Ёзда-ғў тушмаган суви қомийди. Қўлида тузоқ, қушлар кетидан юради. Чордеворларда кўраман муни, — деб кўзини қисиб, менга қараб қўйди. Бу билан шунчаки гап, хафа бўлма демоқчи бўларди.

Кўп ўтмай сўздан тўхтаб, мўра тоши қай аҳволда, мато устидан у тўғри юраяптими, йўқми, аниқламоқчи бўлгандек бир қатор назардан ўтказди ва яна қўлларига туфлаб мен томон назар ташлади:

— Бола-да, бола! Балким шундай бўғониям яхшидир, — деб қўйди. Шу билан опамни ҳижолатдан қутқазмоқчи бўлди, чамамда.

Ишимизнинг битаёзганини чамалаган Урозбой бува икки-уч нок олиб келиб қўлимга тутқазди.

Мўрачидаги ишимиз битгач, яна экин-тикинлари йиғиб олинган отизларни оралаб уйга қайтдик. Опамнинг чеҳраси очиқ, сал нарса учун жилмайиб кулар, дадил қадамлар ташлайди. Битган ишига ўзи ишонмагандек, тугуннинг бир чеккасини очиб, диққат билан қарайди, қўллари билан силаб-силаб кўради ва яна жойлаб қўяди.

— Мана, тўй киётир, отангга, акангга, сенга дўнма (ялтироқ) тўн тикиб бераман. Тўй-лорго шу дўнма тўн-лорда боросизлар, — деди мамнуният билан. Унинг кўзларида қувонч ўйнади. Худди у ҳозир ҳаммамизни тикиб берадиган дўнма тўнда кўраётгандек.

Шу пайт оиласи, болаларига катта бойликни инъом қилаётган, уларни чексиз хурсанд қилиш бахтига муяссар бўлган она қиёфасини кўрдим.

Хаёлларим тинимсиз: «Бирпасда учиб бораётган қушни тутиб оламан, уни қафасга солиб боқаман, сайратаман, галдираман, қўл устида учириб-қўндираман, яйловда ўтлаб юрган отлар эса менга Ҳазрат Алининг дулдулини эслатарди. Тутиб олиб минсаму, қаёқларгадир чопсам!

Бу хаёллар мени қайларга олиб кетмасин, барибир мен опамга йўлдошман. Унинг ишларини ҳали тўла англамасам ҳам биламанки, кечалари бизни ухлатиб тўқиган бўзлари бизга ич кийим, ипақдан тикилган олачаси иссиқ ва чиройли тўн бўлади. Кўп ўтмасдан опам отамга, акамга ва менга тўн тикиб, бир қатор кийинтиради. Тўқилган матоларнинг бир қисмини сотиб оғимизга этик, белимизга белбоғ олиб беради! Мўлжаллаб боқиб қўйилган қўзиларни сўйиб, териларидан бошимизга телпак тикдириб беради. Қарабсизки, биз қишга тайёрмиз...

XXIV. АТТОРЧИ БОБО

Опам ўчоқ бошида, энам эса бир парча бўзга қайчи ураётган эди.

— Узим шу болома бир кўйлак-иштон тикиб берайн, бир кўйлак-иштон тикиб берайн, — деди-да, менга қаради. Бир оз ўтгач, яна ўша гапларни такрорлади. Билардимки, менга нисбатан энамда алоҳида бувилик меҳри бор эди.

— Ёқа жиякларини чиройли ипакдан қиламан. Ич-қари (иштонбоғлари)нинг пўпакларини ҳам ипакдан қиламан. Улум муни насиб этса, тўйларда кияди.

Бир маҳал қишлоғимизга кираверадиған йўлдан ипакда келаётган чолга кўзим тушди. У эшакнинг жиловини ўзига қўйиб берган, нихтамас, их-ихтамас ҳам эди. Эшак бир маромда қадам ташлар, чол эса мудраб келаётган одамдек таассурот уйғотарди одамда. Ҳаво иссиқ бўлишига қарамасдан унинг бошида катта телпак, устида тўн, худди узоқ йўлга отланган йўловчига ўхшаб кетарди.

Узоқдан бизга кўзи тушиб қолдимиз ё ўзини маррага етган ҳисобладими, уйқудан уйғонгандек у ёқ-бу ёққа назар ташлади-да, бақириб берди:

— Нина-а-а, ўймо-о-оқ, но-о-ох (иш) илга-ак, очувдо-о-иш (аччиқтош)!

Чақирқиқи биров эшитмай қолишидан шубҳаланган чол охирги сўзни чўзиб бақирди.

— Очувдо-о-о-иш!

— Ана яхши бўлди, черчи (аттор) бува ҳам келди, оладиган нарсаларим бор эди,—деб, опам ўрнидан турди.

Эшак ҳам уйма-уй юриб ўрганиб қолган эмасми, секин ўрмалаб бизнинг уй томон бурилди. Мудроқ чол беҳафсалаликдан бўлса керак, бизни эшак устида ўтирганича кутиб турди. Опам бориб у билан сўрашди-да, оладиган нарсалари билан қизиқди.

— Ҳамма зот бор қизим. Бўёқ ҳам бор, ипакни ҳам бўйийсан, жунни ҳам бўйийсан, болам,—деди.

Черчи чол ҳар бир нарсани алоҳида халтачалардан бирин-кетин олиб опамга берди. Опам эса хурсанд бўлиб, тезлик билан уйга киритиб жойлаб чиқди. Олинган нарсалар ҳаққи учун дон таклиф қилди. Чол рози бўлмади, олиб кетаолмаслигини биларди. Кейин опам бир парча бўзми ё олачами тутқазмоқчи эди, у «маъқул» деган ишорани қилди-да, хуржунига жойлади. Иш битганини ҳис қилган эшак чолнинг буйруғини кутмасданоқ катта йўл томон бурилди. Анча вақтдан кейин қишлоқ оралаб кетадиган йўлдан чолнинг бўғиқ овози эшитилди:

— Нина-а-а, ўймо-о-оқ, но-о-ох, илга-к, очувдо-о-иш!

XXV. «КЕЛИН КЕЛДИ, КЕЛИН!»

Анчадан бери «тўй бўлади, тўй» деган гапларни эшитиб юрардим. Тўйларни кўп кўрганман. Бироқ уйимизда тўй бўлганини эслай олмайман. Кейин маълум бўлдики,

отам кўлида қолган амакимнинг катта ўғли Эрка акамнинг тўйи экан.

Бола учун тўйдан зўр томоша йўқ. Мен Эрка акамнинг тўйини кутар эдим. Тўй бир кунлик иш эмаслиги маълум. Олдин тўй ҳақида кўп гап-сўзлар юрди. Тараддуду тайёргарликлар бўлди. Қанча харж-харажат керак, узоқдаги ошно, ёр-дўстларга ким хабар беради, қандай томошалар бўлади, қандай сарупо-совринлар кўйилади, булар ҳам аниқланди. Қуда томондан бўладиган муомалалар, олди-бердилар ҳам қулоғимга чалинарди.

Тўйдан бир кун олдин дорбозлар келиб устунларни тикладилар, арқонларини тортдилар. Тўй куни эрталаб масхарабозлар ҳам пайдо бўлди. Улар табиатан хушчақчақ одамлар бўлиб, катта-кичикларга ҳазил-ҳузул гаплар айтишарди. Улардан бирига дуч келиб қолган пайтимда кўзларини ола-була қилиб:

— Тезроқ улғай, сенингам тўйингга келийлик, яхши томошалар кўрсатамиз, — дегани эсимда.

Кейин тўнларини елкасига олиб, савлатли қадам бошиб полвонлар пайдо бўлди. Тўй учун мўлжалланган майдонда бурама шохли кўчқорлар ҳам қозик айланиб турардилар... Яккахон ашулачилар, ўйин кўрсатадиган хўққачилар, кўғирчоқчилар бор эди. Булар ҳаммаси тушдан кейин то кечқурунгача ўз ҳунарларини кўрсатишди. Дорбозчи арқон устида елиб-югуриб ҳар хил ўйинлар қилди. Масхарабозлар гоҳ содда деҳқон, гоҳ ўғри қиёфасига кириб, гоҳ алдоқчи фирибгар ҳийлаларини кўрсатиб, даврани қиздирдилар. Даврага биринкетин полвонлар чиқиб, куч ва ҳунарларини кўрсатдилар. Хуллас, тўй деса дегулик эди.

Тўйнинг энг қизиқ жойи келин келиши. Кундуз ҳали давра томошалари бошланмасдан олдин «келин келди, келин келди», деган шовқин-сурон кўтарилди. Қишлоқнинг ўрта йўлида бир неча арава, аравада сутдек оппоқ матодан чайласимон тикилган кўшанга кўринди. Келин чиқонлари (дугоналари) ва янгаси билан ўша кўшангада. Кўшанга олдида сурнайчи ва доирачи шўх-шўх куйларни янгратарди. Кўшанга атрофида ўнтача нафар сурвийлар. Улар отларини билан кўшангадан ўтиб, бир оз тўхтадилар-да, жиловни яна орқага буриб отларини сурдилар. Яна айланиб кўшанга томон келдилар. Йигитлар ичида куёв ҳам маълум. Уни қариндош-уруғ, ёр-биродарлар қимматбаҳо рўмол, белбоғ, матолар билан ўраб ташлаганлар. От чопганда ранг-баранг бу ма-

толарнинг ҳилпираши куёвни учиб бораётган товусларга ўхшатиб қўйган.

Келин-куёв карвони манзилгоҳга яқинлашганда йўлга йўғонлиги билан келадиган арқон тутилди. Арқоннинг йўл очиб бериши катта тўловни талаб қилади. Куёв томон тўловни адо этгандан кейин йўл очилди.

Дарвоза олдида келганда чўп-чорлардан ўт ёқилди. Келин ўтирган арава ўрни босиб ўтиши керак. Куёв учун мушкул ишлар кейин бошланади. Келинни аравадан куёв кўтариб тушириши даркор. Лекин ҳа, деганда унинг кучи етавермайди. Дугоналари гир-атрофидан келинни тутиб ўтиришган бўлади.

Воқеаларнинг энг сирлилари кейин бошланар эди. Биз болалар ҳамма ерда ҳозир бўлганимиздан уларни ҳам кўриб оламиз. Ниҳоят куёвнинг катта ҳаракати-ю, инъомидан кейин келинни кўтариб олади. Аёллар, болалар келинхонага дув ўтадилар.

Келинхонада куёв беш-олтита ўртоқлари билан бир девор томон саф тортиб туришди. Буни «куёв сузилиш» деб атайдилар. Бутун хотин-халаж, бола-чақа орасида куёв ўз жўралари билан сузилиши керак. Тиззасини секин ва хиёл букиб, оҳиста кўтарилади. Янга тарафдорлари куёвга изза қиладиган ҳар хил гап ота бошлайдилар: «куёвнинг бурни оқди, кўзи қийшайди, лаби осилди...» Куёв томон жим. Улар қиз томонни индамасдан енгилшади. Ундай пайтларда ким қандай кайфиятда бўлганини билмайману, мен учун қимматбаҳо матоларни ҳилпиратиб, от чоптириб, хаёли арши-аълода юрган куёвга бу даражада изза беравериш болалик тасаввуримга сиғавермасди.

Маълум бир меъёрга етгач, сузилиш тўхтади. Хайрият, дейман бу пайт ичимда, вақти келиб уйланадиган бўлсам сузилмаслик шартини қўяман, дейман ўзим ўзимга.

Ташқарида давра ўз йўли билан қизияпти. Қечқурунга қараб қарийб бир чақирим жойни ёритадиган машъала ёқилди. Учиб қолмаслик учун уни ҳар вақт-ҳар вақт мойга ботириб олишди. Уртада ҳар хил томошалар. Ичкари ҳам ўз йўли билан.

Куёв сузилишдан кейин томоша янги босқичга ўтди. Янга куёвнинг белбоғини ечиши керак. Белбоғ камида икки-уч газлик матодан. Сузилишдан олдин қишлоқнинг манман деган йигитлари йиғилишиб белбоғ тугишган. Белбоғ учини обдон яширишади, тугунни қаттиқ тортишади, сидириб олишга ҳам имконият қолдиришмайди.

Хотин-халаж, ёш-яланглардан тўлиб, диққинафас бир ҳолга келган келинхонада янга белбоғ еча бошлади. Матонинг учини ҳеч ҳам тополмайди у. Тугунни юмшатиш учун на қўл кучи етади, на тишлаб тортишларнинг нафи бор. Янга бечора неча бор терлаб, совийди, асаблари таранглашади, янга бўлиб келганига пушаймонлар қилиши турган гап. Сузилишда куёвни қанча изза қилишган бўлса, янгани шунча изза қилишади. «Ўрганмасиз-да, эрингиз билан маслаҳатлашмасиз-да, қўлингизнинг қувватини қаерларга ташлаб келгансиз?» қабилдаги таънали сўзлар айтилади. Иш шу даражага бориб етадики, янга тўйни тарк этишга тайёр бўлиб қолади. Шундагина белбоғ боғлаган йигитлардан бирортаси ёрдамга келади.

Кейин этик ечиш маросими бошланади. Бу ишни ҳам янга қилиши керак. Куёв оёғини чапгак қилиб қотириб олади. Агар куёв бақувватроқ йигит бўладиган бўлса, бундай пайтда туянинг кучи керак бўларди, этикни ечиб олишга. Янга обдон куйиб-пишгандан кейин куёв жўрлар раҳмдиллик қилиб куёвга оёқ чангагини ёздиришни маслаҳат қилишади.

Шунга ўхшаган бир неча маросимлардан кейин куёв чимилдиқ томон ўтишга ўзини ҳақли ҳисоблайди. Булар ҳаммаси ўша кезлар мен учун томоша бўлиб кўринса ҳам, машаққатнинг ўзи эди.

XXVI. ҚИШНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

Қиш келди. Отам қаердандир эски девор кесакларини шолга ўраб, орқалаб ичкари хонага киритди. Эринмасдан уларни болта билан йўниб текислади, ғиштсимон ҳолатга келтирди. Хонанинг томонига яқинроқ жойга тўртбурчак шаклида тагига лой ташлаб бир-бир тахлаб чиқди. Одатдагидек этак томонини кенгроқ қилди. Ҳали тўшовсиз хонанинг ҳар томонига ўтиб бир қурилмага, бир хонанинг бурчакларига назар ташлаб кўрди ва ғиштсимон кесакларни яна тўғрилаган бўлди. Кесаклар одатдаги ўчоқ шаклига келди. Отам ташқаридан шолга ўралган тупроқ олиб кириб адан (эшикка яқин жой)га тўкди. Сомонхонадан сомоннинг майдасини олиб чиқиб, уни тупроққа аралаштирди. Бирпасда сув ийланган сомонлой тайёр бўлди. Андава билан терилган кесакларни сувади. Отам бу ишларни шу даражада ҳафсала билан қилар эдики, укам билан шу ерда ўралашиб юрар эканмиз, унинг ишларини ҳавас билан кузатардим.

Қурилма сувоқдан чиққандан кейин отам адан томон пасарилиб, қурилмага зеҳн билан назар ташлади ва ўз ишидан завқланган бўлса керак, менга хиёл жилмайиш-и-да:

— Бу — ўчоқ. Буни қуриш ҳам ҳунар! — деди.

Отам бундай пайтларда оддийлашар, юз-кўзларида жилмайиш аломатлари пайдо бўлар, ҳаракатлари ен-иллашарди. Биз эса пайтдан фойдаланиб, хонанинг у омони билан бу томонига чопиб, шўхликларимизни қи-шиб қолардик.

Сомонлой билан силлиқ қилиб сувалган ўчоқ менда ҳам завқ уйғотган эди ўшанда. Қаранг, у хонанинг этак ярмида жойлаштирилган, эшик томони бошқа томонла-нига нисбатан кенг бўлиб тунча — чой қайнатадиган иккалоқ мис идиш, қумғон ва чойнак-пиёла қўйишга мўл-жалланган. Бир-икки кун ичида ўчоқ қурийдим ва ўт ёқа-риши мумкин бўлади.

Хона, тахминан айвоннинг ярмидан кичикроқ бўлиб, ишиги иккита кесакига қоқилган оддий тахталар бирли-гидан иборат. Хонада бугун биз тушунган деразалар бўлмас, унинг ўрнига хонанинг тўрида учинчи пахса дисмида энсиз, узунлиги ярим газча келадиган дарича бўлиб, у ёзда очиқ, қишда латта-путталар билан берки-тилларди. Ўчоқ билан эшик орасидаги масофа тепасида шифтда уйга ёруғлик тушиб туриши учун тўрт-беш яшар бола сифабериши мумкин бўлган туйнук бўларди. Шифт ўсинлари очиқ, уларнинг устидан терилган хода ва қа-мишлар кўриниб турарди. Улар аямасдан ёқилган олов матижасида қурум босиб, қорайиб кетганлигидан қаерда бўсин, қаерда хода эканини ҳам ажратиб бўлмасди. Ўчоқ билан эшик орасида хиёл ён томонда тўши бўларди. Тў-ши махсус қазилган чуқурча бўлиб, усти буровланиб ёшилган тахталар билан ёпиб қўйилган. Бу юз-қўлларни ёвиш қурилмаси эди.

Ўчоқ сувоғи қуригач, хонанинг тўрғи томонига қарийб иккидан келадиган қилиб шоли сомон тўшалди. Унинг устидан бозордан олиб келинган екан чипта, чипта ус-тидан Нуғмон кигизчига бостирилган кигиз ташланди. Хонанинг тўрида сандиқ, унинг устида кўрпа-тўшаклар, менга ҳам сифмагани уй қурилаётганда тўрғи бурчакнинг икки томонига қўйиб беркитилган дор — хода устига қўйиб қўйилган. Кийим-кечаклар эса пахса орасига қў-йиб юборилган қозиқларга илинган. Хонанинг икки то-мон деворида токчалар бўлиб, уларда энам ўқийдиган китоблар, иззатлироқ чойнак-пиёлалар жой олган.

Ҳаво совиб, хонага кирган кун ҳамма, хусусан биз болалар учун хурсандчилик бўлди. Янгидан ясалган ўчоққа қаланган ўтин олиштирилди. Аста-секин тутун чиқариб чарсиллаб, гувиллаб ёнди. Бир-икки газча кўтарилиб ёнаётган олов бирпасда уйга иссиқлик тараптиб, бошқача кайфият туғдирди. Оловнинг бир томонига ўрнатиб қўйилган тунча пақирлаб қайнади. Отам уни оташкурак билан чеккароққа олиб қўйиб, токчада турган чойнакларни олди-да, белбоғининг учи билан обдон артиб тозалаб, яна оташкурак билан тунчани илиб олиб чойни дамлади. Шу орада опам дастурхон тайёрлади. Ҳар ким ўчоқ атрофидан ўз ўрнини эгаллади. Эшик томондан қараганда ўчоқнинг чап томони энг фахрли жой ҳисобланиб, унда ихчам ва янги босилган кигизлар устида отам бордош қуриб олди. Тўрғи томонда энам, ундан пастроқда акам, эшикка яқинроқ жойда, бўйра устида опам кенг кўйлаги ичида олд томон тиззаларини букиб ўтирди.

Ўт ёнган пайт уй тутунга тўлди, аввал тепага йиғилиб, аста-секин қалин булутга ўхшаб пастлади. Тутун жуда ҳам пастлаганда аччиғига чидаб бўлмасдан эгилиб ўтиришга мажбур эдик. Ўт ёниб, чўғ ҳолига келганда йиллар давомида тутунни ўзига тортиб, қорайиб кетган тўсинлар, хода ва қамишлар орасига сингиб, тутун булутга тарқалди. Хонада қандайдир оҳисталик, хотиржамлик кайфияти пайдо бўлди. Опам айвонда пиширилган овқатни олиб келиб ўртага қўйди. Ҳамма жим. Отам қандайдир сирли оҳангда «бисмиллоҳир роҳманир раҳий-м» деб овқатга қўл чўзди, ундан кейин биз хиёл энгашиб секинроқ бисмиллони зикр этиб овқатга интилдик.

Таом азиз ва мўътабар. Уни пала-партиш истеъмол қилиш катта гуноҳ ҳисобланар, товоқ тагида заррача қолиб кетса ҳам айб ва ҳурматсизлик ҳисобланарди. Фақат азиз меҳмонлар бирор уламо ёки ўта азиз ҳисобланган қариндошлардан кимдир товоқ бошида бўлса идиш тагида озгина емиш қолдирар, уни сарқит ҳисоблаб, пастдагилар ихлосу, эҳтиром билан тугаллаб қўйишарди. Бу ҳол «шу одам сингари азиз ва мўътабар бўл», деган маъносини билдирарди.

Овқатдан кейин табиий равишда ҳар хил мавзуда суҳбатлар бошланарди. Одоб-ахлоқ, тўғрисиўзлик, меҳнатсеварлик, шариатга тегишли турли ривоятлар суҳбатнинг мавзуси эди. Отам баъзан ўзининг бошидан ўтганларидан гапирар, баъзан ўрнини топиб панд-насихат қиларди. Гапнинг қулоққа қоладиган йўлини топарди. Бугун ҳам шундай бўлди.

— Қўшнининг ери билан ўзимизнинг ер орасидаги ўқмоқдан кетаяпсан, — гап бошлади у, — сўқмоқнинг ярми уники, яъни қўшники, иккинчи ярми бизники. Кетаётганингда бордию оёғингга тикан кирса, қара, қўшни томон ярмидами ё биз томонга тегишлими! Бордию қўшни томонники бўлса, тиканни оёғингдан олиб ўзимиз томонга ташлашга ҳаққинг йўқ! Унда қўшника билан қилган бўласан. Уни қўшни томонга ташлашинг керак! Шундай қилмасанг қўшни у дунёда, оёққа озор берган тиканнинг учидек чўпни сендан бир дунё бойлик сифатида талаб қилади.

Суҳбатда отам билан уста Сопорвой орасида бўлиб ўтган бир воқеа ҳам тилга олинди. Воқеа шундай бўлган экан.

Отамнинг уста Сопорвой деган дўсти бор эди. У яхши темирчи, қўлидан келмаган ҳунари бўлмасди. Қунарнининг бирида ўғилларидан бирини отамнинг олдига жўнатибди:

— Бор, Қўшжон аканинг жўхориси зўр битади, қовунлари ширин, бўлиб бўлади, бориб уруғлик олиб кел, саплашиб қўйганман, — дебди. Устанинг ўғли қоп олиб отамнинг олдига келибди ва муддаосини тушунтирибди.

Отам устанинг ўғлига ярим қоп жўхори, бир неча пўчоқда қуритилган қовун уруғини бериб юборибди. Уста ҳафсала билан жўхорини ҳам, қовунни ҳам экибди. Бироқ ҳосил битмабди, қовунлари боланинг бошидек, жўхориси одам бўйидек бўлибди.

Устанинг ҳафсаласи пир бўлиб, дўконига келганларга «Қўшжон ака менга яхши уруғлик бермабди», деб гап-сўз ҳам қилибди. Бироқ отам бу гапларга кўп эътибор бермабди. Нима сабаб биландир уста Сопорвой бизникига келибди, отам унга сий-иззат кўрсатибди. Шу орада уруғлик ҳақида гап чиқиб қолибди. Овқат ва чойга фотиҳа тортилгач, отам устани молхонамиз томон олиб чиқибди. Тизза бўй келадиган, чириб ётган қўй қўйидан бир қисм олиб қўлида увлабди ва қўлининг адақларини кўрсатиб:

— Ҳосил фақат уруғликка боғлиқ эмас, мана бу қўйнинг қийиға, уни етарли қилиб беришга боғлиқ! Устаничиликда темирнинг сирини бўлганидек деҳқончиликнинг ҳам сирлари бор! — дебди.

Уста отамнинг фақат ишларига эмас, балки ўз гапини унга тушунтираолганига ҳам қойил қолиб уйига жўнаган экан...

Уртага ёқилган ўтнинг чўғи бироз пасайса ҳам олов

тафти қизиган уй ҳамон илиқликни сақларди. Гаплар ниҳояланиши сезилиб қолганда акаларимдан бири тоқчада турган китоблардан бирортасини олиб, энамга узатар, энам чарчагани, кўзи хиралашганини важ қилса-да, буни ҳеч ким инobatга олмасди.

Энам юзлари хийла ажин босган, бели бир оз букрайиб, доим ҳасса суюниб юрадиган етмиш ёшлардаги қария эди. У хушфеълликда, оқилаликда бутун қишлоқнинг эътиборига тушган, ҳурматига сазовор саводхон эди. Эл орасида уни «Ўғилжон халфа» (Отинойи) дейишарди.

Энам китобни қўлига олди. Одатдагидек мен унга тошчироқ тутдим...

Энам ўқиган китоб таъсирида вақт ўтиб, уйнинг совиганини ҳам сезмабмиз.

Ўчоқдаги ўтнинг анча шашти қайтди. Отам оташкурак билан чўғнинг қолган-қутганларини ўчоқнинг олд бурчагида махсус ясалган чуқурчага жойлади. Чўғнинг бу қисми эрталабгача сақланиши керак.

Энам кўзининг чарчаганини важ қилиб китобни ёпди. Бироқ ҳали ётишга эрта. Имон, эътиқод, энам ўқиган китобдан олган таассурот хусусида қисқа, ихчам гаплар бўлди. Кейин гап эрта-индин қилинадиган ишларга ўтди. Олов ғубори обдон тарқалгач, отам буйруғи билан туйнукдан осилиб турган арқонни тортдик. Арқоннинг иккинчи учи тўп қилиб боғланган хашакни тортди-да, туйнукни бекитди. Чала бекилган жойини уйнинг бурчагида турган махсус ходача билан тўғриладик...

XXVII. «ЭТИ СИЗНИКИ, СУЯГИ БИЗНИКИ...»

Кунларнинг бирида уйимизда сирли ҳаракатлар кўзимга ташланиб қолди. Опам, энам бир неча кун ҳаракат қилиб, кийим-бошимни янгилашди. Узлари тўқиган бўздан кенг, дўнгалак ёқасига қизил ипак жияк тутилган кўйлак, боғининг икки охири ҳар хил рангдаги ипак толалари билан безатилган боғлагичли иштон тикиб кийдирдилар. Уларни ҳар бирини кийдиришдан олдин ўша давр удумига кўра ерга қўйиб менга тепкилатиб, «сендан тўзмоқ, мендан киймоқ», деган сўзларни такрор-такрор айттирар эдилар. Эрталабдан нон ёпиб, қатлама, бўғирсоқлар пиширишди ва отамга катта тугилган дастурхон тайёрлаб бердилар. Отам мени эргаштириб қишлоғимизнинг ўртасида жойлашган масжидга олиб борди. Салом-аликлдан кейин дастурхонни масжиднинг имоми мулла Турсунга тутқазди.

Мен мулла Турсунни билар эдим. Унинг уйи Отанардаги еримизга ўтадиган йўлнинг устида бўлиб, ўтти-кетганларимизда домла эшик орада кўриниб қолса, ҳам йўлидан тўхтаб, у билан қуюқ саломлашар ва сўрашарди. Сўрашганда ҳам унга мулламиз, деб муроват қиларди.

Отам мен томон ишора қилиб:

— Мулламиз, мана қирноқни (ёш фарзандларни шу тарзда ҳам аташарди) олиб келдим. Эти сизники, суяги сизники, — деди-да, менга қараб хиёл жилмайди.

Мулла Турсун кимгадир дастурхонни олишни буюрди ва менга назар ташлаб жавоб қилди:

— Яхши, бўлади! Мулла бўладиган бола кўринади. Мен учун бу қутилмаган янгилик эди. Шу сабабдан қандайдир ийманишлар, тортинишлар ҳисси бор эди менга. Домла яхши гаплар билан мени ичкарига—дарсхонага олиб кириб тиззаларини тагига букиб, ярим доира саф тортиб ўтирган болаларга қўшди. Отамга ҳурмат натижаси бўлса керак, домла саф ўрталаридан хонироқ жой топиб, мени жойлаштирди.

Мулла Турсун домла қирқ ёшлар чамасидаги калтагина соқол ва мўйлаб қўйиб олган оқ юзли, ўрта мўйли, хушбичим одам эди. Домланинг кийинишларию татти-ҳаракатлари ҳам ўзига хос, бошқаларга ўхшамас тарзда эди. Эндиликда у эсимга тушса расм ва кийимларда кўринадиган, ўзларини халқимиз орасида янгилик тарқатишга бағишлаган жадидларнинг қиёфаси ўз олдимга келади. Кейинги пайтларгача синфий душман сифатида қораланиб келаётган жадидизм Хоразмнинг чекка бурчакларигача бориб етган экан-да, деб айлайман. бугун.

Домланинг салобатиданми ёки умуминтизом тартибларининг талаби шумиди, болалар чурқ этмасдан қўлидаги ёзув тахтаси билан банд, ҳар вақт домла бирор нарса деса уни жўр бўлиб такрорлашади. Уша кунлари домла олган 29 ҳарфдан иборат араб алифбосининг тартиботи ва товушларнинг талаффуз қилиш йўсинлари ануз эсимда. Хусусан ҳаммамиз бўлиб, алиф устин а, алиф остин э, алиф ўтир ў, а, э, ў тарздаги баробарига товуш чиқариб ёдлашлар мароқли кўринар эди менга. Габний, бу ёдлашларнинг кейин бирор жойда керак бўлишини англаб етавермас эдим. Назаримда ҳамма учун ражбур бўлган ўқиш тартиботи сифатида умумқоидага бўйсунини бурчим ҳисоблаган бўлсам керак.

Оиламиз дин ва унинг эътиқодларига қатъий риоя

қиладиганлардан эди. Отам, энам, опам беш вақт намозни, бир ойлик рўзани қанда қилмасдилар. Бирор китобхон уйимизга келиб қолса, энг азиз меҳмон сифатида қабул қилинар, токчамизда доим «Қаломулло» турар, катталар уни баъзан олиб пешонаси ва нягига оҳиста тегизиб тавоб қилиб қўйишарди. Шундан билар эдимки, «Қаломулло»—китобларнинг энг азизи.

Тоғаларим Матсафо ва Матвафолар саводхон бўлмасалар ҳам эшонларга қўл берган сўфилардан эди. Уларнинг отини айтиб мурожаат қилган одам сўфи сўзини қўшмаса айб ҳисоблангандек бўларди. Тоғаларимнинг бир касби деҳқончилик бўлса, иккинчи касби шарият ақидаларини ташвиқ ва тарғиб қилиш бўларди. Хусусан доим тоғам Матвафо ҳайит намоз, жума намоз кунлари масжид томига чиқиб баланд овоз билан «Оллоҳу акбар...» деб азон айта бошлаганда, мен унга ҳавас билан қарардим, бошқа биров эмас, тоғамнинг шу ишни бажараётганидан фахрланардим. Тоғамлар бизни, яъни жиянларини жуда яхши кўришарди, бирор ҳафта кўришмасак, нега кўринмаяптилар, деб хабар қилишарди. Бизнинг ҳам ударга ўхшаб шарият тарғиботчисид бўлиб чиқишимизни орзу қилишларини ҳис қилар эдик. Кейин опам айтиб берган дойимларга тегишли бир хислат менда катта таассурот қолдирган.

Мен ва мендан кейин Бекжон акам II-Жаҳон уруши жангларига сафарбар қилинганмиз. Бутун уруш давомида дойиларим Матвафо ва Матсафолар қарийиб ҳар ҳафта келиб опамдан, умуман оиламиздан хабар олишар ва қўл кўтариб илтижо билан Аллоҳга мурожаат қилар эканлар:

— Илойим ўғилларнинг баробарига келсинлар!

Дарҳақиқат биз иккаламиз ҳам уруш оловидан чиқиб, баробарига омон-эсон қайтиб келганмиз. Раҳматли дойиларимнинг дуолари ижобат бўлди, бизнинг бахтимизга. Шу сабабдан бўлса керак, халқда кароматли сўз бор.

Бойлик олма дуо ол,
Дуо бойлик эмасми?

Кейин шуни ҳам англадимки, ота авлодим саводхон, Бухоро ва Хива мадрасаларини кўрган эшонларга бориб тақалар экан. Бунинг устига энам Уғилжон саводхон аёллардан бўлиб, элнинг тўй ва маъракаларида китобхонлик қиладиган халифа номи билан машҳур эди. Шу сабабдан уйимизда китоблар кўп бўларди. Тўрдаги хо-

нинг тоқчасида китоблар терилган бўлар, Сўфи Ол-
тоёр, Хожа Аҳмад Яссавий, Машраб асарлари, «Қисса-
и анбиё» мажмуаси энамнинг маъракаларда ўқийди-
ни севикли китобларидан бўларди. Бу китобларни
нам алоҳида ҳис ва ҳаяжон билан ҳар хил оҳангда
қирди. Гап пайғамбарлар, авлиё-анбиёлар ҳақида кет-
ида унинг овози ғамгинлашар, оҳисталашар, кўзлари-
ни юмиб очишлари тезланиб, юз этлари тортилгандек
қўймайган ҳолатга келар эди. Ҳатто йиғлагансимон
уринарди унинг қиёфаси. Эшитувчи аёлу кампирлар-
нинг баъзилари росманасига ҳўнграб йиғлашарди.

Тўйларда у бошқача: кўпроқ халқ китобларини ўзи-
ни хос кўтаринки руҳ ва наъма билан ўқирди. Булар
«Юсуф Аҳмад» «Бобо Равшан», «Баҳром ва Гуландом»,
«Юсуф ва Зулайҳо» кабилар эди.

Тўй ва маъракаларда китоб ўқиши энамнинг 70—80
кишиларида айна авжида бўлди. Бу ёшларга келиб кўз-
лари хиралашган бўлса керак, ёруғликка ўнғай қилиб
широқ тутиб ўтиришга муҳтож бўларди у. Мен унинг
ушунга тайёр чироқ тутувчи ҳисобланардим. Қаерга бор-
сам, мени ўзи билан олиб кетарди. Чироқ тутувчиликнинг
нашқини ҳам эгаллаб олган эдим. Аввало энам уйда,
қусусан қиш кечалари ҳаммамиз йиғилган пайтда ки-
тоб ўқиб берарди. Чироқ тутишни шундан бошлаган
эдим. Тўй ва маъракаларга олиб боришнинг боиси ҳам
шунда эди.

Менинг болалик чоғларимда ўзига тўқроқ, эпчилроқ
жойларда энди пайдо бўлиб, тарқалиб келаётган «еттин-
чи», «ўнинчи» деб аталган шишали чироқлар учраб қо-
ларди. Аксарият жойларда шуттик, тўғрироғи, тош чи-
роқ кўп тарқалган бўларди. Шаклан у кичкина қайиқ-
симон сирланган тош идиш бўлиб, ичига зигир ёғи со-
линар, нозиклашган томонидан ёғни ўзига тортиб, дуд
чиқариб ёнадиган пахтадан ўраб ясалган пилик чиқа-
риларди. Орқа томони устида кўзанинг оғзига ўхшаган
кичкина доира бўлиб, у ёғ солинадиган бўлма ва тутқич
вазифасини ҳам адо этарди.

Одатда тош чироқлар махсус ясалган чироқпояларга
қўйиларди. Бироқ чироқпояда ўрнатилган чироқнинг
ёруғлиги энамнинг хиралашган кўзлари учун ноқулай эди.

Мен эса энамнинг кўзи қайси сатрларда эканини
англаб, ёруғликни шу жойга тўғрилардим. Энам учун
ёруғликни тўғри бериш мақсадида бора-бора ўқиётган
сатрларни ағлайдиган, кейинчалик ичимда ўқиб боради-
ган бўлдим. Шу тарзда энам туфайли мумтоз адабиёти-

миз дурдоналарию халқ китоблари билан танишиб олишга муяссар бўлдим. Энди ўйласам, болалик чоғларимдаёқ нафосат оламига яқинлашиш имконига эга бўлган эканман. Шу баробаринда шарнат ақидалари билан ҳам қисман танишган эканман.

Энам ўқиган баъзи халқ китоблари таъсирида олам фақат кичкина қишлоғимиздан иборат эмаслиги, дунёнинг кенглигию ҳаётнинг ранг-баранглиги, унда яшайдиган халқу миллатларнинг сонсиз-саноксиз экани ва уларнинг кўп жиҳатдан бир хилда эмаслигини англаган эканман. Бу мен учун уста Рўздат болғасининг зарби, уста Янгибой ҳунарининг мўъжизаларидан кўра яна ҳам қизиқарлироқ, яна ҳам мароқлироқ сезилди. Мен ўзимни дунё кенгликларига ҳис қила бошлаган эканман.

Бу ҳол ҳали ўзим тўла англамаган бўлсам-да, ўқиш, ўрганиш эҳтиёжини туғдирган бўлса ажаб эмас. Шу эҳтиёж туфайли ўқиш ҳақидаги домла қўлида узун таёқ бўлармиш, унинг айтганини бажо келтирмаганлар бошига таёқ тушармиш, ҳатто интизомбузарлар оёғидан шифтга осиб қўйилармиш, деган гаплар ҳам мен учун унча хавfli кўринмасди. Ўқиш, ўрганиш учун бундай хатарли ишга тайёр ҳисоблар эдим ўзимни.

Дарҳақиқат, Турсунхўжа домланинг талабаларга назари ўта жиддий эди. У ярим доиранинг ҳамма жойига етадиган новда таёқни олдиға қўйиб олар, уни кўтариб, кимнидир урмоқчидек, талабалар томон айлантлар, бироқ уравермас, уни яна қайта олдиға қўйиб қўярди. Фақат аҳён-аҳёнда хаёл суриб қолган ёки бирор нарсага тикилиб, қўлидаги ёзув ёки китобдан эътибори кўтарилган талаба томон таёқни кўтарар ва унинг бошигами ё кафтига оҳиста тегизиб қўярди. Шундан маълум эдики, таёқ домлага кўпроқ пўписа учун керак экан. Оз муддат ичида товуш ва ҳарфларни ёдлашдан, ҳафтиякдан дарс бошлаш даражасига етдим. Намоз ўқишга ва тиловат учун зарур бир неча суъраларни ёд олдим. Афсуски, ўқиш узоққа бормади. Уша вақтларда менга намаълум сабабларга кўра ўқиш тўхтатилди. Масжидга намозхонлар ҳам кам қатнайдиган бўлди.

Кейин ўйлаб кўрсам, бизнинг машқимиз масжидда бўладиган ўқишларнинг охири, эскича мактаб ҳамма жойдагидек шу билан тугатилган ва болаларнинг янги мактабга ўқишга кириши даъват этилган экан. Кейин англаб олган бу ҳақиқатни бошқа бир воқеа ҳам тасдиқлайди. Воқеа шахсан ўз ҳаётимга тегишли бўлмаганидан ғира-шира эслаб қолган бўлсам керак.

Ёз ойлари эди. Энам ва опам кўп ҳаракатлар билан дастурхон тайёрлашди. Дастурхон иззатини ошириш учун нималардир пишириб, катта ёғоч товоққа жойлаб ҳам олишди. Арава ҳам махсус тайёрланиб, унга чиройли намат тўшашди. Иш орасида мени ҳам тоза кийинтиришди. Қандайдир байрам тараддудига ўхшаб кетарди бу ҳаракатлар.

— Эшон дойинг Бухородан қайтибди, уни кўришга борамиз,—бу воқеадан ўзининг мамнун эканини билдириб қўйди энам.

Кейин олган маълумотларимга кўра ўндан ортиқ майда қишлоқчаларни бирлаштирадиган марказ бор экан. Бу жойнинг номи Ҳалланг бўлиб, бошқа майда қишлоқлар шу ном билан бирлашган эканлар. Биз борадиган жой ўша Ҳалланг эди. Унинг қоқ марказида кичикроқ қалъани эслатадиган катта ва ҳашаматли уй жойлашганди. Бу ҳовлининг эгаси ўлкада донғи кетган Охун эшон экан. Унинг асл исми Иброҳим бўлиб, исминини айтмасдан Охун эшон дейишаркан.

Ҳовлининг ён томонида хушманзара катта ҳовуз, ҳовуз атрофи тубига одам қучоғи етмайдиган садалар билан ўралган эди. Садалар тагидаги супада доим чиройли наматлар тўшоғлик, чойлар дамланиб, овқатлар тортилиб турган бўларкан. Бухородан келган дойим ўша Охун эшоннинг ўғли бўлиб, унинг исми Исмоил эшон экан.

Илгари ҳам эшон дойимларникига бир неча бор келганим бор. Аммо бу ерда кўрган одамларни жуда аниқ эслай олмаган эдим. Энди бу ернинг одамлари ўз муомалалари, бир-бирларига кўрсатган иззат-икромлари тасаввуримда ўчмас из қолдирди.

Уй-жойлар ҳақидаги таассуротни айтмайсизми? Эшик олди, ҳовли атрофлари, унинг ичкари хоналари супуриб-сидирилган, сувлар сепилган, тоза-озода эди. Хуллас, бу ернинг одамларини уй-жойлари бунгача мен кўрган одамлару уй-жойлардан катта фарқ қилар эди. Энди бу ҳақда ўйласам, умуминсоний маданият аталган тунунча шу онлада бор экан. Кейинчалик мен чиқарган бошқа бир хулоса ҳам бор. Отам, энам, опамлар зўр иштиёқ билан дастурхон ясаб, катта умид ва орзулар билан масжидга ўқишга беришларида шу Охун эшондек улуғларнинг таъсири бўлгани шубҳасиз эди.

Бу хонадон ҳақида ҳар хил гапларни кейин энамдан ва бошқа қариялардан эшитганим бор. Охун эшон кўп кароматли зот—истаса ёп сувини тескари оқиза била-

диган, истаса дам солиб товоқдаги чучварани қурвақларга айлантира оладиган кароматли одам бўлган экан. Ёв келган пайтларда шу одам қаноти остида бутун қишлоқ жон сақлаб қолганини ҳам кўп эшитганман. Қарийб ҳар куни қозон қайнатиб, етим-есирларга ош-нон бериб тураркан. Шу туфайли бу оиланинг обрў-эътибори ниҳоятда катта бўлган.

Биз наमतлар тўшаб, тоза кийимлар кийиб олган отам бошқарган аравада Охун эшонниқига келдик. Мен ёш бола бўлганим учун чопиб гоҳ отам, эшон тоғаларим ўтирган ҳовуз бўйига, гоҳ бири иккинчисига гап бермай суҳбат қуриб ўтирган ичкари ҳовлидаги энам, опам олдиларига кирардим. Ушанда бир неча бор қулоғимга бир гап чалинганини эслайман. Исмоил дойим яна беш-олти йил Бухорода ўқиши керак экан. Бироқ мадрасалар ёпилибди, ўқишлар тугатилибди. Исмоил дойим ўқишни битказмасдан қайтибди. Яна бир неча йил ўқиса катта аъзайимхон охун бўлиши, отасидек хоҳласа катта ёпларнинг сувини тескари оқизишга қудрати етадиган кароматли эшон даражасига кўтарилиши мумкин экан...

Уша вақтларда бу гапларнинг моҳияти мен учун қоронғи эди. Кейинчалик ёшим катталашиб, ўзимга хулоса қилиб олдим. Демак, мен ўқишни бошлаган масжид машқларининг тўхтатилиши билан Бухоро мадрасаларининг ёпилиши ва Исмоил дойимнинг ўқишни тугатмасдан қайтиб келишлари бир-бирлари билан алоқадор экан.

Ёшим улғая борган сари воқеалар аниқроқ эсимда қоладиган бўлди. Ёшлиқдан қулоғимга қуйилган ва қатъий эътиқодга айланган бир хавф пайдо бўлгандек эди. Бу—кофир йўлига кириб, диндан чиқиш, худодан узоқлашиш. Ойламизда, қариндош-уруғлар даврасида диндан узоқлашиш—охирзамон яқинлашиб қолганидан дарак, деб талқин қилинар эди. Ҳар кун, ҳар соат қайд қилинадиган бу хавф менинг ҳам болалик тасаввуримни безовта қиладиган бўлди. Шариат тушунчаларидан бошқа бирор эътиқодга бўйин беришдан узоқда ҳисоблар эдим, ўзимни.

Мен учун асосий мафкура манбаи энамнинг китобларию ҳикоялари эди. У ўнлаб-юзлаб китобларни ўқиган, фақат ўзи эмас, балки бу ишдан кўпчиликни маффаатдор қила оладиган одам бўлганидан маънодор афсоналарни ҳам айтар, назаримда, баъзан ўзидан ҳам тўқир эди.

Энди маълум бўляптики, энамнинг китоб ўқишлари,

эйтиқод, одоб-ахлоқ ҳақидаги сўфи дойимларнинг мас-лаҳатлариню, эшон тоғаларимнинг ибратли ҳаёт тарзлари билан таниш бўлмаганимда эди, менинг саводхонлигим масжиднинг ёпилиши билан тутаган бўларди.

XXVIII. БЕГОНА ОТЛИҚ

Эрта куз пайтлари эди. Ёз эшик томонда амакимнинг ўғли Жумабой билан қандайдир ўйин ўйнаётган эдик, эшигимиз олдидан ўтадиган йўлда келаётган бегона от-лиққа кўзимиз тушиб қолди.

Ҳали ёш бўлсак-да, от билан отнинг фарқини яхши билардик. Бегона одам миниб келаётган от кўримсиз-гина бўлиб, у отдан кўра каттароқ эшакка ўхшаб кетар-ди. Шундан бўлса керак, бу бегонанинг биз учун дахли йўқдек кўринди.

Бегона одам отининг жиловини бизнинг ҳовли томон-га бурди. У отнинг устида бемалол ва эркин ўтирар, гўё ҳеч ким ва ҳеч нарса уни қизиқтирмасди. От тўғри эшигимиз олдига келиб тўхтади.

— Мана, экисам шўрдакан, — деди Эрка акам ку-лимсираб ва қўшиб қўйди.— Булар бир-биринан аж-ралмийдилар.

Бегона отлиқнинг қай даражада хавfli эканини дар-ров англадик. У от устида ўтириб бизга нималардир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, биз ҳовли-мизнинг шарқидаги тўқай томон қочиб бердик. Бегона отлиқ ҳамон эшик олдида турар, Эрка акам ва опала-рим билан нималарнидир гаплашаётган бўлса ҳам, биз орқамиздан ёв қувлаб келаётгандек ҳолатда эдик. Бир-пасда юлғун ва тўронгиллар оралаб Шоввот бўйига чиқиб олдик. Баландроқ тепаликка чиқиб, орқа томони-мизга қарадик. Не кўз билан кўрайликки, Эрка акам билан бегона отлиқ тўқай оралаб кетимиздан келишяп-ти. Биз ўзимизни Шоввотга урдик.

Куз ойларида Шоввотнинг суви қамалади-да, туб-дан сирқиб оқаётган сувнинг қирғоқлари қум—қайрга айланади. Биз қайрга тушиб сувнинг оқими бўйлаб кун-ботар томон йўл олдик. Кетимиздан ёв келаётгандек, ана-мана дегунча бизни «асир» олмоқчидек эди. Кийим-ларимиз енгил, оёқларимиз яланг бўлгани учун сув бўйлаб юриш қийин эмас эди. Балки бу ишнинг ўзига хос завқи бор эди биз учун. Бирпасда сув бўйлаб, бир чақиримча йўл босдик. Бегона отлиқдан ўзимизни қу-тулган ҳисобладик-да, сувга тушиб чиқишга қулай ясси

жойдан бӯён оралаб юқорига чиқдик. Не кўз билан кўрайликки, бегона отлиқ ва Эрка акам худди шу ердан бизнинг қирғоққа чиқишимизни билгандек кутиб турибдилар. Отлиқ бизга қараб жилмаяр, Эрка акам эса нималардир деб койнган бўлди, кейин аврагандек Жумабойни қўлидан тутиб олди.

Мени эса кўзларим жовдираган, вужудимни қалтироқ босган, бамисоли тузоққа тушган қуш эдим. Жумабой мендан бир ёш катта бўлганиданми, акасининг гапларига тез кўнди. шекилли, ўзини анча эркин тутди. Бегона отлиқ бир неча бўлак қандни чўнтагидан чиқарди-да, Эрка акам орқали бизга берди ва хушомадомуз бир нималар деди. Натижада мендаги ҳуркаклик ҳам пасайгандек бўлди. Бунгача бегона отлиқдан кўзимни олиб қочган бўлсам, энди унга назар ташладим. У 25 ёшлардаги озғин йигит эди. Бир кўзи хиёл қисик, шунга монанд оғзи ҳам сезилар-сезилмас оғдиқ (қийшиқ). Воҳада бундай одамларни фалончи қийшиқ ёки фалончи қийтар дейишарди.

У узлуксиз жилмаяр, болаларга ёқадиган гап-сўзларни топиб, хушомад қилишга уринарди.

— Яхши боғолар ёқаң, — деди у ва Эрка акамга қараб, — сан бўсанг булани топиб бўмийди, давадинг, ина шўрда ўзлари қарашиб турғон экан-қў бизара! — деди.

Бӯён орасида пашша кўп бўлади. Пашша талай бошлади, шекилли, от депсинаверди.

— Гитдик, — деди бегона отлиқ.

Жумабой уларга эргашди. Ҳурка-ҳурка мен ҳам эргашдим.

Рўй бераётган бу воқеалар ҳақида тахминим ҳам бор эди.

Қишлоқда одамлар орасидаги ҳар хил гаплар қулоғимга чалинганди. «Ўрис мактаб очармиш», «ўғил ва қизларни бир хонага қамаб ўқитармиш», «бошларига шапка кийдирармиш», «сочларини ўстириб, тор кийимлар кийдирармиш», «кофир йўлига киритармиш...»

Бегона отлиқнинг пайдо бўлиб қолиши ўша гапларни тасдиқлаётгандек эди.

Тўқай оралаб кичкина сўқмоқдан уй томон боряпмиз. Бегона отлиқ олдинда, Эрка акам орқада. Биз Жумабой билан ўртада. Баъзан оёғимизни чўкир қоқадим ё тикан киради. Ортиқча гап бўлмаслиги учун чидашга тўғри келади. Олdda бораётган бегона отлиқдан кўп ҳам садо чиқавермасди. Эрка акам ўзига ўзи гапиргандек:

— Мангнайқоралар, қочиб не бор, бизларни ҳалак

қилиб, бари бир тутилдинтлар,—деб тўнғиллаб қўярди.

Йўл босар эканмиз, менинг хаёлим ҳар томонга кетади. Гоҳ энам ўқиб берган китоблардаги Ҳазрат Алининг урушларида асир тушган кофирлар кўз олдимга келади, гоҳ Алининг ғайридинларга қарши дул-дул суриб, зулфиқорини ўйнатиб жангга кирганлари миямда айланади.

Ниҳоят уйга етиб келдик. Бегона отлиқнинг пайдо бўлиб қолганидан энам, опам, отамлар ҳам бепарво эдилар. Шундан билардимки, рўй бераётган воқеа уларга ҳам ёқмасди. Кейин бегона отлиқ уч-тўрт кун кўзга кўринмай кетди. Биз яна аввалги ҳолатимизга қайтдик. Бироқ қишлоқда «ўрис мактаби очилармиш, ҳамма ёшларни ўқитармиш, унда қиз болалар ўғил болалар билан бир курсида ўтиришиб, ўрис китобларини ўқирмишлар», деган гаплар авжига чиқди.

Бир неча кундан кейин бегона отлиқ яна пайдо бўлиб, ҳовли томонга ўтиб, меҳмонхонага нималарнидир туширди, отини сайисхонага боғлади. Отам билан келишилган бўлса керак, меҳмонхонада жойлашиб олди. Унинг отига Бекжон акамнинг ўт солаётганига кўзим тушди. «Шу ерда туриб бизни ўқитса керак», деган фикр хаёлимдан ўтди-да, бир оз енгил тортдим.

Бироқ ишлар мен ўйлагандек бўлмади. Бегона отлиқ эртасига вақтлик туриб кетибди. Эрка акамга биз ҳақимизда нималардир дегани қулогимга чалинган эди. Яна ҳурқдим. Минг хил ўйларга бордим. Яна қочайлик дейдиган бўлсам, бизни топиши қийин эмаслигига кўзим етиб қолди.

Вақт чошгоҳ эди. Эрка акам Жумабой билан иккаламизни бир жойга чақириб, бегона отлиқ бериб кетган қанддан битта-битта берди.

— Ҳозир бир жойга борамиз. У ерда қанд хирмон бўлиб ётибди, — деди Эрка акам.

Кўз олдимда қуйидаги манзара пайдо бўлди: Биз ҳозир бир жойга борамизу, у жойда хирмон бўлиб турган қанддан кенг бўз кўйлақларимизнинг этакларини тўллириб-тўлдириб олиб қайтамыз.

Эрка акам Жумабой билан иккаламизни эшакка миндирди. Шундан англадимки, борадиган жойимиз яқин эмас. Йўлга тушдик. Қишлоқнинг ғарбидаги, тахминан икки чақирим масофадаги энг охириги уйга етиб келдик. Бу уй «Қизларбиби» аталмиш қабристонга яқин бўлган Эшамат бобонинг олти кунгурали катта иморати эди. Эшамат бобо бизга узоқроқ қариндош бўлиб, бу ерга

мен илгари ҳам отам ё опам билан келган пайтларим бўлган. Биз бу ерга етиб келганда дарвозанинг олдида боғланган бошқа эшакларни, у ерда ўйнаб юрган тенгдошларимизни кўрдик. Шундан маълум бўлдики, «бир хирмон қанд» фақат бизга тегишли эмас.

Бир оздан кейин болалар ичкарига таклиф қилинди. Бегона отлиқ бизни бир хонага бошлади. Бу Эшамат бобонинг меҳмонхонаси эди. Ичкари кирдик, бироқ «бир хирмон қанд» дан дарак йўқ. Унинг ўрнига ёғочдан яхлит қилиб ясалган узун столлар, унга мос келадиган, ўтирганда оёғимиз ерга етмайдиган ўтиргичлар қўйилган эди. Таклиф билан ўтиргичлардан жой олдик. Шу заҳоти кимдир кириб бизга биттадан қанд, икки кишига бир идишда мошова тарқатди. Қандни ҳамма қатори қисирлатиб едик, мошовани бир-биримизга қошиқ отиб ичиб олдик.

Бир хирмон қанд бўлмаганидан ҳафсаламиз пир бўлиб, ўзимизни алданган ҳисобладик. Бироқ қишлоқдаги тенгдошларимиз билан бир жойга йиғилиб қилган вағир-вуғирларимиз натижасида алданганимизни унутдик шекилли, олдимизда туриб, нималардир деяётган бегона отлиққа бўйсунидан бошқа иложни сезмай қолдик. У ҳаммамизнинг исм-фамилиямиз ёзилган рўйхатни ўқиб, ҳар биримиз билан танишиб чиққан бўлди. Кейин ҳалиги мошова олиб кирган аёл бир даста дафтар ва қаламларни ҳар кимга биттадан тарқатди ва уни тутиш йўлларини кўрсатди. Кейин дафтарчага бир сидра, бир-бирига ўхшаган чизиқларни тортишни буюрди. Бу бўйруқни биров бажара олди, биров бажара олмади. Бегона отлиқ бунга эътибор бермади. Кўп вақт ўтмасдан у ўзини танитди.

— Менинг исмим Рийим, отамнинг оти Аваз, яъни Рийим Аваз. Бироқ менга «ўртоқ муаллим» дейсизлар,— деб қатъий топширди ва эртага ҳам келишимиз зарурлигини билдириб:

— Энди сизлара жувоб, — деди.

Болалар дув этиб ташқарига чиқишди. Мен ҳам улар орасида эдим. Қарасам, Эрка акам йўқ.

Дафтарни қўлтиқлаб яёв уйга жўнадик. Анча вақт ўтгандан кейин уйга кириб бордим. Дарвоза томондан қандайдир гувиллаган овоз эшитилди. Қизиқиб у томон чопдим. Дарвоза олдида тўрт оёқли, мисдан ясалган ялтироқ бир нарсага кўзим тушди. Унинг оёқлари бир қаричча юқори кўтарилиб, бир хилда эгилган. Устида кичкина қозонча. Мис идишдан юқори чиққан мослама-

дан олов пуркаб гуриллаб ёняпти. Қозон пақирлаб қайнаяпти.

Бу таажжубли манзарадан ҳайратланиб турган эдим. Рийим муаллим меҳмонхонадан чиқиб келди. Қисик сўзлари ва хиёл оғдиқ оғзидаги тишларини кўрсатиб:

— Галдингми-ий? — деб менга хушомад қилган бўлди. Унинг бу сўзларидан ўзимга нисбатан қандайдир қинлик ҳис қилдим ва англадимки, энди у доим шу ерда туради ва ҳар кун бу мўъжизани томоша қилиш имконияти борлигидан хурсанд бўлдим.

Кейин билдимки, бу гуриллаб ёнадиган мосламанинг номи «Примус» экан. Рийим муаллим ҳар куни шунда унга овқат пиширадиган бўлди.

Бора-бора Рийим муаллим бизнинг оиламизга яқин бўлиб қолди. Аксарият ҳолларда отамлар уни кечки овқатга ҳам таклиф қиларди. Бироқ одам сифатида уни яқин кўришса ҳам болаларни ўрисча ўқитаётгани учун кўп ёқтиравермасдилар. Шу сабабдан бўлса керак, энам унга муаллим эмас, «моғоллоқ» дер эди. Энди тасаввур қиламанки, энам муаллим сўзини айтолмаслигидан эмас, уни нимагадир камситиш учун ўйлаб топган. Ҳатто шундай бўлар эдики, дам олиш кунлари Рийим муаллим отини миниб Тошҳовузга, уйига кетарди. Душанба кунини ўқиш бошланишига қараб етиб келарди. Энам эшик олдида ўтирган ёки бирор иш билан банд бўлиб юрган бўлса, от билан эшик олдига келарди-да, энамга эшитарли қилиб:

— Эна, ман галдим, — деб салом берарди. Кейин отини буриб дарвоза томон кетарди. Ушанда энам муаллимга алик жавобини қиларди. Бироқ унга эшитилмайдиган қилиб:

— Ҳей, кемага етмагир, ҳамманн ўрис этжоқ бу моғоллоқ, — дер эди.

Бошқа одамлар Рийим муаллимнинг одамийлик ҳислатларини ёқтириб, унга яхши муомала қилишса ҳам, у қилаётган ишга салбий муносабатларини билдириш учун бўлса керак, уни Рийим муаллим демасдан, орқа-воротдан Рийим қийшиқ, Рийим қийтар, дердилар.

Отам, опам, шу ҳисобдан энам ҳам менинг ўқиб саводли бўлишим тарафдори бўлсалар ҳам, янгича ўқишга боришимга бепарво эдилар. Ҳеч вақт ўқишга борган-бормаганим билан қизиқмасдилар. Борганимдан кўра бормаганим улар учун яхши эди. Ўзим ҳам шу кайфиятда эдим.

Бироқ янги ўқишга муносабатим қандай бўлишидан

қатъий назар Рийим муаллимнинг хушфеъллиги, хушмуомалалиги, нимадир ўргатиш учун қилган ҳаракатлари туфайли уни биринчи муаллимим сифатида ҳозиргача эҳтиром билан эслаб юраман.

XXIX. ДАВЛАТЁР ДОМЛА САБОҚЛАРИ

Масжиддаги мактаб ёпилиб, ўқишларнинг тўхтагани кўпчиликни таҳликага солди. «Нега мактаб ёпилар экан? Нега болалар ўқимас экан?» деган гаплар қулоғимга чалинаверди. Қариндош-уруғлар, ёр-дўстлар йиғилган жойларда ўзим ҳақимда гап бўлганини ҳам эшитиб қолардим. Мулла Турсун отамга «ўғлингиз тартибсизроқ экан, аммо зеҳни бор», дебди. Отам бунга муносабат билдириб «тартиби тўғриланиб кетар, бироқ зеҳни ҳайф-да», деганларини эшитганман. Шундан маълум бўлдики, янги очилган мактабга қатнаётганим ота-онам учун ўқиш эмас, бекорчи вақт ўтказиш ҳисобланарди. Ўзим ҳам худди шундоқ ҳисоблардим. Мактабга қатнаб бирор нарсани ўрганиб олишга қунт ҳам қилмасдим. Уйга келиб дафтар очиб, китоб варақламасдим. Куним кўпроқ қўй боқиш, балиқ овлаш, ўтин-чўп йиғиш, ўйин билан ўтарди. Мактабга бормаё қолган кунларим Рийим муаллимдан танбеҳ эшитиб турардим.

— Нега мактаба бормадинг, тенгларинг ҳамма ҳарфлани ўрганди, — деб жиддий гапирарди-да, — қанданам кўпроқ берадиган бўлдиқ, — деб кулиб қўярди.

Ўқишга беҳафсала бўлсам ҳам миямда энам ўқиб берган китоблардаги ажойиб-ғаройиб воқеалар, жангу жадаллар, одобу икромга тегишли ривоятлар юрарди. Ҳақиқий ўқиш деб, энам ўқиб берадиган ўша китобларни ҳисоблардим.

Кунларнинг бирида шундай воқеа рўй берди:

Опам дастурхон қилди. Жумабой иккаламизни устбошимизни ювиб, тоза кийинтирди.

— Сизарни бир жойга оппораман, — деб йўл бошлади.

Биз эргашдик.

Кечки пайт эди. Биз опам томон қариндошлардан бўлган Абдужалил аканикига кириб бордик.

Абдужалил ака бизни яхши кутиб олди. У бўйлари узун, қўллари бўйинга нисбатан ҳам узун, ўта озғин, қадди хиёл букилган, бироқ чайир, меҳнаткаш одам эди. Ёз эшигининг олдида ярим танобча келадиган боғи бор

бўлиб, боғда асосан олмаю ноклар ўсарди. Ҳар гал ёп бўйидаги баланд йўлдан ўтаётганда Абдужалил аканинг боғига кўз ташлаб ўтар эдик. Боғнинг атрофи икки-уч газлик девор бўлиб, устига чангал териб қўйилган бўларди. Шу сабабдан Ўроз мўрачининг боғига ўхшаган Абдужалил аканинг боғи ҳам дахлсиз ҳисобланарди. Абдужалил аканикига боришимизда бу ердаги бизга нисбатан муомаладан кўра боғдаги мевалар қизиқтирарди. Бироқ гап унгача бориб етмади. Опам Абдужалил ака билан нималарнидир маслаҳатлашди ва бизни боғ томондаги ёз эшик томонга бошлади. Бизни тўладан келган, думалоқ жувон ва ўрта ёшлардаги ихчамгина, соқол-мўйлов қўйган, нуроний хушмуомала одам кутиб олди. Улар опам билан қалин сўрашишди. Опам у кишига «Давлатёр ака» деб мурожаат қилди ва бизни бошлаб келганлигини билдирди. Шундан маълум бўлдики, илгари биз ҳақимизда гап бўлган ва тушунишимизча, масжидда узилган ўқишни биз бу ерда давом қилдиришимиз керак.

Давлатёр мулла розилигини билдирди ва бизга қараб, майин овозда бир-иккита хушомадомуз гап қилди.

— Келинлар, ўқийсизлар, мулла бўласизлар,—деди ўзини сипо кўрсатишга ҳаракат қилиб.

Мулла Давлатёр гапирганда шошилмас, сўзларни дона-дона терар, фикрини тўла ва аниқ ифодаларди. Бу хусусиятлари билан бизда ўзига нисбатан хайрихоҳ бир кайфият туғдирарди.

Биз Жумабой билан ўқишга қатнай бошладик. Қатновимиз ҳам ўзгача эди. Эрталаб офтоб чиқар-чиқмас Давлатёр домланикига етиб келардик. У намозини ўқиб бўлиб, кичкина сопол идишда сутга нон тўғраб еб ўтирган бўларди. Дарров бизни ёнига яқин ўтқазиб, «Ҳафтиякни» қўлимизга берарди ва кечаги тўхтаган жойимиздан бошлаб мутолаа қилдирарди. Биз «Ҳафтияк» матнини овоз чиқариб қайта-қайта ўқирдик. У эса товушимиздан эшитилган заррача хато бўлса дарров тузатарди ва қандай айтишни ўргатарди. Ўқишимиз бир-бир ярим соат давом қиларди. Кейин опам тикиб берган чит халтачадаги китобларни қўлтиқлаб, одатдаги Рийим муаллим ўқитадиган мактабга йўл олардик. Баъзан биз «Ҳафтияк»ни ёпиб ўрнимиздан туриш олдидан Давлатёр домла:

— Уқишнинг ёмони бўлмайди. Ҳамма ўқишни ҳам ўқиб, билим олиш одам учун керак, — дерди.

Бунда Давлатёр домла бизни янгича ўқишга ҳам рағбатлантираётгани сезилиб турарди.

Энди ўйлаб кўрсам, у замон руҳини тушунган ва жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни англай биладиган одам экан. Шунга қарамасдан янгича ўқишга нисбатан ҳамон беҳафсала эдим. Айрим ҳолларда иккига иккинни қўшса тўрт бўлади ёки бешдан учни айирса икки қолади қабилдаги такрор машқлардан кўра «Ҳафтияк»ни ўқиб, «Қуръони карим»ни ўрганиб, қўлимга тушган басавлат китобларни мутолаа қилиш фойдалироқ кўринарди.

Кизиқ замонлар эди у пайтлар.

Айрим пайтларда укам Отамурод билан масжидмасжид юрардик. Масжидга бориб у ердан бирор нарса ни олиш катта одам учун айб ҳисобланарди. Шоввотнинг қибла томонида одамлар кўчиб, аҳолиси камайиб қолган қишлоқнинг чеккасида атрофи салобатли гужумлар билан ўралган масжид бўларди.

Бир гал укам билан ўша масжидга бордик. Масжид хоналарининг бирида уйилиб ётган китобларга кўзимиз тушди. Биз уларни қўлдан ўтказдик, баъзиларини варақладик.

Китоблар бир-биридан чиройли, ёзувлари бежирим, муқоваси чарм, ҳар бир сарлавҳа дид билан зарҳал нақшлар-ла безатилган. Варақлаганда китобларнинг ичидан эски пуллар, чой қоғозга ёзилган хатлар, муҳр босилган ҳужжатлар чиқиб қоларди. Ҳатто баъзи китобларнинг ичидан кўзойнаклар ҳам топганмиз. Шундай тасаввур туғилардики, кимдир бу китобларни ўқиётганида бирор таҳлика бўлгану, кўзойнагини ўқиган жойга қўйиб, китобни ёпган. Шошилганича масжидга обкелиб ташлаган.

Бу китобларни очиб кўрар эдигу, лекин ўқиёлмаганимиздан афсуслар чекардик.

Сутга нон тўғраб еб ўтирган Давлатёр домланинг ёнида ўтириб, «Ҳафтияк»ни мутолаа қилар эканмиз, мазмуни бизга мутлоқ нотаниш чарм муқовали бу салобатли китобларни ўқиб кўриш истаги туғилар эди.

Бир неча бор укам билан китоблардан бир нечасини қўлтиқлаб уйга олиб келганмиз. Уларнинг ичидан топилган кўзойнакларни энамга ва Эшамат бобомга берардик. Улар бундан хурсанд бўлардилар. Бироқ китобларни варақлаб, уларнинг ёзувлари бошқача эканлигини қайд қилиб, ўқиёлмасликларини афсуслар билан билдиришарди.

Аmmo бу китобларни уйда сақлаш хавфли ҳисобларди ў пайтларда. Шу сабабдан уларни акам ё отам яна масжидга оборишар, баъзиларини эҳтиётлик билан латта ёки кигизга ўраб бир чеккаси емирилган қабрларга жойлаб келишарди.

Эндиликда воҳадаги бирор қабристонга кўзим тушиб қолгудек бўлса, улар ичида қору ёмғир тагида, тупроқларга беланиб қанчадан-қанча дурдона китобларнинг чириб, йўқ бўлиб кетгани кўз олдимга келади.

Бир-бирига зид, бири иккинчисини қувватламайдиган ўқиш бир-икки йил давом этди. Кейин, назаримда, замон буни ҳам кўп кўрди шекилли, бизга номаълум сабаблар билан Давлатёр домланинг ҳузуридаги эрталабки ўқишдан ҳам маҳрум бўлдик. «Ҳафтияк»ни тамом қилиб ҳам улгурмадик.

XXX. ТАҲЛИҚАЛИ ҚУНЛАР

Езнинг жазирамаси ўтган эди. Кечалари ўт-ўланлар устига мўл чиқ-шудринг тушарди, кундузлари эса ҳаво дим эди.

— Чиқ ва дим ҳаво отиздаги дон-дунларни етилтиради, қовунларга шира бағишлайди, — дерди отам.

Шундай кунларнинг бирида дарвозамиз олдида бир гуруҳ одамлар пайдо бўлиб қолди. Ҳамма болалар сингари биз ҳам қизиқувчанлигимиздан бўлаётган воқеалар, гап-сўзларга қулоқ солдик.

Йиғилганлар ичида бошига шапка кийган, елкасига бешотар илиб олган иккита отлиқ ҳам бор эди. Улар бўлаётган гаплардан бепарводек кўринар, отларини ўйнатиб гоҳ у томон, гоҳ бу томон силжиб, гоҳида бўлиғ отлар депсиниб, ерни тешиб юборадигандек кўринарди. Бошқаларга нисбатан бизга кўпроқ бу икки отлиқ ва яроғликни кузатиш қизиқарлироқ эди.

Йиғилганлар орасида бизга узоқроқ қариндош бир одам ҳам бор эди. У баланд бўйли, елкадор, полвонсифат йиғит эди. Юзлари хиёл чўтир эди. У бугун одатдан ташқари башанг кийиниб олган. Ҳали иссиқ бўлишига қарамасдан оёғида жўкки этик, устида елвагай дўнма тўн, бошида силкима чўгирма.

Бу ерда ҳар хил таклифлар, буйруқлар қулоғимга чалинарди. Бировлари «хатда қолдириш керак, шунга тўғри келади» деса, бошқа бировлари «кўрайлик нимаси бор, нимаси йўқ, ҳаммасини текшириб кўрмасдан туриб хатда қолдириш тўғри эмас», дейишарди. Яна

бировлари бу одам ишчи кучидан ҳам фойдаланган деб, амакимдан етим қолган Эрка акам, Ражаббой акамларни тилга олардилар. Баъзи бировлари бунга эътироз қилишарди, «Ўз амакисининг болалари-ку, ахир улар етим», дейишарди.

Табийки, бу мунозараларнинг моҳиятини англай-вермас эдик. Биз учун одамларнинг йиғилиб келгани ва нималарнидир тортишуви қизиқ эди.

Яна ғира-шира шу нарса эсимдаки, отам маъюс ҳолда бир чеккада турар, бирор нарса деб эътироз ҳам билдирмас, бирор нарсани йиғилганларга тушунтириш учун ҳаракат ҳам қилмасди. У оғир бир аҳволга тушган, бироқ қўлидан ҳеч нарса келмайдиган ноилож одам қиёфасида эди.

Бироздан кейин йиғилган казо-казолар ҳар томон тарқалишди. Бировлари ерлари томон кетишди, яна бировлари ҳовлига киришди. Чиқиб от, туя, мол-қўйлар, жувоз ва хороз—тегирмон борлигидан дарак беришди. Маълум бир вақтдан кейин улар яна йиғилишди.

Гап қизиган пайтда башанг кийинган қариндош йигит гапга тез-тез аралашиб турарди. Ҳовлига кириб-чиққанлар ичида у ҳам бор эди.

— Жувоз бор, ҳовлида туя турибди, жувоз ҳар кун айланади. От боғлиқ турибди, қўш ҳўкиз ҳам бор, йигирма-ўттизта қўйлари ҳам бор буларнинг,—деди у.

Қўтир йигит сўзларини шундай тартиблаб айтардики, гўё у ҳал қилувчи овозга эга, айтгани-айтган, дегани-деган.

Йиғилганлар ичида бир одам ажралиб турарди. У тоза, қалъали — пўрим кийинган. Бошида тепаси баланд, олдида тўрт энлик чиқиб турган қасқонли шапка. Оқ кўйлак устидан ҳарбий бичимдаги калта камзул, оёғида ялтироқ кавказча этик.

У кам гапирарди. Баъзан оғзидан чиқиб қолган битта-иккита сўзидан маълум эдики, қалъалик бу одам туркман экан.

Бу мунозара, текширишларнинг моҳиятини анча кейин билиб олдим. Англадимки, ўша пайтларда «обрў»-ли катта комиссия тузилиб, қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй юриб аҳолини бойга, муштумзўрга, камбағалга ажратишган. Кимки бой сифатида хатга тушган бўлса сургун қилинган. Қулоқ қилинган бўлса молу мулки тортиб олиниб, ўзлари бадарға қилинган. Яна англадимки, ернинг бир қисмига экилган пахта бизни қулоқ бўлишдан сақлаб қолган.

Эсимда, камзулли одам йиғилишга яқун ясади.

— Бу адаминг адин хатдан ўчираймалы, гўрдин-гизми ики тенаб ерине пагта экиптир, ўны иймес, хў-кимете тапширар.

Бу гаплардан кейин орада бир зум жимлик чўкди. Кейин камзулли одам отига минди. Бошқалар ҳам нимасиндир йўқотгандек, мужмал ҳолатда унга эргаш-«дилар. Хусусан чўтир қариндошнинг ҳафсаласи пир эди.

У пайтларда ўзига тўқ ижтимоий табақаларни белгилашнинг ўзига хос атамалари бор эди. Юқорида айтганимиздек, «сургун қилиш», «муштумзўр сифатида тугатиш», «двойна қилиш»...

Сургун қилинадиганларнинг аҳволи оғир бўларди. Қисқа муддат ичида уларни шаҳарнинг маълум бир жойига йиғиб, сафарбар қилинган араваларга ортиб, Амударё бўйига чиқаришар ва пороходларга миндирилиб лузоқ-узоқларга жўнатилар эди.

Бекжон акамнинг гапига қараганда, Тошҳовуз туманидан сургун қилинадиганлар шаҳарга яқин Жанго-вуз деб аталадиган чармфуруш бойнинг боғига йиғилган. У ерда бунгача қишлоқларда салобат тўкиб юрган манман деган бойлар, уларнинг бола-чақалари, ҳатто қариялар ҳам бор. Ҳар бир хўжалик уйдан кўтара олган буюмини ололган, холос. Демак, катта-катта ҳовлилар, от-аравалар, қўш хўкизлар, сурув-сурув қўйлар, ҳамма-ҳаммаси қолиб кетган, яъни ҳукумат ихтиёрига олланган.

Қишлоқлардан сургун қилинганларни дарё бўйига элтиб қўйиш учун аравачилар жалб қилинганда, улар ичида Бекжон акам ҳам бўлган экан.

— Улар орасидаги дод-войларни, йиғи-сиғиларни, бақриқ-чақриқларни, кўришга борган яқин-йироқ қариндош-уруғ, ёр-дўстлар билан аламли хайрлашишларини эсласам, ҳали ҳам кўнглим бузилиб кетади,— дейди Бекжон акам ўша воқеаларни эслаб.

Бу хилдаги воқеаларни-ку мен оғиздан-оғизга ўтиб юрган гаплардан эшитардим ва Ҳалланг қишлоғидан сургун қилинган бир нечта донгдор одамларнинг ҳашаматли иморатларнинг бўшаб қолганини ўз кўзим билан кўрганман. Уларнинг уй-жойлари кейинчалик қишлоқ шўроси ва колхоз учун идора сифатида фойдаланилди. Баъзилари мактабларга берилди, айримлари магазин ихтиёрида бўлди, ёхуд омбор сифатида фойдаланилди. Бора-бора атрофи чинни гужум билан ўралган ҳовуз-

лар кўмилди, иморатлар емирилди, атрофдаги салобатли дарахтлар ўтин сифатида ишлатилди...

Зийли қишлоғида сургун қилинадиган катта бой ёки қулоқ кўп бўлмаган. Фақат бизнинг чап томонимиздаги ён қўшнимиз Бўрон акалар муштумзўр қилинганини ва шу муносабат билан бўлган воқеаларни қисман ўз кўзим билан кўрганман.

Бўрон аканинг меҳнаткашлигини юқоридаги ҳикояларнинг бирида таърифлаган эдим ва билар эдимки, у нимагаки эришган бўлса, нимаки орттирган бўлса фақат меҳнати орқали эришган ва орттирган.

Уша пайтларда бу фожианинг моҳиятини мен тунган эмасман, албатта. Лекин шу нарса маълум эдики, Бўрон акаларнинг, тахминан ўн танобча келадиган ери қўлидан тортиб олинди, молу мулки мусодара қилинди, от-уловидан ажратилди. Хўжалик аъзолари тўла бадарга қилинди. Тарқалиб, сочилиб, қайсидир қишлоқларда, қайсидир жойларда, эҳтимол қариндошуруғларникида кун кўриб юрганларини эшитардим.

Бўрон аканинг ўзи қамоққа олиниб, бир неча йиллардан кейин қайтиб келди. Лекин унинг хўжалиги ҳеч ҳам тикланмади...

Бир воқеа ўша вақтлардаёқ менинг болалик тасаввуримни ларзага солган. Эшитишимга қараганда, бу оилада озгина бўлса ҳам ўзини ўзи эплайдиганлар мол-мулксиз бўлса ҳам амаллаб кун кўришган. Бироқ бизга таниш бўлган Қодир бобо кексайиб, «ўлигим шу ерда қолсин», деган маънода чиқиб кета олмай, шу орада юрган. Бир кун у қўшниникида, бир кун бу қўшниникида кун кечирган. Кўз ва қулоқ жиҳатидан ногирон бўлганидан жирканч бир ҳолатга ҳам тушиб қолган. Кунларнинг бирида қариндош-уруғ, қўни-қўшнилари орасида бўлган гап қулоғимга чалинди:

— Бечора Қодир девор тубида ётиб, ўлиб қолибди. Уни қабристонга қўйиб келдик...

Узоқ вақтлар мен Бўрон аканинг укаси Эшим ака ҳақида ҳеч нарса билмадим. Бироқ улардан қолган бевалари ва фарзандларининг борлигидан хабардор эдим.

XXXI. ЭНАМНИНГ КЎЗ ЕШЛАРИ

Кунларнинг бирида аллақандай бирор зарурат юзасидан эшик олдига чопиб келдим. Энам эски намати тўшаб, деворга суяниб ўтирган экан. Унинг кайфияти одатдагидек кўринмади менга. Олдига бордим. У бо-

шидаги оппоқ рўмолини юзига тортиб, тўхтовсиз оқаётган кўз ёшларини артарди ва йиғи орасида сўзларини бўлиб-бўлиб:

— Вой боломай, вой боломай, не кунларга қолдиқ, Охун бувонгни қўлларига кишан солиб, қамоққа обкетипти, қандай замонларга қолдиқ, бутун элнинг паноҳи эди у,—дерди.

Шу орада елвагай тўнини билагига олган ҳолда отам келиб қолди. У бўлган гаплардан хабардордек кўринди менга. Елвагайини буклаб ташлади-да деворга орқасини бериб ўтириб олди. Унинг юзларидан маъюсликдан бошқа ҳеч нарса англамадим. У энам томонга бир қараб қўйди-да, назарини Фарров томон — узоқ-узоқларга тикди.

Кўп ўтмасдан бир даста ўт орқалаб опам келди. Утни боғлиқ турган қўчқорнинг олдига ташлади-да, энамнинг олдига келиб чўккалади. Энамнинг йиғисига у ҳам қўшилгандек кўринди менга.

Эл орасида тарқалган бу воқеа бутун Ҳалланг аҳолисини ларзага солди. Бу воқеанинг тафсилотини яхши билмасдим. Аниқроғини яқин йилларда Урин жўрамдан эшитдим.

Уни Ҳалланг қишлоғидагилар Урин дейишдан кўра Урин Хоняз дейишни афзал кўришади. У ўзининг фаоллиги, одамшавандаллиги, гап-сўзи ва муомалада устмонлиги туфайли қарийб бутун Тошҳовузга маълум. У билан биз бирга ўсганмиз, бир вақтда ўқиганмиз. Эндиликда у бутун Ҳалланг қишлоғининг кадхудоси, ишбилармони. Қишлоқда мактаб қуриш борми, шаҳар билан қишлоқ орасида автобус қатнашлари борми, булар ҳаммаси унинг бўйнида. II Жаҳон урушининг ногирони сифатида орденларини кўкрагига осиб олади-да, таёғини тўқиллатиб истаган идорасига кириб бораверади ва бу катта қишлоқнинг зарур ишларини битказишга ўзининг бор ҳиссасини қўшади. Шахс сифатида ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. Бўйи унча баланд эмас — ўрта бўйли. Икки оғиз гапирса уч марта кулади, жуда бўлмаса жилмаяди. Ҳеч кимдан хушомадни аямайди. Қонун деса, унинг билмайдигани йўқ. Қайси қонуннинг қайси моддасида аҳоли учун қандай имтиёзлар берилган, ундан қандай фойдаланиш керак, буларнинг ҳаммасини ёд билади. Қисқаси, Урин Хоняз эмас — эл сардори.

Уша кезлари бу дўстим Охун эшонларга яқин турарди. Бунинг устига ўша мудҳиш воқеа рўй берган-

да ундан хабардор бўлган ва мендан икки-уч ёш катта бўлгани учун бу воқеани яхши эслаб қолган.

Кейинги учрашганларимиздан бирида Урин жўрам бу воқеани яна бир гал гапириб берди.

У узоқ йиллар ўқитувчилик қилгани учун ўзини зиёли ҳисоблаб, соқол-мўйловсиз юрарди. Энди у соқол-мўйлов қўйибди. Ингичка бўлиб ўсиб келаётган мўйловини парваришлаб, тезроқ ўстирмоқчи бўлгандек уни қайта-қайта силаб-бураб қўяди. Бу гал ҳам шу одатини қилди-да, бу воқеани мен яхши биламан деб гап бошлади.

— Биласан, биз Охун боболар билан ёнма-ён турардик. У кишини қарийб ҳар куни кўрардим. Кунларнинг бирида муаллимимиз қовоқлари осилган, хафа ҳолда синфга кириб келди ва:

— Болалар!—деди маъюс ва бўғиқ овоз билан,— Эшон бобони қамоққа олибдилар, ҳозиргина олиб кетишибди, катталар бу ишга аралаша олмайди, сизлар аралашсангизлар бўлади,—деди. Синф болалари жим эди. Ҳар кимнинг хаёлидан ҳар хил фикрлар ўтган бўлса керак, муаллим гапини давом қилдирди:—Биласизлар, улар айланма кўчадан юриб, катта йўлга чиқиб олгунча анча вақт кетди. Сизлар отиз оралаб тўғри катта йўлга чиқсангизлар, Эшон бобони олиб бораётган отлиқларга дуч келасизлар. Боринглар, илтимос қиллинглар, шояд сиз норасидаларнинг истакларингиз инобатга олиниб, Эшон бобони ташлаб кетишса!

Урин жўрам кичкина мўйловини яна бураб қўйди-да, ўзининг устидан ўзи кулгандек бир ҳолатга кириб:

— Ҳозир ўйлаб кўрсам, биз илтимос қилган билан Эшон бобони озод қилмаслигига кўзим етади. Лекин у пайтда ҳали боламиз, унинг устига муаллимимиз «сизларнинг илтимосларингиз инобатга олинади», деб тургандан кейин бизда ишонч пайдо бўлиши табиий эди.

Дув этиб синфдан чиқдик. Отиз демадик, чўл демадик. Йўл бўйи солмаю сувлардан ўтдик. Иссиқда куйиб-пишиб катта йўлга яқинлашдик ва беш-олти яроқдор отлиқ олдинда, Эшон бобо ўртада пиёда, яна беш-олти яроқдор отлиқ эса орқада, Тошҳовуз томон кетаётган эканлар. Бир гуруҳ бўлиб, шиддат билан бораётганимизни кўриб қолишди. Биринчи сувори отининг жиловини хиёл тортди. Биз томон синчковлик билан қаради. Важоҳатимиздан мақсадимизни англа-

ди, шекилли, иккинчи отликқа ишора қилиб нимадир деди. У бешотарини елкасидан олди-да, биз томон қаратиб ўқ узди. Биз ҳаммамиз қайтган денгиз тўлқинидек орқага сарпилдик. Кимлардир ён томондаги экинзор ораларига яширинган бўлди. Биласана, мен сендан уч ёш каттаман. Синфдошлар ичида ҳам каттаси мен эдим. Шунинг учун рўй бераётган воқеани бошқаларга нисбатан мен тузук англадим. Англаганим шу бўлдики, милтиқ бизга қараб эмас, балки пўписа учун устимиздан отилди. Бироқ улар томон бориш хатарли экани маълум бўлиб қолди. Биз тарқалишдик ва орқамизга қайтдик. Мана бўлган воқеа,—деди у яна бир гал мўйловини кўрсаткич бармоғи билан у томон, бу томонга силаб қўйиб.

Мен бу ҳақда яна нима биласан дегандек назар ташладим. У менинг ниятимни илғаб олди шекилли, гапини давом қилдирди:

— Бир гап шуки,—деб кулиб қўйди-да, бир-бир назар ташлади ва давом этди: — Қайтиб келганимизда мактаб ола-говур эди. Муаллимларимиз асабийлашган ҳолда у ёқ-бу ёққа юришар ва кимнидир излагандек кўринишарди менга. «Ана ўзи, ана ўзи, киётир», деди муаллимлардан бири. Мени тутиб директорнинг олдига олиб киришди. У мени ҳеч нарса бўлмагандек, олдига яқинроқ боришимни ишора қилди. Мен ҳеч нарсадан гумонсирамасдан унинг олдига яқинроқ бордим. У ўрнидан турди-да, узун қўлларини ҳавога салмоқлаб юзининг ўнгига бир, чапига бир зарб билан шапалоқ тортди. Кўзларим тиниб, ўзим гангиган бир ҳолга тушдим ва аранг, «тур йўғал бердан!» деган жаҳлдор овозни эшитдим. Эшон бобони олиб кетиш учун яхши қуролланган ўн-ўн икки нафар аскар келибди. Бу гапларни мен кейин эшитдим,—деб қўшиб қўйди у сўз орасида.—Эшон бобонинг эшиги олдига келиб у кишини кўрмоқчи эканликларини билдиришибди. Эшон бобовазиятни сезгандек ўзи чиқибди. Келганлардан биттаси дарров отдан сакраб тушибди-да, Эшон бобонинг қўлига кишан солибди. У киши ҳеч қандай қаршилик кўрсатмабди. **Фақат:**

— Ё оллоҳ, ё оллоҳ! — дебди.

Урин жўрам бор гап шу, дегандек ўзини оҳиста бир ҳолатга олиб келди. Лекин билар эдимки, унинг хаёллари ўша болалик замонда айланиб юрибди. Унинг қулоғида бешотарнинг овози жаранглаб турган бўлса, ажаб эмас. Мен ҳам бир оз вақт сукутда қолдим.

— Кейин бу воқеанинг оқибатини ҳам эшитдим,— деди Урин жўрам кутилмаганда одатдаги ҳаракатини қилиб. Нима экан у, деб қизиққанамни билдирдим.

— Э, бу жуда оғир гап,— деди у маъюсланиб.

Урин жўрам табиатан хушчақчақ одам. Уни мен бу даражада маъюсланган ҳолда кўрган эмасман.

— Биласанми, Тошҳовуз қалъасининг кунчиқар дарвозасига яқин жойда бир майдон бўларди, сен уни билмаслигинг ҳам мумкин,— деб мени камситгандек бўлди.— У томонда бизнинг узоқ қариндошларимиздан кимлардир турарди, шулардан эшитганман. Эшон бобо тутилгандан кейин ўн-ўн беш кунлар ўтар-ўтмас майдонга чиқариб, ўн-ўн бешта оқ саллали одамларни отишган. Буни бизнинг қариндошларимиз тепаликларга чиқиб кузатишган эканлар. Кейин жасадларини аравага солиб қаёқларгадир олиб кетишган.

Урин жўрам яна маъюсланди. Энди унинг қўли мўйловига ҳам боравермас эди...

Энам ҳамон кўз ёш тўқарди. У эшитилар-эшитилмас нималардир дер ва ўзини йиғидан тўхтата олмасди. Опам уни овутиш учун бир нималар дер, бироқ бу сўзлар ҳам энамни тинчитмас эди. Отам эса деворга орқа бериб ўтирганича узоқ-узоқларга тикилиб қилт этмасдан ўтирарди. Унинг хаёлларидан нималар ўт-япти, қандай воқеаларни кўз олдига келтиряпти — буларни тангридан бошқа ҳеч ким билмасди.

XXXII. РЎЗИМПОЛВОННИНГ ЯНГИЛИКЛАРИ

Экинлар йиғиб-териб олиниб, қишлоқ ҳақида ўйлайдиган, чипта-бўйраларни янгилаб, иложи бўлса кигиз бостириб, ўтинларни ғамлайдиган пайтлар эди. Кунларнинг бирида Эрка акам Рўзимполвонни бошлаб келди. Қишлоқ хонаси — ичкари томоннинг олд этагида туриб нималарнидир маслаҳатлашдилар. Рўзимполвон кичикроқ ғўладай келадиган қўлларини гоҳ чўзиб, гоҳ бирор нарсани қучоқламоқчи бўлгандек ёзиб, Эрка акамга нималарнидир тушунтирди ва ниманидир топиб чиқишни буюрди. Эрка акам бошқа бир хонага кириб пахта тиқиладиган икки эски қоп олиб чиқди ва иккаласи қандайдир муҳим юмушга жўнаётган алфозда чиқиб кетишди. Кўп ўтмасдан қайтиб келдилар-да, ярим қилиб қопга солинган нарсаларни чиқариб бир чеккага тахладилар. Булар ёзи билан сув оқиб ариқ

тагига чўккан сўга лой бўлаклари эди. Куз келиб ариқлар бекилгач, лой ҳар хил қалинликда ёрилиб, бўлак-бўлак ҳолда қуриydi. Уларни биз одатда кўчириб, ерга уриб парчалаб, синдириб ўйнардик. Бу болалар учун ўзига хос ўйин эди. Мана энди бу ясси-ялпоқ кесакларни қопларга солиб уйга олиб киришяпти. Эрка акам билан Рўзимполвоннинг бу ҳаракатлари таажжуб уйғотарди, менда. Улар бир неча бор бу ишни такрор қилдилар. Натижада хона этагида сўга кесаклар уюми пайдо бўлди. Улар бир-бирлари билан гап очишганларида «кунгира пеш, кунгира пеш» деган нотаниш сўзларни эшитиб қолардим. Бироқ Эрка акам билан бизникига кўп ҳам келавермайдиган Рўзимполвон нима қилишмоқчи, кунгира пеш дегани нима ўзи, ҳадеганда англайвермадим. Улар иш бошлашди. Рўзимполвон бақувват қўллари билан ясси кесакларни енгил таңлар ва таҳлар, Эрка акам эса болта билан уларни йўниб керак шаклга соларди. Бу ишлар битгач, Эрка акам лой қориб келтирди. Рўзимполвон баҳайбат панжалари билан ясси кесакларга лой чапларди-да, мўлжалланган жойига ўрнатарди. Бирпасда ярим газ чамаси келадиган доира пайдо бўлди. Махсус тайёрланган катта ялпоқ кесак билан доира усти ёпилди. Яна кесаклар урилди. Аста-секин доира юқори кўтарила борди. Рўзимполвон баъзан орқага тисарилиб ўз гавдасига нисбатан кичик кўк кўзларини бир қисиб, бир очиб доиранинг тикланишини кўздан кечирар ва деворга нисбатан тўғри кўтарилаётганига ишонч ҳосил қилиб, ишни яна давом эттирарди. Маълум мўлжалга етгач, доиранинг устини яна катта ялпоқ кесак билан ёпишди, бир чеккасини тешиб ҳам қўйишди. Ундан юқорисига деворни чопиб, учак (том) томон мўри очишди. Доиранинг атрофини сомон лой билан суваб ҳам чиқишди. Бу ишларни улар алоҳида ҳафсала билан қилишарди. Иш тугаллангач, Рўзимполвон қилган ишдан қаноат ҳосил қилган алфозда орқага тисарилди-да:

— Буни кунгира пеш дейдилар,— деди.

Дарҳақиқат, хонанинг эшикдан кираверишда чап бурчагида шаклан кунгирага ўхшаган қурилма қад кўтарган эди. Қаерлардандир топиб тайёрланган юпқа тунукани амаллаб печка оғзига ўрнатдилар.

— Мана энди ўт ёқаверса бўлади. Тутун юқори кетади, кесаклар қизийди, лойлар қуриydi. Кейин уй қизийди,— деди Рўзимполвон.

У бу гапларни шундай алфозда гапирар эдики, гўё

Ўнлаб одамлар унинг ишларини кузатиб турибди-ю, у ўз ишининг аҳамиятини тушунтиряпти.

Бирпасда Эрка акам бир қучоқ ўтин олиб кирди. Қувонч ва қаноат билан қурилма ичига ўтинларни жойлади. Рўзимполвон ҳали лой теккан кийимларини ечмасдан бир чеккада турарди. Эрка акам қаланган ўтинлар тагига пазза қўйиб гугурт чақди. Бироқ тутантириқ — пазза қуруқ бўлишига қарамай ҳадеганда ёнавермади. Анча уринишлардан кейин ёнди-ю, яна ўчди. У яна пазза ва майда йўнқа қалаб гугурт чақди. Ўт олишгандек бўлди. Рўзимполвон лўкиллаганча ташқарига отилди ва қайтиб келиб:

— Тутун чиқвотир, лекин оз,—деди маъюс ҳолда.

Курашда енгилаётган полвон кайфияти бор эди унинг юз-кўзларида.

Эрка акам ҳамон печка олдида ўт олиштиришга уринарди. Йўнқаларни янгидан қалар, унинг тагига янги ва қуриқроқ пазза тиқиб гугурт чақар ва печка оғзига боришини яқин олиб бориб, жон-дили билан пуфларди.

Кўп уринишлардан кейин ўт ёнди. Бироқ оловнинг ярми печка ичига кетса, ярми печка оғздан ташқарига чиқарди. Бирпасда кунгира пешнинг оғиз томони ярмигача қорайди. Иккаласи бамаслаҳат печка эшигини ёпиб кўрдилар, ўт яна ўчадиган бўлди.

Икки томонга бўлиниб ёнаётган ўт авжига чиққач, печканинг ичида нимадир қирсиллади, сўнг нимадир гурсиллаб тўкилгандек бўлди. Ёнаётган ўтни нимадир босди. Рўзимполвон ва Эрка акам бир-бирларига қўрқув аралаш таажжуб билан назар ташладилар-да, орқага тисарилдилар. Бирпасда уй тутунга тўлди.

— Бўмади!—деди Рўзимполвон. Унинг сариқ юзлари яна ҳам сарғайгандек, кичик кўзлари яна ҳам кичрайгандек кўринди менга. Аслида қорапаранг Эрка акамнинг юзлари яна ҳам қорайгандек бўлди. Қуни билан ҳаракатда бўлган қўллар шалвираб икки томонга осилиб турган жонсиз бир нарсани эслатарди.

— Айтмовдимми, ўтхонасининг устига эски тегирмон тошини қўййлик деб,—деди Рўзимполвон бир қўлини печка томон йўналтириб.

— Не билай?—деди паст ва маъюс овозда Эрка акам.—Тегирмон тоши ҳам тайёр тургани йўқ,—қўшиб қўйди бир оздан кейин.

Рўзимполвон устида аллақачонлар қуриб улгурган лой юқларини қоқди, ёпишиб қолганларини уқалади,

пуфлаб тозалаган бўлди-да, елвагай чакмонини елка-сига ташлаб чиқиб кетди. Мен кетидан ташқарига чиқдим. У худди катта даврада курашда йиқилгандек бўшашган, маъюсланган эди. Ерда бирор нарсага қоқилиб йиқилишдан қўрққан одамдек бўйни пастга эгилган эди.

Катта бўлиб Чөржовга ўқишга борганимда (1938 йил), ётоқхона ва ўқиш жойларида қурилган кунгирали печларни кўрдим. Шаклан улар ўша Рўзимполвон ва Эрка акамлар қурган печканинг ўзи эди. Аммо уларнинг сиртига тунука қопланган бўлиб, қорага бўялган, ўрнатилган эшиклари чўян эди. Эшикларни очиб кўрдим. Печканинг ўтхонаси пишган ғиштлар билан ўралган экан. Хулоса қилдим: Рўзимполвон ёки Эрка акам шаҳарда ўша печкаларни кўрган-у, уни кесакдан ясамоқчи бўлишган. Эҳтимол шу сабаб ишлари кўнгилдагидек чиқмаган.

Отам янгиликларни дарров ҳазм қилавермайдиган одам эди. У йиғим-терим ишлари билан икки-уч кунга Отаназардаги дала еримизга кетган эди. Рўзимполвон билан Эрка акам шу пайтдан фойдаланиб, ўз тажрибаларини синаб кўришга қарор қилган бўлса керак деб ўйладим мен.

Эрка акам барбод бўлган қурилма олдида нима қиларини билмай бир оз турди, кейин тиззаларини букиб ўтирди. Кўп ўтмай сапчиб ўрнидан турди-да, қурилмани бир чеккадан буза бошлади. Хиёл қурум босган кесакларни шолга ўраб ҳовлининг ён томонидаги хандаққа ағдарарди. Унинг бу ҳаракатларидан бирор айб иш қилиб қўйиб, ундан из қолдирмаслик учун тез тўғрилаб қўймоқчи бўлган одам талвасаларини сезиш мумкин эди.

Мен ҳам унга ёрдамлашдим. Қоронғи тушиб улгурмасдан кесак чиқариш тугади. Эрка акам лой ўринларини супуриб-сидириб, тозалаб, хона бурчагини аввалгисидек қилиб қўйди.

— Отам билмагани яхши, — деб қўярди иш орасида. Бу воқеани ошкор қилиб қўяр деб, мендан хавфсирганидан такрор-такрор айтарди. Бу тажрибаси учун отамдан яхши гап эшитмаслигини билар эди у.

Эрка акамнинг ғалати хислатлари бор эди. Баъзан у кўп ҳам ўйламасдан иш қилар. Аксарият ҳолларда иши ўнгидан келавермас. Бунинг учун ўзини қийнамас ҳам эди. Шу сабабдан бўлса керак яқин қариндошлар унга ўзига лойиқ лақаб ҳам топиб қўйишган эди. Эрка

мажнун дердилар уни. Уша ғалати хислатларидан бири янгиликка интилиши эди.

Кейинги йил кузида бошқача янгилик топди. Қаердандир юпқа, қалинлиги тахминан икки энлик келадиган ғишт қуядиган қолип топиб келди. Ҳафсала билан лой қориб ғишт қўйди. Уларни куз офтобида обдан қуритди. Бизларни ҳам ишга солиб ўша кунгира печ қурмоқчи бўлган уйга печка қура бошлади. Бир кунда, одатда, отам ўчоқ қурадиган ўринда, шаклан каттароқ сандиқни эслатадиган печка пайдо бўлди. Унинг олдига каттароқ қутига ўхшаб кетадиган ўчоқ ҳам ясади. Уларнинг ҳаммасини сомон лой билан силлиқ қилиб сувади. Узига сиғмаган ҳаяжон билан қути-симон ўчоққа пазза қўйиб, қуруқ ўтинни қалади ва гугурт чақди. Олдинига печка оғзидан озгина тутун чиқди. Эрка акамнинг авзойи бузилиб, жим қолди. Қўп ўтмай гуриллаб ёна бошлади. Бир оздан кейин ҳўл сувоқдан аста-секин буғ чиқа бошлади.

— Бўлди, тортди,—деди Эрка акам. У ўзида йўқ хурсанд эди. Бир печкага қарар, бир ўчоқда гуриллаб ёнаётган ўтга эгилиб разм солар, баъзан, бопладимми дегандек, бизга назар ташлаб қўярди. Ўт печкада эмас, унинг кўзларида ёнаётгандек эди. Кечга қараб сандиқнусха печ қуриди ва қизиди. Унинг иссиғи уйга таралди. Эрка акам ўз ихтиросидан ниҳоятда хурсанд эди. Бемалол ўтириб овқат-чой, нон ҳам емас, ўзини қўярга жой ҳам топа олмас, бир ташқарига чиқар, тез қайтиб келиб печкага қўлини теккизиб кўрар, иссиқликни сезиб жилмаяр, баъзан бизга «иш мана бундай бўлади-да» дегандек, ҳазил-ҳузул ҳам қилиб қўярди. Хуллас, унинг учун бугун байрам эди.

Бироқ... Отам икки-уч кундан кейин Отаназарникидан келиб қолди. Уйга кирди-да, Эрка акамнинг мўъжизасига кўзи тушди. Жиддий равишда уни кўздан кечирди. Янгиликларга кўп ҳам тоби йўқ отамнинг авзойи бузуқ эди. Бир зумда унинг юзларини ажин оралагандек бўлди. Эрка акам ўзини четга олди. Шундай ҳолат рўй бердики, у ҳозир печкани зарб билан бир тепиб кумпаякун қилади-ю, «йиғиштир бунингни», деб чиқиб кетади. Аммо Эрка акамнинг етим эканини ҳисобга олдимми ёки бошқа бирор андишага бордими тезлик билан орқасига ўгирилди-да, хонадан чиқиб кетди.

Эртасига отам рўпарадаги хонага ўзининг одатдаги тўрт бурчак ўчоғини қурди, қарийб қиши билан печка қурилган уйга кирмади.

— Олов ҳовури юзингга уриб турмаса, бардош қуриб ўтирганда оёқларингни иситмаса, қулоғинг ёнаётган ўтнинг чарс-чурсини эшитиб роҳатланмаса ундан нима фойда,—дерди у печка ҳақида гап чиқиб қолса.

У ер-бу ерда печкали уйларда ўтириб кўрди шекилли, янаги қишга қараб печкали хонага тез-тез кирадиган бўлди. Кейинчалик у ерга ўтиб, печканинг ён томонида ўтирадиган бўлди. Бу ҳолда ҳам печкага ўт ёқишни ўз талабларига мослади. Печка ўчоғида ўт ҳали тугал ёниб бўлмасданоқ чўғни илгак таёқ билан ўчоққа тортиб олар ва унинг ҳовуридан фойдаланиб одатдагидек роҳат қиларди. Тунчани ҳам шу ўтга қўйиб пақирлатиб қайнатар ва чой дамларди.

XXXIII. СИРЛИ СОВҒА-САЛОМЛАР

Кундузнинг анча қисқарган кунларидан бири эди. Шимолдан эсаётган аччиқ шабада юзларини чимчилаб, келаётган қишдан дарак берарди.

Отам хушҳол кайфиятда эшикдан кириб келди. Унинг юз-кўзида жилмайиш белгилари кўзга ташланарди. Айвон ўртасида тутундан қорайиб кетган ўра-устунга елкасидан бир қоп нарсани тушириб, суяб қўйди. Қоп ичида нималар борлиги сир эди. У изига қайтди-да, ташқарида қолдирган баъзи бир темир-терсакларни ҳам олиб кирди. Улар темир паншаха, чолғи, ўроқ, кетмонлар... Чолғи ўроқни қўлига олди-да:

— Бу ўриснинг ўроғи экан, бундан мусулмонча ўроқ яшаш мумкин дейишади, пўлати яхши кўринади,— деди-да, чолғи юзи узра бармоғини солиб кўрди. ва қўшиб қўйди, — тўғрига ўхшайди.

Отамнинг бу ҳаракатлари бирпасда ҳамма нарсанинг ҳам сирини биладигандек кўринди менга.

Кейин кетмонни қўлига олди-да, ўзига ўзи гапирётгандек:

— Ўнғайсиз экан, бироқ устага олиб борсам бир қатор сарплаб-болғалаб чиқади, яхши кетмон бўлар,— деди.

Кўзимиз ҳамон халтада эди. Отам шошилмасдан халтанинг оғзини очиб, бир жуфт маҳси-калиш олиб, опамнинг олдига ташлади.

— Бу сенга экан,— деди.

Бир жуфт жўкки этикни олиб, худди биринчи марта қўлга олаётгандек у ёқ-бу ёғига назар ташлади. Этик қўнжининг чармини қисимлаб ҳам кўрди.

— Бу Бекжонга,—деди ва бир жуфт чўқой-чорикни эса:—Бу менга,—деди. Унинг юз-кўзларидаги жилмайиш кулги даражасига етиб қолган эди. Бироқ «ха-хо»лаб кулишни ёқтирмаганидан хийлагина жилмайиш ҳолатида тўхтади. Чўқайни айлантириб у ёқ-бу ёғига разм солиб кўрди-да:

— Сирпгина, енгилгина экан, жун пайтава билан кийиб, қўй боқишга ўнғайроқ,—деб қўйди.

Отам халтадан қора мовит ва гуллик читларни чиқариб, «булар ҳам сенга» дегандек, опамнинг олдига ташлади.

Опам ўзида йўқ хурсанд эди. Чунки бу мовит ва читлар у пайтларда ўта камчил ҳисобланарди. Баъзан қишлоқ бўйича яккаю ягона магазинга келиб қоладиган бўлса, бу матолар учун кунни бўйи навбат кутиш ёки тўс-тўпалонда эзилиб қолиш ҳеч гап эмас эди.

Бир қоп нарса ичидан бизга бирор нарса чиқмаганидан ўксинган ҳисоблади шекилли, отам укам Отамурод ва менга қараб хижолатомуз:

— Сизларга бозордан этик олиб берамиз,—деб қўйди. Биз шунга ҳам хурсанд эдик.

Кечани кундузга улаб дўкон ўтирғичидан кўтарилмай бўз олача тўқиб ҳаммамизни кийинтиришга одатланган опам ҳайрон эди. Бу бир қоп матою кийимлар қаердан келиб қолди, уни ким берди? Узун кўйлаги ичида тиззаларини букиб ўтирган ҳолда отамдан кўзини узмас, тезроқ бу совға-саломларнинг сирини билиб олгиси келарди. Опамнинг энтикишларини сезиб турса ҳам одатда камгап отам, ҳадеганда сирни ошкор қилиб қўя қолмасди. Ниҳоят отам муҳим бир хабар айтмоқчи бўлган қиёфага тушди. Опамга қараб:

— ТОЗ бўларкан,—деди. Опам «ТОЗ»ни нимаси дегандек жиддийроқ тикилди отамга. У изоҳ беришга мажбур эди.

— Ерларни бирлашиб ишларканмиз, бутун ўбақишлоқ бирлашаркан, бир неча кун бировникида, яна бир неча кун бошқасникида...

Изоҳнинг охири сўзларини «бу гапларнинг сенга нима кераги бор» дегандек, ёқар-ёқмас паст овозда айтди. Опам парвосизланди. «Айвондаги нарсалар жойидамикин» дегандек, енгил назар билан бир қатор кўздан ўтказгандек бўлди.

Опам «ТОЗ» сўзининг маъносига тушунмаса ҳам «бирлашиб ишларканмиз» деган сўзларнинг маъносини англаб олгандек эди: Уша пайтда бўлмаса ҳам кейинча-

лик опам ҳолатини ўзимча тасаввур қилдим: бирлашиб қазув қазिश мумкин, ер ҳайдаш ҳам қийин бўлмас, ўроқ ҳам ўрилар. Бироқ чиғирчиқ айлантириш, чархда ип йигириш, дўконда ўтириб мато тўқишларни қандай қилиб бирлаштириш мумкин?! Биров ипни дағал чиқаради, иккинчиси арқоқни тўғри ўтказса, эришдаги ранг-баранг ипларни тўғрилаб жойига қўя олмайди, бошқа бировлари йиртиқ-ямоқда юришади-ю, тўқиш, тикишга эви келавермайди.

Уша пайтлари бутун ўба бирлашармиш, ҳамма ишни бирлашиб ишлашармиш деган гаплар юрарди. Худди қўлидаги бирор нарчасини йўқотиб қўйгандек, опам айвондаги бор ашёларига олазарак кўз югуртиб чиққан пайтда шулар ҳақида ўйлаган бўлса керак.

«ТОЗ» сўзининг маъносини ҳам мен кейин тушуниб олдим. «Товаришество обработки земли» экан унинг маъноси.

Бир неча кундан кейин отамни чақириб олиб кетишди. Бу таклифни кутгандек у ҳам тенг-тўшларига эътирозсиз эргашди. Анча вақтдан кейин қайтиб келди. Отам уйга кириши билан опам «тинчликми» дегандек отамга қаради.

— Йиғноқ—мажлис бўлди. «ТОЗ» тузилди,—деган ва жимликдан сўнг қўшиб қўйди:—Ҳамма қўл кўтарди, мен ҳам...

Отам бўлаётган воқеалардан хурсандми ё хафами аниқлаб олиш қийин эди. Эндиликда унинг ўша даврдаги ҳолатини эслаб ўйлайман: ўзбек халқи, хусусан қишлоқ аҳолиси бирлашиш тарафдори. Тўй ва маъракалар, иморат тиклаш, қазув қазिश, туяк туйиш, баъзан ҳатто ер ҳайдаш ҳам бирлашиксиз амалга ошиши қийин. Шу боисдан бирлашиш ўзбек деҳқонига ёт нарса эмас. Шу сабабдан отамнинг «мен ҳам қўл кўтардим», дегани таажжубланарли эмас эди. Бироқ бу галги бирлашиш тўй ҳам эмас, ер ҳайдаш ҳам. Назаримда отам буни сезарди. Шу боисдан унинг хатти-ҳаракатларида қандайдир мужмаллик белгилари бор эди. У бир оз орқасига тисарилди-да, ўрага қараб қўйилган ярим газлик ўроғини тортиб олди ва уни дарров ишга солмоқчи бўлгандек чап бош бармоғини унинг тишлари узра юритиб кўрди ва яна ўрнига санчиб қўйди, икки қўлини тортиб боғланган белбоғидан ўтказиб:

— Бошлиқ ҳам сайланди,—деди. Яна озгина жим-

ликдан кейин: — Оташ ака бўлди, — деб қўшиб қўйди паст оҳангда.

Оташ акани мен яхши билар эдим. У Зийлининг шимолида жойлашган қорачалар ўрамидан бўлиб, анчагина кадхудо одам эди. Олтмиш ёшлардаги, бўйи баланд, қорача, ҳатто юзининг бир томони нимагадир кўкаргандек кўринарди. Кўзи ожиз эди. Ҳазил-ҳузулни ҳам кўтарадиган одам эди. Эл орасида унга қилинган ҳазил-ҳузуллар хусусида ҳар гал гап-сўзлар ҳам юрарди.

Кечалари тенгқурлари билан ой ёруғида йиғилишиб, бирор томон кетишаётганда «бўйтерак соясидан ариқ қазишибди-я», деб сакраб-сакраб ўтишса, Оташ ака ҳам жон-жаҳди билан сакраб ўтаркан. Аксинча, йўлда ариққа дуч келиб қолишса индашмас, «терақлар ўсиб кетибди-я, сояларига қаранглар», деб ўзлари оҳишта ўтиб олишар, Оташ ака шалоплаб ариққа тушиб кетаркан... Бундай ҳолларда Оташ ака бир зум қизишар экан-у, яна тенгқурларига қўшилиб кетаверар экан.

Опам Оташ аканинг бошлиқ бўлишидан қаноат ҳосил қилди шекилли:

— Яхши! — деб қўйди. Опам «яхши» сўзини шундай бир бепарволик билан айтдики, гўё бўлаётган бу воқеаларнинг унинг учун аҳамияти йўқдек эди. Назаримда, у бу янгиликларнинг моҳиятини ҳис қилганича йўқ эди.

Кунлар, ойлар ўтиб, қиш келди. Бу қишнинг бошқа қишлардан фарқи бор эди. Энди отам ҳар вақт-ҳар вақт йиғноққа чақириладиган бўлди. Баҳорга қараб одамлар одатдагидек бирлашиб қазув қазишди, чигирларни таъмирлашди. Илгари бир-икки арава бўлиб тўкин тўкилса, энди бир неча арава бирлашиб олишди. Ер ҳайдашу. суғоришларда бирлашув илгаригига нисбатан сезиларли эди. Ер тўкиладиган, ҳайдаладиган, тўкин тўкиладиган жойларда Оташ ака тез-тез кўринадиган, ишловчиларга нималарнидир буюрадиган бўлди. Одамлар ҳам ўз навбати билан эътибор ва эҳтиром кўрсатадиган бўлишди унга.

Йиғноқларга бориш, аҳён-аҳёнда совға-саломлар олиб туриш одат тусига кириб қолди. Элотдошларим бу янгиликлардан хурсанд бўлиб, қандайдир ишларни қойилмақом қилиб қўйганликларини билмайман. Шу тарзда ярим йилми ё бир йил чамасими вақт ўтди. Баҳор кунлари эди, шекилли, отам йиғноқдан қайтиб келди-да:

— Артель! — деди ва жим қолди.

«ТОЗ» совға-саломлари сифатида келган матодан нимадир тикиб ўтирган энам ишини тўхтати-да, матоднинг олди томон суриб қўйди, узун ип ўтказилган нинани нигога қадади, кўрсаткич бармоғидаги ўймоқни ҳам олиб олиб, нимадандир чўчигандек отам томонга жиддий назар ташлади ва бир зумда энамнинг кўзлари ширтайгандек, пешонаси тиришгандек кўринди менга. Мужмал равишда бошқа томон маъносиз бурилди. Ниёл лабларини буриб:

— Артели куриб кетсин!—деди.

Бурчакда қўл тегирмон айлантираётган опам ҳам ишини тўхтатиб, энам олдига келиб чўккалади. Отамнинг ачингансимон қараб:

— Оғизда дурган гаплар тўғри экан-да,—деди.

Отам ҳамон жим эди. У ўрадаги қадалган ўроқларнинг кўз ташлаб олди. «Нимаям қилардик» дегандек, қўл тегирмон томон нигоҳини бурди. Гўё опам жўхонидан ун чиқаряптими ё буғдойданми билиб олмоқчи бўлгандек. Кейин одатдагидек маҳкам боғланган белбондан қўлларини ўтказиб, ҳовли томон қадам ташлади.

Энам, опам жим ва маъюс эдилар. Бир оздан кейин энам эшитилар-эшитилмас:

— Охирзамон!—деди.

Бирор нарсасини йўқотиб қўйиб, сўнг тополмаган ҳолатида кўрдим энамни. Опам ҳам унга «тўғри айтасиз» дегандек, маъюс ҳолда сезилар-сезилмас бош қирғитарди.

Отам келтирган бу нохуш хабарнинг маъноси қисман менга таниш эди.

Кейинги пайтларда: «Қишлоғимизда артель бўлармиш, барча молу мулк ўртада бўлармиш, овқатлар ҳам бир жойда пиширилармиш, шаҳар ошхоналаридагидек навбат туриб ҳар ким ўзига тегишлисини олиб истеъмол қилармиш, ҳатто ётиш-туришлар ҳам умум бўлармиш», деган ваҳимали миш-мишлар кўпайиб, оғиздан-оғизга кўчиб юрарди. Ўз ери, ўз суви ўз мулкига эгалик қилиб яшаётган деҳқон учун бу миш-мишларнинг амалга ошиши, энам айтиб юрадиган «охирзамон»нинг ўзи эди.

XXXIV. ЯНГИ МЎЪЖИЗАЛАР

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларидан бири эди. Қишлоғимиздаги ўрта йўлдан келаётган мўъжизага кўзим тушди. Кузатдим. Йўлга тўшалган енгил тўпирни тўзатиб икки филдиракли бир нима биз томон келарди.

Унинг устидаги йўловчи икки оёғини гоҳ кўтариб, гоҳ босиб, ғилдиракларни ҳаракатга келтирарди. Мўъжизанинг ялтироқ қисмлари — ушлагич ва ғилдирак қасноғи, ингичка сим кегайлари офтоб нурида чақмоқдек ялтираб кетарди. Унинг кетида болалар қийқириб чопишиб, бир-бирларига нималардир деб бақриришар ва чақриришарди. Мўъжиза эшигимиз олдидаги бос-тирмага етиб келди. Йўловчи оҳиста унинг устидан тушди-да, деворга суяб қўйди. Эҳтиром билан салом бериб, биз томон қадам ташлади. Энам бир йўловчига, бир ғилдиракли мўъжизага назар ташлади. Йўловчи саломига алиқ олиб, мўъжиза томон бир тикилиб қаради-да, тескари бурилди.

— Бу — дажжолнинг иши, — деди.

Энам қайтиб мўъжива томон назар ташламади. Бошидаги оппоқ лачагини тўғрилаб қўйган бўлди. Узун ва кенг тикилган майда гулли сурп кўйлагига оёқларини яширди.

— Китобларда айтилган, — деди у гапини давом эттириб, — дажжол эл орасига чиқади, катта-кичиклар ишларини қўйиб, унинг кетидан эргашадилар...

Йўловчи — поччам Соповой ака эди. У ўрта бўйли, кўзлари хиёл қисик, калта соқол-мўйловли, табиатан чайир ва чаққон одам эди. Тиниб-тинчишни билмас, бирор янгиликка кўзи тушса уни тез илғаб олиб ҳаётга татбиқ қилмагунча қўймасди. Биринчи бўлиб қишлоққа тикув машинаси олиб келиб тикувчилик қилди. Энди одат тусига кираётган камзул ва гуппиларни тикиб берадиган бўлди. Уша пайтлари эл орасида тарқалган устига бахмал қопланиб, икки томони қирра бўлиб чиққан қирпиқ кавказ попоқларни ҳам тикарди. Шу туфайли қишлоқ йигитларининг аксарияти камзул ва попоқ киядиган бўлишди. Мана энди икки ғилдиракли оёқ кучи билан юрадиган аравани ҳам у қишлоққа биринчи бўлиб олиб келди. Чеккароқда энди ишдан келиб, чой ичиб ўтирган отам одатдаги вазминлигини сақлаган ҳолда бу мўъжизага нисбатан бирор муносабат билдирмади.

Мен учун эса бу янгилик асл мўъжизанинг ўзи эди. Эргашиб келган тенгдошларим хатарли нарсадан ҳурккандек нарироқда туришар, деворга суяб қўйилган мўъжизадан кўзларини узмасдан томоша қилишарди. Мен эса уларга нисбатан ўзимни ҳуқуқли ҳисоблаб, мўъжизанинг ҳар бир қисмини ушлаб кўрардим, оёқ босқичларини ғириллатиб айлантирар эдим. Икки

дўнгалакни бир-бирларига улайдиган занжирларни ушлаб қўлларимни мойга белаб ҳам қўйдим. Ундан юқорироқ чиқиб, ушлоғичга қўл теккизган эдим ҳамки, темир мўъжиза шарақлаб ағдарилиб тушди. Хижолат аралаш қўрқув билан орқага тисарилдим. Сопорвой акам мен томон бир қаради-да, ҳечқиси йўқ дегандек килмайиб, қўйди.

Сопорбой акам салом-аликдан кейин энамни тинч-тантирмоқчи бўлиб:

— Бу темир аравани велосипед дейдилар, енгил юради, узоқ йўлни яқин қилади,—деб изоҳ бериб кетди.

Отам ҳамон муносабат билдирмас, бафуржа чойини ичиб ўтирарди. Энам бу изоҳлардан қаноатланмади.

— Темир бўлсаям шайтоннинг иши,—деди.

Мен бу темир мўъжизани шаҳарга борганларимда кўриб юрар эдим. Асосан уни ўрислар минарди. Баъзан ёнимдан физиллаб ўтиб кетганда, чўчиб тушган пайтларим ҳам бўлган.

* * *

Болалик даврларим ўтиб, ўсмирлик пайтларим бошланган эди. Бу пайтларга келиб ҳаётда тез-тез янгиликлар кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Илгариги турғун ҳаёт орқада қолиб кетаётгандек эди.

Тошчироқ ҳар бир хўжаликнинг асосий матоҳларидан ҳисобланарди. Бироқ маълум бўлдики, асрлар давомида элга хизмат қилган бу матоҳнинг умри охиридаб қолаётган экан.

Кунларнинг бирида, кечқурун Эрка акам бизни меҳмонхонага таклиф қилди. Энамни ҳам қўярда қўймай бирга олиб чиқди. Меҳмонхонанинг эшиги очилгач, чароғон ёруғлик кўзларни қамаштирди. Бу ҳолдан ҳайратланган энам, эшикдан бир-икки қадам орқага тисарилди. Хонанинг ўртасида ўта ёруғ нарса осилиб турарди. Уни Эрка акам сим билан патик (шифтга) осибди. Осилган нарсанинг тагида бола дўпписидек келадиган идиш ичида қандайдир суюқлик, устида белигача қорни қаппайган шиша, унинг ичида оппоқ олов оҳиста ва бир меъёрда ёниб турарди.

— Бунни қандил дейдилар, қирқинчи лампамой биан ёнади,—деди Эрка акам. Бу мўъжизанинг қаердан келганини айтмаса бўлмас деган ниятда:— Қалъадан, бир жўрамникидан олиб келдим, гурунглашмам тамом бўлгандан кейин қайтаби обориб бераман,—деди.

Тошчироқнинг хира ёруғлигида китоб ўқиб, чарх йигириб, кийим тикишга одатланган энам ҳайратга тушди, ҳатто қамашганидан кўзларини лачак рўмолининг учи билан бир неча бор бекитиб очди. Қандил унинг учун ҳам, биз учун ҳам иситгич ва велосипеддан кейинги навбатдаги мўъжиза эди.

Энам кўзни қамаштирадиган бу ёруғликда кўп ҳам туролмас, хаёлидан нималар ўтганини ҳам билиш қийин эди. Ёруғ хонада ўтиришни ҳам лозим кўрмай тез чиқиб кетди. Бу мўъжизани ҳам дажжол ёки шайтон ишига йўйиши мумкин эканини тахмин қилиш мумкин эди.

Бироқ ҳаёт ўз йўли билан кетар эди. Кўп ўтмасдан шишали лампалар кенг тарқалди. Тошчироқ кўпроқ кечалари кўра, сейсхона, молхоналарда ишлатиладиган бўлиб, хоналарда еттиналик, ўнталлик шишали чироқлар истеъмолга кирди. Ҳатто қишлоғимиз одамлари бозор кезиб, магазинлар айланиб шишали лампа олишадиган бўлишди. Кечга қараб лампа шишаларини тозалаб, узоқ оқшомни ёритиш одат тусига кирди. Энди у ҳеч кимни чўчитмас, ҳеч кимнинг кўзини қамаштирмас эди. Шу муносабат билан минг йиллаб элга хизмат кўрсатган тошчироқ ўз ўрнини ёруғроқ шишали лампага бўшатиб берди. Энди энам китоб ўқиганда чироқ тутиб ўтиришнинг ҳам ҳожати қолмади. Чироқпояга ўрнатилган шишали лампанинг ёруғлиги кифоя эди.

Ҳаёт шу тарзда тараққий этар эдики, бир янгилик иккинчи янгиликни судраб келарди. Ёруғ шишали лампа чироқ пайдо бўлгач, қурум босиб, қора кўмирдан фарқ қилмай қолган патик ва деворлар кўзга ташланадиган бўлиб қолди.

* * *

Эрта куз эди чамамда. Эрка акам бир неча жойидан сардўз билан чандиб, чиптасифат тўқилган гишша ўрамини бир арава қилиб олиб келди. Уни бозордан олдимни ёки шу иш билан шуғулланадиган бирор одам кўлидан олдимни, билолмадим. Бир неча кундан кейин Ражаббой акам билан иккаласи ишга тушди. Биз Жумабой билан «уни олиб бер», «буни олиб қўй» сингари ишларга дастёр эдик. Қилинаётган бу иш янгилик сифатида биз учун қизиқарли эди.

Эрка акам Ражаббой акам билан биргаликда чийни том шифтига кўтардилар. Олдин арқонни ишга сол-

дилар, кейин иккита текис ходани кўтаргич қилдилар ва кандир пўстлоғидан эшилган чизим тортиб хона болорларига жипслаштириб михлаб чиқдилар.

Тажрибасизлидан бўлса керак чийнинг бир томони кўтарилса, иккинчи томони оғиб кетар, баъзан бирон-таси эпсизлик қилиб қолса, шалоплаб пастга тушиб кетарди. Уни яна патикка кўтаришарди. Шу орада кимда айб бўлишидан қатъий назар Эрка ўзидан эпсизроқ Ражаббой акамга қараб сўкиннар:

— Мангноий қора ўнгойсиз!..

Навбатдаги иш унга лой чаплаш эди. Урпонг (ариқ қазувидан чиққан хиёл қум аралаш тупроқ)дан суюқ лой тайёрладилар. Чапланган лой ҳадеганда чийга ёпишавермас, аксарият ҳолларда лойнинг кўп қисми Эрка акамнинг устига тушар, юз-кўзларига ёпишиб масхарабоз башара бўлиб қоларди. Биз Жумабой иккаламиз учун бу ҳол кулгили эди. Бироқ бизнинг кулгимиз Эрка акамнинг жаҳлини чиқарар, айрим ҳолларда қаттиқ жаҳл аралаш сўкиш эшитардик:

— Нечун куласизлар, кетинглар бердан монгной-қоралар!

Биз эса бу сўкинишларга парво ҳам қилмасдик, аксинча, ҳамон ўралашиб, одатдан ташқари бу ишни томоша қилардик. Дастёр сифатида ҳам керак эдик биз бу ерда.

Икки-уч кундан кейин иш битди. Илгари осилиб турган қора қурум қамишлар, кўмирсифат тўсинлар лой чапланган чий лампа орқасида қолиб кетди. Бир неча кундан кейин Эрка акам шу хонада гурунглашма берди. Ўртада, тўрт-беш метр баландликда осилган қирқинчи қандил, деворлар сомон лой билан силлиқ сувалган, патик чийланиб, майда сомонга қорилган лой билан пардозланган. Чий патикдаги қийшиқ болорларга мос равишда қинғир-қийшиқ эди. Шунга қарамасдан хона илгаригига нисбатан текис, чиройли кўринарди, бу эса менга бамисоли энам ўқиган китоблардаги саройни эслатарди.

Гурунглашмадан кейин қўни-қўшни ва қариндошлар уйни кўришди. Ҳар ким ҳар хил муносабат билдирди. Янгиликларга унча ҳуши йўқ отам ҳам қизиқди бу ишга. Хонага кирди-да, ҳамма томонни бир қатор кўздан ўтказди ва индамасдан қайтиб чиқиб кетди. «Шунга икки-уч кун сарф қилиш шартмиди, унинг ўрнига далага чиқиб мол боқиш, қўш қўшиб ер ҳайдаган яхши эмасмиди», деган маъно бор эди унинг қиёфасида.

Рўзивой бувамдан қолган Қийишжон момом янги оила қуриб чиқиб кетди. Йигит бўлиб етилиб қолган Эрка акам, унинг ўрнини босиб бораётган Ражаббой акам — отамнинг қаноти остида қолди. Менинг тенгдошим Жумабой Қийишжон момом билан кетди. Бу ажралиш иккаламиз учун ҳам оғир эди. Бир уйдан кириб-чиқиб, бир товоқдан овқат еб, болаликнинг энг қизғин пайтларини бирга ўтказаётган Жумабойни мен кўрмасдан туролмас эдим. У ҳам шу аҳволда эди.

Қийишжон момом бизга амаки ҳисобланадиган Хўжиёз ака билан оила қурди. Уларнинг турар жойи Аваз бувадан қолган олти кунгурали қалъасифат ҳовлининг шарқ бурчагида эди. Шу ердан эшик очилиб, чортак қурилганди. Ёз ойларида бу оила кўпроқ шу чортак тагида истиқомат қилишарди. Мен борган пайтларим ҳам Жумабой билан кўпроқ вақтимиз шу чортак тагида ўтарди. Аксарият ҳолларда ҳижжалаб эски китобларни ўқишни машқ қилардик. Ёки шунга ўхшаган бошқа бирор машғулот билан банд бўлардик.

Кунларнинг бирида узоқ-узоқлардан милтиқ отилганини эшитиб қолдик. Бир нарса шарпиллаб деворга тегди-да, кесакнинг чангини чиқариб юборди. Нималардир шатирлаб чортак ёнидаги полизга — экилган қовоқ ва қовун палаклари орасига тўкилгандек бўлди. Хўжиёз ака югуриб ичкаридан чиқди-да, иккаламизнинг қўлимиздан тутиб, тезкорлик билан уй томон тортқилаб етаклади.

— Шу-шу, ўқ шу, ўқ отилвотир!—деди Хўжиёз ака. Бир оздан кейин тариллаган овозлар эшитила бошлади.

— Шу-шу, пулемёт шу,—деди.

Одамлар орасидаги гап-сўзлардан, ҳали овозсиз онда-сонда қишлоғимизга обкелиб кўрсатиладиган киноларда кўрганмиз — милтиқ ҳақида таассурот бўлса ҳам пулемёт ҳақидаги тушунчамиз ибтидоий эди.

Хўжиёз ака юзларида қўрқинч аломати пайдо бўлиб, кўз чаноқлари кенгайиб у ёқ-бу ёқ алангаланиши; Қийишжон момомнинг шошилиб бизга нисбатан «нега даррув кирмисизлар», деб пўписа қилишидан хатарли бир воқеалар рўй бераётгани маълум эди.

Бундан икки кун олдин эл орасида ваҳимали гаплар тарқалган эди:

— Бошлиқни, шўрони отибдилар, секретарни ҳам отибдилар!

Уша кунлари эл орасида бу воқеа хусусида ҳар хил гап-сўзлар тарқалди. Бироқ бу гапларнинг ҳаммаси ҳам эса қолавермаганидан, бўлган воқеалар тафсилотини кейинги йилларда аниқроқ билиб олдим.

«ТОЗ»дан кейин артель тузилганда биринчи раиси қилиб Ганжа сари деган одам сайланди.

Эрта куз пайтлари эди, чамамда. Очиқ жойда қишлоғимиз одамлари йиғилди. Ҳамма гавжум бўлиб, эркаклар бордош қурган ҳолда, аёллар бошларида рўмол, узун кўйлаklarини тушириб, ерда чўнқайган алпозда ўтиришибди. Шаҳардан отда келган чарм куртка кийган, сервиқор иккита одам ўртада туриб артель тузилганлигини билдирди ва унга Ганжа сарининг бошлиқ бўлганлигини эълон қилди. Ҳамма қўл кўтариб, рози эканликларини билдиришди.

Ганжа сари номига мувофиқ сариқ одам эди. У тўладан келган, камгап, ўз фикр-мулоҳазаларини дарров билдиравермайдиغان шахс эди. Бошлиқ бўлиб сайланганидан кейин иложи борича янги чакмон, янги пўстинлар кийиб, салобат билан отда юрадиган бўлди.

Энди ўйласам, қизиқ бир манзара бўлган экан ўша пайтларда. Бутун қишлоқни битта оқсоқол идора қиларди. Энди эса битта бошлиқ, тўртта бригадир, тўртта табелчи, битта омборчи, битта ҳосилот, битта ферма, битта ҳисобчи, битта алоқачи пайдо бўлди. Энди тахминан эллик уйдан иборат бўлган артелни шулар идора қиладиган бўлишди.

Уша кезлари катта кўламдаги Халланг қишлоғида олтига қолхоз тузилди. Юқори томондаги қишлоқчалар қуйидаги номлар билан аталди. «Саноат», «Держинский», «Комсомол», «Сталин», «Максим Горький», ниҳоят бизнинг артелимиз — «Ленин». Бу қолхозлар бирлашиб битта қишлоқ шўросини ташкил қилган эди. Шўронинг бошлиғи ҳам бизга ҳамқишлоқ эди. Уни Нурмат шўро дердилар. Баъзида қиш кунлари бўлса, устида силкима пўстин, бошида силкима чўғирма, йўрға отда пайдо бўлиб қоларди. Ганжа сарининг отда юриб, эл орасидан ўтиши унча катта воқеа бўлмаса ҳам, Нурмат шўронинг пайдо бўлиб қолиши сезиларли воқеа эди. «Шўро кепти, шўро тўманга ўтиб кетибди», деган гаплар чиқарди эл орасида. Айрим ҳолларда, «нечун келган экан, бир гап бормикан?» деган таажжубли ва хавотирли гаплар ҳам бўларди.

Ўзига тўқ оилаларни қулоқ қилиб, мол-мулкни мусодара қилиш, бутун-бутун оилаларни бадарға қилиш ёки сургун қилиш, бирор кимса ёт унсур ҳисобланса, уни халқ душмани деб эълон қилиб, қаматиб юбориш шўро билан бошлиқ ихтиёрида эди. Ганжа сари билан Нурмат қорачани отганлар ҳам шу хилдаги рўйхатга тушганлардан бирининг иши бўлган. Воқеа шундай содир бўлган экан:

Қишлоқнинг Сталин номли артелида Қорақул кемачи, Ҳамроқул кемачи деган оғайнилар яшаган. Уларнинг уйларини мен яхши билардим. Артелнинг ғарбий томонида жойлашган бўлиб, бир томони қўл, иккинчи томони тўқайга тутшиб кетган эди. Ўзлари бадавлат одамлар эдилар.

Қайд қилмоқчи бўлган воқеамиз мана шу икки оғайни — кемачилар фаолияти билан боғлиқдир.

Нурмат шўро, асл номи ва лақаби Нурмат қорача. Унинг фаоллари: битта-иккита бошлиқ, ёнида котиби, йўрға отларда савлат тўкиб эл оралаб юришарди. Бир кун бир қишлоқда, иккинчи куни иккинчи бир қишлоқда ва ҳоказо...

Кунларнинг бирида қишлоқнинг артелида фаоллари билан кетаётган пайтда Қорақул кемачи уларнинг олдидан пешвоз чиқиб:

— Шўро бува! Отдан тушиб, бир коса чой ичиб кетинг,—деб илтифот қилибди. Шўро ниманидир важ қилиб илтифотни қабул қилмабди. Қорақул кемачи:

— Ҳа бўлмаса, бир чилим чағиб кетинг!—дебди. Нурмат шўро бу таклифга кўнибди. Қорақул кемачи ичкаридан чилим ўтлаб чиқибди. Бир қўли билан шўрога чилимни чўзибди-да, иккинчи қўли билан чўнтагида тайёр турган наганни олиб, шўрони отибди. Иккинчи ўқни Ганжа сарига қаратибди. Учинчи ўқни — котибга.

Шундай қилиб, бир зарбда уч фаолни қулатиб, мақсадга эришибди.

Ўша кезлари «Қорақул кемачи фалончи-пистончиларни отибди», деган гапларни эшитардим-у, бироқ бу воқеаларнинг сир-асрорини англайвермасдим. Кейин суриштириб билдимки, Қорақул кемачи қулоқлар рўйхатига тушган. Мол-мулки тортиб олиниб, ўзи сургун қилинадиган ҳолатда экан. Бошқа қулоқ бўлганларга нисбатан Қорақул кемачи жасоратлироқ бўлган чамамда. Бироқ воқеанинг бошқа бир томони ҳам бўлган экан. Хоразмда шўролар ҳокимияти ўрнатил-

ганда, уларнинг тарафини олган фаоллар ичида Қорақул кемачи ҳам бўлган. Нурмат шўроларга қарши ишлатилган наган унга ўша пайтлари совга сифатида берилган экан. Демак, кеча ўша ҳокимиятни ўрнатишда қатнашган фаол бугун душман рўйхатига олинади. Бу воқеа собиқ фаолни мушкул ҳолатга солиб қўйган ва ҳокимият фаолларига нисбатан қурол ишлатишга мажбур қилган.

Воқеа тезлик билан округ (Тошҳовуз бу пайтларда Округ деб аталарди) ҳокимиятлари ташкилотларига бориб етади.

Қорақул кемачи устига қўшин тортилади. Бу қўшинга қарши туриш учун Қорақул кемачида ўқ-яроғлар ҳам етарли бўлган, чамамда, қишлоқнинг бир чеккасидаги тўқайда уч кун қаттиқ жанг бўлади. Уч-тўрт киши юзлаб аскарларга қарши туради. Қўшин томондан кўп одамлар нобуд бўлади.

Хўжиёз ака эшигининг олдидаги чортак тагида Жумабой билан ўтирганимизда атрофга ёғилган ўқ ёмғири ўша Қорақул кемачи тўқайдаги жанг натижаси экан.

Хўжиёз ака бизни етаклаб ичкари кирганда Қийиш-жон момом:

— Худойим-ей, нуввилар бўлаётир, худо бир сақлабли-ёв сизларни, — дегани эсимда.

Бир неча кундан кейин Тошҳовуздан чарм куртка кийган, белларига наган илиб олган вакиллар келишди. Уларни тўрт-бешта бешотарли аскарлар қўриқлашарди. Кечки пайт қишлоғимиз аҳолисини йиғишди. Одамлар яна олдингидек ерга чўккалашди. Вакилларнинг бошлиғи бўлса керак, бирови ўртага чиқиб:

— Бошлиқ сойлимиз, инди силарга Бувожон ака бошлиқ бўлади. Шунга рози бўгонлар қўл кўтарсин! — деди.

Ҳамма қўл кўтарди...

XXXVI. «ТЕМИР ПОЛВОН»

Қишлоғимизда даҳшатомуз бир нарса пайдо бўлди. У узоқ вақт энамнинг акаси, шу ернинг энг ҳурматли одами Оқсоқол бобомлар ҳовлисининг ён томонида турди. Каттаю кичик уни бороб томоша қилишди. Аввалига унинг ёнига яқинлаша олмасдан узоқроқдан томоша қилдилар, гўё кутилмаганда ҳаракатга келадигу, ҳаммаёқни барбод қилади. Бир неча кундан

кейин уни яқинидан томоша қиладиган бўлишди. Ҳатто унинг у ер-бу ерига қўл теқизиб ҳам кўришди. Фақат қишлоқнинг баъзи бир катта ёшдаги одамлари унга бепарво эдилар. Хусусан сал нарсага ҳайратланавермайдиган отам бу нарса билан қизиқавермасди. Бирор одам бу ҳақда гап юритса, бепарвогина эшитар эди-да, жим қолар ёки бирор иш билан банд бўлса ишини давом қилдираверарди. Бу жиҳатдан мен отамга доим қойил қолардим. У на қўрқувни билади, на фавқулодда бирор нарсадан хурсанд бўлиб, бу ҳақда бирор кимсага фикр билдиради. Доим вазмин ва аксарият ҳолларда бир хил кайфиятда.

Кунлар ўтди. Даҳшатомуз бу нарсага одамлар ўрганиб, кўп ҳам эътибор беравермайдиган, болалар эса унинг устига чиқиб-тушадиган ҳам бўлишди. У ҳақда ҳар хил гаплар ҳам тарқалди: Ер ҳайдармиш, йигирма-ўттиз ҳўкизнинг кучи бормиш унда, бир неча кун ичида бутун қишлоқ ерини шудгор қилиб чиқармиш ва ҳоказолар. Бу гапларга ишонса ҳам бўларди. Унинг тариллаган овозидан бутун қишлоқ ларзага келган. Унинг излари ҳам ажабтовур, ўтган йўлини у ғилдираклари билан ўртадан пичоқ кесгандек чизиб, икки томонни узиб-юлиб кесак қилиб ўтганди ўшанда.

Элда уни ҳар хил номлайдиган ҳам бўлишди. Бировлар «темир полвон» деса, кўпчилик «темир ҳўкиз» дейдиган бўлди. Унинг иккита катта тишли ғилдиракларининг тишлари кичик кетмонча бўлиб, юрганда ерга ботар ва ботган жойини ағдариб кетарди. Олдинги икки ғилдираги бир неча баробар кичик бўлиб, ўртасига ўроқсимон темир қопланган бўлиб, ерни икки томондан кесиб ўтар ва шу билан гўё орқа ғилдиракларга йўл очарди. Устида бош бармоқ сиғадиган тешикли темир ўтиргич бўлиб, унинг олдида ушлашга қулай катта-кичик таёқсифат темирлар чиқиб турар, олд томондан бели йўғон, тепаси ингичка қувур чиқиб турарди. Қувурнинг учи қорайганидан, тутун чиқадиган қисм эканини билиб олиш осон эди. Даҳшатомуз нарсанинг ўрта белига ақл бовар қилмайдиган катта-кичик қувурлар бир-бирларига уланган, ўша пайтда тушуниш қийин бўлган катта қисм жойлашган эди! Бу қисмни «мотор» деб аташганларини ўша пайтда эшитганман.

Қишлоғимизга бу нарсани нотаниш бир одам ҳайдаб келган эди. Анча кунлар ўтгач, ўша нотаниш одам пайдо бўлди-да, олд томондан қийшиқ темир тутқични

нимагадир улаб, айлантира бошлади. Бир марта айлантирди, икки марта айлантирди, уст томондаги қувурдан «пот-пот» овоз берди ва бўлиниб-бўлиниб тутун чиқди-да, жим қолди. Нотаниш одам мақсадига эриша олмаганидан асабийлашди шекилли, йиғилган болаларга қараб ўқрайди.

Шу орада Эрка акам билан Сопорбой акам келиб қолишди. Уларнинг янгиликларвар эканлигини эл яхши билар эди. Хурккандек бўлиб, нотаниш одамнинг ҳаракатларини кузатиб турган бошқалардан фарқли ўлароқ, улар темир мўъжизанинг у ер-бу ерига қўл теккиздилар, нималарнидир темир очгич билан бураб ҳам кўрдилар. Нотаниш одам уларнинг қўлларидан бир нима келишини сизди шекилли, қаршилиқ кўрсатмади. Аксинча, унинг кучига куч қўшилгандек бўлди. Елкасидаги гупписини ечиб ён томондаги янтоқ уюми устига ирғитди-да, ўтлоғич тутқични жаҳл билан тўхтамасдан айлантира кетди. «Темир полвон» тез-тез «пот-пот»лаб тариллаб ёнди. Йиғилган катта-кичик орқага тисарилдилар. Нотаниш одамнинг юзи ёришди, чопиб мўъжизанинг ён томонига борди-да, нималарнидир буради. Ҳар бураганда мўъжизанинг овози баландроқ бўларди. Қаердандир Рўзим полвон пайдо бўлиб қолди. У қўлларини чўзиб узоқроқдаги нарсани кўрсатди. Нотаниш одам мўъжиза устига чаққонлик билан отилиб чиқиб, ўтиргичга ўзини ташлади ва олдида қатор турган тутқичларни у ёқ-бу ёқ қўзғаган ҳам эдики, темир мўъжиза баланд тариллаб ўрнидан қўзғалди. Орқасига илинган икки тишли темир ағдаргич ҳам эргашди.

— Бу — трактор, — деди Рўзим полвон катта бир қувонч билан. — Ер ҳайдайди, ўнта ҳўкизнинг ишини қилади, ўт емайди, емга зор эмас, лампа ёғи билан юради...

Болалар трактор кетидан чопишди. Ярим чақирим йўл босиб у ишга тушди. Бургут қанотларини эслатадиган темир оочларни билан ерни ёриб, отиз ўртасидан бир юриб ўтиб, орқага қайтди. Куз шамолида қотиб улгурган ерни писанд қилмас, осонлик билан ағдариб, остини уст қилиб кетаверарди. Ернинг пастки қатлами ооч кўригидан сийқалиб чиққанидан ялтираб кўринарди. Одатдагидек бирпасда ҳайдалган ердан қурт-қумурсқа излашдан манфаатдор захчаю қорақарғалар пайдо бўлди. Улар тракторнинг пот-потидан хуркмасдан бир учиб, бир қўниб, унинг кетидан боришар, ял-

тираган нам тупроқ ўрамини титиб ўзларига озуқа топарди. Биз болалар ҳам ола-говур ер ағдариб бораётган трактор омочи кетидан чопишардик, қишлоқда биринчи гал пайдо бўлган бу «муъжиза»нинг қудратини томоша қилардик. Ҳатто катталар ҳам «темир полвон»нинг қудратига қойил эдилар.

Кечга қараб ҳали отизнинг иши тугалланмасдан трактор тўхтади. Нотаниш ҳайдовчи унинг атрофида кўп айланди, у ёқ-бу ёғига қўл урди, бураб кўрди. Эрка акам билан Сопорбой акам ҳамон унга ёрдамчи. Рўзим полвон икки қўлини биқинларига тираб, уларнинг ишларини кузатарди. Тракторни ҳаракатга келтириш иши шомгача давом этди. Бироқ темир тутгич ҳар айланганда тепадаги қувур «йўталар»ди-да, моторнинг шарқ-шурқи билан тинчланарди.

Нотаниш ҳайдовчи биринчи галдагига нисбатан ҳам кўп азобланди. Бироқ трактор ҳаракатга келавермас эди. Оқибат ёндирғич тутқични бор кучи билан шундай айлантирар эдики, унинг юз-кўзларини тер босиб кетди. Кўп ҳаракатлардан кейин натижа чиқмаслигини англади, шекилли, тутқични жойида қолдириб, қаддини тиклади. Тез ҳаракат билан трактор ўтирғичининг тагидан кир латтани олиб, юз-кўзларини обдан артди. Тер нами билан латта кирлари унинг юзига ёпишди. Унинг кўзлари киртайиб, пешонаси ажинлашди ва кўзларини «темир полвон» моторига қадади-да, жаҳл билан:

— Падарлаънат! — деди.

Ҳамма жим эди. Гўё йиғилганлар унинг дардига шерикдек ҳис қилишарди ўзларини.

Икки-уч кундан кейин трактор яна Оқсоқол бобомлар ҳовлисининг ён томонидан жой олди. Энди болалар ундан ҳуркавермас, бемалол темир ўтирғичларига чиқиб ўтириб олишар ва бурама ғилдирагини ҳар томонга айлантириб кўришар, бошқа қисмларини ҳам «текширув»дан ўтказишарди.

Эл орасида бу «темир полвон»га нисбатан ҳар хил гаплар тўқилди. «Трактор ўт олмай қолганмиш, кейин уни тўртта ҳўкизга судратиб, илгариги жойига олиб келиб қўйганмишлар», деган гаплар қулоққа чалинди.

Отамнинг ўз фикри бор эди бу темир муъжизанинг иши хусусида:

— У нарса, яъни трактор ер сурмас экан, ағдариб кетар экан. Экинга ернинг усти керак, семиз жой пастга тушар экан, остки озгин қисми устига чиқаркан, — дерди.

Эшитувчиларнинг эътиборини жалб қилиш учун бўлса керак бир оз жим қолар ва алоҳида урғу билан: — Ағдарилган ер ҳосил берармиди?! — деб фикрини яқунларди.

Дехқончиликнинг сирини яхши биладиган одам ҳисобланганидан отамнинг бу гапларига ҳеч ким эътироз билдира олмасди.

Ўзи бориб кўрмаган бўлса ҳам бу даҳшатомуз мўъжиза ҳақида энамнинг фикри тамом бошқача эди:

— Дажжолнинг ўзи бу! Бўлмаса элнинг ҳамма катта-кичиги ишдан қолиб, унинг изига тушиб юрармиди?! —

Энамнинг гаплари астойдил эди. Унинг овозида қандайдир ўкиниш оҳанги сезилиб турар, ҳатто кўз ёши келиб қолгандек кўзларини оқ рўмолининг учи билан артиб оларди-да:

— Худо, ўзинг паноҳингда сақла,—деб ўзини тинчитган бўларди.

XXXVII. ТЕМИР СУВТОРТАР

Кеч куз кунларининг бирида кемага юкланган оғир темир ускуналарни Фарров бўйига туширдилар. Уларни тушириш ҳам осон бўлмади. Биз болалар ўткир темир тиш ғилдиракли тракторни қандай қизиқиш билан қарши олган бўлсак, бу темир-терсақларни ҳам шу хилдаги қизиқиш билан қарши олдик.

Бир неча кундан кейин темир ускуналар туширилган жойда иш бошланди. Аввалига новча одам бўйи келадиган, кўринишидан йўғонроқ одам гавдасича келадиган ғўласифат темир ерга қаттиқ ўрнатилди. Унинг бошига телпаксифат мослама кийдирилди. Мосламанинг бир томонида ўртача коса ҳажмидаги дарича бўлиб, унинг ичида ёш боланинг калласидек юм-юмалоқ нарса кўриниб турарди. Ғўласифат мосламанинг икки томонига айланаси 1,5 газча келадиган, уч-тўрт одам базўр ўрнидан қўзғата оладиган ғилдирак ўрнатилди.

Бу ишларнинг асосий ижрочилари Эрка акам билан Сопорбой акам эдилар. Уларга баъзи ўзбекча сўзларни чала-чулпа ишлатиб, фикрини тушунтира оладиган иккита рус кишиси бош эди.

— Бу, поднимай, вот это, нтар, — қабилида буйруқлар беришарди улар.

Айтганлари тўғри ўрнатилса, бу яхши, деб ҳам қўйишарди.

Эрка ака билан Сопорбой акам ҳам русча-ўзбекча

сўзларни аралаштириб унга ўз фикрларини билдирар эдилар.

— Это — яхши, хорошо, сеники, возми, сеники кўтар, — қабилда эди уларнинг ҳам муомаласи.

Ғўласифат мосламанинг атрофларида ингичка сариқ мис қувурлар бир жойдан иккинчи жойга уланди. Мослама тайёр ҳисобланганда бошқарувчи ўрислардан бири ҳарсиллаганча асосий қисмга ўрнатилган зил ғилдиракни бир-икки марта айлантириб кўрди. Мослама вос-вус овоз берди.

— Нормально, — деди ўрис киши.

Ишлар қизғин эди. Қишлоқ йигитларидан беш-ўн киши ёрдамга шай турардилар. Бир неча кун ичида ўрнатилаётган янги «мўъжиза» устида чертак хас пайдо бўлди. Қалин қилиб ўрилган чий билан атрофлари ўралди. Кўп ўтмасдан Фарровга қувур ташланди. Унта мураккаб бўлмаган, шаклан сувўғиз — шилимшиққуртнинг чаноғини эслатадиган мослама ҳам ўрнатилди.

— Насос, бу вода поднимает, кўп вода, целый ёп вода, — деб атрофдагиларга тушунтириб кетарди мойга тўйинган гуппили ўрис.

Аралаш-қуралаш бу сўзларга ўзларини тушунган ҳисоблаган Эрка акам ва Сопорбой акамлар мамнун эдилар. Урис усталари ёрдамида бошқаларнинг қўлидан келмайдиган ишга ўзларининг ҳиссаларини қўшаётганликларини билишар эди-да, улар.

Сувўғиз чаноғини эслатадиган мослама ўрнатилгач, ундан қувур чиқарилиб, катта солма қулоғига тўғрилаб қўйилди. Қувурлар ётқизилгач, ўрис усталар мойли кийимларини тоза кийимларга алмаштириб жўнаб кетишди. Улар ҳар гал иш тамом бўлгандан кейин шахарга кетишарди. Бугал ҳам шундай бўлди, чамамда...

Эрка акам билан Сопорбой акам эса бир неча кун майда-чуйда ишларни битказиш учун бўлса керак, ўша ерда ивирсиб юришди. Бир ҳафталардан кейин ўрис усталар ярим қоп нарсаларини кўтариб келиб қолишди. Эрка акам ва Сопорбой акамлар билан эски ва қадрдон оғайнилардек кўришиб сўрашдилар.

— Сеники яхший? Меники келдий. Сеники, меники работа бўладий, — чамасида эди уларнинг муомаласи.

Тоза кийимларини одатдаги мойли гуппиларига алмаштириб ишга тушишди. Урдаксифат мосламага мой қуйишди. Тумшуғининг тагига мой қуйиб ўтладилар. Кейин унга шақ-шуқлатиб дам беришди. Мослама гуриллаб овоз чиқариб ёна бошлади.

— Бу «примус» называется, — деди ўрислардан биттаси.

Улардан бири гуриллаб ёнаётган примусни кўтариб, гўласифат моторнинг бошига тўғрилади. Уларнинг қўйруқлари билан иккита-учта қишлоқ йигитлари сувтортарга челақлаб сув қуя бошлашди. Уни ишлатиш учун сувтортарнинг ичи сувдан тўла бўлиши керак эканлиги маълум бўлди. Йигитлар узлуксиз сувга қатнадилар. Бироқ сонсиз-саноқсиз қуйилган бу сувлар қаёққа кетаётгани номаълум эди. Қувурнинг тўлишидан дарак бўлавермади.

Ўрис усталар бу аҳволдан хабар топишиб, ҳайрон бўлишди. Ўзлари ҳам челақда сувга қатнай бошладилар. Бироқ қувур тўлавермади.

Ўрис усталар бир-бирига қараб қаттиқ-қаттиқ гапирди. Уларнинг гаплари орасида жиддий сўкиниш оҳанги борлиги ҳам сезилиб турарди. Шундай бир ҳолда Эрка акам ичкаридан чиқиб уста ўрисларга ниманидир тушунтирмоқчи бўлди. Улар унинг гапларига дарров тушунавермадилар. Ниҳоят Эрка акам қўли билан думалоқ шаклга ишора қилиб:

— Красный, красный, — деди.

Иккинчи ўрис уста кучанган ҳолда ён ғилдиракни айлантди. Икки-уч марта бу ишнинг такроридан кейин гўласифат мослама пот-потлаб ҳаракатга келди ва бир меъёрда ишлай бошлади.

Ўрис усталар ҳам, Эрка акам ва Сопорбой акамлар ҳам ўзларида йўқ хурсанд эдилар.

«Пот-пот» ишга тушди. Бироқ қувурда сув йўқ.

Сопорбой акам тезлик билан кийимларини кийди-да, ўрис усталарга нималарнидир тушунтирмоқчи бўлди.

— Меники ҳозир, меники ҳозир, — деди-да, тез-тез юриб қишлоқ томонга кетди. Қўп ўтмасдан улар икки киши бўлиб қайтиб келишди.

Сопорбой акам билан бирга келган йигит ҳамқишлоғимиз бўлиб, бизга қариндош ҳисобланарди. Унинг оти Матёқуб бўлиб, биз уни Матёқуб дойи, одамлар эса Матёқуб сўфи дердилар.

У ўзига хос полвонсифат одам эди. Ёшлигида бирор тортган дард натижаси бўлса керак, ўнг қўлининг бармоқлари бир-бирига ёпишиб, мушт ҳолатида қолиб кетган. Қўзлари хиёл кўк, ўзи сариқ, юзлари текис, **Бироқ** няги хиёл олд томонга чиққан эди. Қўли ишқалли бўлса ҳам ҳар қандай ишни ошиғи билан уддасидан чиқарди. Бир дақиқа дам олмасдан кунни билан

ишлайвериши мумкин эди. Бирор йигитдан «ҳоридим» деган сўзни эшитиб қолгудек бўлса, унинг муносабати маълум эди. Бундай пайтларда у оғзининг икки томонини чўзиб, истеҳзо билан кулимсирарди-да:

— Ҳоридим, дегани нувви?—деб қўярди.

— Бордию қазувга бориб қолса, у нақд иккита одамнинг ҳиссасини оларди. Уй-жой қураётган қўни-қўшни ва қариндошларникига кўмакка бориб қолса тўртинчи, бешинчи паҳсанинг лойини асосан унга оттиришарди. Маънавий жиҳатдан у диний эътиқодларга тўла равишда рноя қиларди.

Сопорбой акам Матёқуб дойини сув бўйига чиқарди-да, нималарнидир тушунтирди.

Фарровнинг қизил суви йўл-йўлакай кўчган катта катта муз парчалари билан тўлиб оқарди.

Матёқуб дойи гапга тез тушуниб, ўзига хос вазминлик билан устки кийимларини ечди. Оҳисталик билан қувур бўйлаб сувга тушди. Чуқур нафас олди-да, чўмиб кетди. Орадан бир неча дақиқа ўтса ҳамки, у қайтиб чиқавермади. Кутиб турганлар безовталана бошладилар. Бошқаларга нисбатан ҳиссиётлироқ Сопорбой акам:

— Не бўлди, не бўлди?! — дерди.

Унинг ҳар «не бўлди»сидан кейин атрофдагилар яна ҳам хавотирланишарди. Хусусан ўрис усталар безовта эди.

— Яхший йўқ, яхший йўқ, — деб такрорларди улар.

Бир маҳал Матёқуб дойи ҳеч нарса бўлмагандек, худди ёз кунлари илиқ сувдан чиқаётган одамдек шошилмасдан сувдан чиқди. Унинг қўлида йўгонлиги билан келадиган, воҳанинг ёғоч қошиғи узунлигида йўнқа бор эди. У йўнқани, мана, деб Сопорбой акамга тутқазди.

— Молодец, молодец! — дейишди ўрис усталар.

Маълум бўлдики, ўрнатаётган пайтда сувтортар қувурининг ичида йўнқа тиқилган экан. Кетидан сув тушганда энг пастдаги бекитгичнинг орасида қолиб, челаклаб қуйилган сувлар пастга оқиб кетаверибди. Шу муносабат билан сувтортарнинг қувури тўлмаган экан. Матёқуб дойи «пот-пот» хонасининг бир бурчагида турган кийимларини кийиб, тайёр турган чойдан бир пиёла симирди ва бир жилмайиб, уйига жўнади.

Сувтортарнинг қурилиши давомида бошқа бир воқеа ҳам рўй берган эди. Элни боқиб турган ҳосилдор ерларнинг ўртасидан чигир ўқ тортмасига параллел ра-

ишда катта солма тортила бошланди. Бунгача мен ҳам ишга яраб қолган эдим. Шу боисдан бу ишда гоҳ опамнинг, гоҳ Норжон опамнинг ўрнида туриб ўз ҳиссамни қўшган эдим.

Янги солма яратишдан олдин ёшгина бир ўрис йигити эни ва бўйи ярим газча келадиган қизил папкани елкасига илиб олиб қишлоғимизнинг ерларини синчковлаб ўрганди. Ўрис йигити у ер-бу ерда тўхтаб, қизил папкасини очар ва унинг ичидаги оқ, қалин қоғозга қандайдир белгилар қиларди. Мен унинг бу ишларига қизиқиб анча вақтлар бирга турдим.

У ўзбек тилини яхши билмаганидек, мен ҳам рус тилини яхши билмасдим. У билан икки тилни аралаштирган ҳолда суҳбат қурардик. Бироқ биримизнинг гапимизни биримиз тушуниб олишимиз тахминий эди.

Кейин тўғри чизиқ билан Фарровдан тортиб қишлоқнинг охиригача ўқдек тўғри ўтказилаётган ариқ ўша ўрис йигитнинг чизмалари асосида эканини англаб олдим.

Ҳали анча ёшлигим сабабли бўлса керак, мен ўзимга ажратилган пойни базўр, аксарият ҳолларда кўпчиликдан орқада қолиб бажарардим. Аммо ўттиз соннадонли қишлоқнинг катта-кичиги, эркак-аёли шу ишга сафарбар қилинганидан, ишлар енгил кўчарди. Қазув давомида ҳар хил ҳазил-мутойибалар, айрим ҳолларда одамларни кўп ҳам хафа қилавермайдиган шўқ-пўписалар бўларди.

Шакл жиҳатдан солма одатдаги оёқ-солма, чиғир вақ тортмаларидан фарқ қиларди. Солма ерни қазиб олмас, балки икки томонга тупроқ тортиб тайёрланган эди.

Сувга ташланган қувурнинг пастки қопқоғидаги йўнқанинг олиб ташланиши қурувчиларнинг кайфиятини ўзгартирди. Қорамой тегиб, кийимлари қирмоч бўлиб кетган ўрис, темир ускунанинг ғилдирагини бир-икки «дай бог, дай бог», деб айлантирди-да, юрғизиб юборди. Қурилма «пот-пот» овоз чиқариб, бир маромга ишлай бошлади. Тепадаги қувур тутун чиқариб, ҳар потиллаганда ер ва янги қурилган чайла акс-садо оқарар ва ларзага тушаётгандек таассурот туғдирарди.

Ўрис устанинг ёрдамчиси қалин ва йўғон иплардан гўқилган қайишни ўровидан бўшатди-да, бир томониини сувтортарнинг ғилдирагига илдириб, иккинчи томониини «пот-пот» ғилдирагининг ўрта белига ўрнатилган темир мосламага мўлжаллаб илиб юборди. Қайиш хиёл лапанглаб айлана бошлади. Ўрис усталар, Эрка

акам ва Сопорбой акамлар чоғиб ташқарига чиқдилар. Сувтортар катта шаршара ҳосил қилиб солманинг бош томонига сув тўка бошлади.

Ҳамма хурсанд эди. Гўё узоқ вақтлар кутилган муҳим воқеа амалга ошди-ю, одамларнинг мушқули осон бўлди.

Урис усталарнинг каттаси Эрка акам ва Сопорбой акамларга қараб:

— Яхший, яхший! — деб қўярди.

Биз болалар учун эса бу воқеа тасаввурга сиғмайдиган, тушларга кирмайдиган мўъжизанинг ўзи эди.

«Пот-пот» деб аталган бу қурилма кечаю кундуз бир маромда ишлаб турарди. У бизнинг уйимиздан атиги ярим чақирим масофада эди, холос. Унинг ту-туни, овози баланд қувурдан чиқиб турганидан бўлса керак «пот-пот» баралла эшитилар, балки ўша жойга нисбатан ҳам бизнинг эшигимиз олдида кучлироқ сезиларди. Бундан безовталанган энам:

— Ҳей, пот-поти ўлсин, қулоқ-мияни еварди, нер-лардан кепқолди бу қурғур? — дерди.

Отамнинг бир ўртоғи бўларди. Унинг оти Азиз эди. Отам унинг ҳурматини қилиб Азиз ака деб чақирарди. У эса отамга ҳурматини билдириш маъносида бўлса керак, Қўччон авло дерди.

Азиз ака болалигида чечак жабрини тортгандан бўлса керак, юзлари нотекис, унинг устига ғалвирдек қўтир эди. Бурни ўта кемтик бўлиб, борлиғи ҳам шубҳали бўлиб кўринади. Гапирганда, нафас олганда доим оҳиста пишилларди. Бироқ элнинг кадхудо ва доно одамларидан бири эди.

«Пот-пот» ишга тушган кунлардан бирида Азиз ака отамнинг олдига келди. Айвонда чўғ олдида ўтириб, опам дамлаб берган чойни эрмак қилишар ва ёпилган иссиқ нондан ҳар вақт-ҳар вақт бурдалаб оғизларига соларди. Мен ҳам шу ерда нима биландир машғул эдим. Улар эл ҳаётига тегишли кўп масалаларни муҳокама қилишарди. Суҳбат орасида «пот-пот»га тегишли баъзи гаплар қулоғимга чалинди.

— Яхши бўлмади, шунинг суви деб қишлоқнинг энг ҳосилдор ерларидан ўн-ўн беш тапобча ери зое бўлди, — деди Азиз ака.

Отам буни ўта ҳаётий ҳисоблади. шекилли бошини тебратиб, маъқулловчи назар ташлаб, «ҳа-ҳа, тўғри айтасан», деб қўярди.

Суҳбат бир оз секинлашди. Отам узоқ вақтлар ўй-

таб тополмаган муҳим бир нарсани эсига туширган-дек, оҳиста:

Бунинг бошқа бир зиёнини ҳеч ким ўйламаётир, — деди. Азиз ака қизиқиб отамга назар ташлади. Отам Азиз аканинг қизиқишини ҳис қилди-да, гапини давом эттирди: — Урис йигитча чизиғи билан қазилган тоза толма бизнинг ерларга тўғри кемийди. Чиғир тортма-нинг суви пастдан оқади. Бу ота-бувамиздан қоғон. Баҳорда сув ер юзидан оқса, унинг атрофи зийлаб кет-ди, ўсин, ишдан чиқади. Оғочлар қурийди. Бу — ёмон!

Азиз ака отамнинг гапларига тўла қўшилганини билдирмаса ҳам, пишиллаб нафас олиб, кўк чойни бир хўплаб:

— Бу гапингам туври! — деб қўйди.

Отам ва Азиз аканинг чойхўрликлари анча вақт давом этди ва уларнинг суҳбати мавзудан мавзуга ўтарди.

XXXVIII. МЕҲНАТ ЗАРБДОРИ

Баҳор. Экин-тикин бошланган пайт. Офтоб кумуш-ранг шуъла таратиб, эндигина кўтариляпти. Ҳаво илиқ ва ёқимли. Кўпчилик бир бўлиб ишга чиққан. Аёл-лару келинчакларнинг баъзиларининг қўлларида кет-мон, аксариятининг қўлларида белкурак. Улар чел йиқишади, ер текислашади. Илгари кўпроқ хўжалик ишлари билан банд бўлиб, уйда ўтириб зерикиб қол-гандек, бир-бирларига ҳазил-ҳузул гап отишади. Ай-рим ҳолларда иккита-учта бўлиб, қисқа суҳбат қури-шади, бир-бири билан дардлашишади. Иш ҳам ўз йўли-га кетаверади. «Кўпчиликдан қуён қочиб қутулмас» деганларидек, қилинган ишлар ҳам дарров кўзга кў-рина қолади.

Беш-ўн жуфт хўкизлар бўйинларида бўйинтириқ, кунда тортиб ер суришга бошлаган. Умумлашган хў-жалик — артелнинг йўлбошчилари «уни қилиш керак, буни бошлаш керак» қабилида раҳбарликларини на-мойиш қилишади. Бир чеккада от қўшиб ҳайдалади-ган чигит мосламаси турибди. Бу нарсани мен биринчи кўришим. Эшитишимга қараганда, энди пахта чигит-лари қўл билан сепилмас ва шу мослама воситасида қатор қилиб экиларкан. У менга бир мўъжиза сифати-да кўринарди.

Ер сурилиб, ҳайдалиб, мола босилгандан кейин отни биров етаклайди, сеткани орқа тутқичларидан маҳкам ушлаб, тал — тўғри тутиб боради.

Отамга ўзига хос иш топширилган. Одатдагидек, унинг қўлида икки қулоқли белкурак. Отизнинг маълум жойини мўлжаллаб боради-да, белни ерга санчиб, қулоғига бир тепади. Намли тупроқни ағдаради-да, ундан бир қисм олиб қўлида увитади. Баъзан ҳидлаб кўрган ҳам бўлади. Бундай пайтларда тантанавор кайфиятда бўлади у, гўё муҳим бир ролни қойил қиларлик даражада ижро этган актёрдек. Шу алпозда отамни илгари жуда кўп кўрганман. У бугун ҳам шу тарзда иш битказяпти.

Отам тупроққа қараб, ерга қўш солиш мумкин деган маънода ишора қилади. Буни кутиб турган қўшчилар ишга тушади. Агар тупроқ ҳолати ёқмаса, отам қўлларини кесасига чайқаб, тобга келмаганини билдиради.

Эндиликда от-улов, қўш-анжомлари, хусусан, ер тўғрисида «сеники», «меники» деган тушунчага барҳам берилган. Ерлар илгариги эгалари номлари билан аталар эди, холос. «Бугун Юсуп оқёл ери экилади, эртага — Юсуп жолдир ери, кейин Султон шайхлар ерига ўтамиз, ёки Қарим кўса ерига қўш тушади», деган гапларни эшитиш мумкин эди.

* * *

Отаназар майдони. Унинг ўртасида хоразмликлар дидига мос равишда қурилган тўртбурчак катта иморат. Иморатнинг бир қисми сайсхона, бир қисми молхона. Майдон тахминан 300—400 таноб келади. У дов-дарахтсиз, фақат экиладиган ерлардан иборат. Майдоннинг жануб томони катта ва зич тўқайга туташади, шарқи Шоввотга бориб тақалади. Ғарбида Қорадашли деб аталадиган туркман қишлоғи.

Иморат артель ташкил қилинганидан кейин қурилган. Шу муносабат билан уни «Артель жойи» деб атайдилар. Тахминан ярим таноб ерни эгаллаб турган бу иморатнинг устига антиқа чертак кўтарилиб, усти қамиш билан қалин ёпилган. Бу ерга чиқиш учун ичкари томондан Мирзатерак ёғочидан ясалган узун занги — нарвон қўйилиб, томдан дарича очилган. Узоқдан бу иморат елкан тортиб келаётган катта кемани эслади. Ёзнинг жазирама иссиқ пайтларида бу ерга чиққан одамнинг қайтиб тушгиси келмай қолади. Доим ғир-ғир шабада эсиб туради. Қорақумдан нафасни қайтариб, юзингизга тандир ҳовури сингари уриладиган иссиқ шамол ҳам бу ерга келганда ўзининг асл

сифатини йўқотади. Бутун борлигингизни силаб ўтадиган энгил шабадага айланади.

Артелчилар тушлик овқат ва ҳордиқ чиқариш учун шу ерга йиғилишган. Бўйралар тўшалган. Пастда танқонларда чой қайнаган. Артелчилар иккита-учта бўлиб кетиришади. Қимдир пастдан чой дамлаб чиқади. Чорни рўмолларга эҳтиёткорлик билан ўраб олинган нон ва зоғралар ўртага қўйилган. Улар дала шабадасинин қайзиқиб улгурган бўлади.

Ҳамма чой ичиш ва нон ейиш билан банд. Бамишоли энди уйқудан туриб, тут баргларини гирт-гирт семира бошлаган пиллақуртлардай.

Бугун ҳали офтоб шуъласи ерга ёйилмасдан туриб одам билан йўлга чиқдик. Тинимсиз гўза чопиғида юртанидан унинг устида этаклари тўпиғига тушадиган, энглари узун, бир оз кир босган кўйлак. Бошида оқ матодан ихчам ўралган лачак, елкасида кетмон. Тўртбеш чақирим узоқликда бўлган бу майдонга етиб келганимизда офтоб кўтарилиб, чошгоҳ маҳали бўлиб қолган эди. Асосан аёллардан иборат бўлган бу артелчиларни бригадир бошлаб боради. Баланд бўйли, елкадор, қорачадан келган, юзлари чўтир бу йигит эрта тонг билан уйма-уй юриб бу кетмончиларни йиққан.

Илгари бу ерларга пахта эмас, асосан буғдой, кунжут ва шоли, баъзан қовун экиларди. Артель тузилгандан кейин Отаназарнинг асосий қисмига пахта экиладиган бўлди. Мана бугун бригадир ва табелчи бошчилигида гўза чопиғига келдик.

Бригадир, оддий тилда уни «Биргад» деб аташарди. Ингичка ходалардан учбурчак шаклида ясалган ўлчов таёғини энгил ҳаракатга келтириб, ишга шай бўлиб турган аёлларга ер тақсим қилиб берди. Шу тарзда бригада аёллари қарийб ярим чақиримча ерга гарқалиб, кетмонларини ишга сола бошлади.

Илгари аёлларнинг кетмон ушлаганини кўрмаганман. Кетмонлар ҳам катта, салмоғдор, ярим пуд, бақувватроқ эркак қўлига тушса, бир пуд тупроқ ағдар ишга мўлжалланган бўларди. Эндиги кетмонлар қазувларда чиғирўқ тубидан лой отишга мўлжалланган, капчалардан хиёл катта бўлмай аёлларнинг заиф қувватига мўлжалланиб ясаладиган бўлди. Отамнинг ўзига яساتган кетмонларини кўтара олмаганимдан, майдалашган бу кетмонлар менга ёқиб тушарди.

Узоқроқдан қараганда қизиқ манзара кўзга ташланар эди. Ҳар хил рангдаги чит кўйлақларга ўраниб

олган аёллар енгларини шимариб ишга тушган бўлар, катта майдон узра бир кетмон ҳавода ялтираб кўринса, иккинчиси ерга қадалаётган, учинчиси ердан узилиб, юқори томон қалқийётган бўларди. Бир кетмончи отизнинг ўрталарига бориб қолган бўлса, яна бири ҳали эгат бошида юрган бўларди. Гўё дунёда кетмон чопишдан бошқа ташвиш йўқ: на мол-ҳол, на нон ёпиб, овқат пишириш, на ўзига зеб бериб, аёллик бурчини адо этиш, на бола-чақага қараш... Кетмон, кетмон, яна кетмон!..

Ҳар бир кетмончининг ёнида ўроқ, унинг кичик шакли — картгич ҳам бўлиши шарт эди. Картгич билан кетмонда олиш хавфли ҳисобланган ғўза томоғини ўраб олган сув ўти ёки печаклар усталик билан қирқилар ва йиғиб кечқурун ишдан чиққанда икки-уч боғ қилиб уйда танғиб қўйилган молга олиб кетиларди.

Отаназар бийдай майдон эди. Бу ерда соя-салқин берадиган бирон дов-дарахт бўлмасди. Баъзи артелчилар кичкина чертак қилиб жон сақлардилар. Ғўза чопиғига келганлар эса жанубдан эсадиган Қорақумнинг ҳовурли, баданга чўғдек босиладиган офтоб иссиғи билан яккама-якка эдилар. Опам мени офтоб тиғидан авайлаб отиз ораларидаги челларда ўсадиган бўёнларнинг тағларини тозалаб, устига бошидаги рўмолини ёзиб ташларди. Фақат бош томонимга кўланка берадиган буён устидаги шу соябон остида иссиқдан сақланардим. Бир оз дам олганимдан кейин ғайратим тутиб, опамнинг қўлидан кетмонини олиб чопиққа тушардим. Бироқ, менинг ғайратим узоққа етмас, атиги бир ёки икки эгатни чопиб толиқаман. Тер босади, оёқларим қалтираб мадорсизланаман. Бундай пайтларда опам дарров ёнимга келиб, узун енгларини ҳавода силкиб-силкиб юзимдан терларимни артади, бошларимни қайта-қайта силайди-да, менга таниш бир неча сўзларни такрорлайди:

— Дармоним, қувватим!

Мен опамнинг қўлидан чиқиб, ўзимни бўён соясига олдим. Опам эса тўхтамасдан соатлаб кетмон урди. Чарчаган пайтларида ўзини сояга олмас, бунга иложи ҳам бўлмасди. Пайкал устида беш-ўн дақиқа ўтириб, яна кетмонга тушарди. Бугун ҳам иш шу тарзда бўлди. Зериккан пайтларимда тик офтобдан ҳосил бўлган соямни яланг товоним билан ўлчардим. Соям нечта товонга тўғри келганда тушлик учун занг урилишини билар эдим. Соям ўлчови тушликка яқинлаш-

ганини сезиб қолгудек бўлсам, занг бўлишини кутиб кайфиятим кўтариларди. Тахминимдан бир неча дақиқа нари-бери артель жойда дарвоза олдига осиб қўйилган темир занг данғилламаси эшитилар ва биз дарров ишни ташлаб артель жой томон йўл олардик. Бугун ҳам худди шундай бўлди.

Чертакка тўшалиб қўйилган бўйрага ўзимизни ташладик. Дарвоза олдида очиқ жойда хашак ёқиб қайнатилаётган танқонлардан чой дамлаб олиб, чой ичишга ўтирдик.

Офтоб қовирмасидан кейин баланд бу чертакда ўтириб чой ичиш ўта завқли эди. Одатдагидек, ғир-ғир шабада. Офтоб тафтини бутун бадандан суғуриб олиб, жонларга ором бағишларди бу шабада.

Опам нонни рўмолча тугунидан бўшатди-да, қат-қат букланган бу мато парчасини ҳавода бир силкиб қоқди. Этагидаги нонни олиб, унинг устига оҳиста қўйди. Чўрак деб аталадиган нон ҳавонинг иссиқлигидан сўриғиб, аранг тиш ўтадиган даражага келиб қолган эди. Бироқ оғизга тушгандан кейин ҳолвадек эриб кетаверарди, хусусан, чой билан ейилса. Дунёда чой ва нондан бошқа ширин овқат йўқ эди, бу маҳалда.

Кейинчалик, ўша тушликларни эсласам, энам айтиб берган бир ривоят хотирамда тикланаверади.

Бир подачи йигит бўлган экан. Онаси ҳар кун унинг белбоғига нон тугиб бераркан. Кунларнинг бирида подачи йигит онасига:

— Қуруқ нон жонга тегиб кетди. Майдонда ейишга бошқа бирор нарса берсангиз эди, — дебди.

— Хўп бўлади, болам, — дебди она.

Навбатдаги бир кун она белбоғга одатдаги нонни тугибди-да:

— Мана, белбоғингга ҳолва тугдим. Тугунни кун пешиндан оққанда еч, бўлмаса яна нонга айланади, — дебди.

Йигит онасининг айтганини қилибди. Кечқурун она-си ҳолванинг мазасини сўрабди.

— Бирам мазали экан, бирам мазали экан, — дебди подачи...

Ҳамон ёқимли шабада эсар. Ишда толиққан қўлу ёёқларни майин силаётгандек бўлар, офтобда тобланиб, қотиб қолган юзларни елпиётгандек эди. Чойдан кейин одатдагидек бўйра узра ёнбошлаб, кўзлар уйқуга кетибди. Бундай пайтларда одам қанча ухлаганини, қандай ухлаганини ҳам билмай қолади.

Бир маҳал уйқу орасида ваҳимали, бироқ таниш товуш эшитилди. Опамнинг елкамдан турткилаганини сездим. Уйғондим. Кимдир «артель жой» дарвозаси олдидаги ялпоқ темирни уриб занг урарди. Дам олиш тамом, деган гап эди бу.

Ҳамма апил-тапил ўринларидан туриб, чойнак-пиёла ва дастурхон сифатида ишлатилган нон ўрагич рўмолчаларини олиб, пастга тушадиган занги дерачаси томон интилдилар. Бир неча дақиқа ичида ҳамма кетмонларини елкаларига олиб, эрталаб бригадир белгилаб берган чопиқ ерларига йўл олдилар...

Кечқурун куни билан борлиқни ўз оловига кўмган офтоб ишдан чарчаган чопиқчи сингари ер бўйрасига ёнбошлади. Биз эса белгиланган ишни адо этиб, уй томон йўл олдик.

Кетмон менинг елкамда, опамнинг елкасида эса икки боғ ўт эди.

Опам ва отамни «меҳнат зарбдори» дейдиган бўлдилар. Оддий тилда кўпроқ «ударник» сўзи ишлатиларди. Аввалига мен бу сўзнинг маъносига кўп тушунвермадим. Бу — опам ва отамнинг меҳнатларини қадрлайдиган атама эканлигини кейинчалик англадим.

XXXIX. ТУНГИ ШАРПА

Қулоқ қилиб, бадарға қилинган Бўрон боболар эшиги олдидаги «Тахта ер»га пахта экилган. Тим қоронғи тун. «Тахта ер»даги энди гулга кираётган гўзалару солма бўйидаги сада бўлиб ўсган ўрик дарахтларидан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Ҳаммаёқ жимжит. Фақат «тахта ер»нинг нариги томонида хандақдаги қурвақаларнинг вақ-вақи тўхтамасди. Иккинчи эса, Бўрон боболар ҳовлисининг ён томонида айланиб, сув шопириб турган икки чиғирнинг ғийқилдиси ва кимнингдир чиғир айлантираётган отга нисбатан «чув» деган дашноми эшитилиб қолади.

Чиғир-солма бўйида шалп-шулп этган сас эшитилади. Шундангина мен гўзага сув тараб юрган опамнинг қаерда эканини англаб оламан. Қишлоғимизда болаларни тинчитиш учун «ана бўжи келди», «у ерда жин бор, бу ер алвастихона» деган гапларни кўп эшитганим бор. Шу сабабдан қоронғида қўрқишим табиий эди. Бу ҳолни яхши билган опам:

— Матёқуб, болам, нердасан?—деб ўзининг борлигини билдириб қўяди.

Мен ҳам унга жавобан:

— Ҳа, мен шўрдаман, — деб қўяман. Қоронғи бўлса ҳам ўзимга қандайдир машғулот излайман. Солмада оқаётган сувни томоша қиламан. Сув ёқасидан лой олиб, дарахт тубларига чаплайман... Баъзан нималардир кўзимга кўрингандек бўлади.

— Опа-а-а! — деб чорлайман.

— Жо-оним, ҳа-а, не керак, қўрқма! — деган овозини эшитиб тинчийман-да, яна ўйин билан машғул бўламан.

Баъзан опамнинг қўлидан капчани олиб, унга ёрдамлашмоқчи бўламан. Бироқ бу иш қўлимдан келавермаганини англаб, ҳафсаласизланаман. Яна бошқа бирор ўйин билан банд бўламан.

Айрим ҳолларда опам болалик аёл сифатида уй атрофидаги ғўза чопиғи, чигир ҳайдаш, сув тутиш ишларида қолдириларди. Бригаднинг марҳамати ҳисобларди бу. Бироқ чопиқ ер миқдори Отаназар майдонидагидан кўпроқ бўлади. Бундай ҳолларда опам ҳали чақалоқ синглим Ойпошшани сомон тиқиб сиртқи томони чарм, ички томони кигиз қоплаб тикилган кучан ичига жойлаб бирор дарахт соясига ўтқазиб қўярди. Менми ёки укам Отамуродми, унга қараб юргувчи бўлардик. Аксарият ҳолларда опам кечқурун чопиқдан кейин уй ишларини тезлик билан саранжом қилиб, қўлига капча оларди-да, сув тутишга кетарди.

Бугун ҳам шундай бўлди. Кечқурун ранги совуқ, юзлари дағал бригадир келиб қатъий оҳангда опамга:

— Қурвонбика, чеча, кечқурун Бўрон акаларнинг ерига сув тутишга борасан! — деди.

Уй ишлари билан қай даражада банд бўлмасин опам буйруққа эътироз билдира олмади. У қисқа қилиб:

— Яхши, — деди.

«Яхши» сўзининг охириговушлари паст оҳангда айтилганидан рози бўлишга мажбур экани сезилиб турарди. Рози бўлмасликнинг иложи ҳам йўқ эди. Баҳор кунлари рўй берган даҳшатли бир воқеа менинг хотирамда тикланди. Бунга ҳам сабабчи ўша бригадирнинг буйруғи эди.

Кечки пайт эди. Ҳаво булут. Ёмғир ҳиди келиб турарди. Бригадир ёз эшигимизни қоқиб опамни чақирди-да:

— Ҳозир Юсуп аканинг ерига бориб чигир қўшасан! — деди ва қайсидир отнинг белгисини айтиб, ўшани олиб бориш керак эканини билдирди.

Опам ёлғизлигини важ қилиб, бошқа одам юборишини бригадирдан илтимос қилмоқчи бўлди. Бироқ опам ҳали гапини тугатмасданок:

— Борасан! — деганди. Бу сўзнинг оҳангидан «буйруқ қатъий» деган маъно сезилиб турарди.

Юсуп аканинг ери ҳаммага маълум эди. Ернинг бир томони Фарров, иккинчи томони «Оқ тиш» деб аталадиган ёп бўлиб; шарқ томони зич тўқайга туташиб кетарди. Икки танобча келадиган бу ерни Фарров бўйига қурилган битта чиғир сув билан таъмин қилиб турарди. Бизнинг уйимиздан ярим чақиримча юқорида бўлган бу ер атрофи кимсасиз бир жой эди. Опам от етаклаб бориб, кечаси билан шу ерда чиғир ҳайдаши керак эди.

Опамнинг ҳолатини тушунардим. Унинг юз-кўзлари жиддийлашган, аламли эди. Биз болаларига нисбатан айтиладиган эркаловчи сўзлари ҳам оғзидан чиқармасди. Отам Отаназар майдонида ётиб ишлайдиган қандайдир юмуш билан банд. Бекжон акам арваси билан узоқ сафарга жўнатилган эди. Уйда опамнинг ўзи ва биз болалар эдик.

Ҳиёл вақт ўтгач, опам қаердандир бригадир айтган отни олиб келди. Кўп ўтмасдан укаларимни қолдириб, биз отни етаклаб «Юсуп ака ери» томон йўл олдик.

Йўлнинг ярмига борганимизда, ғарб томондан ёпирилиб келаётган булут қора қуюнга айланди. Момақалдиरोқ қаттиқ гулдираб берди. «Оқ тиш» ёпдан на-нарёғи Юсуп ака чиғиригача бўлган масофани шудгор узра ўтиш керак эди. Шудгор ўрталарига етиб борганимизда жала қуйиб берди. Бамисоли осмон деразаси очилди-ю, булут бағридаги барча сув бизнинг устимизга қуйиляпти. Бир зумда шудгор лойга айланди. Юриш қийинлашди. Ёмғир аёвсиз ёғаверди. Шудгор усти кўлмак сувларга тўлди. Борган сари авжга минаётган жаланинг йирик-йирик томчилари осмондан туриб отилган ўқлардек кўлмак сувларни ёриб ерга сингиб кетаётгандек эди. Шу орада осмонда ҳар хил шаҳобчалар ҳосил қилиб, чақмоқ чақди. Унинг бир учи Юсуп акалар ерининг нариги бурчагига қадалгандек бўлди.

Момақалдироқ ваҳималари ҳақида кўп эшитганман. «Фалончининг отини чақмоқурибди», «фалончини мажруҳ қилиб кетибди», «у оқ нарсага ўч бўлармиш» ҳоказо ва ҳоказолар. Бу миш-мишлар эҳтиёткорлик ҳиссини уйғотарди менда. Чақмоқ чақадиган бўлса, бошқалар сингари бирор жойга — иморат атрофида бўл-

сам ичкарига, дала жойда бўлсам бирор дарахт панасига бекинишга ҳаракат қилардим. Бу ер эса шудгор ўртаси. Бекинишнинг иложи йўқ.

Бир неча дақиқадан кейин чақмоқ яна ҳам кучлироқ чақиб берди. Энди унинг оловли найзаси шудгор ўртасига қадалгандек бўлди. Бунинг устига кучли ва беқарор шамол йирик жала томчиларини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга бурарди. Қайси томондан бўлса ҳам асосий қисми бизга келиб урилаётгандек эди. Бир неча дақиқа ичида шалаббо бўлдик. Булар ҳам етмагандек етакдаги от раъйли чиқди.

«Раъйли от» иборасини ҳам кўп эшитганман. Уловдами, етакдами бирор сабаб билан тўхтаб қолса, бу хилдаги отларни судраб ҳам ўрнидан силжитиб бўлмайди. Жала ва чақмоқ ваҳимаси отга ҳам таъсир қилди шекилли, у тақа-тақ тўхтади. Опам от бошбоғини қанча тортмасин, қай даражада ҳайвонларга айтиладиган дашном сўзларини ишлатмасин, от бир қадам ҳам олға силжимасди. Аксинча, бўйнини юқори кўтариб, опамни орқага тортарди. От кучи билан орқага тисарилганда опамнинг калишлари лой ичида қолиб кетиб, уни топиш учун анча овора ҳам бўларди.

Момақалдиरोқ ҳамон авжида. Унинг овозидан заминуну осмон ларзага келади. Жаланинг шовуллаши унга жўр. Булут билан буркалган ҳавода чақмоқнинг оловли тиғи ўйнайди. Мен раъйли отни силжитишга уринаётган опамнинг пинжига тикиламан. Табиий, у нарироқ тур, дея олмайди. Бир қўли от нўхтасига боғланган арқонда бўлса, иккинчи қўли билан мени ёнига тортади. Чақмоқ ёруғида кўзларим опамнинг юзига тушади. Унинг юзидан ёмғир сувлари тинимсиз оқиб тушар, кўзлари эса аланглайди. Гоҳ осмонга назар ташлайди, гоҳ отга қараб нималардир дейди, гоҳ юзкўзларини енги билан артади. Бироқ ёмғир сувлари бу билан тугамайди. Қийим-кечаги билан сувга шўнғиб чиққандек кўринарди опам.

Жала хиёл пасайди. Момақалдироқ ҳам нарироқ— юқори томон силжигандек бўлди. Чақмоқ ҳам бир оз узоқлашди. Гўё улар бошқа бир раъйли отни етаклаб чиғир қўшишга бораётган она-болани излаб кетаётгандек эди.

Ярим соатлар чамаси бу жала шудгорни асл кўлга айлантириб кетди. Бизга раҳми келгандек от ҳам раъйидан қайтишга мойиллик билдирди. Чувҳо-чув, тортҳо-тортлар билан уни чиғир чертагигача олиб бор-

дик. Зарур уловларни топгунча ҳам анча вақт ўтди. Ниҳоят отни чиғирга қўшдик. Бироқ от ўз раёини унутавермасди. Чиғир кўмачини беш-ўн марта айланиб-айланмай тўхтар, унга на дашном таъсир қилади, на хушомад. Сағрисига туширилган тол новдасининг зарбигина уни ўрнидан қўзғата оларди, холос. Бу ҳам кўпга эмас.

Кийимлар шалаббо, баҳор шабадаси уларни баданга ёпиштиради. Қалишлар ҳам шалаббо, юрсангиз балчиқ босгандек шалт-шулт қилиб ёқимсиз овоз беради. Опам «шамоллаб қолмасин яна» маъносида бўлса керак, тез-тез менга тикилиб-тикилиб қараб қўяди. Ниҳоят бир оз ўзига келди, шекилли, ҳозир келаман деб, ҳали суви сингиб улгурмаган шудгордан уй томон йўл олди. Кетишдан олдин:

— Қўрқма, бу ерда қўрқадиган ҳеч нарса йўқ, мен тез келаман, — деб юз-кўзларимни бир қатор назардан ўтказди. Хўл қўллари билан нам бошларимни силаб-сийпалади ва юдатдагидек: — Қувватим, қудратим! — деб эркалади.

Чорак соатлар чамаси бу кимсасиз жойда бир ўзим қолдим. «Жин», «ажина», «алвасти»лар доим менинг хаёлимда эди. Улар дарахтзор ва чакалакзорлар орасидан, чиғир карзидан чиқиб келаётгандек бўлаверарди. Бордию шундай кор-қол рўй берадиган бўлса, дарров от устига чиқиб оламан, деган қатъий қарорга келиб қўйганман, ўзимча.

Опам кетгач, этларим жунжикиб, чиғир кўмачи устидаги чертак ўраларига — устунларига ён бериб ўзимни етим боладек ҳис қилиб ўтирдим. Хаёлим мени ҳар томонларга олиб кетади. Ҳар бир дақиқа соатлар билан баробар эди.

Бир маҳал Фарров ёқалаб кетадиган чиғир-солма атрофидаги чакалакзор шитирлаб қолди. Нимадир бор деб ўйладим. Қўрқув босди. Бир зумдан кейин мен томон келаётган бир нарсага кўзим тушди. Бутун вужудим ток ургандек жимирлаб кетди, совуқ тер босди, юрагим қинидан чиқиб кетадигандек бутун борлигимни ларзага солди. Тиззаларим қалтироққа тушди. Қўрқув кучайиб, тубсиз жарга ағанаб кетаётгандек бир ҳолатга келганимда, пайдо бўлган нарса ўзимизнинг ит эканлиги маълум бўлди. Оғир жазодан қутулган одам ҳолатида сездим ўзимни.

Ит ҳам менинг қўрққанганимни сизди, шекилли, бир қадамча жойга келиб, икки оёғини мен томон чўзди-да,

ётиб олди ва тинимсиз равишда думини ликиллата кетди. Мен бир оз ўзимга келганимдан кейин ўрнидан туриб, суйканиб у ёқ-бу ёғимдан ўтди. Узун тилини чиқариб, юзларимни яламоқчи ҳам бўлди. Унинг шу ҳаракатларига овунган бўлсам керак, кейин қўрқув ҳисси бир оз сўнди.

Опам билан от етаклаб йўлга чиққаннимизда ит бизни анча жойга кузатиб қўйган эди. Опамнинг «уйга бор» маъносидаги дашномидан кейингина орқасига қайтганди. Опам кийимларини алмаштириш учун уйга борганда у кўрадики, мен йўқман. Дарров мени излаб йўлга чиқади. Мана, энди у менинг олдимда. Энди мен ёлғиз эмасман!

Кўп ўтмасдан шудгор кечиб опам келди. Бир қўлида калиш, иккинчи қўлида менинг кийимларим. Оёқлари тиззасига қадар лой.

— Ит ўлгурни мен уй ёқда қидириб юрибман, — деди опам. Олиб келган зоғоранинг куйикроқ жойини синдирди-да, итнинг олдига ташлади. У зоғора бурдасини икки ямлаб, бир ютди. Қуйруқларини ўйната-ўйната опамга қаради.

— Тур, уйга бор, уй ёлғиз! — дашном қилди опам.

Ит ўзини айбдор ҳис қилгандек бўлди. Думини ликиллатиб, елкаларини хиёл қисиб, бўйинини қуйи солди ва чакалакзорга кириб кетди.

— Уйда укаларинг ёлғиз, — деди опам. Бу билан итни уйга жўнатганининг сабабини билдирмоқчи бўлди.

Хуфтонларда чиғирни тўхтатиб, раъйли отни етаклаб, уй томон йўл олдик. Шудгор ҳамон шилта эди. Уй томон йўл олганини сезган от ўз раъйини ҳам унутиб қўйди. шекилли, қаршиликсиз юриб келарди.

Бугун ҳайрон бўламан. Ёмғир қаттиқ ёққан. Ер жиққа сув. Не азоблар билан чиғир ҳайдаб, биз чиқарган сув қаёқларга кетди экан. Мен буни ҳанузгача билмайман. Ўша вақтда, эҳтимол, опам ҳам билмагандир буни.

Юсуп ака ерида чиғир қўшиш билан боғлиқ бу воқеа хотирамда бўлгани учун оқшом пайти уйимизга яқин жойда — қўшни Бўрон боболар ерида опамнинг сув тутиб юриши ажабланарли ҳол ҳисобланавермасди.

Кунларнинг бирида эшик олдидаги йўлда қий-чув овоз эшитилиб қолди.

— Кино, кино, — деган сўзлар қулоғимга чалинди. Илгарилар бу хилдаги қий-чувлар «маймунча» ё «мас-

харабоз»лар келганда бўларди. Энди унга кино ҳам қўшилди.

Бу сўзнинг маъноси менга таниш эди. Қишлоқнинг бирор файзлироқ ва кенгроқ жойида, одатда бирор хонадон ҳовузи бўйида шом бўлиб, қоронғи тушгач, қандайдир ускуналар туширилар, бир чеккага оқ мато тутиб, ғилдиратиб нималардир ҳаракатга келтириларди. Оқ матода ҳар хил ҳаракатлар бошланарди. Аксарият ҳолларда уриш-жанжаллар, бир-бирларини дўп-послашлари, қилч билан олишишлар, милтиқ ёки наган билан отиб ўлдиришлар. Овозсиз эди бу ҳаракатлар.

Бу галги кино Жуман маймил эшиги олдида бўлиши керак экан. Қий-чувга Жумабой, укам Отамурод учаламиз ҳам қўшилдик.

Жуман маймил қишлоғимизнинг бадавлат бойларидан бўлиб, ёз эшиги файзли эди. Тахминан кичикроқ бир ҳовли ўрнича келадиган ҳовуз, гир-атрофи супа, супанинг ички томони қатор қора тол, ташқи томони тубига қучоқ етмайдиган чинни гужум — садалар. Бу ернинг эгаси муштумзўр сифатида сургун қилинган. «Саккиз» қишлоғининг юқори қисмида жойлашган салобатли ҳовли олдидаги бу файзли жойга илгари яқинлашиб ҳам бўлмасди. Ҳовуз атрофида қип-қизил гиламу безакдор туркман наматлари тўшалган бўлиб, аксарият пайтларда қандайдир салобатли меҳмонлар, елиб-югуриб уларга чой-овқат ташиб юрадиган ёш-яланг хизматчилар кўзга ташланарди. Эндиликда бу жой эгасиз, ҳувиллаб қолган. Илгариги файзини қисман йўқотган ҳам.

Биз бориб етганимизда кино бошланган эди. Нимадир ғириллаб айланар, оқ матода баъзан ёруғроқ, баъзан хирароқ шакллар ҳаракатга келарди. Илгари ҳам биз кўриб юрган татар йигити изоҳ бериб ўтирарди.

— Ана оқлар қочалар, ана қизиллар оталар, — қабилида эди унинг изоҳлари.

Қиноларни канда қилмасдан кўриб туришимизда бизнинг ўз гаразимиз ҳам бор эди. Яқиндагина опам сув тутиб юрган пайтда дағал бригадир бошчилигида уч-тўрт одам пайдо бўлиб қолган эди. Уларнинг қўлларида кўриниши пулемётни эслатадиган ускуна. Ускунани опамга тўғрилаб, ҳар хил буйруқлар қилишди. Аввало устида янги чит кўйлак, лачаклари кўримли қилиб боғланган, елкасида капча, уйдан чиқиб келаётган ҳолда у ер-бу ерда тўхтатиб, ҳалиги пулемёт-

сифат аппаратларини унга қаратиб, эшитилар-эшитилмас ғириллатдилар. Кейин сув тутиб юрган жойга олиб келишиб, «капчани ундоғ тут, капчани бундоғ тут» қабилда опамни ғўза эгатларига сув таратиб юрган ҳолда ускунани ишлатдилар. Ишларини битиришгач, бу нотаниш одамлар ускуналарини йиғиштириб файтуун араваларига миниб, жўнаб кетишди.

Қандайдир ўзига ярашиб тушмайдиган хушмуомалик билан:

— Қурбонбика чеча, сени кинога олдилар, — деди дағал бригадир.

Опам бригадирнинг бу гапларига кўп ҳам парво қилмай:

— Ҳм, — деб қўйди.

Ушандан буён укам Отамурод билан «кино келибди» десалар, биринчилардан бўлиб чопамиз. Ва бошдан охир диққат билан томоша қилиб, оқ матода опамизни кўришни кутамиз. Ҳар гал уни оқ матода кўрмаганимиздан ҳафсаламиз пир бўлиб қайтамиз. Бу гал ҳам шундай бўлди.

XXXX. ҚУРОМБОЙ КОПИРАТЧИ

«Мато келибдимиз, мато», деган гаплар тарқалди кўни-қўшнилар орасида. Бу хабар қулоғига етган опам сандиқнинг қаерларидадир эҳтиётлаб қўйган пулларини олиб, бирров санади ва йўлга отланадиган бўлди. Кузатиб қўйиш учун эшик олдида чигир ўқ кўпригига борганимда менга бир назар ташлади-да:

— Юр, сен ҳам юрағай! — деди.

Опам қаерга бормасин бирортамизни ёнида йўлдош қилиб олиб юриши маълум эди. Бекжон акам муҳимроқ ишлар билан банд бўлар, укаларим ҳали ёш, йўлдошликка энг қулайи мен эдим.

Опам билан бирга йўлга тушдик. Йўлда қўшни хотинлар ҳам қўшилишди. Кетаётиб улар копират хусусида, қанд ва чойнинг етар-етмаслиги, матонинг эса умуман камчиллиги ҳақида гапиришарди.

— Чойи ўз йўлига, буён томирини дамлаб ичса ҳам бўлади, қандсиз ҳам кун ўтади. Мато бўмаса қийин!

Мана улар орасидаги гапнинг асл маъзи.

Кейинги йилларда «копират» сўзи доим оғизда юрарди. Бироқ бу сўзнинг маъносига фақат мен эмас, катталар ҳам тушунавермасди. Бу сўзнинг маъноси «кооператив» эканини кейин англаб олдим.

Ҳар бир хўжалик қўлида махсус дафтарча бўлар, ким нима олса шу дафтарчада қайд қилиниб, чиройли маркалар ҳам ёпиштириб қўйиларди. Бу дафтарчасиз копиратдан савдо қилиш мумкин эмас. эди.

Копират Ҳаллангнинг марказий ўрамларидан бирида, бундан бир неча йил муқаддам муштумзўр сифатида сургун қилинган бойнинг ҳовлисида жойлашган эди. Одатдагидек бу ҳовли ҳам қишлоқнинг файзли жойларидан бири эди. Катта иморатнинг ёз эшик томонида кўламли ҳовуз, ҳовуз атрофлари тол ва тагига қора булутдек соя ташлаб турган гужумлар...

Копират иморатнинг қишки эшиги — дарвоза томонини эгаллаб олган бўлиб, бу савдо маркази Ҳаллангнинг бир неча юзлаб аҳолисига хизмат кўрсатар эди.

Биз етиб келганда ҳали копират очилмаган бўлиб, унинг эшиги олдида йиғилганлар тумонат эди. Уларнинг асосий қисми хотин-халажлар бўлиб, ола-ғовур, нақ бозорнинг ўзи эди.

Анча вақтдан кейин копиратнинг ичида нималарнингдир тақир-туқири эшитилди.

— Копиратчи келди, — деган овозлар тарқалди.

Оломон ичида жонланиш рўй берди. Эшик олди зичланди. Менга ўхшаган кузатувчилар ўзларини четга олишди. Опам оломон ичида, ора-сира кўзга ташлаиб турадиган бошидаги лачагидан мен унинг қаерда эканини кузатаман.

Копиратчи катта қишлоғимизнинг энг таниқли одамларидан бири. У «бароқлар» деб аталадиган ўрамдан бўлиб, Қуромбой копратчи, дердилар уни.

Ўрта бўйли, кенг елкали, юзи хиёл ясси ва лўппи, ранги сариёнғиз одам. Юзларидан табассум аримасди унинг. Гапирганда шу даражада тез гапирар эдики, унинг нима демоқчи эканлигини юз-кўзларидаги имо-ишораларсиз тушуниш қийин эди. Тоза ва бежирим кийинар эди Қуромбой копиратчи. Устида қора мовутдан тикилган узун камзул, бошида тепасига бахмал тутилган попоқ, оёғида ялтироқ кавказ этиги.

Бир маҳал секин ғийқиллаб эшик очилди. Қуронбой копиратчининг орқа эшикдан кириб келганини тахмин қилдим мен. Йиғилганлар эшикнинг тўла очилишини ҳам кутмасдан бир-бирларини итариб-суриб ичкарига ёпирилдилар. Қандайдир тақир-туқурлар ҳам эшитилди. Нимадир йиқилиб тушгандек, ҳатто ғарчиллаб сингандек сезилди менга. Оломоннинг ярми ташқарида қолди. Қий-чув бошланди ичкарида.

— Орроқ тур, тиқилавирма, — деган қичқириқлар эшитилиб турарди.

Бироқ бу билан қий-чувлар камаймасди, аксинча, борган сари авжига чиқарди.

— Қуромбой ака, Қуромбой ака, мана пул, мана дафтарча, — деган қақириқлар ташқарига эшитилиб турарди.

Омади келганлар эшик олдида уймалашиб турган коридорлар орасидан ташқарига отилиб чиқар, юз-кўзларидаги терни сидириб ташлаб, енгларини ҳавода силкиб елпинардилар-да, дарров қўлга теккан матони кўздан кечиришга шошилардилар. Ўлжа кўнгилдагидек бўлса юзлари ёришиб, кўзлари нурланарди. Опамнинг ҳам шулар сингари қўлида «ўлжа», очиқ чеҳра билан чиқиб келишини тоқатсизлик билан кутаман. Кутаману. яқин ўтмишда рўй берган бир воқеани эслайман:

Эшигимизнинг олдида дағал бригадир бошчилигида бир неча фаоллар пайдо бўлди. Улар бетакаллуф ва андишасизлик билан тўғри уйга кириб келдилар. На отам, на опам, на акаларимни назар-писанд қилишар эди, улар. Бамисоли эгасиз, ҳатто кимсасиз жойга кириб келгандек тутар эдилар ўзларини. Бир зумда ҳамма хонани кўздан кечирдилар. Бири пахтани чингитдан тозалайдиган чиғирчиққа ёпишса, яна бирови ип йигирадиган чархга ёпишди. Энам ва опамнинг ардоқлаб ишлатадиган бу ускуналарини кутилмаган қўполликлар билан ташқарида кутиб турган араваларга отишарди. Ичкари хоналардан бирида қурилган тўқув дўконини бузиш улар учун бир оз қийин бўлди. Шифтга боғланган ипларни узиб, нималарнидир тақирсуқур бузиб, йиғиб-териб уни ҳам аравага ортдилар, Кейинроқ етиб келган яна икки-уч фаоллар тўғри жувозхонага кириб, унинг енгилроқ ускуналарини ҳам чиқариб араваларга жойладилар. Уйдагилардан бирор кимса уларга эътироз билдира олмасди. Назаримда эътирознинг оқибати яхши бўлмаслигини билишарди.

Отам ўзини чеккароқда, аччиқ устида бирор нарса деб фаолларнинг жиғига тегишдан сақланар эди. «Элни ёт одамлар оралаб юрибди», деб токчадаги китобларни қаерларгадир яшириб келганини англаб қолдим.

Чиғирчиқ айлантриб, чарх ушлогичини бураб ип йигиришни эрмак қиладиган энам жиғибийрон эди. Ипғувчиларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатар, баъзан

нигоҳи, айрим ҳолларда аламли сўзлари билан муносабат билдириб қўярди.

— Нишетвотирсизлар? Вой, худойимай, боғалорим не кияди, не ёпинади? Бу неткан кун! — дерди у.

Тортиб қўйган ҳар хил рангдаги иплари билан тўқув дўконини йиғишаётганида опам:

— Буларнинг гуноҳи не экан? — дея оларди, ҳолос.

Йиғувчилардан садо чиқавермасди. Улар кўпроқ битта-иккита сўз билан жавоб бериб қўя қоларди:

— Шўронинг буйруғи!

Кейин бу воқеа хусусида тарқалган гап-сўзлардан билиб олдим. Зийли қишлоғининг ўзидан ўн-ўн беш арава аслаҳалар тўпланибди. Аравалар карвон бўлиб, Ҳалланг шўроси идораси олдига йиғилибди. У ердан катта карвон бўлиб, Тошҳовузга йўл олибди..

Бу воқеадан кейин опам узоқ вақтлар ўзига кела олмай юрди. Кечқурунлар, хусусан қишнинг узоқ оқшомларида ўзини қўйрга жой топа олмасди. Муҳим бир нарсасини йўқотгандек бир жойда ўтирмас, гоҳ ҳовли томон чиқар, гоҳ ичкарига кирар. Баъзан туни билан ҳувиллаб қолган дўкон хонасига тез-тез кириб чиқарди. Опамнинг ҳолатини бошқалардан кўра энам тўлароқ тушунарди.

— Бечора боломай, дўконини ёдиннан чиқаролмайди, кавни жойидамас, — дерди опамнинг бу ҳолатларини кузатган энам. — Шўро қурсин — Нурмат қорача, ҳаммаси шунинг иши!

Энди ўйлаб кўрсам, энам рўй бераётган «янгиликлар»нинг бош айбори деб ўзимизнинг элдошимиз қишлоқ шўроси Нурмат қорача деб биларкан.

Копират томонда ҳамон шовқин-сурон, қий-чув, копиратчининг номини айтиб чақиришлар, «мана пул», «мана дафтарча», деб бақиришлар эшитилиб турарди.

Менга ўхшаб, опасигами, энасигами эргашиб келган болалар билан нимагадир чалғиған бўлсам керак, улардан бири тирсағи билан биқинимга туртиб:

— Ана, опанг чиқди, — деди копират томон имо қилиб.

Мен сакраб ўрнимдан турдим ва чопиб опамнинг олдига бордим.

— Олдим, — деди опам юзларида илиқ табассум ўйнарган. Қўлидаги матони менга тутқазди-да, кўйлагининг узун энглари билан терини артди ва бирпас елпинди ҳам. Ёқалари орқа томон қайрилиб кетган мунсагини тўғрилади. Бўшашиб қолган лачагини тор-

гиб, боғлади. Бошидан сирғаниб тушай деб турган рў-
молини тортиб, няғи тагидан ўтказиб олди. Бу ишлар-
ни у шошилмасдан, бамайлихотир бажарди. Қандай-
дир ғолибона хотиржамлик бор эди унинг бу ҳаракат-
ларида. Мен ҳам бу кайфиятга шерик эдим, албатта.

Бир неча қариндош, тенгдошлар уй томон қадам
ташлар экан, мен улар орасидаги узۇқ-юлуқ гап-сўз-
ларни эшитдим:

— Отасига бир кўйлаклик оқ, ўзимга бир кўйлак-
лик чит берди, — дерди опам.

— Менга беш метр мовут тегди, — дерди шерик
хотинлардан бири, — илгари фақат чит берган эди, қа-
ранглар, ёдида экан-да кофиратчининг.

— Менга беш метргина сатин берди, — деди опам-
нинг яна бир шериги.

У пайтларда бу хилдаги суҳбатлар мен учун йўл
босиб шунчаки айтиладиган қуруқ гаплар эди. Энди-
ликда ўйлаб кўрсам, кофиратчи бутун Ҳалланг аҳоли-
сини яхши танир, ким қачон нима олган, бу гал унга
нима бериш керак — ҳаммасини яхши билар экан.
Энди хаёлимда шундай манзара тикланади:

Копират ичи ола-ғовур одам. Ҳар томондан «мен-
га, менга» деган овоз таралади. Қуромбой кофиратчи
лардан бирининг пулини олади, агар қўли етмаса
«фалончи, пулингни узот» дейди. Пулни олиб ўша фа-
лончига илгари олмаган матосидан тегишлисини узата-
ди. Қўли етмаса эгаси томон отади, баъзан матони би-
рор нарса билан боғлайди-да, қўлидаги газ таёғи уч-
га илиб узатади. Кейинги галда яна шу аҳвол.

Уша-ўша қаерда пештоқда туриб савдо қилаётган
бирор кимсага кўзим тушса дарров кўз олдимга тез-
кор, ҳар кимнинг эҳтиёжига қараб иш тутадиган, хуш-
муомала Қуромбой кофиратчи кўз олдимга келади. У
билан баробар араваларга ортилиб шаҳар томон олиб
кетилган опамнинг йигирув ва тўқув ускуналари, бу
воқеадан кейин опамнинг маъюс ҳолатлари ҳам хоти-
рамда тикланади.

XXXXI. ПАЛОВ БУЛМАСА, ШОВЛА!

Отам бостирма тагида, чиғирўқ лабига яқин жойда
чой ўчоқ бошига тўрт буклаб ташланган намаг усти-
да бордош қуриб чой ҳўплаб ўтирибди. Елкасида елва-
гай тўн.

Бирон марта отамнинг офтоб чиққунча ухлагани-

ни эслай олмайман. У доимо саҳар мардонда туриб-намозини ўқир, кейин баъзи ишларини битказиб, чойга ўтирарди. Бу пайтда опам ҳам сигирни соғиб қатқини кубига ағдариб, отам олдига келиб чўккалар ва чойни баҳам кўрардилар. Аксарият пайтларда бу давра кенгаяр, чой ўчоқ атрофидан Бекжой акам ҳам, мен ҳам ўрин олардим. Ўзига хос файзи бор эди бу эрта-лабки чойнинг!

Бир кун эрталаб отам опамга назар ташлади-да: — Ана, Халилло ҳам киётир, — деб қолди.

Шунда биз йўл томонга қарадик. Биз қараган томондан бир маромда йўргалаб келаётган эшакка кўзим тушди. Унинг орқасида Халилло ака. Халилло акани, унинг оиласини яхши билардик. У оиласи билан қишлоғимизнинг адоғида, чиғирўқ, ёхуд тортма бориб тугаган жойда—ҳайит сайиллари бўладиган майдоннинг чеккасида яшарди. Улар бизга узоқроқ қариндош ҳам эди. Халилло акалар уч оғайни бўлиб, каттасининг исми Файзулла эди.

Файзулла ака гунг эди. Халқ орасида уни шунчаки «лол» деб аташарди. На қулоқ, на забон бор эди унда. Сумбати чўғли, бамисоли дев бўлиб, аксарият пайтларда, хусусан кечалари у қабристонни айланиб юрар ва уни ҳар хил офатлардан қўриқларди. Бирор ноҳўя воқеани кўриб қолса, чунонам бақирар эдики, унинг бу ташвишли овозини қишлоқнинг ҳамма жойида бемалол эшитавериш мумкин эди.

Бугун бу одам ҳақида ўйласам «одамнинг чиқити йўқ» деган халқ иборасининг нақадар ҳаётий эканлигига ишонаман. Ёлғиз ўтган бу одам ҳаётда ўзига муносиб ўрин топиб, элга фойда келтириб яшаган экан.

Уч оғайнидан кичигининг оти Ибодулла бўлиб, баланд бўйли, озғин, доимо юзидан табассум аримас, жиддий гапларни ҳам хушфёллиқ билан ифода қилишга одатланган, ёшлигидан дурадгорликни касб қилиб, ҳунари ўткир ҳисобланарди. Дурадгорликдан кўра ҳам хорротчиликда устаси фаранг бўлиб, антиқа ускунаси бўлардики, ускунанинг кўриниши бозордаги пичоқчиларнинг чархини эслатарди. Ибодулла ака ўзига хос бу ускунада чигит тозалаш, ип йигириш асбоблари-га нозик қисмлар тайёрлар, айниқса, ийик тайёрлашда унинг маҳорати юқори турарди. «Ийик» йигириш сўзи билан боғлиқ бўлса керак, ип йигирадиган чархнинг энг керакли қисми ҳисобланарди. Унинг йўғонлиги ўрта бармоқдан сал нозикроқ бўлиб, ўта тўғри

оўлади. Шу сабабдан бўлса керак, бирон нарсанинг ўғрилиги исбот қилинадиган бўлса «ийикдай тўғри» дейиларди. У асосан қаттиқ дарахт шохларидан, кўшнча, юлғун чўпидан ясаларди. Ийикнинг ўртасида металлик билан яратилган доира ўйдими бўлиб, унга илинган тасма воситасида ғириллаб айланар, икки учи оғиздек ўткир, чарх кучи билан тез айланиши натижасида унга илинган пахта ип бўлиб чўзилар, ярим қулоч чамаси йигирилгач, ийикнинг йўғон томонига яна ўша чарх кучи билан ўраб олинар эди-да, яна қайта йигиришга ўтилар эди.

Эсимни танигандан буён энам ё опам, ҳатто опамни йигиришганда бу манзарани кўп кузатганман. Ҳатто ийик синиб, ё айрилиб ишдан чиққан пайтларда:

— Бор, Ибодулла акангникига бор, ийик обке, — деб юборишар ва бу ишни мен жони дилим билан бақарардим. Бориб Ибодулла хорротнинг антиқа мосламасини ғир-ғир айлантрииб, ийик ясагини томоша қилиш мароқли эди мен учун.

Бу оғайниларнинг учинчиси Халилло махсум эди. У Файзуллага нисбатан елкалари кенг бўлса-да, бўйи пастроқ, ранги сариқроқ одам эди. Гапирганда саси қироатни бузиб ўқийдиган домлаларнинг овозидек чиқар, ҳатто хириллагандек эшитиларди.

Артель тузилгандан кейин Халилло акага ўзига хос иш юклатилди. У қишлоқ бўйлаб хўжаликлардан сут-сиг йиғадиган бўлди. Шу сабабдан бўлса керак, унинг исмига «сутчи» қўшиб айтилардики, бу атама унинг исмига ярашиб тушгандек кўринарди...

Халилло аканинг ўзи орқада, эшаги олдинда бостир-мамизга яқинлашгач, қадамини секинлаштириб тўхтади. «Мен келдим» дегандек бўйнини пастдан юқори томон бир силкитиб қўйди-да, чеккадаги сиплик чўп-чорлар орасидан емиш излагандек тимирсиклана бошлади. Ҳалати сифат ва сурати бор эди бу эшакнинг. У ўз турқи билан эшаклардан катта бўлиб, бола қулочича келадиган қулоқларига кўзи тушмаган одам, от деб ўйлаши турган гап эди. Эгари икки томонга лангар қилиб осилган оқ тунукадан махсус ясалган идишлар ўрнатилишга мосланган эди. Узоқроқдан эшакдан ҳам кўра эгарнинг икки томонидаги оқ идишлар кўзга ташланарди. Борадиган эшикларини ҳам у эгасидан кам билмасди. Қайси эшикка бурулиш зарур бўлса, Халилло акадан ҳеч қандай ишора кутмасдан бурилиб, зарур жойга келиб тўхтарди. Итлар ҳам унга ғайирлик

кўрсатавермасди. Одамлар: «Халиллонинг эшагига ўхшамай кет ёки ўхшамай ўл», деган сўзларни койинише маъносида ишлатишар эди.

Халилло ака билан отам-опамлар қуюқ сўрашди. Опам унга иззат кўрсатиб, алоҳида кигиз ташлади, олдига дастурхон ёзиб, бир чойнак чой қўйишди. Халилло ака чойни қайтариб бир хўплади, дастурхонни очиб нонни синдириб оғзига солди. Нонни ютар-ютмас эрталаб-ки юмушлари билан банд юрган опамни назари билан тўхтатди-да:

Қурбонбика чеча, мен сизларга охиринда келдим бошқалардан оладиганимни олдим, — деди одатдагидек хириллаган овозда.

Унинг бу сўзларида қандайдир хижолат оҳанги бор эди. Нимагадир опам томон бир назар ташлаб, дарров кўзларини олиб қочар, бирор таъна эшитиш хавфи бордек кўринарди. Отам Халилло аканинг опамга муружаатини эшитса ҳам бепарво, бордошни бузмас, нон чайнаб чой хўплашлари аввалгидек эди. Опам бир оз ўнғайсиздек тутар эди ўзини.

— Бугун озроқ обкетаман, — деди Халилло ака овозини хийла пасайтириб, — тўманнан кўпроқ йиғдим, — қўшиб қўйди **у опам** томон яна ўша хижолатомузлик билан назар ташлаб.

Опам бостирманинг бир чеккасида уй томон эгилиброқ ўсган оқ тол томон борди-да, узун енгининг бир қиррасини бармоқлари билан ушлаб, сочиққа ўраб осиб қўйилган ёғоч товоққа қўл чўзди ва «меҳмон» томон ўгирилишни ҳам лозим кўрмасдан гапирди:

— Сен ҳар сапар шундай дийсан-у, бир ҳафта апашлаб жийган мойимни оласан-кетасан. Мол планинг ҳам жонга тийди. Мен ҳар гал жўжасини қирғийга олдирган товукдай писим қуриб қолавераман!

Халилло ака «мен нима қилар эдим» деган маънода бўлса керак, ўнғайсиз ҳолда кўринар, кигиз гуллари томоша қилаётган алфозда назарини пастга олар. опам томонга қарамасликка ҳаракат қиларди. Опамни жуда ҳам норози қилмаслик мақсадида:

— Мен сизга гўшт план деб кемадим-гў, — деди га, — гўштни йилнинг охиринда берасиз, — деб қўшиб қўйди.

Бу сўзларнинг маъносини мен кейин тушуниб олдим. Ҳар бир хўжалик йилига икки пуддан кўпроқ гўшт топшириши керак бўларди. Бунинг номини «гўшт план» дейишарди.

Гўшт плани халқ бошига тушган офатнинг ўзи эди.

Ҳар йили кузга қараб икки-уч хўжалик бузоқ боқар ёки бузоқ боққан одам нақд пул тўлар ва тирик вазнда уни олиб бориб тегиншли жойга топшириларди. Кимки бу мажбуриятни ўз вақтида бажармаса, ҳовлисида нимаки моли бўлса олиб кетилавериши қонун эди.

Опам сочиққа ўроғлиқ ёғоч товоқни Халилло ака олдига қўяр экан:

— Эртага жума, болаларимнинг оғизлари қуроқсиб қолган, палов пишириб бераман дувидим, — деди.

Халилло ака ўзини тузукроқ жавоб топишдан ожиз сезди шекилли, ёнидаги ўроғлиқ нарсага қўл чўзди. Тугунни ечиб, қамчи дастасича келадиган сонга лангар қилиб осплган ликопча шаклидаги тунука паллаларни созлади. Қир босган томонга майда тошларнинг бир нечасини қўйди. Бамайлихотир товоқдан кичик коптокдек қилиб қўйилган сариёғни олиб митти тарозининг тозароқ палласига қўйди. Тарози сопининг ўртасидан ўтказилган чизимни кўтарди. Тарози паллалари лапанглаб юқори қалқиди. Тал келишини кутиб ҳавода бироз ушлаб ҳам турди.

— Ина, Қурбонбика чеча, бўлди, қолгани ўзларингизга, — деди Халилло ака одатдагидек қалтироқ овози билан.

Опам нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Халилло ака тезкорлик билан ўрнидан турди ва тарози палласидаги сариёғни эшаги устидаги идишлардан бирига ағдарди. Йўл-йўлакай ўз-ўзига гапираётгандек:

— Сут ва мойларни тезроқ қалъага (Тошҳовузга) отказим керак, — деди.

Бу билан у сут ва мойларни ўзим учун эмас, ҳукумат учун йиғяпман, демоқчидек кўринди. Энди унинг ҳаракатлари тез ва чаққон эди. Деворга суяб қўйган таёқчани қўлга ҳам олганди, эшак эса ҳеч қандай ишораю буйруқсиз орқасига ўгирилди-да, катта йўл томон қадам ташлади. Опам ёғ солинган товоқни яна дастурхошчага ўрар экан, тунча—ўчоқ чўғларини олдига тортиб, пинагини бузмасдан чой хўплаётган отамга, оёқларини узун кўйлак ичига букиб ўтирган энамга бир-бир назар ташлади-да:

— Болалар эртанг палов эмас экан-да! — деди.

Энам опамни овутиш учун бўлса керак, хўжаликлардан сариёғ йиғиш тартибининг жорий қилган Эрмат қорачани койган бўлди:

— Ер ютсин шу Эрмат қорачани, норасталарнинг ризқини олади. Бир гун соримой деб келади, ена бир

гун йимиртқа дийди. Жунни, жунни қўймайди бу қур-
ғурлар!

Бу кунлари шўро лавозимида юрган ҳамқишлоғи-
миз Эрмат қорачани мен яхши билардим. У табиятан
яхши одам бўлиб; Қорақул кемачи ўқиға дучор бўлган
Нурмат қорачанинг ўғли эди. Эрмат қорача отасининг
ўлимидан кейин унинг ўрнига сайланган.

Ушанда энамнинг эътирозли гапларини эшитиб, ун-
га ишонардим. Бироқ ёғ, сут, жун йиғишга ўхшаган ҳо-
дисалар қишлоқ шўросининг иши эмаслигини, балки
ундан юқорироқ ташкилотларга боғлиқ иш эканини
мен кейин тушундим.

Отам ҳам опамни нимадир деб овутмоқчи бўлди
шекилли, бепарвоғина назар ташлади-да, деди:

— Палов бўлмаса, шовла!

Опам анча хўрсниб:

— Болаларимнинг ризқи урсин буларни, — деди-да,
дастурхончага ўралган товоқни обориб яна толга осиб
қўйди ва энам олдиға бориб тиззаларини кенг қўйлаги
ичида буклаб чўккалади. У кўп ўтирмай, кескин ҳаракат
билан ўридан туриб, ичкариға кириб кетди ва анча
вақт ичкаридан чиқмади.

Энам девор тубида тик турган ва устиға пишкак
кеса қилиб қўйилган кубига назар ташлади-да:

— Қисинди, бечора, кубини чойишғода мадори ке-
мади, — деди.

Кейинчалик бу хилдаги воқеаларни эсласам халқ
огзида юрадиган қуйидаги байтлар хотирамға келаве-
радиган бўлди:

Озонда куртук, кечда куртук,
Билмай артелға кирдик.

Ёки:

Озонда шавла, кечда шавла,
Артелнинг бўйида тўрва!

* * *

Файзулла ака урушдан кейинги йилларда вафот эт-
ди. Лол бўлса ҳам бу одамнинг ўлимидан қишлоқнинг
бир чеккаси кемтилгандай бўлди.

Халилло аканинг қисмати оғир бўлди. У иккинчи
жаҳон уруши бошларидаёқ сафарбар қилиниб, жанг
қурбони бўлди. Ундан иккита фарзанд қолди.

Ибодулла аканинг ҳаёт йўли бошқачароқ йўсинда кечди. Мато тўқиш тугатилгач, ип йиғиришга ҳожат қолмади. У ясайдиган буюмларнинг ҳам аксарияти кераксиз бўлиб қолди. Умрини асалари боқишга бағишлади. Кейинчалик у Қуръони карим ва машҳур ҳадисларни чуқур мутолаа қилиб эшонлик даражасига эришди ва элининг азизларидан бири бўлди. У бундан бир неча йил илгари боқий дунёдан кўз юмди. Эндиликда унинг фарзандлари Насрулло ва Саидабдуллалар элининг фахрли намоёндалари бўлиб хизмат қилишяпти.

XXXXII. ОТНИНГ КЎЗ ЁШИ

Воҳанинг қиши ҳам ўзига хос. Орол томондан шамол эсиб қолса қаттиқ совуқ, ҳатто, баъзан Русия совуқларига нисбатан ҳам бешафқат бўлади. Шамол йўналиши Қорақум томондан бўлиб қолса, ҳавода бир неча кунлаб иссиқ ҳарорат ҳокимлик қилади.

Шундай илик қиш кунларидан бирида укам Отамурод дарвоза томондан чопиб, ичкари хонага кириб келди ва ҳаллослаганича тутилиб-тутилиб гапирди:

— От.. от.. от йиғлаб турибди!..

Қарийб ҳаммамиз хонада эдик. У пайтларда қиш кунлари, аксарият ҳолларда чошгоҳга каттароқ қозонда мошова пишириларди. Жазли бўлса қатиқсиз, жазсиз бўлса қатиқ қўшиб ичиларди. Мошовадан обдан тўйиб, тўн устидан белларини маҳкам боғлаб, телпакларни кийиб, ҳар ким ўз ишига тарқаларди. Кимдир ўтин-чўп йиғишга, кимдир қўй боқишга, яна кимдир молларга қарашга...

Кейин билсам, ўша мошованинг қуввати пешиңгача етар экан. Укам Отамуроднинг хабари печка олдига қурилган ўчоқдаги қозондан ёғоч товоқларга мошова сузилаётган пайтга тўғри келди. Опамнинг чўмичи қозондан хиёл кўтарилганича, муаллақ қолди. Гўё фавқулодда қандайдир воқеа рўй беряпти-ю, қилт этиб қимирлаш ўта хатарлидек. Иситгич ёнида ўтирган отам нимадир деётган эди чамамда, жим қолди. Энам гоҳ опамга, гоҳ отамга назар ташлар. Бекжон акам бу хабарнинг маъносини ҳаммадан олдин тушунди, шекилли, бошини бир кўтарди-да, қуйи солди. Шу ўтирганича ўтириб қолди. Усиз ҳам кичик кўзлари яна ҳам кичрайгандек кўринди менга. Пешона ва няклари тиришгандек бўлди. Хиёл вақт ўтгач:

— Бекжо-он! Ош сувиб қолди! — деди опам оналик

меҳри тўла овоз билан. Бироқ Бекжон акам ҳамон қилт этмас, бўйра парчасидан ниманидир ўқиётгандек тикилиб қолган эди.

Бу воқеаларнинг моҳиятига тушуниб етмаса ҳам вазиятнинг нохушлигини сезган укам Отамурод ҳам одатда жим туриб қолди.

Бир маҳал Бекжон акам тезкорлик билан бордошини бузди-да, ўрнидан турди ва эшик томон отилди.

Даврамизда жимлик ҳоким эди. Ҳатто атрофда рўй берадиган воқеаларга доим совуққонлик билан қарайдиган отам ҳам ўша вазият оғушида эди. Иситгич олдидаги ўчоқ бурчагида турган тугунчага кўзини тикканча жим эди.

Дяқиқалар ўтди. Отам бошини кўтариб, мен томон қаради:

— Бор, қара! Бекжон акамг нерга кетди! — деди юмшоқ овозда. Бирор кимсани ранжитиб қўйишдан хавфсираган одам қиёфасида эди отам бу пайт. Отамнинг буйруғини бажариш учун ўрнидан тураётган эдим ҳамки, укам Отамурод хабарини давом қилдирди:

— Хомит синибди, хомит борми, деб ҳовлини қараб юрибди Рўзмат ака, — деди.

Хомит араванинг муҳим қисмларидан биридир. Қатқит ёғоч, одатда қорамондан ясаларди. Араванинг олд томонида жойлашганлигидан усталар уни ўймакорлик маҳоратларини ишга солиб, чиройли қилиб ясашарди. Юқори томони икки тарафга бурилган бўлиб, боқилган қўчқорларнинг шохини эслатарди. Хомит кучан билан арава оришларини боғлайдиган восита бўлиб, кучанга ёпишиб турарди. Отнинг арава тортишдаги бор қуввати ўша хомитга тушарди.

Отамнинг ранги рўйи бир қорайиб, бир оқаргандек, ҳеч вақт отамни мен бу даражада безовталанган ҳолда кўрмаган эдим.

Тез қайтиб келдим-да:

— Бекжон акам орғи уйда ётибди, — дедим.

Ҳамма таскин топгандек бўлди. Отам туриб ҳовли томон чиқиб кетди.

Бу воқеанинг сирини мен кейин англадим. Колхозда мингчилар ҳаракати бошланганди. Ҳар бир аравакаш бир кунда юз арава тўкин тўкади. Яъни ҳовлилардан аравани тўлдириб, шудгор ерга олиб бориб ташийди, яна қайтиб келиб аравани тўлдириб шудгорга кетади. Демак, от кунига ҳовли билан шудгор орасида юз

марта қатнаши керак. Бунинг эвазига араваачи колхоз ҳисобидан битта қўй олади.

Рўзмат ака жисмонан бақувват, лекин деҳқончилик сирларини яхши билавермайдиган одам эди. Отамдан бирор марта «Рўзматнинг қовуни яхши битибди» ёки «фалон нарсадан юқори ҳосил олибди», деган гапни эшитган эмасман. Эндиликда у бир қўй учун жонини жабборга бериб ишлаётган экан, ўзига ҳам қийин, от-аравага ҳам! Отамнинг кейинги хулосаларидан шунинг англадимки, у хомитни тал ва тўғри боғламаган, натижада хомит синган, яна бошқа хомит излаб эшигимизга келган.

Табиатан Бекжон акам от ишқивози экани маълум. Айтишларига қараганда ҳали оёғи узангига етмасдан туриб от мина бошлаган. Ёшлигиданоқ от парваришини ҳам ўз бўйшига олган. Эсимда, у вақтнинг аксарият қисмининг отга ажратарди. Ўз вақтида ўт солар, ем берар, ювиб-тарар, ёз пайтлари ҳар кунини кечқурун Фарровга олиб бориб оқар сувга чўмилтирарди. Ҳатто ёз пайтлари эшик олдидаги тол тубига боғлаб қўйган отни пашшадан сақлаш учун икки томонига тутатқини тутатиб қўйганларини эсимда. Қиш пайтларида кечанинг узоқ бўлганини ҳисобга олиб, сайисхонада турган отдан бир неча бор хабар олар, ҳар гал силаб-сийпалашдан эринмасди. Отнинг ёлини муҳаббат билан тараб, тартибга соларди. Уни совуқдан сақлаш учун моҳир кигизчиларга бостирилган гуллик намат телликлар билан устини ёпиб, айил билан тортарди. Йигитлик чоғларида унинг отга ишқивозлигини яна ҳам ошди. Баъзан ер депсиниб атрофни ларзага солиб кишнаб турган айғирни уста Янгибой ясаб берган аравага қўшарди-да, арзимаган бир ишни важ қилиб Отаназар майдонини бир айланиб келар ёки шаҳарга бориб қайтарди.

Бекжон акам кейинчалик арава билан киракашлик ҳам қиладиган бўлди. Қирқ-эллик чақирим масофада бўлган қипчоқ, ловак, чолиш сингари бандаргоҳларга қатнади.

У пайтларда воҳа учун марказдан келтириладиган юклар асосан шу бандаргоҳларга тушарди. У ердан арава билан шаҳар ва қишлоқларга тарқатиларди. Бекжон акам мана шу юк ташувчиларнинг фаолларидан бири эди. Ҳар гал бориб-келганда турли-туман мазмундаги саргузаштларни ҳам гапириб берарди. Шу тўфайли бўлса керак, Бекжон акамнинг бу фаолияти яхши эсимда қолган. Ўша гаплардан англаганим шу бўл-

дики, аравакашлар кўпроқ пахта, пилла, тери, беда уруғи олиб боришган. Қанд, чой, мато, ҳар хил темир-терсақлар олиб келишган.

Айғирга бўлган муҳаббати шу даражада кучли эдики, мабодо у жайдари ишларга жалб қилинадиган бўлса, Бекжон акам ижирғанар, баъзан эътироз қилишдан ҳам қайтмасди.

Отнинг кишнашини эшитиш Бекжон акамга шундай ҳузур ва ҳоловат бағишлар эдики, уни бугун таърифлаш мен учун мушкул. Айғирнинг кишнаган овози биз учун ҳам мароқли бўларди. Хусусан сафардан қайтиб, кишлоғимизга кираверишда бир кишнаб бериши ҳаммамизни хурсанд қиларди.

Рўзмат ака мингчилар қаторида тўкин тўкиб юрган от-арава Бекжон акамнинг шу айғири ва янги араваси эди.

«ТОЗ» бўлиб, артелга айланиб, сўнг колхоз деб атала бошлагандан кейин ҳамма ишлаб чиқариш воситалари — ер, чиғир, от-арава, хўкиз, омов, мола, туя ва ҳоказолар умумлаштирилди. Бу иш, англашимча, алоҳида рўйхатлар билан казо-казоларнинг қарори асосида амалга оширилди. Кимки бу қарорга бўйсунмайдиган бўлса якка хўжалик сифатида қолдирилиб, сувдан маҳрум қилинар ва катта солиқ юклатиларди. Воҳа шароитида бундай ҳол энг оғир жазо ҳисобланарди. Шу сабабдан қишлоғимизда колхозга кирмаган бирор хўжалик қолган эмас.

Шунга мувофиқ эгаллик тартиботи ҳам тўла ўзгарди. Бир хўжайин эга бўлган ишлаб чиқариш воситаларига ўнлаб-юзлаб хўжайинлар пайдо бўлди. Ҳар ким хоҳлаган от-уловни ё қўш-хўкизни етаклаб кетаверадиغان ва ишлатаверадиغان бўлди. Мингчилик ҳаракати анча қийин иш бўлгани учун от, янги арава зарур эди. Рўзмат акага назаримда бизнинг от ва янги арава тўғри келган.

Отам сайисхонага чиқиб, Рўзмат ака билан нималарнидир гаплашди. Бу гапларнинг тафсилоти менинг эсимда йўқ. Фақат отамнинг «бир аравада бир хомит бўлади-да», деган жаҳлдор сўзлари қулоғимда ҳанузгача сақланиб қолган.

Отам сайсхонадан чиқиб, айвон томон бурилди. Шундан англадимки, у ташқарига чиқиб, Рўзмат ака билан муомалани давом қилдиришга ва отни кўришга иштиёқи йўқ. Мен долондан дарвоза томон чиқдим. Илгарини ювиб-артиб қўйиладиган аравага ва Бекжон акам си-

лаб-сийпаб асрайдган отга бир қатор кўз ташладим.

От ўта озган эди. Илгари у аравага қўшилганда икки ориш орасини тўлдириб турарди. Энди эса оришлар орасида унинг борлиги ҳам сезилавермасди. У илгари аравада турганда тинч турмас, аксарият ҳолларда кучи ичига сиғаётгандек депсинарди. Энди у бемажол эди. Ялтираб турган ёллари рангсиз, илгари дўнг бўлиб турган бўйни текис эди. Оштахтадек кўринадиган сағрини холи тушиб, икки томонидан орқа оёқ кураклари бўриб турарди. Қовурғалари эса терини туртиб, ташқарига чиқиб тургандек кўринарди. Қисқаси, арава оришлари орасида илгари кишнаб турган айғир эмас, балки унинг арвоҳи турарди.

Укамнинг хабарига мувофиқ отнинг кўзларига навар ташладим. Кўрдимки, от кўзларининг бурчакларига жўхоридек-жўхоридек келадиган оқ нарсалар тошибди. Бу кўзлар мадорсиз ва нурсиз эди. Илгари ёнига келадиган одамга қандайдир ҳаракатлар билан муносабат билдирадиган жонивор энди беҳол ва бепарво эди. Кўзларига қўнган чивинлар бири учиб, бири қўнарди. Улардан сақланиш учун ҳам қувват йўқдек кўринарди.

Эндиликда Бекжон акамнинг ҳаётида от қандай ўрин тутганини ўйлаб қоламан...

Бекжон акам шу ётишда икки кун уйдан чиқмади. Учинчи кун унинг олдига кимдир келди. Айвонда ёғоч катнинг бир томонида оёқларини осилтириб ўтириб узоқ гаплашдилар. Улар орасидаги гапларнинг тафсилотини мен эслай олмайман. Фақат «Ашхободдан қўй киётиракан, аэродромга бориш керак», деган гаплар эсимда қолган. Кейинги кун Бекжон акам эрта билан қаёққадир чиқиб кетди. Кечқурунга қараб бир сурув қўйни ҳайдаб келиб ҳовлига қамасди. Қўра ҳам, сайисхона ҳам, ҳатто долон ҳам қўйга тўлди. Қўйларнинг маърашлари, долон томонга ўтганда уларнинг тасиртурсурлари уйимизга файз келтиргандек бўлди.

Эрталабки чой маҳалида Бекжон акам билан отамнинг суҳбатидан англадимки, бу қўйлар самолётда Ашхободдан келтирилган.

Бекжон акамнинг чеҳраси очиқ эди:

— Қўйларни мен боқадиган бўлдим, — деди у гап орасида отамга қараб.

Ер-сув, мол-ҳолларга алоҳида муҳаббат билан қарайдиган отам Бекжон акамнинг бу қарорига эътироз билдириш у ёқда турсин, балки маъқуллади:

— Бўлади, — деди хушҳол бир алфозда.

Қўйлар билан бирга Бекжон акам икки-уч ойлик бир кучук ҳам обкелди. Кучук тўлагина, худди бўйни йўқдек, боши гавдасидан чиқиб тургандек кўринарди. Унга биз «Йўлбарс» деб от қўйдик.

— Бу бўрибосар итнинг боласи, Ашхобод чўпонлари бериб юборибди, — деди Бекжон акам.

Кейинчалик Йўлбарс катта ит бўлди. Унга тегишли кўп саргузаштлар ҳам эсимда. Бироқ мавзудан чиқиб кетмаслик учун улар ҳақида ёзиш иложи йўқ.

Шундан кейин Бекжон акам ҳаётини чўпонликка бағишлади. У то Иккинчи Жаҳон урушига сафарбар қилингунча Қорақум саҳроларида чўпонлик қилди. Йўлбарс унга ҳамроҳ эди.

Кейинчалик Бекжон акамнинг уруш ҳақидаги гапларидан англадимки, унинг отга нисбатан бўлган ҳис-туйғулари яна ҳам уйғонибди. У уруш майдонларида зобитлар минадиган ва замбарак тортадиган отларни боқадиган бўлибди. Отбоқарлик билан машғул бўлган пайтларида фашист бомбасининг тагида қолиб, отлари нобуд бўлган ва ўзи ҳам оғир ярадор бўлиб уйга қайтган экан.

Уша ўтмишдаги воқеада Рўзमत аканинг кейинги ҳаракатлари ҳам менинг хотирамдан чуқур ўрин олган. У тезкорлик билан сайисхонадан чиқиб, йирик-йирик қадам ташлаб, от эгарига ёнишиб талпинди ва аравага чиқиб олд зангига ўтириб олди. Жилонини тортди-да, аравани буриб, жониворга қамчи босди.

XXXXIII. ҚАМЧИ ТАМҒАСИ

Опам айвоннинг тўрида ўтирар, олдида бир карсан зоғора, зоғоранинг баъзилари чала, айримлари кўпроқ куйган. Улардан бир-иккисини опам қўлига олди-да, қай даражада куйганини аниқламоқчидек пайпаслади, бош бармоғи билан зоғора ўрталарини босиб, четларини синдириб кўрди ва яна карсанга ташлади. Ташлади-да, йиғлади. Йиғлаган пайтда унинг лаблари қалтираб, юзлари буришди, кўзларидан ёш дув-дув тўкилди. Мен опамни ташлаб кетолмайман. Пинжига тикиламан. Опам билан бир тан, бир жон бўлгим келади. Лекин бирор нарса деб опамга далда беришга ожизман. Бор ҳис-туйғуларимни биргина сўз оҳангига жойламоқчи бўламан.

— Опа-а-а!..

Шу заҳоти жавоб оламан:

— Жо-они-им, қуввати-м!

Менга таниш сўзлар, таниш оҳанг, таниш меҳр! Опам учун оғир пайтда бу меҳрга нима деб жавоб беришни билмайман. Бир пайтдан кейин яна:

— Опа-а-а! — дейман.

Яна йиғи аралаш ўша жавобни оламан. Бу меҳр алмашувда хаёлим мени бўлиб ўтган воқеалар томон олиб кетади.

Эрта тонгдан опам зоғора ёпиш тараддудига тушди. Энди узиб келтирилган ошкадини кесиб сийхоҳдан ўтказди. Қўл тегирмонда ўзи тортган жўхори унни карсанга солиб хамир қорди. Сийхоҳдан чиққан кадини хамирга қўшди. Хамирни обдан ййлаб пишитди, шاپатилаб устини қалин дастурхон билан ёпди. Унинг устига эски-туски кийимларни ташлаб, ачитишга—тошдиришга қўйди. Кейин бошқа ишлар билан банд бўлди. Кун анча кўтарилгандан кейин одатда отам патта-патта қилиб чопиб қўйган янтоқларни паншаха билан кўтариб келди-да, тандирга ўт қўйди. Янтоқнинг гувиллаб ёниши, тандир оғзидан буралиб чиқаётган олов ва ёнаётган янтоқнинг ҳиди бу ишни кузатган одам учун қизиқарли манзара эди.

Опам олов меъерини яхши билади. Тандир қизигандан кейин, тахминан катта ғалвирдек келадиган хамирли карсанни бир томон кифтига қўйиб обкелди-да, тандир супасига жойлади. Шу пайтга қараб бели хиёл букилган энам тут новдасидан ясалган ҳассасига суяниб уйдан чиқиб келди ва тандирнинг супасига чўккалаб ўтириб, хамирдан бир текис ҳажмда зувала ясаб, дастурхонга тера бошлади. Опам зувалаларни бирмабир олиб, рапиданинг устига жойлар ва шўнғиётгандек бўлиб тандир устига узанар ва рапидадаги ялпоқланган зувалани тандирга ёпиштирарди. Энам ҳам, опам ҳам тез-тез ҳаракат қилишарди. Энди ўйлаб кўрсам, уларнинг бу шошилишлари тандирнинг совиб қолмаслиги билан боғлиқ экан.

Опамнинг зоғора ёнаётган пайтдаги ҳолатини кўп кузатганман. Бундай пайтларда унинг ҳаракатларида қандайдир қаноат ҳисси сезилиб турса ҳам, юзлари олов тафти билан қорайиб кетар, кўзлари киртайгандек кўринар эди.

Энам ўз ишини тугатди. Опам ҳам қолган зувалаларни тандирга жойлаб бўлди. Мамнуниятлик билан карсанни қалин дастурхонга ўраб, тандирнинг оғзини ёнди.

Опамнинг юз-кўзларида катта ва мушкул бир ишни битказиб қўйган одамнинг кайфияти бор эди. Менга қараб хушомадомуз йўсинда:

— Мана, зоғора ҳам тез пишади, — деди.

Бу гапларда маъно бор эди. Тандир ёнида туриб, ундан эндигина узилган зоғорани иссиқлигида қўлдан-қўлга ўтказиб тановул қилишнинг ўзига хос лаззати бўларди.

Опам энди иш битказиб, у ёқ-бу ёққа назар ташлаган ҳам эдики, сесканиб кетди:

— Вой! Бошлиқ киётир!

Йўлнинг пастки томонидан бамайлихотир, худди нималарнидир хаёлида ҳал қилиб қўйган одамдек, отини секин одимлатиб бошлиқнинг келаётганини кўрдим. Бироқ, унинг келиши билан опамнинг сесканиши орасидаги муносабатни англаб ҳам улгурмадим.

Опам бир зумда ер адоғидаги пахтазор томон назар ташлади ва ўқдек отилиб у томонга чопди.

Одатдаги ўша вақтда Хоразм аёллари княдиган, тўпигига тушадиган узун кўйлак ва зоғора ёпиш учун устидан кийиб олинган эски кўйлак опамнинг чопишига халақит берар, гўза оралаб чопаетганида суришиб кетар ва тезкорлик билан ўзини ўнглаб олиб, орқасига қарамасдан чопишни давом қилдирадди.

Бошлиқнинг қиёфаси ҳозир ҳам кўз олдимда юради. Унинг бўйи ўртадан кўра пастроқ, гавдаси унча тўла эмас, лекин озгин деб ҳам бўлмасди. У ўринли, ўринсиз тез-тез жилмаяр ва жилмайганда оғзидаги майда тишлари кўзга ташланарди. Бу сифатлари билан у безор одамдек кўринарди.

Бошлиқ отига қамчи тортиди. Мен яшин тезлигида ўтган от туёқларидан кўтарилган чанг ичида қолиб кетдим. Воқеалар шу даражада тез рўй бердики, уларнинг рўй бериш сабабларини мен тушуна олмагандим ўша пайт. Бошлиқ гўзалар оралаб чопаетган опамнинг кетидан етиб олди ва кимлар биландир қамчи тортишда баҳслашаётгандек қамчисини ҳавода ўйнатиб, опамга қараб бир неча бор тортиб юборди. Опам йиқилиб тушди. Бошлиқ отини тўхтатди. Опам ўрнидан туриб, яна ер адоғи томон чопа кетди. Бориб гўзанинг четида ўтлаётган сигирни ипидан тортқилаб сиртга чиқарди.

Бошлиқ отини орқага қайтарди. Бамайлихотир ҳеч қандай воқеа рўй бермагандек ёнимдан ўтди. Утатуриб одатдагидек жилмайган бўлди-да:

— Ҳа, нишетиб турибсан? — деди. «Бопладимми»

дегандек ғурурланиш маъноси бор эди унинг бу сўзларида. Анча вақт мен унинг орқасидан қараб қолдим.

Менинг назарим опам билан сигирда эди. Опам сигирни етаклар, сигирнинг ён-веридаги ўтларга интилишлари опамни қийнарди. Ниҳоят у сигирни олиб келиб девор тубидаги қозиққа маҳкам боғлади ва ниманидир эслагандек тандир томон чопди. Бориб тезкорлик билан тандирни очиб, йиғи аралаш:

— Вой худойим-эй, кул бўлиб кетибди-ку бу! — деди-да, куюк зоғораларни тандир супачасидаги карсанга иргита бошлади.

Опамнинг юз-кўзларида қаттиқ изтироб белгилари бор эди.

Рўй берган бу воқеаларнинг сирига тушунгандек бўлдим. Сигирни эрталаб ер адоғига боғлаб келгандим. Эсимда, тўртта-бешта бўённи бириктириб, шунга сигир ипини чилмак қилиб боғлагандим. Ўзимча тортиб кўргандим, бўшалмайдигандек кўринди. Сигир ён-веридаги ўтларни еб бўлиб, пахта ер томон интилган, арқон бўёндан сидирилиб чиқиб кетган. Мен айбчмни ҳис қиламан. Опамнинг пинжига яна ҳам тиқиламан.

— Опа-а, — дейман.

Опам сел бўлиб оқаётган кўз ёшларини енг учи билан артади-да:

— Жон-они-им, қуввати-им, — дейди бошимни силаб. Шу пайт юзига ортиқча тортилган рўмол тагидан опамнинг юзидаги қон толоқ қамчи ўрнига кўзим тушади. Ўзимни яна ўнғайсиз ва айбдор ҳис қиламан.

Опам ўчоқ бошида ётган бир ярим қаричча келадиган ошпичоққа қўл чўзди ва уни олиб зоғораларнинг куйикларини қира бошлади. Баъзиларини ярмига яқинини кесиб ташлади, баъзилари чала бутун, баъзилари яримта. Саватга терилди. Одатда бир тандир зоғора билан тўладиган сават ярим ҳам бўлмади.

— Ҳайпгина, эртанг ена зоғора ёпмоли,— деди опам наст ва маъюс овозда.

Ташқарида нима биландир банд бўлиб юрган энам кириб келди-да, опамни юпата бошлади.

— Нишетасан ахир, бу кўргилигам монгнойингда боракан-да, бошлиқ сабилнинг келиши сенинг зоғора ёпишинга тўғри кеп қопти-да—дерди у. Энам ҳассасини ярим белидан ушлаб ерга тиради ва ўрнидан тураётиб одатдагидек:

— Худоё ўзинг панойингда сақла! — деб чиқиб кет-

ди. Энам чиқиб кетгач, яна ўз айбимни кучлироқ ҳис қилгандай бўлдим.

— Опа-а-а, — дейман, унинг пинжига яна ҳам тикилиб.

Опам узун, тандир ҳиди анқиб турган кўйлагининг энглари билан юз-кўзларини артар экан:

— Жо-о-ни-и-м, қувва-ат-и-м! — дейди ва бошимни силайди.

Бехосдан қўлини қора талоқ бўлиб турган чаккасидаги қамчи ўрнига олиб борди. Назаримда, у қай даражада билинади, шишганми, билмоқчи бўлди. Қўлини пастга туширди. Бир оз қамалган кўз ёши яна дув-дувоқа бошлади.

Оиламиздаги удум бўйича кечқурун ҳаммамиз йнгилишамиз. Баъзан қариндош-уруғларимиздан кимлардир бўлади. Бугун ҳам кечқурун худди шундай бўлди. Одатдагидек отам хонанинг тўрида, сийли жойни эгаллади. Унда кейин акаларим, кейин бизлар.

Бугун опамнинг кўриниши ҳам, ҳожати ҳам бошқача эди. У рўмолни иягининг тагидан айлантириб боғлаб олганди. Тунчани қайнатиб, чой дамлади ва овқат келтиражагини билдириб, дастурхонга ўралган зоғораларни ўртага қўйди.

Отам секин дастурхонни очиб ёзди ва куйиклари кесиб олинган ярим-ёрти зоғораларга кўзи тушди. Мен отамнинг ҳолатини кузатардим. Одатда, бундай ўтиришларда мийнгида кулимсираб, бугунги қилган ишлари, кўрган-билганлари, бошдан ўтганлари ҳақида сабоқли гаплар айтадиган отам, зоғорадан кўз узмасдан ҳам ўтирарди. Шу алпозда у анча вақт жим қолди. Табиий, биз ҳам жим эдик.

Бир оздан кейин отам энамга назарини тикди. Энам сезилар-сезилмас алпозда бошини қимирлатди.

Англадимки, энам отамни бўлган воқеадан воқиф қилган.

Отам бошини қуйи солиб, яна анча вақт жим қолди. Унинг юзи ва нигоҳи ҳаракатсиз эди. Бир оздан кейин бошини кўтариб:

— Ярамас, асли паст! — деди қатъий равишда. — Арзингни кимга айтасан? Ким гапингга қилоқ солади бу замонда?!

Бир неча дақиқалардан кейин айвоннинг нариги бурчагидаги ўчоқ бошида ўралашиб юрган опам карсани кўтариб келди-да, ўртага қўйди ва ўзи ҳам бир чеккага чўккалади. Отам ўзига хос вазминлик билан секингина

ларсандаги куртукка қўл чўзди ва эшитилар-эшитилмас:

— Биемиллаҳир роҳманир роҳим-м, — деди.

Эртасига опам катта қовоқни болта билан бўлиб, шийхоҳдан ўтказа бошлади. Англадимки, опам яна зотора ёпади.

XXXXIV. БИР ЕЛПИМ ЖҶХОРИ

Опамнинг юзларидаги қамчи ўрни хиёл доғ қолдириб оғтиб кетди. Бугун кечқурун оиламиз яна жамулжам бўлиб, ўртага дастурхон ёзилди, овқат сийлди. Отамнинг кайфияти бошқачароқ эди. Унинг юз-кўзларида маъюсликдан кўра хавотирлироқ ҳолат белгиларини сезар эдим. Баъзан жим қолиб, чуқур ўйга ботарди. Ора-сира катталар орасида биз дарров англаб олавермайдиган сирли иборалар қулоғимга чалинарди.

— Ҳали кеч бўсин, ҳамма ётсин, — деди ташвишли ҳолатда отам. Бир оз сукунатдан кейин хўрсингандек бўлиб: — Замон ёмон, — деб қўйди-да, Бекжон акамдан:

Бўйраларни обкалдингма, шоли сомон борма? — деб сўради.

— Обкелдим, бор! — деди Бекжон акам.

Айвоннинг бир бурчагини тўла эгаллаб турган кат — ёточ каравот бизнинг тунаш жойимиз бўларди. У вақтларда на радио, на телевизор бор. Йиғилишиб кимгандир китоб ўқитишлар ҳар кун бўлавермасди. Оддий ҳаётий масалалар юзасидан бўладиган панд-насиҳат, суҳбатлардан кейин катталар ҳали хуфтон намозини ўқимасданок укаларим билан бирла ўша катда тайинланган ўринларга чиқиб уйқуга кетардик. Бугун ҳам худди шундай бўлди.

Бир оз ухлагандан кейин отам, опам ва Бекжон акамлар орасидаги гаплардан чала уйғондим ва қулоғимга:

— Матёқубни уйғотиш керак, — деган сўзлар эшитилди. Шу заҳотиёқ Бекжон акам:

— Матёқуб, Матёқуб, тур! — деб овоз берди.

Ўрнимдан турдим. Кийимларимни чала-чулпа кийиб олдим.

— Ма, чироқни тут, — деди-да, Бекжон акам менинг қўлимга тош чироқни берди.

Шишали лампа истеъмомга кириб келган бўлса ҳам, бирор иш билан сайсхона ёки кўрага чиқиш керак бўлиб қолса, авайлашга зарурат бўлмаганидан тошчироқ ишлатиларди.

Отам сайсхона томон йўл бошлади. Унинг қўлида юқорида эслатганим ғалвирдек келадиган белкуракни кўрдим. Сайсхонанинг ўрта устунни ёнига борганди отам, қўлидаги бел билан у ердаги гўнглари у ёқ-бу ёққа ишариб, тозалади. Тоза тупроқ чиққунча қиртишлади. Кейин тозаланган жойга белни мўлжаллаб тиради ва қулоғини зарб билан тепди-да, тупроқни бир чеккага отди. Шу зайлда у тўхтамасдан ишлади. Кўп ўтмасдан доира ҳолидаги, чуқурлиги бир ярим метр келадиган ўра пайдо бўлди. Отам, Бекжон акам олиб бериб турган шולי сомони ўра тубига тўшади. Қамиш бўй-ралари ўра атрофига териб чиқди.

Рўй бераётган ҳодисаларни тахминан ҳис қилсам-да, нима билан тугаши ҳақида тасаввурим йўқ эди. Сўраб, тез-да билиб олишнинг ҳам иложини тополмасдим.

— Бўлди, обкелавур! — деди отам Бекжон акамга қараб.

Мен бир қўлим чарчаганда иккинчи қўлимга ўтқазиб, тош чироқни тутиб турардим ва баъзан ёруғлик қай томон зарур бўлса, шу томонга бурардим. Чироқ тутиш умуман зерикарли иш, бироқ бу ишда ўзимнинг ҳиссам борлигини англаганимдан қандайдир қаноат ҳисси бор эди.

Бекжон акам айвонда тахланиб турган уч-тўрт қоп оқ жўхорини бирин-кетин кўтариб келар ва қопни елкасида тута туриб, унинг боғланган оғзини очарди-да, ўрага ағдарарди. Оппоқ қўқон жўхорисини шағирлаб ўранинг тубига бориб уйиларди.

Отамнинг мўлжали мўлжал экан, бор жўхори ўрадаги қамиш бўйра сатҳига етай деб қолди.

— Сомон! — деди отам.

Бекжон акам икки-уч қучоқ шולי сомонини обкелиб, жўхорининг устига ёйди. Отам тезкорлик билан ўрадан чиққан соз — тоза тупроқни белкураги билан сомон устига тушира бошлади. Устини обдан текислади ва қолган тупроқни сайсхонанинг бошқа жойларига ёзиб юборди.

Бекжон акам отамнинг ишорасига мувофиқ бир чеккада турган соғин сигирни обкелди-да, устунга боғлади. Сомонхонадан бир қучоқ дурушта — сомон билан қирқилган беда аралашмасини чиқариб сигирнинг олдига ташлади. Шу билан бир кечада жўхори кўмилган жой билинмай кетиши маълум эди.

Энди мен учун рўй берган бу ҳаракатларнинг сирини

лик эди. Очарчилик ҳукм сурган, қабоҳатли йиллар эди. Одатда бошқа йилларда дон-дунлар махсус тайёрланган охурларда ёки бордонларда сақланарди. Эндикда очик уйда ғалла сақлаш хатарли бўлиб қолди. Одамлар очликдан қийналиб бирининг қўлидагини иккинчиси тортиб оладиган, ҳатто бу ишда зўравонлик қиладиган ҳам бўлиб қолишган эди.

Эсимда, ўттиз хонадонлик қишлоғимизда, ҳар кечаси навбат билан иккита соқчи қўйиларди. Кечаси билан челақни данғиллатиб қишлоқнинг у чеккасидан бу чеккасига ўтиб қайтар, иккинчиси худди шу йўсинда бу чеккасидан у чеккасига чиқарди. Шундай ҳолда ҳам «фалончининг уйини тешиб дон-дунини урибдилар», «нистончининг дарвозасини очиб мол-ҳолини олиб кетибдилар» деган гапларни эшитиб турардик.

Эрта баҳор. Тахмин қилишимча феврал ойлари бўлса керак, отам, Бекжон акам Тош соқага бир ойлик муддатга қазувга кетишган. Эрка акамлар бу пайтларда биздан бўлиниб, бошқа жойда турар эдилар. Уйда фақат энам, опам ва мен, укам ва синглим қолганмиз. Бундай пайтда оиламиздаги удум бўйича мен масъулиятли шахс саналардим. Гўё мен ёш ўспирин эмас, балки камолотга етишган, норғул йигит.

Кечқурун ўчоқларга ўт ёқилар экан, мен отамнинг ўрнини эгаллаб, ўзимни салобатли туттишга ҳаракат қиламан. Баъзан отамга ўхшаб бордош — чордана қуриб ўтириб оламан. Уртага овқат келганда ҳам, товоққа мен биринчи қўл чўзаман. Энам, опам ҳам мен билан ҳисоблашиб, ўзларига суянч деб биладилар. Бирор иш бўладиган бўлса, «сен нима дейсан» дегандек, менга назар ташлашарди. Овқатдан кейин фотиҳага ҳам мен биринчи қўл кўтараман. Ёш бўлсам ҳам, «эркакнинг ўрни бўлакча» деган удумга асосланган эди бу ҳол.

Кечалари эшикка қаттиқ тамба босилади, дарвозага ярим доира ясама қулф урилади. Ҳар вақт-ҳар вақт қўриқчилар данғиллатадиган челақнинг овози эшитилади. Одатда, челақ данғиллатувчиларнинг бири тоғам Матвафо эди. У ўта меҳрибон тоға эди бизга. Биз томон келганда, челақни данғиллатиб уйимиз атрофини бир айланиб кетарди. Бу пайт биз бир оз тинчиймиз. Челақ данғилламаси узоқлашиб кетса, ваҳима босади.

Бир кечқурундаги воқеа ҳозиргидек эсимда. Ушанда кўчадаги данғир-дунғурлар камайгандек, вақт хуфтондан ошган, биз эса ҳамон сергак, уйнинг туйнуғи

бўён боғи билан тортиб беркитилган. Бироқ учакда — томда нимадир шатирлагандек, кимдир юргандек сезилди. Ҳойнаҳой ўғри бўлса керак, деб тахмин қилдик. Бироқ шатир-шутурлар, овозлар тўхтамасди. Ҳар ким ўз қўрқинчли хаёли билан банд эди. Энам баъзан секин овоз чиқариб қандайдир дуоларни ўқир, юзига фотиха тортиб:

— Ўзинг панойингда сақла! — деб қўярди.

Опам менга қараб:

— Заангини обқўйдик гарак! — деб қолди.

Мен овоз чиқариб, бир нима дейишдан хавотирлангандек бошимни ирғитдим. Яна орамизга жимлик чўкди. Ваҳима босиб узоқ ўтирганмиз ўша кечаси. Ҳар ким ўз ўтирган жойида мизғиб олган, холос. Эрта тонгда айвону хоналарни ва уй атрофларини бир қатор кўздан кечириб келиб, опам енгил бир ҳолатда:

— Қуриб кетгур, кечаси дубалай бўпти, учакдаги буён бовлари учиб ерга тушибди, — деди.

Ҳаммамиз мушкул бир синовдан ўтгандек тинчландик. Хатарли бир кечадан омон-эсон ўтганимизга шукроналар айтдик. Мен ўрнимдан туриб, белбоғимни маҳкам боғлаб ташқарига чиқдим. Шамолда учиб тушган бўён боғларини йиғиб, сомонхонага киритдим. Офтоб хиёл кўтарилгач, Элтизор бувамнинг уйи атрофида одамлар йиғилишди, ола-говур бошланди. Ҳар ким ҳар қаёққа чопарди. Бир оздан кейин билдимки, Элтизор бувамнинг томи — талак хонаси тешилибди. Ўғрини ва ўғирланган молларни кўп изладилар. Бироқ на жўхори топилди, на кунжут, на ўғри. Ушанда Элтизор бувамларникида йиғи-сиғилар ҳам бўлгани эсимда.

Бу даврнинг ўзига хос белгилари ҳам бор эди. Илгарилари тандирга ўт қўйиб, карсан-карсан зогоралар ёпғувчи эди опам. Энди аксарият ҳолларда қозонда тайёрланадиган кўмачга қаноат қиладиган бўлдик.

— Тандир қиздириб, зогора териб қўни-қўшниларга гижанг-гижанг (кўз-кўз) этиш яхши эмас, — дерди опам.

Муддати тугаб, отам ва Бекжон акам Тошсоқа қазувидан қайтиб келишгач, аввалгидек уйимиз тўлди. Етар-етмаслик ҳамон ўша-ўша бўлса ҳам, отам билан акамнинг уйда бўлиши хавф-хатарни анча камайтирди.

Шу орада қишлоғимиз атрофида анча янгиликлар ҳам рўй берган эди. Қаёқлардандир кўчманчи қозоқлар пайдо бўлиб, баъзилари уйимизнинг атрофида, баъзи-

лари тўқайда қора уйлар тиклаб истиқомат қила бошладилар. Уларнинг аксарияти емишсиз, битта-иккита бошак ёки ёлғиз туядан бошқа ҳеч вақолари йўқ эди. Кун кўриш биз ўтроқларга нисбатан кўчманчиларга янада оғирроқ эди. Улар учун қирғиннинг ўзи эди бу ҳол. Омон қолгандари шу ерда қолиб кетишди. Қишлоғимизнинг бир қисмини «қовоқ қовули» дейилиши ҳам бежиз эмас. Шаҳар атрофида эса улар кўримсиз бир жойни эгаллаб, катта бир қавм бўлиб ўтиришди. Очарчилик ҳадеганда ўтиб кетавермади. Унга боғлиқ баъзи воқеалар ҳам аниқ тамга сифатида хаёлларда муҳрланди.

«Фалончи кунжарадан шишибди, фалончи очликдан қазо қилибди», деган нохуш хабарлар одатдаги ҳодиса эди.

Уша йилларнинг кечаларидан бирида отам ва акам сайсхонага кўмилган жўхорини очдилар. Унинг устидаги сомонни олиб, отам жўхорини қўли билан у ёқ-бу ёққа куради, бир қисмини олиб ҳидлади ҳам.

— Яхши!—деди қилган ишидан қаноат ҳосил қилиб.

Жўхори яна қопларга солиниб, талакка олинди. Ушанда опамнинг бир иши мени ҳайратга солган эди. У тез-тез кичкина тугунни кимлардандир яширгандек, қўлтиқлаб қариндош-уруғларникига чиқиб кетадиган бўлди. Қариндошлардан биронтасининг номини тилга олиб:

— Бир еллим жўхори обориб бердим, болалари кунжарадан шишиб кетибди,—дерди отамга ҳисобот бераётгандек.

— Яхши этибсан!—дерди отам...

XXXXV. «УЗИНГ ПАНОҲИНГДА САҚЛА, ХУДОЙИМ»

Опам билан иккаламиз кунботар дарвозадан Тошҳовузга кириб бордик. Опамнинг қўлида сават, уни қўлига олади, қўли толиққанда эса бошига қўяди. Баъзан «ҳоридим-ай» деб ўзича шикоят ҳам қилиб қўяди.

Ҳаво нам. Сезилар-сезилмас майдалаб ёмғир ҳам ёғяпти. Тошҳовуз шўрхок жойда ерлашган бўлиб, озгина ёмғир ҳам кўчаларни шилта қилиб юбориши мумкин. Қиш пайтлари Тошҳовуз кўчалари лой ва шилта, ёзда эса чанг-тўзон кўтариларди.

Менинг юришим бир оз осонроқ бўлса ҳам, опамга қийин. Унинг калишлари лойга ботиб, ёпишиб қолар-

кан, опам ҳар гал калишини азоб билан тортиб олади-да, қуруқроқ йўл танлашга ҳаракат қиларди. Хуллас, кўп азоблар билан бозорга етиб бордик.

Мискалар растаси томондан бозорга шаҳардан кириб боргувчи дарвозаси бор эди. Дарвозанинг ўнг томонида опам саватни бошидан олиб тиззасига қўйди. Атрофимизда одамлар йиғила бошлади. Опам ўралган қалин дастурхонни очаёзган ҳам эдики:

— Нуввиларингиз бор, нувви обкелдингиз,—деган овозлар эшитилди.

— Кадилик гўмма!—деди опам.

Хоразм воҳасида у пайтларда сомса сўзи ишлатилмасди. Тандирда ёпилган, қозонга солиб ёғда пиширилган сомсалар «гўмма» деб аталарди.

Одатда гўмма буғдой унидан тайёрланади. У пайтларда буғдой танқис бўлиб, деҳқонлар баракалироқ бўлишини ҳисоблаб, кўпроқ оқ жўхори экишарди. Шу сабабдан емишларнинг асосий қисми оқ жўхори унидан тайёрланарди.

Бу ҳол ҳисобга олиниб, қишлоғимизда тилло дўкони очилди. У ерга қоп-қоп буғдой унлари тушириларди. Бу унлар пулга эмас, аксинча, тилло ёки кумушга сотиларди. Элда очлик ҳукмрон бўлганидан аёллар келинлик сепларидаги узук, билагузук, исирға, арава (бурун тақинчоғи), тузув ва ҳоказо қимматбаҳо буюмларини дўконга топширишарди-да, уларнинг қийматига арзимаган миқдордаги унни кўтариб келишарди. Тилло магазинида фақат ун эмас, милтиқ, тикув машинаси, ҳатто лампа сингари буюмлар ҳам тилло ёки кумуш билан бошма-бош айрибошланарди. Баъзи оилаларнинг буғдой унига алмашиш учун на тиллоси, на кумуши бўлиб, буғдой унини олиш уларнинг хаёлига ҳам келмас, ўзига тўқроқ хўжаликлар эса жўхори овқатлари орасида дўкондан олиб келинган бу унни ишлатиш имкониятига эга эдилар. Айрим ҳолларда буғдой уни бирор мақсад билан олинарди.

Опам келинлик пайтидаги билагузугининг биттасини топшириб, ўша дўкондан ўн килоча ун олиб келган эди. Иккинчи билагузугини «қора кунларга» деб сақлаб қўйган эди. Бозорга келтирилган гўммалар ўша билагузукка олинган ундан тайёрланган эди.

Аслида бозорга гўмма обормасдан, оқ жўхори уни билан қаноат қилиб яшайвериш ҳам мумкин эди. Бироқ рўзғорчиликда бошқа емишларнинг зарурлиги маълум. Хусусан қанд ва чойни фақат пулга олиш

мумкин эди, холос. Опамнинг гўмма пишириб, сават кўтариб бозорга келишининг сабаби қанд, чой харид қилиш эди.

Рўзгорнинг керак яроғи учун пул топишнинг бошқа йўллари ҳам бор эди. Бекжон акам, баъзан отам ҳам далага ўтин йиғишга кетишарди. Куз ва қишларда моллар оралаб, чўп бўлиб қолган бўён пояларини йиғишар, баъзан кетмон билан унинг чўкирларини ҳам олишарди. Айрим ҳолларда юлғунларнинг илдизи билан чопиб олиб эшакка лангар қилиб юклашарди-да, бозорга обориб сотишарди. Бу иш қишлоғимизда кўпчиликнинг машғулоти эди. Бозор кунлари эрталаб йўл ҳар хил ўтин юкланган эшак ва эшак-аравалар оқими билан тўла бўларди.

Илгари шаҳар аҳолисининг дала ерлари бўлиб, ўзларига зарур ўтин-чўпларни ўша ерлардан ундирадилар. Эндиликда бу ерлар тортиб олингандан кейин шаҳарликларнинг ёқилғиси фақат бозор билан боғлиқ бўлиб қолди.

Ўтин-чўп йиғиб, пул топиш ўта қийин иш ҳисобланарди. Шу боис рўзгордаги етар-етмасликни ҳисобга олиб, опам гўмма пишириб бозорга келтирган эди. Опам саватда қатор терилган гўммаларни очганда, дарҳол қўллар чўзилди, нарх сўралди.

— Уч сўм, уч сўм,—деди опам.

Уч сўмликлар узатила бошланди. Илгари мен пулларнинг кўп фарқига боравермасдим. Бу гал опам олаётган кўкимтир рангдаги, чиройли уч сўмликлар кўришиши ва ранги ўшанда тасаввуримда ўрнашиб қолган.

Бирпасда одамлар кўпайиб, саватни талайдиган даражага бориб қолишди. Назаримда, опам сотаётган гўммалар нарх жиҳатдан бошқа нарсаларга нисбатан анча арзон кўринган бўлса керак одамларга.

Шу орада опам чой қоғозига ўраб бир гўммани қўлимга берди ва савдосини давом қилдира туриб:

— Маҳкам ушла!—деб қўйди.

Саватдаги гўммалар бирпасда тугади. Олган одамлар ҳам гўммани ғасир-ғусур оғизларига солишарди. Чайнамасдан ютаётгандек кўринарди улар менинг кўзимга. Одамлар тарқалишгач, опам дастурхонни ўраб саватга жойлади.

Бир маҳал опам йиғирма қадамларча нарида ётган одамга ишора қилди.

У одамнинг устида чакмон, бошида қалпоқ, оёғида йиртиқ этик эди. Бели кандир чизим билан боғланган,

худди ухлагандай бўлиб, балчиқда ётибди. Чизим унинг белини қийиб юборадиган даражада маҳкам боғланган эди. Опам у томонга қаради-да:

— Шишиб кетибди, бечора,—деди ачиниш билан.— Худо билсин, бу кимнинг боласи, ҳали ёшгина экан, кўзини очишга-да мадори йўқ.

Шу ўтиришда опам худди мадорсизлангандек анча вақт хаёл суриб қолди. Унинг хаёлидан нималар кечаётгани менга номаълум эди. Эҳтимол, ўз фарзандларининг шундай аҳволга тушиб қолмаганига шукроналар айтаётгандир?

Ўтган-кетганлар саватга кўз ташлаб:

— Опа, нувингиз бор?—дейишарди. Опам паришон ҳолда;

— Қуторди (тугади),—деб жавоб қилиб қўя қоларди.

Бир маҳал саватни олиб ўрнидан турди-да:

— Қани янгоғи гўмма?—деди менга қараб. Мен қўлтиғимга қисиб олган гўммани опамга узатдим. Опам гўммани олди-да, ҳалиги ётган кишининг оғзига тутди. Бироқ у кўзини хиёл очиб-юмар, лабларига тегиб турган гўммани оғзига олавермасди:

— Мадори йўқ бечоранинг,—деди опам.

Бизнинг ёнимизда бир неча одамлар пайдо бўлди. Мақсад амалга ошмагач, опам енгимдан секин тортди-да:

— Кетали,—деди.

Биз бозор томон юриб, бир неча қадам босган эдик ҳамки, бир бола тезкорлик билан ётган беморнинг олдига қўйилган гўммани юлиб олди-да, ўзини оломон ичига урди.

Беҳол, шишиб ётган, ёхуд ўлиб ётган одамлар бозорнинг бошқа жойларида ҳам учрарди. Опам ҳар гал қадамини секинлаштириб:

— Бечора-ей!—деб қўярди.

Биз бозорда кўп юрмадик. Опам кўп ҳам савдолашиб ўтирмасдан, бир ўрам чойни қанчаям пулга олди. Қанд топилмади. Икки ҳовучча келадиган пашмак олиб, рўмолининг учига маҳкам тугди. Биз шаҳардан чиқиб қишлоқ томон йўл олдик.

Йўл эшакда, аксарияти пиёда, бозордан қайтувчилар оқими билан тўла. Баъзиларнинг қўлида кичкина тугунча, эшакда ўтирганларнинг хуржунларида билинар-билинемас нималардир бор. Йўловчиларнинг кайфияти мотамсаро кўринарди менга. Унинг устига йўл шилта. Арава излари—шиғир нотекис. Эшак-араваларнинг ғилдираклари ўйдимларга тушиб кетар ва

шакнинг кучанишлари, айрим ҳолларда эгасининг «их-их»лари билан базўр чиқиб кетарди.

Йўлнинг пиёдалар сўқмоғи ҳам шилта. Юриш мушкул. Опам гапиравермас, баъзи-баъзида «Вой бечорачар!» деб қўяр, шилтадан қийналган пайтларида «қуриб кетсин», «савил қоғир», деган сўзларни ишлатарди, ҳолос.

Кечқурун, овқатдан кейин опам бозорда кўрганларини энам ва отамга гапириб берди. Отамнинг маъюс, қош-кўзлари чимирилган ҳолда ўтиришидан бу воқеаларнинг дилини оғритганини сезиб олиш қийин эмасди. Кейин ҳам у узоқ вақт жим ўтирди. Олдига қўйилган бир пиёла чой ҳам совиб улгурди. Уни отам ўчоқнинг тўрига сепиб юборди-да, чойни янгидан қўйди. Энам эса:

— Ўзинг паноҳингда сақла, худойим!—деди-да, ўрнидан туриб, уйнинг тўрига ўтиб нима биландир машғул бўлди...

XXXXVI. УРДАК ҲУЖУМИ

Кузнинг айнаи пишиқчилик пайтлари. Тўлин ой осмонни ёритиб турарди. Кўзи ўткир одам хат ҳам ўқийвериши мумкин. Бундай кечаларнинг ўзига хос кўнгилларни қувонтирадиган хислати бўларди. Бироқ бу кеча ёрқин ойнанинг ёруғлиги хиралашгандек кўринди.

Хуфтон, кечки овқатлар ейилиб, бир пиёла чой (устида қуҳбат қуришга чоғланадирган пайт.

— Қурвонбика чеча-а!—деган овоз эшитилди ташқаридан. Бу дағал бригадирнинг овози эди.

— Қуриб кетсин, келди,—деди опам отамга қараб. Отам одатдагидек вазмин ва камгап. Менга назар ташлади-да:

— Уроқларни ол!—деди.

Бекжон акам бу кунлари арава билан қаергадир кетган эди. Мен ўрнимдан туриб, отамнинг одатдаги, фақат ўзи ишлатадиган катта ўроғини олдим. Опамга ва ўзимга ҳам биттадан ўроқ олдим. Ташқарига чиқсак, бригада аъзолари йиғилишиб туришган экан. Икки тахта ер оралаб ўтадиган арава йўлига тушиб «отлиқ ер» томон йўл олдик.

Уйимиз жанубида, «Янги ёрғон» сувининг нариги томонида тўрт-беш таноб еримиз бўларди. Уни «отлиқ ер» деб атардик.

Амаким — Рўзибой бувам хоннинг отлиқ аскарларидан ҳисобланиб, хон истаган пайтда уни оти ва яроғи билан чақириб олиб навкарликка сафарбар қилиши мумкин экан. Бунинг эвазига унга уч-тўрт таноб ер берилган. «Отлиқ ер» деган атама шу билан боғлиқ. У ерда фақат бизга эмас, балки бува ва амакиларимиз — Вайс бува ва Элтизор буваларга ҳам тегишли ерлар бўларди. Улар учун ҳам бу ер «отлиқ ер» ҳисобланарди.

Колхоз бўлиб бирлашгандан кейин «отлиқ навкар» ва «отлиқ ер»ларнинг фақат номи қолди, холос. Улар ҳам умумлаштирилиб колхоз ерига қўшилиб кетди.

Бу йил «отлиқ ер»га жўхори экилди. Бу жўхори одатдагидек қўқон жўхори хилдан бўлмасдан, паст бўйли, боши тарам-тарам, кўпроқ супурги жўхорисини эслатадиган хилдан эди. Уни нимагадир «ямен» ёки «ўрис жўхори» деб ҳам аташарди. Бу жўхорининг ўзига хос хислатлари ҳам бор бўлиб, бошқа жўхори-ларга нисбатан эрта пишар, иккинчи экин сифатида буғдой ё қовун ўрнига экаверса ҳам бўлаверарди. Ойдинда йўлга чиққанимизнинг сабаби «отлиқ ер»даги дони етилиб қолган ўша жўхорини ўриш эди.

Йўлда кетаётиб опамнинг шикоятимиз сўзларини эшитиб қолдим:

— Кундузи пахта териб ҳоригонимиз етмагандай...

Дарҳақиқат, опам иккаламиз кун билан пахта терганмиз. Опам колхознинг зарбдори ҳисобланарди. Газетага ёзадиган, ё расмини чиқаришадиган бўлишса, ёхуд кинога олишмоқчи бўлишса опамга келиб мурожат қилишарди.

Кун билан пахта териш ҳам осон бўлмади. Опам икки қўлини баробар ишлатиб пахтани тез терарди. Менинг эса бу ишга уқувим келавермас, қанорга тиқиладиган пахтанинг ўндан бири ҳам менга тегишли эмаслигини яхши билардим. Бугун опам терган пахта тўла бир қанор бўлди. Уни на опам кўтара олади, на мен. Бир амаллаб эшакка юкладик. Икки томондан иккаламиз ушладик. Эшак ҳам бизнинг раъйимизга бўй беравермайди. У ёқ-бу ёққа бурилганда қанор эшакнинг устидан тушиб кетарди-да, уни не азоблар билан қайта юклардик. Бундай пайтларда опам хуноб бўлар, терлаб-пишиб куйинарди. Ҳатто эшакни айбдор ҳисоблаб:

— Қирилиб кета, ер ютсин сени,—деб койинарди.

Кўп азоблар билан кун ботар-ботмас, пахтани хирмонга обориб топширдик. Бу ишларнинг иштирокчиси

бўлганимдан мен опамнинг шикоятому тилини тартиб
яхши тушунардим.

Ниҳоят, «отлиқ ер»га етиб келдик. Дағал бригадир
товани — ҳар бир киши учун ажратилган, ўғри ўриб
кетиладиган йўлакни белгилаб берди.

Отам, опам, мен жўхори ўроғига тушдик. Ишчи-ка
лигидан ва калта бўйлигидан «ясмен жўхори»ни ўриш
унча қийин эмас эди. Икки соатлар чамаси иш билан
банд бўлдик. Жўхорининг бир қисми ўрилди. Уроқдан
кейин ерда ястанган жўхорилар тизмаси пайдо бўлди.
Кеч хуфтонда уйга қайтдик. Опам яна нималардир
деб шикоятланди. Отам эса «кўрадиган кунимиз шу-да,
нимаям қўлимиздан келарди»; деган маънода жим ва
вазмин қадам ташларди.

Эрталаб яна пахта теримига чиқдик. Бундай пайт-
ларда мактабда умуман ўқиш бўлмасди. Пахта тери-
ми ҳам маълум даражада жўхори ўроғини эслатарди.
Ҳар ким ўзига тегишли бир товадан кетиб, ўн-ўн беш
киши баробарига терарди пахтани. Кутилмаганда қи-
зиқ бир гап оралаб қолди. Дағал бригадир «отлиқ
ер»га бориб-келибди. Кечаси ўрилган жўхориларни
ўрдак еб кетибди.

Одатда кузнинг бу пайтларида паррандалар гала-
гала бўлиб, шимолдан жанубга учиб ўтадилар. Кун-
дуз кунлари емиш излаб бирор жойга қўниш улар
учун хатарли. Шу сабабдан кечалари бирор жойда
емиш кўриниб қолса, шу ерга ёпириладилар-да, у жой-
ни пайҳон қилиб кетадилар. Биз кечаси ўрган жўхори
ҳам шу хилдаги ўрдак галаларига емиш бўлибди.

«Фалокат якка юрмасмиш, у қават-қават юрармиш»
деган гап бор халқда.

Очарчилик йилларида (1933—34 й.) совуқ одатда-
гидан барвақт тушиб, экин-тикинлар чала пишган
пайтда ургани етмагандек, кўпчилик кўзини тутган
жўхорининг бир қисмини ўрдак еб кетди.

Уша йили ёз ойларида бошқа бир фалокат рўй
берганини ҳам эшитдик. Колхоз раҳбарлари Отаназар
майдоида бир неча таноб ерга буғдой эккан экан-
лар. Пишиб, энди ўроққа келган кунларнинг бирида
кечаси яқин қўшни қишлоқлардан одамлар йиғилишиб
келибди-да, буғдойнинг бошини қирқиб олиб кетишиб-
ди. Қўйилган соқчилар ҳам буғдойни сақлаб қолиш
иложини топшиша олмабди. Ҳатто милтиқ отишмалар
ҳам бўлиб, келганлар орасида яраланганлар ҳам бўл-
ган. Оқибатда мўлжалдаги буғдой ҳам колхозчилар

қўлига тўла тегиб етмаган. Унинг устига жўхори пишиғида ўрдак ҳужуми!

Эртаси кечқурун пахта қабул қилиш майдонига йиғилганда дағал бригадир ўз қарорини эълон қилди:

— Қолғон жўхориларни қўриқлош қарак!

Хуфтонларга бориб, жўхори ўриш яна такрорланди. Ой кечагидан ҳам тўла ва ойдин эди. Йўл ёқасидаги чўп-чорлар, узоқроқдаги тўқайлар ҳам аниқроқ кўринаётгандек эди. «Отлиқ ер»га етиб келдик. Уроқлар ишга тушди. Дағал бригадирнинг мўлжалидаги иш битти, шекилли, ҳаммани йиғиб, деди:

— Газзик-газзик жугарини қўриқлаб чиқамиз бунан буёққа!

Ҳамма жим қолди.

— Соқчиликни бир четдан бошлаймиз. Элтизор бува бу ишни эплалмийди. Биринчи Қўшжон акадан бошлиғояли.

Отам ва опам бу қарорга эътироз билдира олмадилар. Бироқ опамнинг қиёфасида норозилик белгилари пайдо бўлган эди. Дағал бригадирга эшитилмайдиган ҳолда, юрак дардини чиқариш учун бўлса керак:

— Қуриб кетсин! Бу ҳам бир дард бўлотоғунга ўхшийди,—деди шивирлаб.

Отам билан иккаламиз жўхори соқчилигида қолдик. Табиатан отамнинг камгаплиги маълум. У бошқалардек, чўпчак ёки эртақ айтиб бериб, болаларни банд қилишни билмас эди. Бироқ шунга қарамасдан у билан бирга жўхори сақлашга қолишимдан мен хурсанд эдим. Демак, зарур пайтда отамга йўлдош бўлишга яраб қолибман, нималардир қўлимдан келади. Отам жўхори похали устида ўтириб, хаёлига бирор панд-насиҳат келиб қолса гапирар ва бу гапларни мен диққат билан эшитардим.

— Ҳамма гап мийнатда, мийнат этсанг хўр бўмийсан. Ҳатто бировнинг иши бўлса ҳам ихлос билан этсанг камол топасан, хор-зор бўмийсан.

Меҳнат ҳақидаги бу гапларни айтди-да, анча вақт жим ўтирди. Ким билади у нима тўғрисида ўйлаяпти. Балки келажакда менинг ким бўлиб етишишим ҳақида ўйлаётгандир?

Бир оздан кейин атрофга кўз югуртириб олди-да:

— Ина, йиғит бўлай деб турибсан. Одамларни ҳам таниб қолдинг,—деди. Бир зумда отамнинг илгариги айтган атроф-муҳит ҳақидаги мулоҳазалари хаёлимдан

ўтди.—Яхшими, ёмонми, одамлар икки тойпага бўли-
нади. Бадавлат, бедавлат.

Отам фикрларини исбот қилиш учун мисоллар ҳам келтирарди. Элдошларимиздан бирининг номини келти-
риб, унинг ер-сув миқдорини айтар, иккинчи бирининг
номини айтиб, худди шу миқдордаги ер-сувга эга экан-
лигини таъкидларди. Уларнинг бири — бадавлат, ик-
кинчиси — бедавлат. Бедавлатлигининг сабабини алоҳи-
да таъкидлаб қўярди.

— Мийнатни ёқтирмийди, ишинда тартиб йўқ, деҳ-
қончиликнинг сирларини ўйламайди... кўрганмисан,
бели, кетмони жойида турмайди. Турса ҳам занг босиб
ётади.

Отам илгариги суҳбатларидан, мени ўз «фалсафа-
си»дан хабардор ҳисоблади, шекилли, синчковлик бил-
ан назарини менга қаратиб, вазмин овозда:

— Буёғига не иш этсанг, шунинг ҳунар бил. Сирини
ўйран, эринчак бўма. Ишнинг сўнггини ўйла, шунда
баракат толасан!

Отам менга илгарилари ҳам кўп насиҳатлар қилар-
ди. Лекин бу галги насиҳатлари мен учун қадрли эди.
Энди у мени шу насиҳатларга тушунадиган даражага
етган деб ҳисобларди.

Отам яна бирпас жимликдан кейин, беларвороқ
оҳангда гапини давом қилдирди:

— Ина, кўрдингма, ҳозирги ишлар деҳқончиликнинг
сирини билмасдан этилиб турибди. Мунов жугари ўн
кун аввал экилиши қарағийди. Агар шундай бўғонда
ҳосил ҳам кўпроқ бўларийди. Ўрдакка ем бўмас эди.

Отамнинг бошқа пайтлардаги суҳбатлари эсимга
тушиб кетди.

— Деҳқончиликнинг белгили ҳисоб-китоби бор. Ба-
ҳорда кечиккан бир кун, деҳқон ишида кузнинг ўн
кунига баробар. Кузда қилинадиган ишнинг бир кун,
эндиги ёзда қилинадиргон ишнинг бир ойига тенг.

— Э-эй, деҳқончиликда тартиб қомади, ота-бува-
ларимиздан қоғон дастурлар йўғолиб боротир,—деди
ўзига-ўзи гапираётгандек.

Отамнинг бу панд-насиҳатлари менинг келажагим
ҳақида жиддий ўйлашимга сабаб бўлди.

Ой ғарб томонга анча оққан эди. Унинг нурлари
ҳам бир оз қиялашиб, хиралашгандек кўрина бошлади
менга. Отам уйқу босган кўзимнинг юмилаётганини
сезиб, туя жунидан тўқилган чакмонини ечди-да, жў-
хори похолининг устига ёзди. Мен уйқусираган ҳолда

чакмон устига чўзилдим. Шу орада бир неча бор ўрдак галалари пастлаб учиб, шувиллаб ўтганини сездим. Отам чакмонининг ярмини устимга тортди. Кўзим уйқуга кетди.

Уйқу орасида яна ўрдакларнинг шувиллаб учиб келишлари ва отамнинг ўроқ билан таёқни «тақ-туқ» уришлари қулоғимга чалиниб қоларди.

Отам мени уйғотганда, шарқдан уфқ оқариб, қуёш нур тарата бошлаётган эди.

XXXXVII. ЭГАЛИК ТУЙҒУСИ

Бу йил баҳор ҳар йилгидан эртароқ ва илгарироқ келди.

Қўлимизда бел, қўлтиғимизда жийда қаламчалари, укам Отамурод билан отизлар оралаб боряпмиз.

— Ҳов, ана у не?!—деди укам адоқдаги ер томон ишора қилиб. Мен у кўрсатган томонга қарадим. Солма ёқасида чўзилиб ётган бир нарсага кўзим тушди. Ҳайрон бўлдим. Яқинроқ бордик.

— Одам-ку!—деди Отамурод.

Яна ҳам яқинроқ бордик. Қарасак, Элтизор бувам солма бўйидаги қовжираган ўт-ўланнинг қалинроқ жойини танлаб, орқасини офтобга бериб ухлаб ётибди. У чуқур нафас олар, кейин икки лунжи коптокдек шишиб, яна ўрнига қайтар эди.

Бир оз томоша қилиб турдик. Илгари Элтизор бувамнинг соя-салқинларда хуррак отиб ухлашини кўрардик, лекин кимсасиз, қиш захи кўтарилиб улгурмаган ерда ётганини кўрмаганмиз.

— Ҳов!—деди Отамурод таажжубланиб,—муновни қара, бошининг тийинда наҳаллар.

Разм солиб кўрсам Элтизор бувамнинг бошининг тагида қаламчалар дастаси. Иккаламиз ҳам безовталанган ҳолда йўлимизни давом эттирдик. Олдин экиб кетган кўчатларимизни текшириб кўриш мақсади бор эди бизда. Икки йил давом қилган очарчилик халқнинг тинқасини қуритган эди. Учинчи йилнинг баҳорига қараб, халқ орасида уйғониш кайфияти пайдо бўлди. Эрта баҳордан бошлаб, одамлардан ер-сувга қараш, экин-тикин билан машғул бўлиш кайфияти туғилди. Баҳорнинг охирларига бориб, экин экилмаган бир парча ер қолмади. Ҳар бир қарич ерга нима-нидир уруғи қадалди, ҳатто ёп рошларига ҳам қовоқми, тарвузми экилди. Улар униб ҳам чиқди. Сув оқадиган

ҳар бир ариқ лабига жийда, терак қаламчалари экилди. Кейин ўйлаб кўрсам, бу икки йиллик очарчиликдан кейинги уйғониш баҳори бўлган экан. Бундан укам билан мен ҳам четда қолмаган эканмиз.

Илгари бизга тегишли ҳисобланган ер адоғига отиб бордик. Не кўз билан кўрайликки, биз экиб кетган ниҳоллар йўқ, солманинг у чеккасидан-бу чеккасига чиқсак-да, қаламчаларнинг бирортасини топиб бўлмади. Укам менга қарайди, мен укамга. Ҳар хил хаёлларга бордик. Мол-ҳол еган десак, ҳали барги чиқмаган ниҳоллар билан молнинг нима иши бор?!

Таваккал қилдик. Қўлтиғимиздаги қаламчаларни такроран яна ўша солмага экишга қарор қилдик. Иш узоққа чўзилмади. Уйга яна ўша йўлдан қайтдик. Элтизор бувам ҳамон хуррак отиб ухлаб ётибди.

— Ҳов!—деди укам Отамурод таажжубланган ҳолда.—Бу бизлар эккан наҳаллар-ғў!

Укамнинг кўзлари пирпирар, назари унинг боши тагидаги қаламчалардан узилмасди. Нима қилиш керак, маъносида бир-биримизга қараб олдик. Уни дарров уйғотиб «нега бу ишни қилдингиз?» деб сўроқ қилиш одобдан эмас эди. Анча иккиланишлардан кейин секин бувамнинг елкасини турткиладим. Бироқ у ҳадеганда уйғонавермади. Қаттиқроқ силкиб:

— Бува, бува, Новбар опам чақирвотир,—дедим. У «ҳа, ҳа» деганича кўзини очди. Ўрнидан туриб, ўтириб олди. У ёмон туш кўриб, сесканиб уйқудан уйғонган одамдек бизга қаради. «Нима керак бўлиб қолди», дегандек менга кўзини қадади. Мен дафъатан бир нарса дейишга журъат қила олмадим. Бир оз иккиланишдан кейин:

— Наҳаллар... наҳаллар...—дедим дудуқланиб.

«Суғуриб, териб олибсиз», демоқчи эканимни у дарров тушунди. Одатдагидек: «туф-туф, бира-бира»ланди-да:

— Ҳовва, ерга зарар, экин яхши битмайди,—деди ва яна «туф-туф, бира-бира»ларни такрорлади.

Эътироз билдиришга биз ожиз эдик. Кейинчалик Элтизор бувам гапларининг маъносини тугалроқ англаб олдик.

Биз кўчат эккан солма Элтизор бувамнинг собиқ ери билан бизнинг собиқ ер орасидан ўтар эди. Солманинг биз томонида ўсган жийданинг Элтизор бувам ери томонига зарари бўларди. Бироқ беш йил бўлибдики, ер-сувга, мол-мулкка эгалик тугатилган. Ҳамма-

си колхоз ихтиёрига ўтган. Аммо эгалик ҳисси ҳамон тугаганича йўқ. Иложи борича ҳар ким ўз ерини қўриқлаш, ардоқлаш учун ҳаракат қиларди. Бугун бир неча ёш авлод учун қишлоқ ерлари чексиз-чегарасиз майдондан иборат бўлиб қолди. Якка хўжалик бўлиб яшаган даврдаги ҳар бир одам илгариги ўз ерини ажратиб олиши қийин эмас. Бу ҳол шахсан ўзимга ҳам тегишлидир.

Кечқурун овқатдан кейин қисқача оила машварати бўлди. Бўлиб ўтган воқеадан отам хабардор эди. У машваратга яқун ясади.

— Элтизор бахил! Унинг феъли шу,—деди. Бир муддат жим бўлиб, ўйлаб ўтирди-да, гапини давом эттирди.—Балки уники тўғридир. Шўронинг умри қанча, билиб бўмийди. Эрта бир кун ери ўзига қайтадиган бўлса, сизлар эккан жийдалар катта дарахт бўлиб, унинг ерига соя ташлайди, ҳосилга зарар беради...

Отам вали одам эмас эди, гарчи уни эл орасида Қўччон авлиё десалар ҳам. У бугунги кунларни кўра олган дея олмайман. «Шўронинг умри қисқа» деган кайфият ўша даврда ҳамманинг хаёлида юрганини яхши биламан. Бу кайфият урушдан кейинги йилларга келиб, шўронинг нақадар қудратли кучга айланганини англашгандан кейингина сусайди. Авлодларнинг алмашуви ҳам тақдирга тан бериш кайфиятини кучайтирган эди.

Отам қўлини ёз эшик томон чўзди-да:

— Мунов ёпнинг орёғиндоғи солма ёғасига экагоинглар жийдани, уларнинг ерга зарари кам бўлади,—деди.

Эртасига биз отамнинг истагини амалга оширдик.

Қўчат экиш, умуман дарахт ўстиришнинг ўзига хос завқи бор. Ҳатто буни мен ижод завқи билан баробарлаштирган бўлардим. Баъзан ўрнига тушган сўз, топиб ишлатилган образ ижодкорга қай даражада шавқ бағишласа, қўчат ёки пайванднинг жонланиши ҳам шу даражада шавқлидир. Қўчат экасиз, унинг жонланаётган куртакларини кутасиз. Ҳар соат, ҳар кун бориб кўриб, ундан завқ олиш истаги туғилади. Ёки пайванд қиласиз. Аввало қуриб қолмасдан, кўк турганидан хурсанд бўласиз. Куртакнинг хиёл жонланганини кўриб, яна завқингиз ортади. Пайвандингиз улғайиб, дарахт бўлиб, мева бериб бошлаганда-чи?! Бундай ҳолда у ҳаёт ва фаолиятингизнинг бир қисмига айланади.

Ҳанузгача бу машғулотдан завқланиб юришимдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

XXXXVIII. «УҚИШ КЕРАК ЭКАН-ДА!»

Мактаб директори идорасининг адоғида тик турибман. Директорнинг юзига қараёлмайман. У эса столнинг бир чеккасини муштуми билан қаттиқ уриб, бақиради:

— Кўзингни тўрт қиламан. Энсангнан ҳам икки кўз очаман!...

Директор ўта баджаҳл одам эди. Бўйи баланд, гавдаси йирик, шундай қараганда бесўнақай бир одамга ўхшаб кўринарди. Бироқ бу йирик гавдасига нисбатан у чайир ва ҳаракатчан эди. Қишлоғимизда Тоған Бегжонов номи билан машҳур эди у.

Кўзлари борган сари йириклашиб, хонасидан чиқиб кетаётгандек кўринарди менга. У яна столни муштлаб:

— Сенга айтаётирман, не индамайсан, тилинг танглайингга ёпишганми? Этар ишингни этиб, инди индамай туривирасами?!—деди.

У гоҳ ўрнидан турар, мен томон энгашиб койинишларини давом қилар, гоҳ чарчагандек курсига ўзини ташларди. Чап қўли билан столнинг бир чеккасида турган, эзилган, титилган тахя — дўппиларга қўлини чўзиб кўрсатарди-да:

— Буларни сенинг отанг олиб берибдими? Қараб тур, ҳали отангниям чақираман, сенинг терингни шилдираман!—деб жаҳлини сочарди. Унинг оғзидан отилиб чиққан сўзлар билан бирга сўлак парчалари ҳам кўзимга чалинарди.

Ўзимни айбдор ҳисобласам ҳам, дадилроқ туришга интилардим. Бироқ директорнинг важоҳати бора-бора мени қўрқувга сола бошлади. Аммо бирор нарса деб жавоб қайтаришга ўзимни ҳақсиз ҳисоблардим. Қўрқув, ўзимни айбдор ҳисоблаш қай даражада кучли бўлмасин, узук-юлуқ равишда тўппончага тегишли воқеалар хаёлимдан ўтаверарди.

Бундан анчагина йиллар олдин отам эски ҳовлининг бир қисмини бузиб, янги уй қурган эди. Кунларнинг бирида қушларга тузоқ қўйиш мақсадида эски уй қолдиқларининг томига чиқдим. Неча йиллар давомида офтобда қовжираб ётган ўтинларни у ёқ-бу ёққа сурдим. Бир маҳал ўтинларнинг тагида ётган ўрамга кўзим тушди. Эскириб увадаси чиқиб кетган ўрамни олиб ечдим. У тўппонча экан.

Эски китоблардан ўқиган жангномаларнинг таъсирида бўлса керак, ўткир қиличга эга бўлиш, ёки мил-

тиқ отиб душман қулатиш менинг борлиғимни эгаллаб олган эди. Утинлар орасидан чиққан бу тўппонча мен учун энг зарур, кўпдан бери ҳавасимда юрган топилдиқ эди.

Тўппонча анча салмоғдор, оғир эди. Унинг нили жуда қалин бўлиб, ўқ чиқадиған жойи хирли эди. Қўндоғи ярим доира шаклида бўлиб, энди етилиб келаётган қўчқорнинг шохига ўхшарди. У ҳар хил белгилар билан безатилган, ўнг ёнида чақмоғи бўлиб, орқага қайрилганда тепкига минар, тепкини босганда эса зарб билан жом илиб қўйилган тугмачага урилар ва ўқ-дори солинган бўлса, тўппонча кўчиб, худди милтиқдек овоз бериб отиларди.

Эски овчилардан ялиниб-ёлвориб, ўқ-дори сўраб олдим ва хилват жойларда бир неча бор нишонга отиб ҳам кўрдим.

Тўппонча менинг феъл-атворимга ҳам таъсир қилаётганини ҳам англадим. Мен энди халта кўтариб, мактаб қатнайдиған, уй ишларида дастёрликдан бошқа нарсага ярамайдиган бола эмасман, балки қўлтиғимга илиб олинган тўппончанинг эгасиман. Бу билан мен бошқалардан фарқ қиламан.

Хаёлим шу ерга келганда директорнинг жаҳлдор овози яна кучлироқ янгради. Столга урилган мушт зарблари бошимга келиб тегаётгандек эди.

— Мен сенга айтаётирман, нега лолсан?— деди-да, стол чеккасида турган пачоқ тахяларга қўли билан ишора қилиб:— Биласама, буларни сенинг энанг тикиб берганмас, пулга олинган, кўп пулга олинган, биласама ницчалли пул туради.

Менинг жим турганим унинг яна жаҳлини оширди. шекилли, пачақланган, тешилган тахяларни биринкетин мен томонга ота бошлади. Тахялар ҳавода қалқиб-қалқиб учиб, мен турган жойга тушарди.

Мендан бирор жавоб олиш мақсадида бўлса керак, директор хиёл шаштидан тушгандек бўлди. Бир зум менга тикилиб қаради. Менга ҳам нима биландир ўзимни оқлашга пайт келгандек кўринди.

— Боғаларнинг ўзлари от дедилар. Мен отдим.

— Нерда?!

— Жуман маймунларнинг кўйна жойида.

Директор яна жим қолди. Хаёлим яна ўша бўлиб ўтган воқеаларга кўчди. Катта танаффус пайтида ко-сиблар ҳовлисида жойлашган мактабдан чиқиб, қулоқ қилиниб, Сибирга сургун қилинган Жуман маймунлар-

нинг чор деворига бордик. Қўлтиғимда тўппонча. Тенгдошларим тўппончанинг отилишига ўта қизиқишган эди. Мен бирор мўлжал керак эканлигини айтдим. Улардан бири эски дўпписини бошидан олди-да, таёқчага илдириб чордевор ёриғига жойлади. Мен отдим. Унинг кетидан янги дўппилар ҳам илина бошланди. Қизиқиш авжига чиқиб, уларни ҳам мўлжалга олаверибман.

Кулоғим тагида яна директорнинг овози. янгради. Сесканиб кетдим.

— Кўзингни тўрт қиламан,—деб қўлини энсам томон обориб,—шу ерингнан ҳам икки кўз очаман,—деди гапини такрорлаб ва овозини пасайтириб:—Ўқишинг ҳам яхши бўса экан?! Бор, чиқ, кўзима кўринма!

Синфим томон қадам ташлар эканман, директорнинг кейинги сўзлари ҳақида ўйлаб қолдим. Ҳақиқатан ҳам ўқишим хусусида мақтанарли ҳеч нарса йўқ. Ҳамон янги ўқиш мен учун ўқиш эмас, мактабга шунчаки келиб-кетиш эди. Асосий ўқиш эски халқ китоблари. дostonлар, диний руҳдаги ҳикояту ривоятлар... Уларни мен жону дилим билан ўқирдим. Фикр-ўйларим ҳам ўша китоблардаги воқеалар, ривоятлар билан банд бўларди. Шариат ақидаларининг аксариятига риоя қилардим. Рўза тутиш, намоз ўқишни бурч ҳисоблардим. Отам ва онамларнинг ҳам раъйи шу эди.

Директорнинг дашномлари бекорга ўтиб кетмаслигига кўзим етарди. Унинг дашномларидан кейин ўша кунни безовталиқ билан ўтказдим. Бир қарасам, қариндош-уруғлар йиғилиб менинг қилмишларимни муҳокама қилаётгандек, бир қарасам, шаҳардан яроғдор одамлар келиб мени олиб кетаётгандек кўринаверарди.

Эртасига қўлтиғимга илиб юрган тўппончамни учакнинг хилват бир жойига яширдим-да, мактабга келдим. Бир неча соат дарсни қандай ўтганини билмадим. Ниҳоят ўқувчиларни илгари катта ўйнинг долони ҳисобланган, эндиликда синфларга кирадиган йўлак вазифасини адо этадиган жойга йиғишди. Нималардир гапирилиши ва муҳокама қилиниши турган гап эди. Мен хавотирландим.

Урта қаторларда ўтирибман. Ён-веримда ўзимнинг тенгдошларим. Улар ичида ҳар кўрганимда юрагимда ажиб бир ҳис уйғотадиган қиз ҳам бор эди. Унинг кўзлари шахло, оппоқ юзлари хиёл чўзиқ, сочлари йўғон ва майин. Тишлари дурдек, фақат юқоридаги иккита

олд тиши хиёл каттароқ бўлиб, юз-кўзига ярашиб тушарди.

Мен уни доим кўргим келаверарди. Унинг рўпара келиб қолишини ёқтирардим. Бироқ у доим бепарво эди. Бу гал ҳам мен унга қараб қўйдим. Хаёлим яна дostonлардаги гўзаллар томон оғди. Гуллар очилиб, булбуллар сайраб турган боғлар, ҳайратомуз қасрлар кўз олдимга келди. Шундай бир пайтда ён эшикдан директор чиқиб келди. Хаёлларим узилди.

Масала албатта кечаги тўппонча воқеалари билан боғлиқ эди. Директор бўлиб ўтган ҳодисаларни чўзиб гапирди. Гап соатлаб чўзилаётгандек кўринди менга. Ундан кейин бошқа муаллимлар ҳам унинг фикр ва мулоҳазаларини қувватладилар. Гап орасида ўқишим ҳам яхши эмаслигини қайд қилдилар. Директор менга нисбатан қаттиқ чора кўрилажагини айтди-да, мажлисни ёпди. Эндигина битта-иккита ўқувчи ўрнидан қимирлаган ҳам эдики, мен ўша шахло кўзга назар ташладим. У менга қаради-да:

— Улган яхшимасми?! — деди.

Мен ўрнимдан туришни мўлжаллаган эдим, қайтиб ўтирганимни сезмай қолдим.

Ҳаммадан кейин туриб, бемажол юриб синфимга кирдим. Энг орқадаги ўриндиқлардан биттасига чўкдим. Уйладим: «Улган яхшимасми?!» Директорнинг дашномлари ўтиб кетар, муаллимларнинг танбеҳлари ҳам ўтиб кетар. Бироқ менда сеҳрли ҳис уйғотиб юрган қизнинг бу сўзлари ўтиб кетармикин?!* Ердан оёғи узилиб, ҳавода муаллақ қолиб кетган ва пастга шўнғиб парча-парча бўлиб кетишни кутаётган одам ҳолатида эдим мен ўша пайт.

Одатда ҳар гал мактабдан қизлар, болалар тўптўп бўлиб, ғала-ғовур, шовқин-сурон билан қайтишардик. Бу гал ҳам шундай бўлди. Бироқ бугун шахло кўзли қиз ўзини четга олар, иложи борича мендан узоқроқ бўлишга ҳаракат қиларди. Менинг кайфиятим ҳам аввалгидек эмас. Хаёлларим паришон. Отамнинг танбеҳидан кўрқардим. Баъзан милиция келиб, икки қўлимни боғлаб олиб кетаётгандек кўринарди. Ич-ичимни кемираётган алам бор эди менинг юрагимда.

Болаларнинг шовқин-суронлари қай даражада кучли бўлмасин, хаёлимга яшин тезлигида бир фикр келиб, яна ўша яшин тезлигида ўчарди: «Ўқиш керак экан-да!»

Кечалари тонг отавермайдигандек, кундузлари кун ботавермайдигандек кўринарди. Бу ҳодисаларнинг оқибати шу бўлдики, бир неча кун ўтгандан кейин мактабдан келган пайтимда отам мени чақириб олди-да, тўппончани сўради. Мен тўппончани обкелиб унинг қўлига бердим ва жиддий танбеҳ кутиб жим турдим. Бироқ отам ортиқча бирор нарса демади. Гўё у ҳамма нарсадан хабардор-у, менинг аҳволимни ҳам яхши билди. Отам антиқа бир нарсани томоша қилаётгандек тўппончани бир қатор кўздан кечирди. Безакларини томоша қилгандек бўлди. Назаримда бу ашёни қандай ва қаерда сақланиб қолишига ҳайрон эди. Менга бир назар ташлади-да:

— Бу ишинг бўмийди! Тез чой-нонингни е-да, қўйларингни чиғар,—деб тўппончани олиб ичкари уйга кириб кетди. Мен ўзимни хиёл енгил ҳис қилгандай бўлдим.

Кейин эшитишимга қараганда шаҳардан кимлардир келиб тўппончани олиб кетибди.

Тўқайнинг бир чеккасида қўй боқиб юрар эканман, яшини тезлигида ўша шахло кўз қизнинг сўзлари хаёлимдан ўтаверарди. «Улган яхши эмасми?!»

XXXXIX. БИР ДУНЕ ЕРУҒЛИК

Опам дарвоза томон қулоқ тикди-да:

— Матёқуб! Бор, отанг келди, дарвозани оч,—деди.

Дарвозани очдим. Отамдан бошқа, эшак аравада ўтирган одамга кўзим тушди. Дарров салом бердим.

Отам эшак аравани дарвозадан киритди. Ҳовли ичкарисидан айлантирди-да, араванинг орқа томонини айвоннинг қиш эшигига тўғрилади. Кейин ўзи ҳам ўша томонга ўтиб, аравада ўтирган одамни оҳиста кўтариб олди. Эҳтиёткорлик билан айвонга киритди ва айвон ўчоғининг тўрига обориб ўтқазиб қўйди. Опам ўша заҳотиёқ иккита-учта ёстиқни у одамнинг атрофига қўйиб чиқди.

Бу одамни ҳаммамиз алоҳида ҳурмат билан Исмоил дойн деймиз. Ўзи йўқ пайтларда эса фахр билан Исмоил дойим деймиз.

Исмоил дойим ўқимишли бўлгани учун кўпчилик уни Исмоил эшон дейишади. Китобнинг бош бобларида Исмоил эшоннинг Бухорода бир неча йиллар Айний домла билан ўқигани ва инқилоб рўй бериб, мадрасани тўла битказа олмай қайтгани ҳақида айтган эдик.

Яна шу нарсани қайд қилган эдикки, унинг отаси Иброҳим охун инқилоб йиллари отилган эди. Тошҳовуз беклигининг қозиси бўлиб ишлаган унинг амакиси Ҳамро эшон қамоққа олиниб, Оқтепа қамоқхонасида йўқ бўлиб кетган.

Исмоил дойим ҳаммамизни жиянларим деб атарди. Ҳар келганда ҳар биримиз билан қуюқ сўрашар, ҳолаҳволимизни суриштирар ва қилаётган ишларимиздан бохабар бўларди. Бу одамнинг муомалаларида илм соҳибларига хос алоҳида илиқлик бор бўлиб, овози паст ва майин эди. Сўзларни дона-дона қилиб, аниқ талаффуз қиларди. Унинг гап-сўзларини эшитганимда энам ўқиб берадиган китоблардаги донишмандлар қиёфаси кўз олдимга келарди. Уқимишлиликнинг боисидан бўлса керак, у энам билан узоқ-узоқ суҳбатлашарди ва бу суҳбатларни эшитиш мен учун мароқли эди.

Опам ҳам Исмоил дойимни беҳад ҳурмат қилиб, унинг келишини назарда тутиб, кўп тараддуд кўрди. Бир паловлик шolini офтобда қуришиб олиб, келида туйиб, гуруч тайёрлади. Ҳали очарчилик йилларининг асорати тўла йўқолмаган бўлса ҳам Исмоил дойимнинг келишига қараб паловга етарли сариеғ йиғиб қўйди. Уйларни супуриб-сидириб, саранжом қилди. Чойнак-пиёлаларни тозалаб, ўчоқ бошига тахт қилиб қўйди.

Отам Исмоил дойим билан қарийб тенгдош эдилар. Шу боисдан бўлса керак, ҳурматдан ташқари бир-бири билан тортишаверадиган, узоқ-узоқ пайтлар, баъзан кеч хуфтонгача ўтириб суҳбатлашаверадиган эдилар. Бу суҳбатлар ҳам мен учун бир мактаб эди. Бирор иш чиқиб қолса — чой дамлашми, қўл ювдириш ёки чайдиришми чолиб ўрнимдан турардим ва ихлос билан бу ишларни кўнгилдагидек қилиб бажаришга тайёр эдим.

У пайтларда Исмоил дойимнинг қисматига тегишли айрим маълумотларни эшитиб юрган бўлсам-да, бу гапларнинг тафсилотини кейин аниқлаб олдим.

Исмоил дойим 1925 йил ёз ойларида Бухородан қайтган экан. Унинг қайтиш сабаби, рўй берган инқилобий ўзгариш бўлиб, Фрунзе қўшинлари томонидан Бухоро босиб олинган, Бухоро амири бир қисм қўшинлари билан хорижга ўтиб кетган, мадрасаларнинг аксарияти ёпилган. Исмоил дойим ўқиётган мадраса ҳам ишни тўхтатган. Ҳатто шундай бўлган эканки, мамла-

кат доҳийсининг буйруғи билан мадраса талабалари ўз жойларига қайтариладиган ва халқнинг саводини чиқаришга ҳисса қўшишлари зарур ҳисобланган. Бу хусусда ҳар бир талабанинг қўлига ҳужжат ҳам берилган экан. Бироқ бу талабаларнинг қисмати ҳар жойда ҳар хил бўлса-да, Исмоил дойимнинг қисмати уларга нисбатан бошқача кечган. Умрининг кўп қисми қамоқхоналарда ўтган. Унинг зарарли одам эканлиги исбот қилинавермагандан кейин чиқариб юборилган, яна бирор сабаб боисидан тутқунликка қайтарилган...

Отам билан Исмоил дойим ораларидаги суҳбатлардан узуқ-юлуқ эшитган гапларимнинг хулосаси шу эдики, у қамоқда ётган пайтларида кўп азоб-уқубатларни бошидан ўтказган, баъзан зах ерда, баъзан бетон устида соатлаб, бир неча кунлаб чўккаланиб ўтиришга мажбур қилинган экан. Бунинг оқибатида оёқлари шол бўлиб, ўзи юриш-туришдан маҳрум бўлибди. Отам уни аравадан кўтариб туширишининг сабаби ҳам шу эди.

Инқилобдан кейин уларнинг уй-жойлари мусодара қилиниб, бола-чақалари билан бошпанасиз қолиб кетган. Ҳар хил тазйиқлар уни элдан узоқлаштирган. У қишлоғимизнинг бир чеккасида, катта тўқайнинг этагида кулба қуриб олган. Кейинчалик бу ер танишбилиш, қариндош-уруғлар бориб турадиган зиёратгоҳга ўхшаган жой бўлиб қолди. Мен ҳам у ерга кўп борганман. Усмирликка хос қизиқувчанлик билан тўқайларни кезганман. Ҳар борганимда Исмоил дойим хушмуомалалик билан:

— Ке, жиян!—деб илиқ қарши оларди...

Бир оз вақт ўтгач, палов тайёр бўлди. Исмоил дойим толиқишдан сақланиш учун чўзиб ўтирган оёқларини қўллари билан тортиб, йиғиб олди. Мен опамнинг ишораси билан қўл ювдирдим. Опам иззатли меҳмонларга мўлжалланган сир тортилган бадиёга палов сузиб, Исмоил дойим билан отамнинг олдига қўйди. Овқатдан кейин Исмоил дойим ўзига хос қироат билан қуръон тиловат қилди. У оёқларини қўллари билан яна чўзиб қўйди-да, ўнғайроқ ҳолатга келиб бемалолроқ ўтириб олди.

Отам билан Исмоил дойимнинг суҳбати яна қуюқлашди. Исмоил дойим Бухорода кўрган-кечирганлари хусусида, баъзан одоб-ахлоқ ҳақидаги ривоятларни гапириб берарди. Шулардан бир хиллари ҳали ҳам эсимда.

Исмоил дойим чўзилган оёқларини қўллари билан уқалаётиб, бир ривоят тафсилотини гапирди:

— Бухорода ўзига тўқ бир одам ўтган экан. Ушур-закотларини вақтида бериб, садақалариниям жойига қўйган. Савоб ишларни ҳам анча қилган. Кунлардан бирида у оламдан ўтибди. Худойи таоло уни тўғри жаннатга йўллабди. Бу одам худойи таоло илтифотининг сабабини билмоқчи бўлиб, фаришталарга мурожаат қилибди: «Мен қайси бир савоб ишим учун жаннати бўлдим экан?»—дебди. Исмоил дойим оёқларини уқалашни бирзум тўхтатиб, гапим тушунарли бўляп-тимикин, деган маънода бўлса керак, ҳаммамизни бир қатор кўздан ўтказди. Назарини отамда тўхтатди. Яна оёқларини уқалашни бошлаб, гапини давом эттирди:—Фаришталар худойи таолога унинг истагини етказибдилар. Худойи таоло шундай жавоб қилган экан: «Бу бандамнинг савоб ишлари кўп! Садақалар берди, етим-есирларнинг бошини силади, кўприклар қурди, қудуқлар қазиди. Бу ишларнинг ҳаммасини мен инъом қилган давлат ҳисобига бажарган. Булар ҳам яхши. Лекин уни бесўров жаннатга йўллаганимнинг сабаби бор. Кечаларнинг бирида у қўлида чироқ, қўча узра кетаётиб, ердан ярми чиқиб турган бир ғишт бўлагини кўриб қолди. Ер қаттиқ эди. Кўп уринишлар билан ғишт бўлагини йўлдан олиб ташлади. Шу билан унга қоқилиб-йиқилиши мумкин бўлган одамларни азобдан қутқарди. Уни бесўров тўғри жаннатга йўллаганимнинг асл сабаби шудир»,—дебди.

Исмоил дойим «бу ривоят ҳикматини яхши англаб олинглар», деган маънода бўлса керак, яна бир қатор ҳаммамизга кўз ташлаб олди. Бу кенг маъноли ривоятни айтиб беришидан ўзи мамнун эканлиги унинг чеҳрасидан сезилиб турарди.

Отам билан Исмоил дойим бу ривоят ва шунга ўхшаган ҳодисалар хусусида анча фикр олишдилар. Суҳбат мавзуи ўзгарди. Исмоил дойим бир оз толиққанидан иккинчи томонга ёнбошлади. Бухоро мадрасаларида тез-тез пайдо бўлиб турадиган бир донишманд одамнинг номини тилга олди. Афсуски, бу зот исми асимда қолмаган. Унинг айтишича, бу донишманд одам узун бўйли, барваста, салобатли одам бўлган экан. Амирликда катта лавозимда бўлишига қарамасдан мударрису, талабалар билан доим муомалада бўлиб туришни ва шарият ақидалари, ҳаёт сабоқлари, илму урфон хусусида суҳбатлар қуришни яхши кўрар экан.

Мен Исмоил дойим муҳаббат билан элаган бу зотнинг Аҳмад Дониш бўлиши мумкин эканлигини кейинчалик тахмин қилдим.

Гап илм-урфон ҳақида борганда отам эски мактабларнинг ёпилиб, янги мактабларнинг очилиши ва уларда шариат ақидаларига тўғри келмайдиган дарслар ўтилаётгани ва шундай бўлаверадиган бўлса, мусулмончиликка зарар етиб, ҳамманинг саводсиз бўлиб кетиши мумкин эканлиги хусусида фикр билдирди. Отам, «бу гаплар сен ҳақингда кетяпти», дегандек менга бир неча бор назар ташлаб қўярди. Мен эса айбдордек, бошимни қуйи солиб ўтирардим. Бироқ Исмоил дойим отамга ўзига хос донолик билан жавоб қилди:

— Уқишнинг ёмони бўмийди! Дили тоза бўлса, тангрини тан олса бас!

Шу орада ислом илмидан менга илк бор дарс берган Давлатёр домланинг худди шу хилдаги фикрлари ҳам хаёлимдан ўтди.

Отам, тушундим дегандек, бир зум жим қолди. Исмоил дойим билан отам орасидаги бу суҳбат мени бир дунёдан иккинчи бир дунёга олиб чиққандек бўлди. Ҳар бир босган қадамимнинг маъносини тушуниб олаётгандек сездим, ўзимни. Бир зумда мактабда бўлиб ўтган воқеалар ҳам эсимга тушиб кетди. Ўзим-ўзимга хулоса қилдим: Уқиш керак экан!

Икки кунлик меҳмондорчиликдан кейин отам Исмоил дойимни яна кўтариб эшак аравага чиқарди. Елкасига илинган силкима пўстинга яхшилаб ўради ва уни тўқай чеккасидаги кулбасига олиб кетди.

Исмоил дойимнинг бу галги келиб-кетиши уйимизга бир дунё ёруғлик олиб киргандек бўлди.

XXXXX. ОЙДИН КЕЧА

Жумабойнинг феъл-атворида тушуниб олаверишим қийин бўлган ўзгаришлар рўй бера бошлади. У илгаригига нисбатан анча вазмин, чуқур ўйга ботадиган, бирор нарса хусусида гапирадиган бўлсам, фикримнинг бир қисмини айтиб улгурганимданкейин «А, не дединг?» деб қоладиган бўлди. Шундан билардимки, у гапларимни тўла эшитмас, хаёли бошқа нарсалар билан банд бўларди. Яна шуни сезардимки, у менга илгаригига нисбатан янада яқинроқ боғланиб қолган, нималарнидир гапиргиси, нималар ҳақидадир фикр алишгиси келаётгандек.

Ез кунларининг бирида мактабдан келиб, иккаламиз қўй боқишга чиқиб кетдик. Биз мактабдан келгунимизча қўйлар оч қолган, тўқайга чиққач, улар шапир-шупур ўтлашга киришиб, паст тўронғилнинг юшоқ шохчаларини тортиб юлар, қоравароқнинг янги новдаларини чимдилар, эндигина гулга кираётган янтоқнинг учларини тортқилар эдилар. Етилиб келаётган қўзичоқлар майдонга чиққанларидан хурсанд бўлгандек оналари атрофида сакраб-сакраб ўйин қилишар ва чопқиллашарди.

Биз қўй боқадиган тўқай текис ўтлоқ ёки чакалакзор эмас, бу тўқайлар кўпроқ эски ариқларнинг қолдиқларидан иборат бўлиб, чўзиқ ўйдим ва баландликлардан иборат эди. Баъзан қўйлар ўйдимлар оралаб узоқларга кетиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, қўйларни боқиш учун баландроқ эски рошлардан бирининг устида, тўронғил соясидан кузатиб ўтириш кифоя бўларди. Бундай пайтларда бирор машғулотга эҳтиёж сезиб қолсак, сават ёки чўлпи тўқиш билан банд бўлардик. Айрим ҳолларда тўронғил ё юлгун новдасидан таёқ танлаб, унга ҳар хил нақшлар ўярдик. Бугун Жумабойнинг бу ишларга ҳафсаласи йўқ эди. У мени кўпроқ суҳбатга тортиб, «Юсуф ва Зулайхо», «Баҳром ва Гуландом» каби халқ дostonларидан баъзи воқеаларни эслатишга ҳаракат қиларди ва гапнинг орасида:

— Мен кеча қалъага бордим. Энажон опамларникинда бўлдим,—деб қолди.

Мен билардимки, Жумабой кейинги пайтларда икки-уч кунлаб шаҳарда қолиб кетар, ўша кунлари мактабга ҳам келмас, қўйларни эса бир ўзим тўқайга чиқарардим.

Мен қизиқдим. У бир оз ийманган ҳолда гап бошлади:

— Қалъага тез-тез боргим, кўчаларида юргим келади. Биласанми нега?—деди-да, кулимсиради. Гапни нимадан бошлашни билолмагандай жим қолди.—У ерда бир қиз бор. Энажон опамларнинг қўшиниси. Дим яхши қиз. Оти—Норбиви. Уни ҳамиша кўргим келади.

Гапнинг бошланишидан менда қизиқиш кучайди. Тафсилотини билгим келди.

— Нишетиб учрашасан?—дедим.

Жумабойнинг юзлари ёришди, кўзлари офтоб билан олишаётгандек бўлиб нурланди. Ясси юзларида жилмайиш аломатлари пайдо бўлди:

— Ина шу таёқлар иш беради,—деб биз нақш ўйиб ўтирган таёқлардан бирини қўлига олди ва гапини давом эттирди:—Биласан, кечқурун қоронғи тушгандан сўнг, қалъанинг кўчаларинда одамлар камаяди, мен кўчага чиғаман. Уларнинг эшигининг олдиндоғи сим оғочга икки-уч марта қаттиқ ураман-да, ўтиб кетаман. Бир тунча қайнийтоғин вақт чамаси яна шу ердан орқага қайтоман. Норбиви эшигининг олдига чиқиб турган бўлади. Одатда қўлинда нуввидир бўлади. Ё пишган бир парча гўшт, ё бир товукнинг оёғи, ё бир бўлак новвот. Уларни мен учун олиб чиқади. Мен уларни оламан, қўрқа-писа икки оғиз гаплашамизам. Кўп гаплашиб турмоға қўрқамиз, уйдан кимдир чиқиб қолиши мумкин. Бир-биримизга термулиб, узоқлашамиз.

Сен ҳали бу гапларга тушунмайсан, ёшсан дегандек менга жиддий равишда қараб қўйди. Жумабой. Бироқ менда қизиқиш яна кучаяди.

— Нени гаплашасизлар?—деб сўрадим. Бу билан мен ҳам бу ҳолатлардан тамом беҳабар эмаслигимни билдирмоқчи бўлдим.

— Уёғини сенга айтмийман,—деди у.

Иккаламиз ҳам бир оз жим қолдик. Қўйлар анча узоқлашиб кетган, қўзичоқларни шоғол, чиябўри олиб кетиш хавфи ҳам бор эди. Бироқ суҳбат мавзуси иккаламизни ҳам шу даражада банд қилдики, қўйларнинг узоқлашиб кетиши биз учун кўп ҳам аҳамиятли эмас эди.

— Бор гап шуми? — дедим мен Жумабойга.

— Йўқ!—деди у.—Бошқа гаплар ҳам бор. Норбиви баъзан Энажон опамларникига чиқади. Шу вақтларда бир-биримизни узоқроқ кўришга ва гаплашиб ўтиришга ўнғай бўлади. Бироқ, ҳеч гаплашолмийман-да, тилим гапга кемай қолади. «Юсуф ва Зулайҳо»дан, «Баҳром ва Гуландом»дан ўқиган нарсаларимни айтиб бераман. Бироқ уни кўрган вақтимда ёдлаган нарсаларим тилимга кемай қолади.

— Қизиғай,—дедим мен,—нечун гапиралмисан?

— Бошингга тушганда биласан,—деди у.

— Ҳа-а,—дедим мен ва чуқур ўйга ботдим. Бир зумда менинг кўз олдимда синфдошим шаҳло кўзли қиз пайдо бўлди. Унинг олдида ўзимнинг ҳам лол бўлиб қолишларим эсимга тушди. Уйга ботганимни Жумабой сезиб қолди, шекилли:

— Сен нени ўйлаб ўтирибсан?—деб қолди.

Гапни чалғитгим келди:

— «Юсуф ва Зулайхо»ни ўйлаб ўтирибман, — дедим.

— Яқинда Норбивининг ота-энаси Урганчга кетишди. Синглиси билан бир ўзи уйда қолди. Уларга йўлдош қилиб Сўна опамни қолдиришди. Биласан-ку, Энажон — опамнинг қизи. Икки кеча мен ҳам уларда бўлдим. Кеч хуфтонда чиқаман. Эшик очиқ турган бўлади. Кейин узоқ гаплашиб ўтирамыз. Гапларимиз оддий. Бир оздан кейин Сўна опам билан Норбивининг синглиси уйқуга кетишади. Катта айвоннинг ўртасида, ўчоқ бошида иккаламиз қоламиз. Ойдин кеча. Ойнинг туйнукдан тушган ёруғи чап деворда. У менга суқланиб қарайди, мен унга суқланиб қарайман. Иккаламизда ҳам гўё тил йўқ. Бир маҳал у менинг чўзиқ оёқларимнинг устига бошини қўйди. Бутун борлигим жимирлаб кетди. Нима қиларимни билмай қолдим. Бир маҳал қарасам, мен унинг сочларини силаб ўтирибман. Сочлари икки ўрим қилиб ўрилган, йўғон ва узун. Сочларидан ўта ёқимли бир бўй димоғимга етар ва ундан тўймасдим. У кўзларини секин юмиб очар, юзини силаганимда узун найзадек киприклари қўлимга қадаларди. Унинг юзлари шу даражада силлиқ эдики, мен мана бу қўлларимнинг дағаллигидан уялардим,—деди-да, менга баъзи жойлари қаварган қўлларини кўрсатди.

Гап шу ерга келганда тўқайга ёйилган қўйларнинг узоқлашиб кетгани маълум бўлди. Ўрнимиздан туриб қўйлар кетидан чопдик. Уларни тўқайнинг қалин бир жойида ўтлаб юрганини кўрдик-да, яна қулай бир жойни танлаб, ўтириб олдик. Суҳбат давом қилди.

— Кейин не бўлди?—дедим мен.

— Не бўлар эди?—деди у ҳафсаласизлашган бир ҳолатга тушиб.—Менинг қўлларим ҳали ҳам унинг юзларини, сочларини силаш билан банд эди. Кўзимда уйқу йўқ, у ҳам худди шу ҳолатда эди. Фақат юзларини силаган пайтимда кўзларини секин юмади-да, очади ва менга термулгандек бўлади. Мен эса бир лаҳза ҳам унинг юз-кўзларидан назаримни четга олгим кемийди. Бир қарасам, ойнинг туйнукдан тушган ёруғи биз ўтирган жойга келиб қолибди. У Норбивининг юзини тўла ёритаркан, унинг оппоқ юзи ой нуридан ҳам оппоқ кўринарди, менга.

— Кейин?—деб қизиқсиндим мен.

— Кейин, не бўларди, кейин, кейин дивурасан менга,—деб бир оз жаҳли чиққан бўлди Жумабойнинг.

Бироқ энди у бор гапнинг ҳаммасини айтишга ихтиёр қилгандек гапини давом эттирди:—Кейин, ҳалиям тилим лол эди. «Юсуф ва Зулайҳо»дан ёдлаган сўзларим мутлақо хаёлимгаям келмади. Туйнукдан тушган ой ёруғи силжиб ўнг девор томон ўтди. Норбиви ёруғликка қаради-да, «тез тонг отади», деди. Менинг қўлларим ҳамон унинг юз-кўзлари ва сочларини силлаш билан банд эди. Бироқ оёғим қанча толиқмасин, шу ўтиришни бузишни ҳеч хоҳламасдим. Бир оздан кейин тонг ёришаётгани сезилиб қолди. Норбиви билан хайрлашиб, маст одам ҳолатида кўчага отилдим. Анча вақтларгача кўчаларда дайдиб юрдим. Қаерда юрибман, нимага юрибман, буни мен билолмайман...

Иккаламиз ҳам маълум бир муддат жим қолдик. Гўё ҳозиргина иккаламизнинг кўнглимиз ҳам нималар биландир тўлиб-тошган-у, энди тамом бўшаб қолгандек эди.

Шу пайт қўйлар эсга тушиб қолди. Ғарб томондан кучли шамол турди! Осмонда булутлар пайдо бўлди. Маълум эдики, шамол турса қўйлар бир жойда ўтлаб юришмайди. Улар шамол оқими билан узоқларга кетиб қолиши мумкин. Бевотланиб қўйларни излай кетдик. Баланд-баланд тепаликларга чиқиб, қарадик. Қўйлардан дарак йўқ эди. Ҳар томон чопдик. Ниҳоят уларни икки-уч чақирим наридаги қишлоқ этагидан топдик.

XXXXXI. УЗИЛГАН БАРМОҚЛАР

Бизнинг уйимиздан шимолда, ярим чақиримча нарида қўшнимиз Юсуф бобонинг ери бўларди. Бу ер Оқ тиш ўқ ариғи билан катта сув — Ғарровнинг оралиғида бўлиб, тахминан икки танобча келарди.

Юсуф бобо узун бўйли, озғин, қоқ чакка ва қотма одам эди. Оппоқ соқоли сийрак, узун, кўксига тушиб турар, юзи чўзиқлигиданми бу соқол унга ярашиб турарди.

Бугун мен Юсуф бобонинг ерида ғўза культивациясидаман. Оддий тилда бу ишни «окучка» деб ҳам айтишарди.

Уша пайтларда ғўза культивациясига мўлжалланган бу мослама эндиликда музейлардагина учрайди, холос. У кўринишда кунда — омочга ўхшаб кетади. Фақат битта фарқи шуки, олдида ғилдирак бўлиб, орқаси иккита тутқич билан таъминланган. Мосламани,

одатда, от ҳаракатга келтиради. Бир одам отни етаклайди, иккинчи бири орқада юриб, культиваторни тутқичлари воситасида тўғри жўяк бўйлаб тутиб боради. Мосламанинг тишлари жўякдаги бегона ўтларни илдири билан кесади-да, юмшоқ намли тупроқни ағдариб ғўза тубларига жойлайди.

Аслида бу гал мен ишга Бекжон акамнинг ўрнига чиққанман. Ўзим эса бригадада табелчи, табель кечқурун битилади, ундан кейин ЛикБез курсини ўқитаман. Кейинги бир йил ичида шахло кўзли қизнинг таънаси, Исмоил тоғамнинг «ўқишнинг ёмони йўқ» деб чиқарган ҳукми таъсирида бўлса керак, ўқишимни тўғрилаб олган эдим. Йилнинг охирига келганда аълочилар қаторига қўшилгандим. Бахтимга қарши қишлоғимиздаги тўлиқсиз ўрта мактаб ёпилди. Тенгдошларимнинг аксарияти бошқа қишлоққа—интернатга ўтиб кетган эди. Мен улардан бир синф орқада бўлганим учун ўқишдан қолиб кетдим. Энди мен колхозда ишлайман. Баъзан опам, ё Бекжон акам ўрнига ишга чиқиб тураман. Бугун ишдаман. Юсуф бобога шерикман. У отни етаклайди, мен культиваторни тутиб бораман.

Ғўза навлари ҳам ўша пайтлари бошқача эди. У вақтдаги ғўза тублари яйраб ўсар, ҳар томонга шох ташлаб жўякни бекитиб қўярди. Шу сабабдан жўяк оралаб юриш осон иш ҳисобланмасди. Хусусан ғўза етилгач, кўсаклар оёққа урилиб отнинг ва етакловчининг юришини анча қийинлаштирарди. Бироқ Юсуф бобо учун бу қийинчиликлар ҳеч гап эмасди.

Культивациядаги от колхозлаштиришдан олдин Юсуф бобога тегишли эди. Тинимсиз ишлардик. Фақат от чарчаганда унга дам берардик. Юсуф бобо отни уловидан бўшатиб, ер чеккасидаги ўтларга қўйиб юборар, ўзимиз эса бир чеккада ўтириб ҳордиқ чиқарардик. Бундай пайтларда, табиатан боболар билан суҳбатни яхши кўрганлигимдан, Юсуф бобога ҳар хил саволлар бериб, уни суҳбатга тортардим.

Гапдан гап чиқиб, мен Юсуф бобога:

— Қариб қомайсизми, нега ишлайверасиз? Ёшлар ишлайверса бўмийдимиз?—деб хайрихоҳлик билдирган бўлдим. Юсуф бобо кичкина кўзларини менга тикиб, қараб қолди... У шу ҳолда анча вақт жим турди. «Айтсам сен тушунармикансан» деган маъно бор эди, унинг бу қарашида. Бир оз ўнғайсизландим. У ҳолатимни сизди, шекилли, жавоб қилди:

— Бу отни ҳаммаям мендек етаклайвермийди. Бир одамча ақли бор бунинг. Жиловига бошқа одамнинг қўли тегдими, бўлди — ҳар хил қилиқлар чиқаради. У одамга-ғу, барибир, отимга ачинаман, отимга қийин. Шунинг учун ўзим етаклаганим яхши.

От ер ёқасидаги ўтларни бир чеккадан юлиб еб, биз ўтирган жойга яқинлашди-да, қаттиқ пишқириб берди. Ундан мен чўчигандек бўлдим. Юсуф бобо хурсанд бир ҳолатда менга назар ташлади. Кейин отига қараб:

— Яхши, яхши!.. — деди ва бир оз жимликдан сўнг: — Сов от шундай пишқиради, — деди.

Қўп ўтмасдан яна ишга тушдик. Тушликда мен уйга бориб, тамадди қилиб келиш истагимни билдирдим. Юсуф бобо рухсат бермади.

— Шу ерда чой ичавураимиз! — деди.

Илгари Юсуф бобони шу ерда кўрганларим хаёлимда тиклана бошлади. Бобонинг бу ерни сув билан таъмин қиладиган битта чиғириғи — чархпалағи бўларди. Унинг ёнида чортрак, эрта баҳордан то кеч кузгача бобонинг ҳаёти шу ерда ўтарди. Ёзнинг аксарият кунларида чархпалак сув шопириб турар, Юсуф бобо унинг ўқини айлантираётган отнинг оғзига беда тутиб ўтирган ёки солма ёқалаб сувнинг оқимини тўғрилаб юрган бўларди. Ҳордиқ чиқараётган пайтлари отини бирор дарахтга боғларди-да, олдига ўт солиб, ўзи эски наматни ташлаб, дам оларди.

Бугун ўйлаб кўрсам, Юсуф бобо бамисоли чумолининг ўзи экан. Доим ҳаракатда, нима биландир банд. Хуллас, шу икки таноб ернинг нимаки иши бўлса, унинг бўйнида. Бирор марта кимнидир кўмакка айтиб, кимдандир мадад сўраганини эслай олмайман. Ўзи экади, ўзи теради...

Юсуф бобо чой ўчоқда қайнатилган тунчага бир чимдим қуруқ чой ташлади-да, чортракнинг устунига қўйилган тугунчани олиб, ўртага қўйди. Ундаги иккита зоғорани баҳам кўрдик. Яна ҳар хил йўсиндаги гурунглари бошланди.

— Сен ёшсан, бу ерларда униб-ўсиб ўтганларни билмийсан. Бу ер, — деди боши билан имо қилиб, икки таноб ерга назар ташлади ва гапини давом эттирди: — Менинг кўз очиб кўрган ерим. Хива хони васиқаси билан берилган монго бу ер. Уни мен ҳар пойини биламан. Неринда ничик ўт ўсажоғиниям, неринда не экин ниччалли ҳосил беришиниям биламан. Ўзимни фарзандимдай, ўзимни энамдай яқин кўраман, шу еримни, тупро-

ғини олиб кўзимга суртаман. Шу сабабли пахтани менга хайри бўлавермаса-да, ҳамма ишини ўзим этгим келади — тўқинини ўзим тўқдим, сувини ўзим тутдим. Эгишда ҳам ўзим бошинда бўлдим. Ина, бугун сенми-нан ишлаб юрибман.

Гап айланиб, яна отга тақалди. Кўп отларнинг қисматини яхши билардим. Умумлашмадан кейин кўписи от қадрини билмаганлар қўлига тегиб хор-зор бўлдилар.

Юсуф бобо эсан чиққан муҳим бир нарсани эслагандек жонланиб олди.

— Ҳозирча бу отнинг бахти ўнг. Уғлим Жуман ҳосилот бошлиғи. У миниб юради бу отни. Шундан бу отга бошқалар даҳл қилавермайди. Қистовли вақтлардагина ишга чиқарилади. Унда ҳам ўзим олиб чиқаман. — Чиғир устунига боғланиб турган от олдидаги ўтти еб бўлган эди. Худди бу гаплар ўзи ҳақида бо-раётганини сезгандек депсиниб қўйди. Юсуф бобо ялт этиб отга қаради. — Туёқларини қара мунинг, — деди бир отга, бир менга назар ташлаб. — Отга қарашни ҳам билиш керак. Уни ювиб-тарашдан ташқари туёқларига ҳам қараб туриш керак. Туёқлари нотўғри ўсса, отнинг юриши қийин бўлади. Ина, қара отнинг туёқларига, яқинда Тошовузга обориб отни сейсларга кўрсатдим. Туёқларини йўндирдим. Ҳаммаси текис, юришига ўнғай.

Тушлик тугагач, яна ишга тушдик. Бу пайтга келиб, ишимизнинг ярмидан озроғи қолган эди. Аввалгидек отни Юсуф бобо етаклади. «Мен етаклай қолай», деганимда, бир сўз билан жавоб берди:

— Ўнгоролмийсан!

Кечга қараб, ишимиз унуми бир оз сусайгандек бўлди. Ернинг адоқ томонига Юсуф бобонинг қўли тегмайдиган бўлса керак, ернинг бу қисмини ажриқ босган эди. Унинг устига уч-тўрт қатор Фарров бўйида осмонўпар бўлиб ўсган оқ теракларнинг илдизлари ер томон тарқалган бўлиб, культиваторнинг юришини қийинлаштирганди. Бироқ Юсуф бобо учун булар писанд эмас, у ҳамон отни етаклар, от ҳам унинг амрига бўйсунган ҳолда кучаниб бўлса ҳам культиваторни тортиб борарди. Ернинг муюлиши анча торайди. Отнинг айланиши қийинлашди. Бир маҳал жўяк охирида Юсуф бобо отнинг жилловини бурди. Бурди-ю, «вох-х» деб юборди.

Мен бобога ишончим катта бўлгани учун унинг «вохх» деганига кўп ҳам эътибор қилмадим.

— Ҳароми! — деди-да, ўтириб олди ва оёқ панжасини чангаллади. Унинг оёғидан зирқираб қон оқаётганини кўриб қолдим. Чўзиқ юзлари буришиб, узун соқоли кўкрагига босилган эди.

Табиий, мен бу ҳолатдан сескандим. Йилнинг уч фасли — баҳор, ёз, куз ойлари бобонинг оёғида оёқ кийими кўрмаганим хаёлимдан ўтди. Юсуф бобо бир оздан кейин, бошини хиёл тиклади-да, терисида осилиб турган иккита бармоғини бир зарб билан юлиб олди ва бир чеккага қўйди. Ўрнидан туриб, чортрак томон хиёл оқсаганча тез юриб кетди.

Мен отни культиватордан бўшатдим, тераклардан бирига боғладим ва Юсуф бобо кетидан чопдим.

Бобо шошилган ҳолда чўп-чорни йиғиб, ўт ёқиб юборди ва ўзи ўтирадиган наमतдан бола шапатидек парчани кесиб олди. Уни ўтда куйдирди. Оёғидан ҳамон қон оқарди. Бобо наमत куйигини олиб, совигаچ, оёғига босди ва белбоғидан йиртиб олиб, жароҳатни маҳкам боғлади.

Ярим соатлар чамаси ўтар-ўтмас, Юсуф бобонинг юз-кўзлари аввалги ҳолатига келди. Чортракнинг бир чеккасида турган чориқни оёқларига илди-да:

— Кетдик, ишни қуториб қўяли, — деди чортрак бурчагида турган белкуракка ишора қилиб. — Олиб юр!

Иш жойимизга қайтиб борганимизда от худди ўзини айбдор ҳисоблагандек, жим турарди. Ён-веридаги ўтларга ҳам бўйнини чўзавермасди. Бобо отга қараб:

— Зонғор! — деди. Бироқ унинг юзида отга нисбатан оғир койиниш аломатлари йўқ эди.

Юсуф бобо қўлимдаги белкуракни олди. От боғланган теракзор орасида оёқ босавермайдиган бир жойни танлади-да, кичкина чуқурча қазиди. Узилган иккита бармоғини олиб келиб, чуқурчага кўмди. Тиззаларини букиб ерга ўтирди-да, Қуръон тиловат қилди. Бобо отни ечиб олиб, яна культиваторга қўшди.

Биз ишни тугатганда қуёшнинг қизил доираси ер қаърига чўкаётган эди. Бобо оти билан чортракда қолди. Мен уйга кетдим.

Эртасига қўй боқиб юриб, Юсуф бобо ерининг адоғига бориб қолдим. У бўён ўриб юрган эди. Унинг менга кўзи тушди-да:

— Бой ишладик-да, сен минан-а, ҳў, кунни, — деб қўйди...

Шаҳар шифохонасининг қабулхонасида, оқ халат кийган иккита жувон олдида турибман. Уларга касал обкелганлигимни билдирдим.

Бу ерга мен биринчи келишим бўлиб, уни суриштира-суриштира топдим. Шифохона ҳовлисида, эшак-аравада Ражаббой акам ётибди. Саккиз чақирим йўлни босиб келиш ҳам осон бўлмади. Эшак жуда секин юрар, «их-их»лаган билан қадамини тезлаштиравермасди. Аравада кўрпага ўраб ётқизилган Ражаббой акам баъзан инграб кўяр, сўлгин юзларида мунчоқ-мунчоқ тер томчилари. Бу ҳолни кўриб, эшакни яна ҳам «их-их»лардим. Бироқ «их-их»лар натижа беравермасди.

Оқ халатли аёллардан бири ўзбекми, татарми биллолмадим:

— Обкиринг касалингизни, — деди.

Мен Ражаббой акамни қўлтиғига кириб, суяган ҳолда секин ичкарига олиб кирдим ва оҳиста ўтирғичга ўтқаздим.

— Ҳозир дўхтир келади, — деди ҳалиги аёл.

Кутдик. Бу икки аёл орасида «Яшков, Яшков» деган сўзларни эшитдим. Шундан англадимки, келадиган дўхтирнинг фамилияси Яшков. Бу исмни илгари ҳам эшитганман. Халқ орасида «Яшков фалончининг қорнини ёрганмиш», «фалончининг синган қўлини тўғрилаганмиш» деган гапларни эшитганман.

Бир оз вақтдан кейин оқ халат кийган, қўнғизмўйлов, жиккаккина ўрис кириб келди. Бу ердаги ўрис аёлларга қараб, ўз тилида нималардир деди. Мен унинг сўз ва муомалаларидан «нима гап» деяётганлигини ангайдим. Аёллардан бири стулда букилиб, тер босиб ўтирган Ражаббой акам томон ишора қилди-да:

— Большой...—деди.

Яшков Ражаббой акамнинг олдига келиб, унинг қошқовоқларини кўтариб кўзига тикилди. Томоғини босиб-босиб кўрди. Ўзининг оғзини очиб, тилини кўрсатди-да. Ражаббой акамга ишора қилди. Диққатини жам қилиб, Ражаббой акамнинг юз-кўзига бир оз қараб туриб, ўрисчалаб нимадир деди. Аёллардан бири таржима қилди:

— Қаеринг оғрияпти, деб сўраяпти.

Ражаббой акам қўлини секин ҳаракатга келтириб, бошини, ўнг биқинини кўрсатди. Яшков Ражаббой акам-

нинг кийимларига разм солди. Унинг уст-бошида ниманидир пайқагандек бўлди-да:

— Сеники не работа?—деди.

Мен Ражаббой акамнинг жавобини кутмасдан:

— Ғўзага дори сепдик! — дедим.

Яшков яна нималарнидир тушунгандек жонланди. Оқ халатли аёл орқали қанақа дори эканлигини сўради.

— Бурга дори, — дедим.

— А, ха, понятно! — деди Яшков.

Ражаббой акамни ичкарига обкириб кетишди. Бироздан кейин унинг кийимларини чиқариб беришди. Мен шифохона ҳовлисида турган эшак-аравани миниб қишлоқ томон йўл олдим. Аравада кетарканман, Ражаббой акамнинг бутун қиёфаси, унинг хулқ-атвори кўз олдимда гавдаланарди. У безори ўқидан учган амакимдан қолган учта ўғилнинг ўртанчаси бўлиб, энди йигит етилган пайти эди. Унинг бўйи новча, елкаси хиёл қалқинган, бўйни билинар-билиномас эгилгандек кўринарди. Юзлари хиёл дағал бўлса ҳам, унда пайдо бўлиб турадиган жилмайишлар одамни ўзига тез жалб қиларди. Бироқ у ўта содда эди. Ер ҳайдаш, аравада гўнг ташинишларида отам билан баробар ишлар эди. Шу боисдан бўлса керак, отам Ражаббой акамга беҳад хушмуомала эди.

Эшак бир маромда қадам босади. Фақат йўлнинг нотекис ерларига келганда арава ғалт-ғулт қилиб менинг хаёлимни бўлади. Атрофдаги тўқайларга, экинзорларга, эски ариқ қолдиқларига назар ташлайман. Яна хаёлим Ражаббой акамга кетади.

Унинг учун ишнинг яхши, ёмони йўқ эди. Бригадир қаёққа бор деса, йўқ демас, шайланиб ишга тушаверарди.

Қунларнинг бирида мени олдига чақириб олиб:

— Юр! Қолхоз идорасига бориб келамиз. Дори олиш керак, — деди.

Мен унга эргашдим. Қолхоз омборчиси бир чеккада турган иккита уюмни кўрсатди-да, бепарво оҳангда:

— Мана шуннан оласизлар, — деди.

Ражаббой акам оқ дори уюмидан ярим қопча, сариқ дори уюмидан ярим қопча олиб бир жойга тўқди-да, бақувват панжалари билан иккаласини обдан аралаштирди ва яна қопга солди. Қопни енгилгина елкасига олиб, уйга обкелди ва эшик олдида деворга суяб қўйди. Кейин бригадир қолдириб кетган антиқа мос-

ламага бир қисмини жойлади. Бу мосламани мен биринчи кўришим эди. Мослама ёнида кичкина халтачада яна нималардир бор эди.

— Юр, кетдик!—деди Ражаббой акам.

Ёз эшигимиз олдида «орқа ер» деб аталадиган ери-миз бўларди. Ражаббой акам унинг бир чеккасига борди-да, кўк бўёққа бўялган бу мосламани икки томондан боғланган мато қайишлари билан елкасига ўтказди.

— Буни пуркагич дейдилар, — деди у қайишларни икки кифтидан кесасига ўтказиб, мосламанинг пастки томонига боғлаётиб. Мосламанинг ўнг пастида кичикроқ касовга ўхшаган дастак ҳам бор эди. Мослама маҳкам боғлангандан кейин:

— Мана энди иш бошлавурсак бўлади, — деди.

Мосламанинг чап томонида ҳозирги чанг ютгичнинг қатлам-қатлам брезент қувурини эслатадиган тутқичи ҳам бўларди. Унинг учидан металл қувури. Қувурни тутиб, керак жойга тўғриланарди-да, ўнг томондаги дастак бир-икки марта пастга-юқорига ҳаракатга келтирилди. Шунинг натижасида қувурнинг учидан пуркалиб дори сочиларди. Дори пуркаётган одам унинг таъсиридан сақланиш учун бўлса керак, резинадан ясалиб, кўзойнақлар ўрнатилган юз қоплагич кийиб оларди. Ишга тушиш олдидан Ражаббой акам ўша юз қоплагични кийиб олди.

Ражаббой акам уч-тўрт жўякка дори пуркарди-да, ўзи озгина дам олиш учун менга навбат берарди. Мени аяганидан бўлса керак, бир жўяк бориб келганимдан кейин мосламани яна ўзи елкасига илиб оларди. Офтоб қизиган пайтларда юз қоплагични олиб бир чеккага қўйиб, дори сепишни давом қиларди. Шу йўсинда иш кечгача давом этарди. Ражаббой акам бир неча кунлаб шу иш билан банд бўлди.

Эшак-арава қишлоққа кириб келди. Мен ҳамон атрофларни кузатаман. Таниш-нотаниш уйларга разм соламан. Ражаббой акамга ўхшаб ҳалиги кўк мосламада гўзага дори сепиб юрганларга кўзим тушади. Бироқ бу ишнинг қай даражада зарур ёки позарур эканлигини, дори сепишнинг бошқа бир йўллари борми ёки йўқлиги ҳақида ўйламайман. Чунки у пайтларда мен учун шу мослама — дори пуркагич ҳам мўъжиза эди.

Бир кун ўтиб, иккинчи кун мен шаҳар шифохонасига бордим. Ражаббой акам ётган хонага кирдим. Кўрдимки, унинг аҳволи анча оғир. Мени дарров таний-

вермади. Унинг юзларида маржон-маржон тер, нафас олиши оғир, чалқанчасига бир хилда қимирламасдан ётарди. Хол-аҳвол сўрашиш ҳам икки-уч сўздан нарига ўтмади. Хонадан чиқиб, ўрта йўлакда туриб қолдим. У ёққа кетишимни ҳам билмайман, буюққа кетишни ҳам. Шу пайт қўнғиз мўйловли дўхтир — Яшков йўлакдан ўта туриб, менинг хаёлим паришон эканлигини сизди, шекилли, олдимга келиб тўхтади ва бармоғини чўччайтириб, қўлини ҳавода бир неча бор такрор-такрор чайқади. Менга танбеҳ бераётгандек:

— Дуст, дуст,— деди. Тушунмаганимни англади шекилли, «бурга дори» деб изоҳлади-да, ўнг биқинини кўрсатиб «шу ерда» деди ва тез юриб ўтиб кетди.

Ўрта йўлакка қўйилган ўтиргичлардан бирида анча вақт ўтириб қолдим. Уйлаб шу хулосага келдимки, дўхтир айтган «дуст» деган дори халқ орасида «бурга дори» деб аталиб, уни бемалол хоналарга, тўшалган кигизнинг тағларига сепиларди. У сепилгандан кейин уйда на бурга қолар, на суварак, на чумоли. Шу хилда одамлар уни уй ҳашаротларидан халос қиладиган муҳим нарсга ҳисоблашарди.

Яшковнинг қарови бекор кетмади. Ражаббой акам бир ярим ой чамаси ётгач, бир оз ўзига келди. У энди илгаригидек барваста, кучга тўлган, тоғни талқон қилман, дейдиган йигитлардан эмас эди. Дўхтир ҳам унга «энди сен кучли овқат ема, оғир иш қилма» қабилда маслаҳатлар берибди.

Мен Ражаббой акамни эшак-аравада қишлоққа олиб келдим.

* * *

Урушда юрган пайтларимда Ражаббой акамни бепоблигига қарамасдан ишчи батальонига сафарбар қилишган. Урушдан қайтиб келганимда, у ҳам қисқа муддатга таътилга келибди. У ҳамон озғин, нимжон эди. Таътилга келди-ю, яна аввалгидек ётиб олди. Яна ўша касал. Мен уни худди аввалгидек яна ўша шифохонага олиб бордим. Ўша дўхтир Яшков билан учрашдим. У Ражаббой акамни кўздан кечирди-да:

— Ким сеники юборди рабoчий батальонга?— деди ва ўзбек тилини анча ўзлаштирган бўлса ҳам жиноят сўзининг таржимасини топа олмади-да, узоқ ўйлаб:

— Бу преступление! — деди.

Дўхтирнинг юз-кўзларида ғазаб ўйнади. Бир зумда кўзлари ола-кула бўлиб, кимларнидир ўрисчалаб

сўка бошлади. Қабулхонада ўтирган оқ халатлилардан бирига ишора қилди-да, «буни фалон палатага дарров ётқизинглар», деди.

Бир ойлар чамаси ўтар-ўтмас мен яна ўша эшак-аравада Ражаббой акамни қишлоққа олиб келдим. У ҳаётдан кўз юмган эди.

Қийишжон момоннинг фиғони фалакка чиқди. Катта ўғли Эрка акам урушдан ногирон бўлиб қайтган, кичик ўғли Жумабой урушда дом-дараксиз кетди. Бугун Ражаббой акамдан ажралди. Она учун бундан ҳам даҳшатлироқ йўқотиш бўлмаса керак.

XXXXXIII. ОППОҚ КИЙИНГАН ТЕНГДОШИМ

Ёз эшик олдидаги бостирма соясида, увадаси чиққан эски намат устида ўтирибман. Олдимда ранги ўчган матодан тикилган дастурхон, дастурхонда иккита зоғора. Бир меъёрда чой ҳўплайман. Келишимга қараб чойни энам дамлаб қўйган. У одатдагидек кичкина наматчада ҳассасини олдига қўйиб, деворга орқасини бериб ўтирибди. Ҳар вақт-ҳар вақт менинг нима ишлар бажарганим ҳақида қизиқиб сўраб қолади-да, яна жим бўлади. Ҳар гапининг орасида: «Худойим, ўзинг паноҳингда сақла!» деб қўяди.

Кун иссиқлигиданми, чой жуда ёқимли сезилади. Зоғора ҳам бошқа пайтларга нисбатан мазалидек. Теварак-атроф эса ҳар доимгидан ҳам бошқачароқ бўлиб кўзга ташланади. Гоҳ ён томондаги юлғунли тўқайлар, гоҳ ҳозиргина культиватор ҳайдаб жўяклари оралаб чиқилган пахтазору. унинг нарёғидаги жийдазорларга кўзим тушади. Рўпарамда, ярим чақиримча келадиган жойда Фарров ва хўкки пояпул. Икки қишлоқ орасидаги қатнов бир одам снғадиган мана шу пояпул орқали эди. Кўзим пояпулдан ўтиб кетаётган ёки келаётган одамларга ҳам тушади. Бир маҳал, пояпул устида оқ кийимда ўтиб келаётган кишини кўрдим. Оппоқ кийинган бу одам менга қизиқ туюлди. Қузатдим. Йўлнинг эшигимиз олдидан бурилиб кетадиган жойига келганда, унинг кимлигини англадим. У — болаликдан бирла ўйнаб, бирла ўсган, мактабга бирла қатнаган тенгдошим Жумабой Бобониёзов эди. У билан кўришмаганимизга анча бўлган. Энди биз томон айланиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, хоразмча ибора билан айтганда, ноннинг тузини татиб, бир пиёла чой ичиб кетиши лозим эди. Бироқ у айланмади. Ҳол-аҳвол сўрашишни ҳам

лозим кўрмади. Ҳатто саломлашмади ҳам. Қандай кел-
лаётган бўлса, шундай бир маромда қадам босиб ўтиб
кетди. Ғалати ҳолат пайдо бўлди менда. Усти бошимга
назар ташладим. Оёғимда эски йиртиқ калиш, устимда
у ер-бу ерига ямоқ солинган камзул, бошимда акала-
римнинг қайси биридир кийиб эскиртган папоқ. Оёғим
ва уст-бошларимга ғўза барглариининг шираси тегиб,
кўкимтир бир ҳолатга келган.

Турли ўй ва хаёллар чулғаб олган эди мени. Ича-
ётган чойим ёқимсиздек, еяётган зоғорам томоғимга
тиқилаётгандек бўлди. Атрофга яна назар ташлайман.
Бостирма тагининг бир чеккасида гумбазсифат қурил-
ган ва атрофлари тутун билан қорайган ўчоқ хунук
бўлиб кўринди кўзимга. Орқа ернинг нарёғидаги ҳар
бир чўпи менга таниш бўлган тўқай ҳам гўё ёт, бос-
тирма чўплари орасида полопонларига ҳашарот ташиб,
учиб-қўниб юрган чумчуқларнинг чирқ-чирқлари ҳам
асабимни қўзғайтгандек эди.

Ўрнимдан турдим. Энам ҳолатимни пайқади шекил-
ли, олдида ётган ҳассасини бир қўзғаб қўйди-да:

— Нега чойингни охиригача ичмадинг, болам?—
деди.

— Ҳеч, ўзим, — дедим-да, ҳовлининг адоқ томони-
га йўл олдим. У ерда ичкари меҳмонхонадан эшик очиб,
Эрка акамлар бостирма қуришган. Улар ўша жойда ис-
тиқомат қилишарди. Кийишжон момом нима биландир
банд. Унинг кенжаси — Жумабой патефонни айланти-
риб, ашула эшитиб ўтирибди.

Патефон энди чиқиб, халқ орасида тарқала бошла-
ган пайтлари эди, ўшанда. Наъмага солиб китоб ўқиш-
ни, ишдан кўра енгил-елпи машғулотлар билан банд
бўлишни ёқтирадиган Жумабой биринчилардан бўлиб
патефон олган эди. Куч билан тутқичини айлантириб,
устига пластинка қўйиб ашула айттириш мўъжизалар-
нинг энг янгиси бўлса-да, менга бу ҳам татимади.

Жумабой кайфиятимни сезиб, патефонни йиғишти-
риб қўйди-да, мени гапга солмоқчи бўлди. Ҳатто ша-
ҳарга бориб, Норбвисен билан яна учрашиб келганла-
рини гапирмоқчи бўлди. Бироқ бу гаплар ҳам менга
ёқиб тушавермади.

— Бир гап бор, эшитдингми?—деди менга қараб,
муҳим бир янгиликни айтмоққа шайланиб. — Боғалар
ўқувго кетвотир экалар, улар Андрейда еттинчини
тугатиб кетганлар-ғу, биласан-а?

Андрей шаҳарнинг шарқ томонида жойлашган ўша

даврдаги Тошҳовуз туманининг маркази эди. Ҳозир бу марказ С. Ниёзов номида. Туман бўйича биринчи интернат шу марказда очилган бўлиб, тенгдошларим шу интернатни тугатишган эди.

Ўқишга кетаётганлар кимлар эканлиги билан қизиқдим. Жумабой ўқишга кетаётганларни номма-ном санаб берди. Бу номлар ичида ҳозиргина менга салом бермай ўтган оппоқ кийинган тенгдошим Жумабой ҳам бор эди.

Жумабой гапларини тугатар-тугатмас, қизиқ бир ҳолатга тушдим. Кўзларим тиниб кетаётгандек бўлди. Бошим умуман фикр қилишдан холи бўлиб, борган сари оғирлашаётгандек кўринди. Жумабойнинг навбатдаги гапи миямга урилди:

— Сен кетолмайсан! Ўқувдан қолиб кетгансан! Менинг-ку бориш ниятимам йўқ!

Гапиришга айланмай турган тилимдан садо чиқди:

— Нерга кетар эканлар?

— Чоржовга, педтехникумга! — деди.

— Нишетиб кетар эканлар?

— Обкетмага одам кепти, Чоржовдан.

Бир зум ўйга толдим. Гўё улар эрта-индин саф тортиб Чоржовга жўнаб кетади-ю, қишлоқда фақат бир ўзим қоламан. Ҳамма менга таъна қилади; «Тенгларинг ўқишга кетади, сен мана юрибсан». Бу таъналар ҳозироқ узлуксиз равишда устимга ёғилаётгандек эди.

Жумабой нималарнидир гапириб, мени чалғитмоқчи бўлди. Бироқ менинг бутун ўй-хаёлларим кетадиганлар билан банд эди. «Қандай кетишади, уларни ким бошлаб кетади, нима билан кетишади?» Бирданига миямга янги фикр келди.

— Ким экан у, обкетадиган одам, нерда экан у? Жумабой кулимсиради:

— Нега керак у сенга?

— Ҳеч, ўзим.

— РайОНОда экан. Кўпроқ бозорда юрар экан. Аскар кийимида экан, — деди Жумабой.

Бундан кейин менинг миям хиёл тиниқлашгандек бўлди. Дарров аллақандай режалар хаёлимни чулғаб олди.

— Эртанг бозор-а? — дедим.

— Ҳа! — деди у. — Бозорда ишинг борми?

— Ҳовва! — дедим маълум бир қарорга келган одамдек.

Ўша кун кечани қандай ўтказганимни билмайман.

Эрталаб бор янги кийимларимни кийдим. ЛикБезда ишлаб йиққан мояналаримдан бир қисмини энамдан олиб, бозорга жўнадим.

Маълумки, Тошҳовуз бозори ўша вақтларда ҳам гавжум эди. Қўлда кийим сотадиган жойни топиб, битта оқ кўйлак, битта шимга ўхшаган кийимни харид қилдим. Уни чорсига апашлаб ўраб олиб бозор айландим. Кўзимга кўринган ҳар бир ҳарбий кийимдаги одамга разм соламан. Бироқ улардан бирортаси ўқувчи олиб кетишга келганларга ўхшайвермади. Узоқ юриб чарчадим, оёқларим толиқди. Дўконларга разм солдим. Гилам сотиладиган бир дўконнинг тўрида ким биландир суҳбатлашиб, чой ичиб ўтирган ҳарбий кийимдаги одамга кўзим тушди. Унинг устида зобит гимнастёркаси ва галифей: оёғида ялтироқ кавказ этиги. Икки ёқасида тўртбурчак шаклдаги учтадан қизил ялтироқ белги. Дўкон олдида туриб, бир оз кузатдим. Унинг талаффузи хоразмча эди. Бир оз тутилиб-тутилиб гапирар, гапларининг мазмуни на бозорчининг гапига ўхшар, на шу ерда юриб, бирор ишни бошқараётган одамнинг. Дўкончидан рухсат сўраб, тўрга ўтдим. Ўша одамга яқин бордим-да, салом бердим.

— Сиз Чоржовдан кеганмидингиз? — дедим.

— Ҳовва, Чоржовданман! — деди у.

Тахминининг тўғри чиққанидан хурсанд эдим.

— Менам ўқувго борожоқ эдим.

— Яхши, ҳужжатлар борми?

Менда ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди. Тўлиқсиз ўрта мактабнинг ёпилиши муносабати билан мен ўқиётган синф ҳам тарқалган. Ҳамма синфдошларим қатори ўқишсиз қолганман.

Бир оз ўйланганимдан кейин:

— Ҳужжат обкеламан, — дедим.

Эртаси, бозордан олган оқ кийимларимни кийиб олдим.

Ўша пайтлари қишлоқнинг ҳар бир нуқта, ҳар бир белгисини қоғозга тушириб, масофаларни дурбин билан ўлчаб юрадиган ёш ўрис йигити билан қайта учрашиб қолдим. Мен у билан икки-уч йил олдин танишиб, яқин бўлиб қолган эдим. Оқ кийимни кийиб кўчага чиққан куним унга дуч келдим. Менга кўзи тушди-ю, кулимсиради. Бошдан-аёқ менга разм солиб қаради.

— Сеники белый бугун, — деди кўйлагимнинг енгини ушлаб, кейин шимга ўхшаган кийимимга разм солди-да, яна кулимсиради.

— Бу — концон,—деди.

Колцон сўзини тушунмаганимни пайқаб, шолворини кўрсатди ва унинг ичидан кийиладиганини имо-ишора билан тушунтирди.

Олдин мен бу гапларга бепарво бўлдим. Кейинроқ бу гаплар таъсир қилди-да, уйга қайтиб келиб, кўйлакни ҳам, шимсифат кийимни ҳам ечдим.

* * *

Чоржов педтехникумидан ўқувчи олиб кетиш учун келган ҳарбий кийимли одам Исмоилов эди. У асли хивалиқ бўлиб, техникумда ҳарбий ишларни бошқарар экан. Кейинчалик у бизга ҳарбий ишлар бўйича дарс берди. Мен у одам билан урушдан кейин ҳам учрашдим. У Тошкентда 110-мактабда ўқитувчилик қилар экан.

Оппоқ кийиниб, менинг кўнглимга ғулғула солган Бобониёзов Жумабой техникумнинг учинчи курсидан армияга сафарбар қилинди. Афсуски, у урушдан қайтиб келмади. Эшитишимча, унинг урушда бедарак йўқолгани ҳақида хат ҳам келган экан.

XXXXXIV. ЖОЙ КҶМАК

Қўлимда капча. Пишитилган лойга капчани ботираман-да, юқорида пеш қўйиб турган кишига отиб узатаман. У тахминан ярим пудча келадиган лойни ҳавода қопчиб — илиб олади-да, мўлжалидаги жойга салдам билан уриб ёпиштиради, сиртқи томонида холи бўлиб кўринган жойларини эса мушти билан уриб-уриб ёпиштириб қўяди. Унгача шеригимнинг лойи ҳам етиб боради. Шу тарзда иш соатлаб давом этади. Тайёрланган лой охирлагач, яна сал нарида тайёрланган лойга ўтилади. Лой отувчи-ю, пеш қўювчилар чарчаганларида қисқа муддатли ҳордиқ чиқариш учун чой дамлоғлик дастурхон олдига ўтадилар. Янги лой отувчилар ва янги пеш қўювчи ишга тушади...

Бугун мен нимагадир чарчашни билмайман. Тангри менга қуч-қувват бериб тургандек. Баъзи ҳолларда мен билан лой отаётган шеригим чарчаб, ҳордиқ чиқаришга кетади. Унинг ўрнига бошқа йнгит келади. Мен у билан ҳам ишни давом қилдиравераман. Қўлларим обдан ишга пишган. Шунга қарамасдан чап қўлимнинг икки жойида қабарик пайдо бўлди. Чўнтагимдан дастрўмол-

ни чиқариб, қўлимга маҳкам боғлаб, яна лой отишни давом эттиравердим.

Воҳада бу вақтларда ҳашар сўзи ишлатилмасди. Унинг ўрнига ҳар бир ишнинг номи айтилиб, кўмак сўзи қўшиларди: «ўроқ кўмак», «туяк кўмак», «чиғир кўмак»... Булар ичида энг машҳури «жой кўмак» эди. Ҳамқишлоқлардан кимдир қишлоқда уйма-уй юриб, «Фалончиникига фалон куни жой кўмак-к-ау!» деб чақириб чиқарди. Кимнинг имконияти бўлса, баъзан бошқа ишларини йиғиштириб ҳам жой кўмакка боришни лозим кўришарди. Халқ орасидаги бу анъана ҳанузгача давом қилади.

Бугун мен бу ерга Сопорвой акамнинг велосипедини миниб, эрталабдан келганман. Жой кўмак бўлаётганидан асло хабарим йўқ эди. Чунки бу ер бизга қўшни қишлоқ ҳисобланиб, уни «Ёрмиш бўйи» деб аташарди. Масофа жиҳатдан ҳам бу ер бизнинг уйдан олтиетти чақирим чамаси келарди. Келиб кўрдимки, иш бошланаётган экан. Келдим, ишга тушдим. Гўё мен ҳам ўша чақирилганлар қаторидаман. Менинг пайдо бўлишим ҳеч кимни ажаблантирмади ҳам.

Ҳамон лой отялман. Бир маҳал чап қўлимдаги боғланган рўмол устида қон пайдо бўлганини кўриб қолдим. Ишларни кузатиб турган кўмак эгаси аҳволимни сезиб қолди-да, келиб қўлимдан капчани олди. Дастурхон томон ўтишимни ишора қилди ва капчани бошқа йиғитнинг қўлига тутқазди.

Кўмак эгаси мен учун қадрдон одамлардан бири эди. У баланд бўйли, йирик суяк, гавдаси кенг, боши эса гавдасига нисбатан ҳам салмоқлироқ. Сийрак тишлари йирик-йирик бўлиб, кулган пайтида оғиз бўшлигининг бутун борлиғи тишдан иборатдек кўринарди. Уни Беким Вайлсов, орқаворатдан эса Беким сўфи ҳам дейишарди. Ёшлар уни Беким муаллим деб аташарди. Унинг шахсиятида одамни ўзига жалб қиладиган қандайдир жозоба бор эди. Уқувчиларга нисбатан юмшоқ муомалада бўлар, қаттиқ танбеҳ беришлар, уришиб-сўкишлар унга ёт эди. Уқувчилар ҳам уни яхши кўришарди. Танаффус пайтида бирор масала билан ёки бирор иш билан мурожаат қилишдан ҳеч ким тортинмасди.

Беким муаллим «Ёрмиш бўйи»дан беш-олти чақирим масофани ўтиб келиб, бизга дарс бериб, яна қайтиб кетарди. Аксарият ҳолларда у эшак миниб келар, эшакда келган пайтларида йўлда келаётган уқувчилардан

бирортасини орқасига ўтқазиб оларди. Кўпчилик ҳолларда дўстим Жуманиёзни эшак орқасида олиб келганига кўзим тушарди. Шу боисдан менинг унга ҳавасим келарди.

Шахсан менга нисбатан ҳам Беким муаллимнинг муносабати илиқ эди. У келган пайтларда мабодо мактаб олдида дуч келиб қолса: «Ҳа, жиян, ничиксан, энанг яхшими, отанг яхшими?»—деб сўрашарди.

Кунларнинг бирида мен оила доирасида «бизни Беким Вайисов ўқитяпти», деганимда отамнинг:

— Яхши бўпти, мусулмон одам, — дегани эсимда бор. Энам эса гапга қўшилиб:

— Беким бизларга қариндош бўлади, сен унга Беким дойн де, у мусулмонча китобларни яхши ўқийди, — деган эди.

У пайтларда мактабда «ака», «дойн» сўзларини ишлатиш мумкин эмас эди. Муаллимларга доим «ўртоқ муаллим» деб мурожаат қилинарди. Мен энамга бу хусусда изоҳ бериб ўтирмадим-да, унинг фикрига қўшилиб қўя қолдим.

Чой ичиб ҳордиқ чиқардим. Беким муаллим бошқа бир ишга чалинган пайтда ўрнимдан туриб, яна ишга тушдим. Қўлимнинг зўриққанидан хабардор бўлган лойчилар энди менга капча бермасдилар. Кўмакда лой отишдан ташқари иккинчи ўринда турадиган бошқа бир муҳим иш бор эди. Бир гуруҳ одамлар лой тайёрлаш билан банд бўлардилар. Икки-уч арава лойни тўхтовсиз хандақдан олиб қурилаётган иморат атрофига тўкар, беш-ўнта одам лойларни отишга тайёрларди. Аравадан туширилган лой уюмлари бир текис ёзилар, зарур бўлса оз-оз сув ҳам сепиларди. Кейин ҳамма бирлашган ҳолда лойни тепкилашарди. Асосан бу иш ялангоёқ ҳолда қилинарди. Тахминан бир ярим соатлар давомида тепкиланган лой отишга тайёр ҳисобланарди-да, навбатдаги лой тўкилган жойга ўтиларди. Энди мен ўша лой пишитувчилар қаторидаман. Одатда бу ишни ёши бир оз улуғ, гавдаси салмоғдор, яъни оғирлик жиҳатдан шунга лойиқ одамлар қиларди. Менга ўхшаган ёшлар катталар бир марта тепиб улгургунча ёшликнинг қуввати билан икки-уч марта тепкилаб, улар битказаётган ишга жўр бўларди. Шу боисдан бу иш ҳам анча масъулиятли ва оғир иш ҳисобланарди. Лойнинг фақат усти эмас, унинг таги ҳам пишиб етилиши керак эди.

Юз йиллаб деворлари офтобда сарғайган, бироқ

бирор жойи ёрилиб-бузилмаган иморатларни кўрардим. Улар хусусида гап кетганда қариялар оғзидан «лойи жуда пиширилган-да» деган баҳоларни кўп эшитганман. Баъзан бу ҳақда афсонавий ривоятлар ҳам қулоққа чалинади: «Фалончининг уйини лойига сут қўшилган»; «фалончи тухум қўшган» ёки «фалончининг лойини юзлаб одамлар тепкилаган».

Уттизинчи йилларнинг моддий қийинчилик даври ўтиб, халқнинг ҳаёти янгича изга туша бошлаган вақт эди. Энди илгариги анъана тикланиб, ҳар бир кўмакда жонлиқ — қўй сўйиб кўмакчиларга алоҳида эътибор кўрсатиш имкониятлари пайдо бўлган эди. Шунга асосан бугун ҳам қўй сўйиб дарахтга осиб қўйишди. Махсус ошпаз кузатувида қозон қайнаб турарди. Вақти келганда, кўмакчилар гуруҳма-гуруҳ овқатга таклиф қилинади. Бу жиҳатдан кўмак бамисоли тўй. Одатда кўпчилик йиғилган жойда бўладиган ола-ғовурлар, ҳазил-ҳузуллар, гапдонларнинг узун ва қисқа ҳикояю ривоятлари...

Кўмак пайтларида ва кўмакдан кейинги кунларда ҳам бу ишнинг масъулиятли қисми жой устаси — меъмор бўйнида бўларди. У лой тайёрлаш, лой отиш пайтларида соя-салқин жойларда савлат тўкиб ўтирар. Бу ишлар битиб, пахса хиёл сўриққандан кейин узун дастакли ялпоқ тараша капчасини қўлига олиб ишга тушарди. Пахсага қўйилган лойнинг ортиқча жойларини усталик билан қиртишлаб олиб, кам лой тушган жойларга урар, баъзан тараша капчанинг орқаси билан лойни шапатилаб зичлаштирарди.

Бугунги кўмак одатдагидек бир пахса лой қўйиш билан кечга бориб тугалланди. Кўмакчилар овқатни еб, чойни ичиб, хайр-маъзур қилишди. Бироқ, мен кетишга шошилавермадим. Беким муаллим таажжубланди шекилли, бир менга, бир дарахт тагида турган велосипедимга назар ташлади-да:

— Тангриёрли қолсин, жиян, по яхши ишладинг-да бугун. Энангга, отангга салом айт, — деди. Мен атрофга бир алангладим-да, бошимни қуйи эгдим. У сезгирлик қилиб:

— Бирор гапинг борга ўхшайди, — деб қолди. Мен дарров жавоб беролмадим. У одати бўйича кулимсиради-да: — Айтавур, бирор ишинг бўлса, тортинма, — деди.

— Менга, менга, — деб гапимни нима билан бошлашни билолмай турдим.

— Айтавур, айтавур,—деди Беким муаллим.

— Справка керак, ўқувго кетишга, Чоржовга,— дедим.

— Бой-бўй, шуни айтолмай турибсанми, — деди да- рахт тагидаги кигизга таклиф қилиб. Тезлик билан яр- ми йиқитилган эски уйга кириб кетди. Бир зумда сиёҳ- дон билан ручка олиб чиқди. Қўлидаги оддий ўқувчи- лар дафтарининг бир варағини йиртиб олди-да, тўхта- масдан ёзди.

— Ина, сенга справка,—деб қўлимга тутқазди.— Шўрога печат қўйдир, бўлмаса бу қоғозга биров ишон- майди, — деб қўшиб қўйди.

Мен муҳим бир ўлжани қўлга киритгандек, хур- санд бир ҳолда бир томон оёқ босқичининг зўлдирлари тўкилиб кетган велосипедимни етаклаб йўлга чиқдим- да, миниб уйга қайтдим.

Бир оз юргач, велосипеддан тушиб, қоронғи тушган бўлишига қарамасдан справкани ўқидим. Унда менинг исм-фамилиямдан кейин «б-синфни аъло битказди, ет- тинчига ўтди» деган сўзларни ўқиб, беҳад хурсанд бўл- дим. Велосипедим ерда эмас, гўё осмонда учиб бора- ётгандек эди.

Эртасига қишлоқ шўросининг ҳузурига бордим. У маҳкамада эмас экан. Уйига йўл олдим. Шўронини мен яхши танир эдим. У кўзлари хиёл қисиқ, ингичка юз- ли, хушмуомала одам эди. Шўро эшигининг олдидаги бостирма тагидаги пашшахона томон юрдим. Оёқ то- вушимни эшитди шекилли, «кимсан?» деган овоз чиқ- ди пашшахона ичидан.

— Мен! — дедим ва отимни айтдим.

— Ке, не ишинг бор? — деди шўро. Муддаойимни билдирдим.

У пашшахонанинг бир чеккасидан бошини чиқарди. Кўрдимки, икки кўзи бир қўшиб боғланган. У пайтлар- да ҳозиргидек хилма-хил дорилар бўлавермасди. Кўзи оғриганлар одатда чой шамасини кўзга боғлашарди. Шу тарзда кўз оғриғининг тузалишига уч-тўрт кун қо- ронғи жой қилиб ётиб олиш кифоя эди.

Шўро чўнтагидан нос халтани эслатадиган тугун- чани олиб ечди-да:

— Ма, ўзинг босиб олоғой, — деди.

Мен уни олиб обдан «ух»ладим ва қўлимдаги ҳуж- жатни шўро узатган дафтарча устига қўйдим-да, муҳр- ни қаттиқ босдим. Ёзувларнинг ўқилиш-ўқилмаслиги-

ни күздан ўтказдим-да, «тангри ёрли қолсин» айтиб, жунаб кетдим.

Ишим битган ҳисоби эди. Бироқ уни яна ҳам мустақамлаш учун эртасига шаҳарга — РайОНОга бордим. У пайтларда мактаб ишларини кўпроқ татар ёки турклар бошқарарди. РайОНО раҳбарини ҳам танирдим. Уни Бўстон соқов дердилар. Гапирганда дудуқлар, баъзи сўзларни икки-уч марта такрорларди. Унинг бир неча бор мактабга келганини ҳам кўрганман. Қишин-ёзин у чарм куртқада юрар, бу эса мени таажжублантирарди. Чарм куртканинг сиёсатга боғлиқ нарсаяканлигини кейинчалик англадим.

Мен кирган пайтда у ким биландир овозини баланд қилиб қичқиришиб турган экан. Бирпас кузатиб турдим. Бироқ менга тез навбат келмаслигини англадим-да, иккаласининг орасидаги стол устига қўлимдаги ҳужжатни қўйдим. Яна уларни кузатдим. Халақит бермасин деган маънода бўлса керак, шеригидан назарини олиб, ҳужжатга қаради.

— Бу, бу ни? — деди.

— Справка, шунга муҳр қўйиш керак, — дедим.

Қўлини котибаси томон ишора қилди-да:

— Обор, обор! — деди.

Бу ҳолни кузатиб турган котиба мени тез чиқиб кетишимни истади, шекилли, тезлик билан «справка»га муҳр босди.

Шундай қилиб мен ўқишга кетиш учун зарур бўлган ҳужжатга эга бўлдим. Энди мен гўё осмонун фалакда учиб юргандайман...

XXXXXV. ЖАЙҲУН ТУЛҚИНЛАРИ

Пороход бир неча марта узун-қисқа ванғиллаган гудок берди-да, икки томонидаги итаргич ғилдиракларини шалвирата-шалвирата ўрнидан қўзғалди ва шарқ томон йўл олди.

Қўз олдимда ажиб бир манзара бор эди. Кенглиги, тахминан бир-бир ярим чақирим келадиган чеки йўқ сув. Бу — кўп афсонавий ривоятларга, баъзан даҳшатли воқеаларга сабабчи бўлган Жайҳун!

Ёзининг иссиқ кунлари эди. Қуёш ерга ёнбошлашга тайёргарлик кўраётган бир пайт. Унинг охири нурлари дарё сатҳи, сув тўлқинларида жилоланади. Ҳаётим бир босқични тугаллаб, иккинчи бир босқичга ўтаётганини яхши ҳис қиламан. Учишни машқ қилиш учун уясидан

биринчи гал чиқиб, дарахт шохига сакраган қуш бола-сининг ҳолати бор эди, менда. Бироқ кейинги ярим ой ичида бўлиб ўтган воқеалар хаёлимдан кетмайди. Оила-мизда менинг сафарга чиқишимга рози бўлган бирор кимса бўлмади. Энам баъзан ўйларга толиб:

— Худойим сени паноҳида сақласин! — деб қўярди.

Опам:

— Ҳеч ким этмаган ишни этаётирсан, ўбада қайси бир одам бошқа жойларга бориб ўқиб кепти. Мен қўлоёқсиз қоламан сенсиз,— дерди.

Отам йўлга чиқишимдан бир ҳафта олдин бир куни эрталаб кетиб, кечқурун кириб келди. Уйдагилар билан гап орасида Исмоил дойимникига бориб келганлигини англадим. Уйладим: «Албатта менинг кетишим ҳақида гап бўлган».

Исмоил дойим «албатта ўқишнинг ёмони бўмийди», деб яна бир гал тушунтирган бўлса керак, отамга. Сафарга чиқишимдан уч кун олдин отам ферма қўйини боқишга Қорақумга жўнаб кетди. Кетиш олдидан менинг бўладиган сафарим ҳақида ҳеч нима демади. Ҳаммамизга бир-бир назар ташлади-да:

— Яхши, мен кетдим, — деб жўнаворди.

Мен бу ҳолни ўзимча талқин қилдим. Отамнинг менга бўлган муҳаббатини яхши билардим. Назаримда «бунинг кетганини кўрмай ҳам, куймай ҳам» деган бўлса керак. Менинг Чоржовга кетишимнинг тарафдорлари Норжон опам ва Сопорвой поччам эди. Йўл харажати учун маблағни ҳам улар ажратишди.

Тасодифан тўғри келиб қолган юк машинасига чиққанамда Сопорвой акам кузатиб қўйди. У билан бирла опам ҳам бор эди. Тошҳовуз ҳақрасининг кунботар тубидаги тўпири тиззага келадиган йўлдан машина газ бериб ўрнидан жилганда опамнинг йиғлаб қолганига кўзим тушган эди.

«Йўл азоби — гўр азоби» деган мақолни кўп эшитганман. Мана энди мен узоқ йўлга чиқяпман. Биринчи азоблариниям торта бошладим. Урганч шаҳрининг ҳозирги «Универмаг»ининг шимолида катта кунгурали ҳовли бор эди. У албатта мол-мулки мусодара қилинган қайсидир бойнинг мулки экани шубҳасиз эди. У ерда «Туркман-транс» идораси жойлашган экан. Юк машинаси бизни шу ерга туширди. Чоржовга кетадиган баъзи юк машиналари тўртта-бешта одам олиб кетиши мумкин эканини билардик. Бироқ бу ердаги икки-уч кунлик вақтимиз натижа бермади. Ёғоч чамадонларимизни кўчадан тutilган

Эшак-аравага юклаб, тахминан ўн чақирим масофада бўлган «Чалиш пристани» га томон йўл олдик. Ишимиз ўнг келди. Чамамда, икки-уч соат ўтар-ўтмас пороходга чиқиб олдик. Мана, пороход ҳам биринчи чақиримларини босиб ўтяпти. Оқимга қарши бўлгани учун пороходнинг юриши жуда секин. Икки тарафдаги итаргич филдиракларнинг шапир-шупири кучайган. Пороход устидаги майдончага тўшалган тахталарнинг тебранишидан маълум бўладики, пастда жойлашган мотор қаттиқ ишляпти.

Қош қорайиб бораётган бўлса ҳам дарё манзарасини кўриб кўз тўймайди. Унинг баъзи жойларида лойқа сув буралиб-тўлганиб лойқаларни юзага чиқаради, айлантириб яна пастга олиб кетади. Баъзи жойларда эса сув хиёл тиниқ, оқим ҳам кучли эмас. Баъзи ўринларда қамиш, экан босган катта-кичик орол ва оролчалар, уларнинг баъзиларида тўронгил ва жигилдакларни ҳам кўриш мумкин.

Пороходнинг ичида қандайдир юклар жойлашган бўлиб, ўн нафарга яқин тенгдошлар пороходнинг устки қисмида—«палуба»да жойлашиб олганмиз.

Ажойиб-ғаройиб мўъжиза бўлиб кўринган пороходнинг сузишига қизиқишимиз ва атроф манзараларни кузатиш билан банд бўлиб, вақтнинг ўтганини ҳам сезмаймиз. Вақт хуфтонларга борганда пороход тўхтади. Пороходни ҳаракатга келтираётган хизматчилар у ёқ-бу ёққа тез юриб ўтар, бир-бирларига дуч келган пайтларида паст овозда нималар ҳақидадир фикрлашиб олишар, ҳатто баъзан баҳслашар эдилар.

Вақт хуфтондан ошганда пороход хизматчиларидан бири бизга яқин келиб:

— Ётавуринглар, пороход тонггача шўрда туради!— деди.

Биз сафар кўрмаган ва сафар кўрганлардан маслаҳат олмаган тенгдошлар фақат ёзги кийимда йўлга чиққанзимизни эндигина англаб олдик. Ҳар томонга дарё шабадаси эсиб, бутун баданимизни ялай бошлади. Этлар жунжикди. Яланг тахта устида бир-биримизга ёпишгандек ётардик. Ёшлик экан, кўзлар уйқуга кетди.

Эрта тонгда яна пороход хизматчиларининг гупур-гупури, у ёқ-бу ёққа ўтишлари, бир-бирлари билан сирли фикр олишувлари қулоққа чалинди. Пороходнинг мотори, икки томондаги итаргичларнинг шапир-шупири яна ишга тушди. Дарё шабадаси таъсирида дирдираган ҳолда ўринларимиздан туриб, ўзимизни қиздириш

учун ҳар хил ҳаракатлар қилишга тушдик. Энди атроф манзара тамом бошқача эди. Кеча пороходнинг тўхтаганини эълон қилган пороход хизматчиси бизни ажабланмасин, деган маънода:

— Пороход орқага кетиб қопти, Урганчданам пастга ўтиб кетибди, — деди.

Хизматчининг гапларидан маълум бўлдики, кечаси пороход қайирға—дарёда пайдо бўлиб қоладиган қум уюмига урилиб тўхтаб қолган экан. Кечаси сув пороходнинг атрофини ковлаб қайирдан бўшатибди ва сув оқими билан орқага кетибди.

— Саратон. Саратонда дарё қутуради, бугун бу ердан оқса, эртанг у ердан оқади. Пороходчиларга ҳам қийин, атрофдаги халққа ҳам, — деди хизматчи, бизга дарё сирларидан муҳим нарсани айтаётган алфозда.

Пороход яна олдга анча юрди. Вақт чошгоҳ эди. Пороход хизматчиларидан бири:

— Ана, Тўрткўлга келдик! — деди.

Тўрткўл — воҳанинг катта ва гўзал шаҳарларидан бири эканини билар эдик. Қизиқиб хизматчи кўрсатган томонга назар ташладик. Бироқ кўзимизга шаҳар кўринавермади.

— Уҳ-ҳў, — деди хизматчилардан бири, — Тўрткўл қуторибди, дагиш, дагиш, — деди. У кўзларини чимириб, атрофни кўздан ўтказди. Ачинган бир ҳолатда эди у. Бир оз жимликдан кейин:

— Бутун бир шаҳар кетдов, — деб қўшиб қўйди.

Пороход капитани синчковлик билан атрофга назар ташлаб, пороходни тўхтатишга жой изларди. Шу пайт атрофга шох таратиб турган салобатли гужум дарё томон эгила бошлади. Бир лаҳзадан кейин у шалоплаб дарёга қулади. Лойқали сув тўлқинлари уни ямлаб ютгандек бўлди. Яна бир лаҳзадан кейин кичикроқ қалъадек жой — ҳовлининг бир бурчагидаги кичикроқ минорани эслатадиган кунгура гумбирлаб ўзини сувга ташлади. Еру иморатлар қадам-бақадам шу ҳолда дарё қаърига ўзини топшира борарди.

Пороход бу ерда кўп турмади. Уй-жойларидан ажралган бир неча хўжаликлар кўч-кўронлари билан пороходга чиқиб олдилар. Пороход яна йўлга тушди.

Кун оғиб, кеч кираётган пайтда «тошсоқа, тошсоқа» деган сўзлар қулоққа чалинди. Бу сўзни ҳам биз илгари эшитиб юрган бўлсак-да, унинг сир-асрорини англамасдик. Пороход капитани Собир ака ўзини мактабда дарс бераётган домлалардек тутиб, бизга тушунтира кетди.

— Хоразмни ҳамма ери шу тошқондан сув олади. Бизнинг илк бор сафарга чиққанимизни эшитадиган бўлса керак, Собир ака ўз сўзларини порохдан бери ерда ҳам дагиш бор. Лекин ер тошлиқ бўгани билан ерни дагиш емиролмайди. Ота-буволаримиз сувнинг узлуксиз аҳолига етиб боришини кўзлаб, шу тошқондан ердан соға ёрғонлар.

Атрофни қоронғулик пардаси ўраб олаётган бир пайда ҳаммамизни ҳайратга солган бир жойга етиб келишимиз «Туямўйин», «дул-дул ҳатлаган жой» сингари атамалар эшитила бошланди. Бу сўзларни ҳам илгари эшитганимиздик. Ҳатто бу ҳақдаги баъзи афсоналарни ҳам билардик.

Ҳазрат Али Шоҳимардонда кофирлар билан қаттиқ жангга кирган экан. Дул-дулини суриб, душман изидан қувиб борар экан, дарёга дуч келиб қолибди. Дул-дул бир сакраб, оёқларини дарёнинг нариги қирғоғигача етказибди. Айтадиларки, ўша жойда дул-дулнинг излари ҳанузгача сақланган.

Кенг дарёнинг суви бу ерда икки тоғнинг орасидан сиқилиб ўтади. Оқимини кузатган одам ажиб бир ҳолатни кўради. Сув бу ерда тўлғоқ тутаётгандек буралади, товланади, кўпиради. Баъзи ўринларда сув тагидан куч билан қабариб чиқади-да, яна пастга шўнғийди. Бу жойдан пороходнинг ўтиши ўта хатарлидир. Капитаннинг зиғирча хатоси билан пороход у ёқ ёки бу ёқдаги тошга урилиб, чил-парчин бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу боисдан капитан бу ерда ўзини ўта сергак тутаяди. Асаблари таранглашади, кўз қорачиқлари кенгайди. Хизматчиларга тегишли буйруқларни баланд ва ҳукмрон овозда етказиш учун ҳаракат қилади. Моторларнинг гувиллаши кучаяди. Итаргич ғилдиракларнинг шатир-шутурлари тезлашади. Пороходнинг бутун борлиғи титрайди. Гўё у сувда сузаётгани йўқ, балки тоққа тирмашяпти. Ундаги йўловчиларнинг овозлари ҳам чиқмайди. Жимжитлик. Фақат пороход ходимларининг бир-бирларига берган буйруқ ва мурожаатларигина эшитилади, холос.

Бу ҳаяжонли йўл қарийб бир соат давом қилади. Ундан ўтгач, йўловчилар катта ва хатарли синовлардан ўтган одамлардек ўз сўз ва назарлари билан бир-бирларини табриклагандек бўладилар.

Олти кун давомнда Жайҳун узра юқори томон суздик. Ниҳоят дарё устида сирли тасма пайдо бўлди.

— Ана, кўпир, дарё кўпирини, — деган овозлар эшитилди...

Шундай қилиб биз ўша даврда билим юртларидан бири жойлашган Чоржовга етиб келдик...

XXXXXVI. «УҚИЙВЕРСА, УҚИЙВЕРСА...»

Чоржов поезд станцияси.

Поезд бир неча бор виш-вишлаб, ўрнидан қўзғалди ва аста-секин тезликни ошира бошлади. Вагон ичи иссиқ, дим. Кексароқ йўловчилар нафас олишга қийналадилар, ҳарсиллайдилар, тез-тез терларини артадилар.

Ётишга мўлжалланган ўтирғичнинг эшикка яқин бурчагида ўтирибман.

Бир оздан кейин йўловчилар тинчлангандек бўлдилар. Вагон эшигидан эса бошлаган енгил шабада баданларни хиёл совитди. Йўловчилар вагонга чиқиб олиш пайтидаги чарчоқдан хиёл ёзилгандек эди. Бир-бирлари билан ким қаерга бораётгани, қаердан келаётгани хусусида узуқ-юлуқ савол-жавоблар бошланди. Навбат менга ҳам етди. Менинг жавобим тайёр эди.

— Тошкентга, ўқишга!

Йўловчиларга берган бу жавобимда ўзига хос қаноат ва ғурур борлигини ҳис қилардим.

Одатдаги ур-сур, тўс-тўполон бир ҳолатда дўстим Жуманиёз билан Чоржов станциясидан вагонга чиқиб олдик. Битта билет билан иккаламиз чиққанмиз. Иккинчи билетни олишга пулимиз етмаганди. Энди Жуманиёз қаерда, менга ўхшаб қайси бир бурчакка тикилиб ўтирибдими ёки вагон оралаб юрибдими, билолмайман. Ҳадеб вагон йўлагига қарайман, бирор томондан кўриниб қолармикин деб.

Ярим соатлар чамаси вақт ўтар-ўтмас йўлакда Жуманиёз пайдо бўлиб қолди. Секин қулоғимга шивирлаб:

— Текшириб юрибдилар, мен вагоннинг устина чиқиб оламан, — деди-да, ўтиб кетди.

У пайтларда ҳозиргидек вагон бошқарувчиси билетларни йиғиб олиб ўзида сақламас эди. Ҳар кимнинг билети ўзида бўларди. Билет текширувчилар ҳам кўп бўлиб, қарийб ҳар станцияда поездга чиқар ва ҳар бир йўловчининг билетини махсус мослама билан тешиб берарди. Шундай қилиб манзилга етгунча билетлар бир неча жойидан тешилган бўларди.

Поезд бир маромда шиддат билан олға кетарди.

— Тақ-туқ, тақ-туқ, тақ-туқ...

Бурчакда сиқилиб ўтирарканман, Чоржовда ўқишда юрган пайтларим бирин-кетин хаёлимдан ўта бошлади.

Пороходдан тушгач, Чоржовнинг ғарб томонида жойлашган муаллимлар тайёрлашга мўлжалланган педтехникумга кириб бордик. Атроф-муҳит мен учун мутлақо янги эди. Кўча томон «Г» ҳарфи шаклидаги бир қаватли иморат бўлиб, унинг ичкарасида ётоқхона жойлашган эди. Уртада ихчамгина хиёбон, унинг ёнида спорт майдони. Уқишлар бошланди. Уқитувчилар мактабда кўрган муаллимларимдан фарқли бўлиб, уларда қандайдир салобат бор, мактабдаги муаллимларга нисбатан улар билимдонроқ ва ўз ишига масъулият билан қарайдиган мураббийлар эди.

Уқишнинг биринчи чорагида мен тенгдошларимдан анча орқада эканлигимни сездим. Ҳатто деворга осифлиқ қизил, жигарранг, сариқ, қора бўёқлар билан чорак ўқишни якунлайдиган жадвалда менинг фамилиям тўғрисида иккита қора бўёқли доира чиқди. Бу дегани мен икки фандан қониқарсиз баҳо олганим эди. Иккинчи чоракда қора бўёқли доиралардан халос бўлдим. Учинчи-тўртинчи чоракларда менинг баҳоларим кўпроқ жигарранг ва қизил бўёқлар билан белгиланадиган бўлди. Демак, мен тенгдошларимга етиб олдим.

Техникумда ўқиш менинг дунёқарашимни ағдартўнтар қилиб юборди. Илгари халқ китобларидаги жангу-жадаллар, ошиғу-мошиқларнинг саргузаштлари, руҳий афсоналар ўрнини моддий борлиқ хусусидаги илмий ихтиролар ва аксиомага айланган мушоҳадалар эгаллаб олди.

Поезд ҳамон олға қараб йўл босади. Атроф манзаралар мен учун янги. Станциялар кетидан станциялар келади. Станцияларга мувофиқ йўловчиларнинг хиллари ҳам ўзгариб боради.

Анча вақт ўтгандан кейин яна дўстим Жуманиёз пайдо бўлди. Унинг юзлари қорайган, кийимлари ҳам қирланган.

— Вагоннинг устинан тушиб келдим, — деди у.

Поровознинг тутуни унинг уст-бошини, юзларини қорайтирганлигини англадим. Чўнтагимдаги билетни бериб, ўрнимни унга топширдим. Ўзим эса текширувчилар назарига тушмаслик учун секин бориб, вагон эшигини очдим-да, зинасида ўтириб олдим.

Поезд тезлигидан пайдо бўлган шамол юзларимни тимдалар, ўзимни учуриб юборадигандек эди. Бир қўлим доим зина тутқичида. Поезд тезликни ошираётган пайтларда поровоздан чиққан аччиқ тутун мени қоплаб оларди. Юз-кўз, кийим-кечакларимнинг қорайиб кети-

шини тасаввур қилиш қийин эмас эди. Поезд тезлиги бир маромга тушиб олганда анча тинчланардим ва хаёл дарёси мени ўз оқимига тортарди.

Техникумда дарс берган ўқитувчиларим бирин-кетин кўз олдидан ўта бошлади. Тўрақулов деган ўқитувчимиз бўларди. У табиатан ўта жиддий, озгин, юз-кўзлари келишган, фақат ияги хиёл бўртиб тургандек кўринарди. Гапга чечан бўлиб, биология ва химиядан дарс берарди. Синфга кирганда унинг қўлида китоб тугул, бирор қоғознинг парчасини ҳам кўрмасдик. У барча илми ёддан ва эҳтирос билан тушунтирар эдики, гўё буларнинг ҳаммасини ўзи ихтиро қилгандек. Биз унинг сабоқларига жуда қизиқардик. Синфимиздаги талабаларнинг аксарияти ўзини биолог ёки химик бўлишга мўлжаллагани ҳам шу домла номи билан боғлиқ эди. Мен ҳам ўзимни биолог бўлишга чоғлаган эдим.

Хаёлим иккинчи бир ўқитувчимизга ўтди. Унинг фамилияси Алиакбарова эди. Нозиккина, нимагадир қишнинг илиқ кунларида ҳам шуба пальтосини кийиб юрадиган одати бор эди. Овози жуссасига мос ингичка эди. У математикадан дарс берарди. Шахсан мен математикага қобилиятим паст эди. Бироқ Алиакбарованинг математика формулаларини куйиниб, жону дили билан тушунтирганлари боисидан бу фанга менда ҳам қизиқиш уйғонди. Унинг устига Алиакбарованинг ҳам, Тўрақуловнинг ҳам «фалон профессор бизга сабоқ берган», деган сўзларини эшитиб, «у профессорларнинг шогирдлари шу даражада бўлса, ўзлари қай даражада экан», деб ўйлаб қолардим.

Кунларнинг бирида дарс тугади-да, талабалар йўлакка чиқишди. Шу пайт бошқа бир синфдан Алиакбарованинг чиқиб келаётганига кўзим тушди. Унга салом бериб, у билан икки оғиз гаплашиш истаги туғилди, менда.

— Уртоқ муаллим, — дедим. У дарсга тегишли бирор нарса сўраса керак деб, қулоғим сизда дегандек менга тикилди. Дафъатан хаёлимга келган бир фикрни айта солдим. — Ўқийверса, ўқийверса, профессор бўлиш мумкинми?

— Йўқ! — деди у. — Профессор бўлиш учун истеъдод керак.

Алиакбарованинг сўз оҳанги жиддий эди. Ҳатто мен берган саволнинг ноўринлигига ишора қилгандек бепишанд эди. Мен унинг рўпарасидан чекиндим, у ўтиб кетди.

Алиакбарованинг жавобидан кейин менда қандайдир беҳафсалалик пайдо бўлди. Мени хаёлимни банд қилиб юрган умид-орзулар чилпарчин бўлгандек эди. Ўзим ҳақимда шубҳа ва эътирозлар пайдо бўлди. Борди-ю, менда қобилият бўлмаса, истеъдод бўлмаса келажак ҳаётим бўшдан бўшга ўтиб кетадигандек кўринарди. Хаёлим шу даражада банд эдики, мен қаёққа кетаётганим, қандай аҳволда кетаётганимни ҳам унутган эдим. Поровознинг қаттиқ бўкириги хаёлимни бўлиб юборди. Қарасам, поезд бир маромда кетяпти.

Тақ-туқ, тақ-туқ, тақ-туқ...

Тошкентга етиб келгунча дўстим Жуманиёз билан ўрин алмашувлар бир неча бор такрорланди. Ниҳоят, биз орзу қилган манзилга етиб келдик.

Тошкент катта шаҳар, Ўзбекистоннинг пойтахти, маданият маркази, кўп улуғлар ишлайдиган, яшайдиган жой деб эшитардик. Мана энди унинг кўчаларида юриш, бу ерда яшаш бизга ҳам насиб қилаёттир.

Эртасига дўстим Жуманиёз билан Туркменистоннинг Тошкентдаги ўқитувчилар тайёрлаш институтининг директори Абдуллаевнинг қабулхонасига кирдик. Навбатимиз етиб, у бизни қабул қилди. Ўрнидан туриб, очиқ чеҳра билан кутиб олди. Одатдан ташқари мулозамат билан: «Келинлар, келинлар», — ҳам деди. Биз ҳам узоқ вақтлар кўришмаган яқинимиз билан учрашиб қолгандек у билан кўришиб-сўрашдик. Бунга ҳақли ҳам эдик. Абдуллаев бунгача биз ўқиган Чоржов педтехникумининг директори эди. Яқиндагина уни бу институтга директор қилиб ўтказган эдилар. У ҳам кутилмаганда ўзига яқин кишиларга дуч келиб қолгандек сезарди ўзини. Абдуллаев ҳужжатларимизни бир-бир назардан ўтказди-да, аризамизнинг бурчагига қўл қўйди ва ўрнидан туриб бизга яхши истаклар билдирди:

— Қишлоқлар ўқитувчиларга зор. Ўқийсизлар, илм оласизлар, келажак авлодни тарбиялайсизлар!

Сентябр ойининг бошларида ўқиш бошланди. Илгари фақат орзуимизда юрган доцент ва профессорлардан дарс ола бошладик. Тилшунос олим Фаттоҳ Абдуллаевнинг, йирик психолог, профессор Ивановнинг сабоқлари мароқли бўларди биз учун (Абдуллаев 50—60-йилларда Республика миқёсидаги масъул ишларда хизмат қилди. Узоқ вақтлар Ўзбекистон Олий Совети раисининг котиби вазифасини адо этди. Кейинги қисмати менга маълум эмас).

XXXXXVII. «ТУР, УРУШ БОШЛАНДИ!»

Шу йилнинг ўзида Самарқандга иккинчи марта келишим. Бугун ҳам Чоржўй станциясидан чиқиб, бу ерга келдик. Чошгоҳ маҳали эди чамамда, чала уйқуда ётган эканман, поезднинг тўхтаганини сезиб қолдим. Вагоннинг иккинчи полкасида эдим. Дўстим Рўзмат Қаримов кифтимдан турта-турта уйғотди:

— Тур! Уруш бошланибди! Каттақўрғондамиз,— деди.

Рўзмат Қаримов ўрта бўйли, юзлари чўтир йигит эди. У саводли ва тажрибали ўқитувчилардан ҳисобланарди. Ҳушёрликда ҳам биздан ажралиб турарди. Уруш бошланишининг нақадар фожеали эканлигини унинг шошилиш хатти-ҳаракатлари, юзларининг сўлгинлиги, кўзларининг маъюслигидан сезиб турардим.

Дўстимнинг дафъатан айтган бу гаплари аввалига менга кўп ҳам таъсир қилмади. «Уруш бўлса бўпти-да, Қизил Армия душманларини бирпасда янчиб ташлайди», деб ўйлардим мен хотиржам. Бироқ станцияда ўрнатилган катта карнайдан ваҳимали овоз тараларди:

— Говорит Москва, говорит Москва... Немецкий фашисты...

Бу овоз даҳшатли тўқнашув рўй бераётганидан дарак бериб турарди. Вагон ичидаги кексалар, пастга тушиб яна вагонга чиқаётган катта ёшдаги одамларни саросимада кўрдим.

Чоржовда ўқиб юрган пайтларда ҳарбий муаллимимиз Исмоилов Финляндияда бўлаётган уруш даҳшатлари ва ундаги рўй берган йўқотишлар ҳақида гапириб берганди. «Уруш бошланибди» деган сўзлар энди бу хабарни эсимга солган эди.

Кўлимизда чамадон, йўлни ҳамон давом қилдирамиз. Дўстларим чурқ этмайди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд. Баъзан мен орқада қолиб кетаман. Кейинги бир йил ичида бўлиб ўтган воқеалар жумбоғи ечилаётгандек кўринади хаёлимда.

Дўстим Жуманиёз билан Тошкент туркман ўқитувчилар институтига кириб ўқиётганимиздан хурсанд эдик. Кўнгилга тугилган орзулар ушалаётгандек кўринарди, бизга. Қутилмаганда орзу-умидларимизни барбод қилган бир воқеа рўй берди. Олий ўқув юртларида ўқиш учун ҳақ тўлаш керак, деган ҳукуматнинг қарори эълон қилинди. Пули борлар пул тўлайдиган, пули йўқлар ҳужжатларини сиртқи билим юртларига

ўтказадиган бўлди. Биз ўқийдиган жойда сиртқи бўлим бўлмаганидан ҳужжатларимиз Самарқандга жўнатилган эди. Мана энди биз Самарқанд ўқитувчилар институтига сессияга келяпмиз.

Йўлимиз шаҳарга яқинлашай деб қолди. Ниҳоят, институтга етиб келдик. Ётоқхоналарга жойлашдик. Эртасига сессия бошланиши керак. Бироқ, унинг ўрнига тушуниш қийин бўлган ғала-ғовурлар бошланди. Ҳамма талабалар буйруқ билан институтнинг олд саҳнига йиғилишди. Ўртада стол. Стол устига қўлида газета тутган бир йигит кўтарилди. «Домла Абдуллаев, домла Абдуллаев» деган сўзлар қулоғимга чалинди. Унинг қиёфаси ҳанузгача кўз олдимда. У ўрта бўйли, тўладан келган, юзлари лўппи, тим қора кўз, ёш йигит эди. У шу даражада ёш эдики, ҳатто «домла, домла» деган сўзлар унга ярашавермайдигандек кўринарди.

Ҳамма жим. Қандайдир хавотирли хабарни кутяпти. Воҳид Абдулла қўлидаги газетани очди-да, баланд овоз билан ўқий бошлади. «Уруш бошланиши муносабати билан ҳукуматнинг халққа мурожаати эди бу. «Ватан хавф остида, душман ватанимизга бостириб кирди, келишувларни бузди, катта куч билан муқаддас тупроғимизга кириб келди. Мамлакатнинг барча куч ва қудрати сафарбар қилиниши керак!» деган сўзлар бор эди бу баёнотда. Бу ташвишли ва кўнгилсиз иборалар Воҳид Абдулланинг баланд ва урғули овози билан яна ҳам ваҳималироқ эшнтиларди.

Уша куни деярли ўқиш бўлмади. Ҳамма — ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам мажҳул бир ҳолатда ва саросимада юрдилар. Амир Темур қабрининг очилиши ҳақидаги хабао ҳам ўша куни тарқалган эди. Бу ҳол ҳам саросима устига саросима туғдирди. Самарқанд бамисоли арининг бузилган уясига ўхшарди. Ҳамма кўчада. Одамлар қаёққадир шошилгандек, ниманидир йўқотгандек, бемақсад қаерларгадир интилгандек кўринарди. Уларнинг юз-кўзларида нотинч бир асабийлик кўзга ташланарди. Улар орасида ҳар хил гап-сўзлар, шивир-шивирлар.

— Тинч ётган Амирнинг қабри очилди, шунинг учун уруш бошланди...

Мана бу гап ва шов-шувларнинг мавзуси.

Ун беш кунлик сессия кўнгилдагидек ўтмади. Баъзи домлалар жангга сафарбар қилинди.

Сессия тугар-тугамас биз ҳам қайта йўлга чиқдик.

САБОТ САБОҒИ

Мезбонни безовта қилмай вақтида келиб, вақтида кетган меҳмон яхши бўлганидек, хаёлга келган яхши фикрнинг шакл топиб ўз вақтида қоғозга тушгани яхши. Кеч келиб, кеч кетаётган, хира меҳмондай малол келаётган бу йилги қиш шакли йўқ, увада фикрга ўхшаб кишини зериктириб юборади. Ёғиб ёғмай, худди қовоғи кўкарган касалдай кулранг тортган ҳаво ҳали-бери ечиладиганга ўхшамайди. Юракка ғашлик берувчи, ушалмаган орзуга ўхшаш чала-ярим, ҳазин хотиротдек туюлган ўйлар мияга келиб, ҳеч кетгиси келмайди. Бундан қутулиш учун кўчага чиқай десанг ҳаво совуқ, этни жунжиктирувчи совуқ шамол эсади. Шунда уйда кўмилиб ўтириб, сени яхши тушунадиган меҳмон келишини кутасан. Лекин келмайди. Чунки кўнгилни тугал тушунадиган, унинг устига хоҳлаган пайтингда келадиган бундай меҳмоннинг ўзи йўқ. Бундай ҳолатда кўпинча яхши китоб ўқилади, ё радио эшитилади... Ҳазин халқ кўшиғи ҳолатга мос келгандай бўлади. Лекин бу ҳам тезда тугайди. Адабий эшиттириш бошланади. Атоқли адиб Матёқуб Қўшжоновнинг «Дағиш» номли эсдалик асаридан парчалар ўқилади. Эшитгучининг кўз ўнгида ёзувчининг болалиги ўтган Хоразм диёри, Қорақум саҳроси, гужумлар соя солган қишлоқ кўчалари, серҳосил далалар намоён бўлади. Туронгизорлар, ёпу-отизлар, бел тегар-тегмас уваланиб, сочилиб кетадиган тупроқда битган хилма-хил қовунларга тўла полизлар тасаввурда жонланади. Ёрларидан «тилло унган» ўлкада туғилган, жингала сочли, йирик қўй кўзлари кишига ҳамдардлик билан боқувчи мурғак боланинг биринчи бор ҳақсизликка дуч келиб, изтиробга тушганлари тасвирланади. Уни кўкракдан ажратадилар. Она бағрида бўлишга, тўйишга ўрганган полапон юраги бунга кўникиб улгурмай, янги маҳрумликларга дуч келади. Болалар билан йўлнинг шигиридан бирга чопишлари, тутга тўйиб кўча бўйида ётганча иссиқ тупроқ элитиб ухлаб қолишлари, эккан

кўчатларини Элтизор бобо суғуриб ташлаганини кўриб ташвишга тушганлари, онасининг юзида ранс урган қамчидан қолган қонни кўргандаги даҳшати, тўю аза, ҳайиту-байрам, ҳашар-йиғноқларда бола юрагидан ўтган кечинмалар содда-самимийлиги билан ўзига мафтун қилади... Тор ўйга кишининг қалбини тугая тушунадиган кексиз, кенг юракли меҳмон кириб келгандай, далаларнинг тоза ҳавоси, бола табиати билан чанг босган кўнгил кўчасини супуриб, тозалаб ўтгандай бўлади.

Дарҳақиқат, кишининг табиатига не яхши фазилат кирса бола вақтида киради. Негаки бола қалби ҳаммаша пок, эзгу одамлар учун доим очиқ, ногоҳ ёмонлик кўрганда ҳам кечирувчи, унутиб юборувчи бўлади. Яхшилик унинг табиатига қумга сингган сувдай тез сингади.

«Қалбингни бола қалбидай поклаб кел, шунда Ҳақ ҳузурига муносиб бўласан». Исо алайҳиссаломнинг бу сўзларида чуқур маъно бор.

Худонинг назари тушган бу сеҳрли воҳанинг болаларигина эмас, катталари ҳам ниҳоятда пок, бола табиатли, меҳнаткаш бўлганлиги кишини ҳайратга солади. Босқинчилар уйига бостириб кириб, молини талаб, яқинларини отиб кетган Қўшжон ақанинг кўчага чопиб чиқиб фақатгина: «Нега отасан? Томингни тешдимми бу сеннинг?!—деб қолиши, ўч олишни ўйламаслиги ўша даврда шу воҳа одамларининг ниҳоят даражада содда, ҳам самимий бўлганини очиб беради.

«Ноҳақ ўлдирилган одамнинг руҳи шаҳид бўлади, тирикликда чекиши мумкин бўлган азобу-қийинчиликлар ўлдирганнинг тақдирига уланади деган ақида қадимдан бор. Бу ҳақ гап, чунки яратилган одамзотнинг тақдиру-ёши белгилик, у маълум бир муддатда яхши ёмон синовлардан ўтиб, руҳи такомил топиши керак. Бу жараёни бузишга журъат қилиб, одам ўлдирган киши шаҳиднинг бошида бор бўлган ҳамма азобни ўзига олади. Ҳеч қандай иш чала қолмайди.

Қадимда уйига тушган ўғрига олмоқчи бўлган нарсасини икки қўллаб бериб юборадиган эътиқодли хонадонлар бўлган. Шундай қилинса оила бошига тушиши мумкин бўлган фалокату-тўсиқлар ўғирлик нарса билан чиқиб кетади деб ишонадилар.

Дарҳақиқат, дунё бир карвонсарой. Чарчаган руҳлар бунда дам олиб, яна йўлда давом этадилар. Улар ичида атрофга мол тўплаб, яхши кийиниб, яшашга

қулай шароит яратиб олганлар, оғир юк остида қолганлар бор. Улар дунёни фақат шу карвонсаройдан иборат деб ўйлайдилар. Чекланган тасаввурлари бундан ортиқ нарсани сиғдирмайди. Лекин ўзига ортиқча юк олмай, енгил бўлиб эшикка яқин ўтирган, Ҳақ кўнғироғи садосига бутун борлиғи билан қулоқ тутиб ўтирганлар ҳам бор. Булар Ҳақ даъватига биринчи бўлиб етиб борувчи, Аллоҳ раҳматига эришувчи ҳақиқий, озод, бахтиёр эранлардир. Аҳвол шундай экан, бировнинг молини, айниқса камбағалнинг молини ўғирлаб ўз юкини оғирлаштирган, Ҳаққа етолмай аросатда қолганнинг ҳоли не бўлишини тасаввур қилса бўлади.

Қўшжону Бекжон акалар ўша даврда авлиёлар айтиб, ёзиб кетган бу ўғитларни ўқимаган бўлсалар ҳам, авлоддан авлодга яхшилик, ҳалол меҳнат билан кун кечириб, бунинг натижаси — тинч, осуда истироҳатга, кўнгил кўзи очилиб қилинадиган ҳақиқий ибодатга эга бўлганлар.

«Чопонингни ечиб олганга кўйлагингни ҳам ечиб бер, ўнг бетингга урганга чап бетингни тут» деган Қуръон оятига билиб-билмай амал қилганлар. Ҳақ йўлида дарвеш бўлган бобокалон Бекназар бобонинг пок руҳи уларга мадад берган.

Ёзувчи бобокалонининг авлиё бўлганлиги ҳақида, айниқса унинг қайиққа тушолмай сув юзидан юргани, нариги қирғоққа ўтгани, буни кўрган одамлар борлиги ҳақида тортиниб, камтарлик билан ҳикоя қилади. Аслида танада мудраб ётган руҳий кучлар уйғониб илоҳий сифатларни намоён қилиши мумкинлиги Одам Атодан мерос қолгани маълум. Кўкда малоикалар қуллуқ қилган Одам алайҳиссалом ҳам дунёвий, ҳам илоҳий сифатларга эга бўлган, Аллоҳ яратган мўъжиза эди. Фаришталарнинг унга қуллуқ қилганига сабаб унинг елкасига заминнинг оғир юки тушди. У кўк билан ерни боғловчи бўлиб қолди. Бу юк оғирлик қилганда пайғамбару авлиёлар бот-бот келиб унга, унинг авлодларига ёрдам бериб турдилар. Баъзи авлиёлар Бекназар бободай яширин келиб ўз сирларини фақат кўтара оладиган муридларга ўргатиб, «дилни дилга, рангни рангга улаб» бу анъанани чексиз илоҳга сингдириб ўтган бўлсалар, баъзилар валиуллоҳ Нажмиддин Кубродай ҳам мурид тарбиялаб, ҳам асарлар ижод қилиб Ҳақиқат тантанаси бонгини урдилар. Илоҳий Сур овозига мос келган бу бонгининг акс-садоси бутун коинотни тутди.

Езувчи асарда тиклаган одамларнинг «назари бахайри» тушган динаткаш фарзандлари эди. Бекназабор бу авлод вакиллари ҳақида, акаси ҳақида у камтарлик билан дан қўймай қисқа, содда қилиб ёздан холи, бу мўъжаз ҳикоячаларнинг инсоннинг тақдири, кечинмалари ўз Офтобда қорайган, умри одамлар билан ўтган, лайлакисфат дароз боғидай келадиган дастпанжаси билан ловни бир олишда тинчитадиган бир оёқ панжасини от босган, яра ўрнигиз қўйиб, яна ўз ишини қилаверузилган бармоқни ерга кўмиб қўйиб от шайдоси Юсуфжон ака, худди тираб дур (тўхта) деб тўхтатиб ташлаб кет», деяётгандай бўлган Худойшукур девоналарнинг қиёфасамимий чиққанки, ўқиган одамнинг қолади. Емонлик ҳеч эсларига келмайдиган бу содда одамлар пўрим кийиниб юрадиган, қилиб, одамларнинг садақаси эвазидан Худойшукурни девона ҳисоблаб, тегишини мунтазам бериб турадилар.

Ношуд Рўзимат аканинг қўлида илнжида колхоз учун ишлатилган, ни кўриб, ишни қилган одамга бирликдан икки кун кўкрагини захга акаларнинг ҳолати ўша 30-йилларнинг очиб беради. Болаларга «маърифат гуноҳи» бўлмаган ўқимишли, захнинг қадок қўлларини боғлаб олиб қишлоқлари уни кейин бошқа кўрмайдилар.

Езувчининг онаси Қурвонбиканинг гўзага киради. Болаларини боқиб бўлиб кетишидан қўрққан бика турган сугири гўшт ШУ жажжи бир ҳикояда адиб онаси воҳаси аёлининг ўзига хос қиёфасини тимсолида Хоразм биканинг шамолда тўзиган сочлари яратади. Қурвонга ўралашган узун қўйлак этақлари, ҳилпираб, оёқларигандаги изтиробни, қамчи изидан қолган ярада қотган қон, бу орада тандирда оловда қолиб куйиб кетган нонлар, яна кеч ҳамма овқатга йирилганда ярани эрдан бекитиш учун рўмолини томоқ аралаш ўраб олган-

даги сабру бардоши, иффату ҳаёси хоразмлик ўзбек аёлига шунчалик хоски, буларни унутиб бўлмайди. Очликдан толиққан қариндошига «бир елпим жўхори олиб бориб бардим», деб эрига гуноҳкорона жилмайиб қарашлари, бунга жавобан Қўшжон аканинг кулиб қўя қолиши, эру-хотин ўртасидаги бу каби покиза муносабат қадим ўзбек халқининг гўзал урф-одатларини эслатади.

Асарда ахлоқий фазилатлар, халқ урф-одатлари, удумлар, тўю аза, ҳайит, байрамлар тасвири қаҳрамонларнинг кечинмалари, тақдирига сингиб кетган, улар яхлит бир бадний бутунликни ташкил қилади.

Умумий ҳашар билан чиғир ясаб сув чиқариш, зовур қазиб дамбалар тиклаш, ҳовузларга ернинг намини оқизиб қўйиш каби ерни серҳосил қиладиган амалу тадбирлар ҳақида батафсил ёзилади.

Ёзувчи ўша давр воҳа кишиларининг асосий егулиги бўлган жўхори, қовоғу қовунлар етиштириш, қовоқни қириб саримой билан қориб нон яшаш, ўрик қуритиш каби шаҳар аҳолиси ичида унутилиб кетган, соғлиққа фойдали бўлган, «белга қувват берадиган» озиқлар тайёрлаш тўғрисида ҳам маълумот беради.

Ўша вақтларда биргина қовуннинг ўнлаб турлари етиштирилган. Оқновот, шакарпора, турновот, жийдаяпроқ, қариқиз, нонугўшт, гурвак, кечки бешак, гулоби, қорақош каби қовунлар меҳнаткашнинг «белга қувват» берган.

Бу удумлар ҳаммани бир қолига солмоқчи бўлган тузумнинг тазйиқи остида йўқолиб кетмади. Ёзувчининг унласи даврнинг сиёсий-ижтимоий ўзгаришларига бардош берди, урушдан ҳам омон чиқди.

«Тасавwurда ногоҳ жўкки этик, дўнма тўн, силкима телпак кийган, Янгибой уста ясаган аравага қўшилган отга минган баҳодир йигит жонланади. У самовий аравасини гулдиратиб болалиги кечган, гапчил Исмоил дойи ҳам Бекназар авлиёлар яшаган воҳа устидан учиб ўтади. Учаётиб бургут қараш билан бутун воҳани қамраб олади. Гоҳо орқага — аравада ўтирган Қийишжон момосига, Қурвонбика опасига қарайди. Улар «бизни нерга олиб борасан?» деяётгандай бўладилар. Ногоҳ от «совет»нинг шовқинидан ҳуркиб аравани номаълум томонга олиб қочади. Жилонни тортиб, эплаб бўлмайдиганга ўхшайди. От-арава уруш бўлаётган ерга бориб қолади. Ўрмонда немис мерганлари уни қидиради... У бошидан телпагини олиб ду-

булга княди. Опаси билан момосини бу издиҳом ичидан омон олиб чиқишни ўйлайди. Жилловни қўйиб қўлига милтиқ олади... Жилловсиз қолган отнинг қалтис ҳаракатида «хомит» синади. У аравадан тушиб хомитни тузатади. Адашган отни етаклаб йўлга олиб чиқади. Манзилга етиб келганда шу маълум бўладик, отнинг бир ҳуркиши бир аср, ҳам бир асарга тенг бўлибди.

Ҳаво очилиб деразадан қуёш нури тушди, қоронғу уй ёришди. Нохуш фикрлар қоронғулик каби чекиниб, ўрнини маънавий, мукаммал гўзалликдан завқланиш ҳисси эгаллади. Бу завқ танга ўтиб, одамни ўрнидан турғазиб юборди. 75 ёшдан ўтиб, 80 нинг тагида турган, кексалигига, елкасида ўқ тешган яраси, бош оғриғига қарамай шу ёшда шундай ажиб бир асар ижод қилган адибни ўз уйида кўриш истаги туғилди. Кишининг тўғри қалбига қаровчи йирик қўй кўзлари, чексиз самимият акс этган очиқ юзидаги содда рафтори биздаги тортинчоқлик ҳиссини йўқотиб, ўрнида завқ-шавқ уйғотди. Ҳовли ўртасида, ариқ бўйида ўсган гужум сўрига соя ташлабди. Бу ернинг бошқа ҳовлилардан ободлиги, бошқаларга қараганда бундаги дарахтларнинг дуркун ўсганлиги бизни ҳайрон қолдирди. Бунинг сирини кейинроқ адибнинг ўзи айтиб берди. Маълум бўлишича, соз тупроқли бу қаттиқ ернинг нами кам бўлганидан, кўчат экилишидан аввал чуқурни чуқурроқ қазиб, ичига сув қўйиб қўйилар экан. Фақат бугина эмас, сув чиқариш, хомтоқ, ерни ишлаш, ўрикни қуритиш, узумни ҳам бошқа меваларни қишга асраш каби ишларда адиб болалиги ўтган воҳа усталарининг тажрибасидан унумли фойдалангани кўриниб туради. Биз унинг ижодидаги тартибни уйда ҳам, ўғил-қизу набираларида ҳам кўрдик. Суҳбат адибнинг янги асари устида бориб, биздаги маънавий талабни қондириш учун у болалигида кечган, китобга кирмай қолган қизиқ воқеалардан гапириб берди.

Бизнинг авлод эсини танигандан бери Матёқуб ака Қўшжоновни билимдон адабиётшунос, беғараз танқидчи сифатида таниб келар эди. Бу кун маълум бўлдики, умр бўйи содда, халқчил, самимий адабиёт талабида бўлиб келган устоднинг қалами остидан ўз талаб-орзулари даражасида ажойиб бир бадий асар дунёга келибди.

Тасаввурда мурғак чақалоқ, гардун уни эс-ҳушидан маҳрум қилиб, аввал ёруғ дунёга келтириб олди. Ақл-

руҳини она сути билан киргизиб, она бағрига, ўткинчи дунёга боғлади.

Чақалоқ туғилди, лекин унинг туғилишида ихтиёр йўқ, бўлганда балки туғилмасди. Кўкракдан ажратдилар, кўнди. «Ҳолвани товуқ туғиб беради», деб алдаб-овутдилар, ишонди. Ёғлиқ нонни қўлидан олиб куюк кулча бердилар, еди. Энди эсини таниганда мажбурлаб урушга солдилар, «тақдир экан» деб бош эгди. Лекин одамга қараб отолмади. Жонажон дўстини отиб ўлдирдилар. Агар отмаса ўзини отишларини, яқинларини отишларини билиб, мажбур бўлди...

Унинг ҳақида китоблар ёзилди...

Урушдан кейин ўқиб олим бўлди. Абдулла Қаҳҳордай алломага шогирд тушди ва ўзи ҳам шогирдлар етиштирди. Баъзида «ўқсиз отадиганлар» орасидан ўтишга тўғри келганда ўзини эмас, адабиётни ўйлади. Бадий ижодни покиза қилишни ўйлади. «Дағиш»дай гўзал асар бу содда, ҳам улуғ, покиза ҳаётнинг табиий меваси бўлиб отилди.

Бундай алломани кўриш, унинг илмидан баҳраманд бўлиш истагида қидириб, уни Бўзсув бўйидан топдик. У ўзининг метин иродаси талабига яраша соғлом қилувчи машғулот—қишда чўмилиш ва чиниқиш билан шуғулланиб, кўп йиллардан совуқ сувдан, тоза ҳаводан баҳра олиб келар экан.

Атроф оппоқ қор. Тозалигидан кўклиги қуюқлашган булутсиз осмонда қуёш чарақлайди. Икки киши ёнма-ён юрса сизмайдиған сўқмоқдан кетиб бораётиб, домла қарши томонидан хаёл суриб келаётган ўспирин йигитга йўл берди. Сўқмоқдан четга чиқиб қор босди. Оёғининг тизза ярмигача қор бўлди. Унга эргашиб мен ҳам беихтиёр четга чиқиб унга йўл бердим. Йигит салом бермай ўйга толганча ўтиб кетди. Мен гижиниб, унинг орқасидан бир қараб қўйдим. Домланинг юз ифодаси ўзгармаган, ҳамон ўша ҳалимқувноқ кайфиятда оёғини ерга уриб тозалади.

«Бу бола шу кетишда боши билан деворни уриб ёрмаса гўргайди. Бош майли-ю, девор эссиз-да... Шунда ҳам ўзига келмаса керак» деган ўй хаёлимдан ўтаркан, домла:

— Биздан кўра совуқ сувда чўмилиш унга керак экан, чўмилиб юрмаган одамнинг хаёли сочилиб қолади,—деди.

Йигит оёқ топиллашиданми ўзига келиб ўгирилди. Бир зум иккиланиб ортига қайтди. Бизга етиб олиб

узр сўрай бошлаган эди, мен койиб бермоқчи бўлдим. Лекин домланинг юзи мамнуниятдан ёришиб кетди.

— Баракалла, ўғлим, қаерда бўлсангиз хаёлингиз шунда бўлсин. Хаёлнинг ижодкор кучи бор, у кўпроқ ўз уйида бўлса бор қудратини кўрсатади.

Йигит қизариб, юзи бундан-да тароватлироқ бўлди. Мен домланинг ҳар қандай қаттиқни ҳам ютиб юборувчи уммондай қалбига ичимда таҳсин ўқидим.

Араб сайёҳи Ибн Батутта ўзининг «Сафарнома» китобида «Бутун дунёни кўрдим, лекин султон Ўзбек қўл остидаги хоразмликлардан ҳам хушхулқ, олийжаноб, мусофирга шафқатли, меҳмондўст халқни ҳеч ерда учратмадим», деб ёзганлари бежиз эмас. Матёқуб акаларнинг томирида қадим футувват жавонмардларининг, Бекниёз бободай авлиёларнинг қони уриб турибди. У умр бўйи турмуш қаттиқчиликларидан, яхшиёмон одамлардан маънавий гўзаллик излаб, топиб, уларни кўтариб чиқди. Бу ишдан илҳом олиб, яна илҳом улашди. Бу йўл Воиз Кошифий тили билан айтганда «Белни вафо белбоғила руст, кулни вафо эмгагига султ эт»ган мард эранлар йўлидир.

Гўзал хулқ кишининг ташқи қиёфасини ҳам гўзал қилади. Агар кўпчилик орасида бўлиб, бирор ҳожат юзасидан вақт қанча бўлганини, ё борадиган жойининг дарагиними сўралмоқчи бўлинса, дуч келган одамдан сўрамайди. Аввал унинг чеҳрасига, қош-қовоғига, кайфиятига қаралади. Кўпинча эса ўзида бўлган, хотиржам, очиқ юзли одамдан сўралса, ижобий жавобга шубҳа бўлмайди. Матёқуб ака ана шундай очиқ чеҳрали, ҳар ким ҳам ботиниб мурожаат қила оладиган ташқи сифатга эга. Шогирдлар ботиниб ундан: «Вақт қанча бўлди, бу йўл қай манзилга олиб боради?» — деб сўрайдилар.

У жилмайиб жавоб беради:

— Вақтнинг ўзи йўқ, фақат Ҳақ даъвати бонгининг абадий акс-садоси бор. Ёзганингизга муносиб бўлинг. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳар нарсадан маънавий гўзаллик излашни қўйманг.

Уни одамлар қалбидан топгач, тафаккурингиз кенгайиб илоҳ даражасига етар...

Бу йўлда охир манзил йўқ, чунки Ҳақ талаби абадий, ҳам чексиздир.

Жўра Пайзий

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
I. «Бика тўн тўқир...»	6
II. Ҳайит сайли	12
III. Отамнинг кўз қири	17
VI. Ўрин подачи	21
V. Мусибатга шерик гужум	24
VI. Отам ва уста Рўзмат	27
VII. Уста Янгибой	30
VIII. Эшмамат тоғам	32
IX. Ама т ямоқчи	34
X. Холли сартарош	38
XI. «Ит тилини биладиган девона»	39
XII. Отамнинг табассуми	42
XIII. Дунёнинг худо ёрлақаган бурчаги	44
XIV. Ўроз бобомнинг қони тўкилган жой	47
XV. «Ола таёғим от бўлур...»	52
XVI. Баҳор шабадаси	55
XVII. Наврўз кунлари	58
XVIII. «Сув келди, сув...»	61
XIX. Билгани билган, дегани деган!	67
XX. Болалик — бебошлик	71
XXI. Хирмон шавқи	74
XXII. Бир кеча ҳикояси	77
XXIII. Дўнма тўн	80
XXIV. Атторчи бобо	84
XXV. «Келин келди, келин!»	85
XXVI. Қишнинг биринчи кун	88
XXVII. «Эти сизники, суяги бизники...»	92

XXVIII. Бегона отлиқ	99
XXIX. Давлатёр домланинг сабоқлари	104
XXX: Таҳликали кунлар	107
XXXI. Энамнинг кўз ёшлари	110
XXXII. Рўзимполвоннинг янгиликлари	114
XXXIII. Сирли совға-саломлар	119
XXXIV. Янги мўъжизалар	123
XXXV: Ўқ ёмғири	128
XXXVI. «Темир полвон»	135
XXXVII. Темир сувтортар	135
XXXVIII. Меҳнат зарбдори	141
XXXIX. Тунги шарпа	146
XXXX. Қуромбой кофиратчи	153
XXXXI. Палов бўлмаса, шовла!	157
XXXXII. Отнинг кўз ёши	163
XXXXIII. Қамчи тамгаси	168
XXXXIV. Бир еллим жўхори	173
XXXXV. «Ўзинг папоҳингда сақла, худойим».	177
XXXXVI. Ўрдак ҳужуми	181
XXXXVII. Эгалик туйғуси	186
XXXXVIII. «Ўқиш керак экан-да!»	189
XXXXIX. Бир дунё ёруғлик	193
XXXXX. Ойдин кеча	197
XXXXXI. Узилган бармоқлар	201
XXXXXII. Она фиғони	206
XXXXXIII. Оппоқ кийинган тенгдошим	210
XXXXXIV. Жўй кўмак	214
XXXXXV. Жайҳун тўлқинлари	219
XXXXXVI. «Ўқийверса, ўқийверса!»	224
XXXXXVII. «Тур, уруш бошланди!»	228
Сабот сабоғи	230

Бадиий-адабий нашр
МАТЕЌУВ ҚЎШЖОНОВ

ДАГИШ

Тарихий-биографик бадиа

Ў з б е к т и л и д а

Муҳаррир **Илҳом Зойир**
Мусаввир **Юлай Габзалилов**
Тартибловчи муҳаррир **Мирзиёд Олим**
Мусаҳҳиҳ **М. Қудратова**

ИБ № 167

Теришга берилди 20.05.97 й. Босишга рухсат этилди. 10.06.97 й.
Бичими 84x108¹/₃₂. Газета қоғози. Шартли босма табоғи 12,65.
Нашр босма табоғи 13,0. Адади 5.000 нусхада. Баҳоси шартнома
асосида. Буюртма № 78.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг
А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент —
129. Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр рақами № 51.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тош-
кент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент—194,
Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.